ЛИЗИНГ МУНОСАБАТЛАРИ
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

ЛИЗИНГ МУНОСАБАТЛАРИ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ

и.ф.д., профессор Д.Ғ. Ғозибеков умумий таҳрири остида

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг илмий-услубий кенгаши қарорига асосан ўқув қўлланма сифатида тавсия этилди

«FAN VA TEXNOLOGIYA» – 2004

Л 558

УДК 339.187 (5У)
ББК 65.262.1 (5Ў)

Д.Ғ. Ғозибеков, О.Ш. Сабиров, А.Г. Мўминов, О.М. Қулжонов. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти. Тошкент, "Fan va texnologiya", 2004 йил, 308-б.

Мазкур китоб ўқув қўлланма сифатида илк бор чоп этилмоқда ва барча олий ва ўрта махсус таълим ўқув юртлари талабалари, бакалавриатура, магистратура тингловчилари, аспирантлар, изланувчилар, докторантлар ҳамда барча молия-кредит муассасалари мутахассислари учун тавсия этилади.

Ўқув қўлланма замонавий ускуналар ишлаб чиқарувчи, лизинг шартномалари асосида илғор техника ва технологияларни етказиб берувчи улгуржи савдо муассасалари, тадбиркорлик фаолиятини юритувчи кичик ва ўрта бизнес корхоналари ҳамда лизинг муносабатлари билан қизиқувчи жисмоний шахсларга ҳам фойдалидир. Лизинг берувчилар, лизинг олувчилар, лизинг муносабатларининг бошқа иштирокчилари ҳам қўлланмадан фойдаланишлари мумкин.

Тақризчилар: Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси «Иқтисодий тарих ва ҳуқуқ» кафедраси мудири и.ф.д., профессор **М.И. Йўлдошев**
Тошкент Молия институти «Лойиҳавий молиялаштириш» кафедраси, и.ф.н., доцент **Н.Г. Каримов**

© Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси, 2004.

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2004.

Муҳаррир — *З. Тоҳиров*
Техник муҳаррир — *А. Мойдинов*
Компьютерда саҳифаловчи — *З. Мухамеджанова*

Босишга рухсат этилди 17.05.2004 й. Бичими 60x84 1/16.
«TimesUZ» ҳарфида терилди. Босма табоғи 19,25. Нашриёт ҳисоб табоғи 18,28. Адади 2000. Буюртма № 169. Баҳоси шартнома асосида.

«Fan va texnologiya» нашриёти, 700000, Тошкент, Олмазор кўч. 171 уй.
№ 09.04.

Fan va texnologiyalar markazining bosmaxonasida чоп этилди.
Тошкент ш. Олмазор кўч. 171 уй.

SamKI
KUTUBXONASI

КИРИШ

Лизинг замонавий илғор технологиялар фан ва техника тараққиёти натижаларини зудлик билан амалиётга тадбиқ этишда, қўл келадиган молиявий воситалардан бири бўлиб, қадим замонлардан дунёнинг кўпгина мамлакатларида ривожланиб келади. Лизинг, унинг иштирокчилари манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, ишлаб чиқарувчи, лизинг берувчи ва лизинг олувчиларнинг фаолиятларини макон ва замонда амалга оширишга ва жадаллаштиришга имкон беради.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даври иқтисодиётида Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини тез суръатлар билан ривожлантириш, бир томондан замонавий ускуна ва технологияларни қўллашни, иккинчи томондан эса зарур бўлган молиявий ресурсларни излаб топишни талаб этади. Замонавий янги техника, ускуна ва технологиялар ишлаб чиқарувчилар, молиявий ресурсларга эга бўлган ва бу маблағларни самарали жойлаштириш мақсадларида фаолият юритувчилар ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти соҳиблари ўзаро манфаатли муносабатларни йўлга қўйишида, лизинг жуда ҳам қўл келади.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда лизинг муносабатларининг қонунчилиги ишлаб чиқилган, такомиллаштирилиб борилмоқда, лизинг инфратузилмаси ташкил топмоқда ва лизинг молиялаштиришнинг усули сифатида кенгайиб бормоқда.

Қўлланмада лизинг муносабатлари тарихи, уларнинг келиб чиқиш асослари, сабаблари, илғор мамлакатлар тажрибаси баён этилади. Иқтисодий адабиётларда лизинг атамасига бўлган турли қарашлар, унга берилган таърифлар ўқувчилар томонидан ўрганиш, фикр юритиш ҳамда ўзлаштириш учун келтирилади. Иқтисодий билим соҳиблари учун лизингни иқтисодий табиати ва моҳияти тўла асосланган равишда очиб берилади. Лизингни асосий белгилари ва афзалликлари, унинг кредит, ижара, ёнлаш муносабатларидан туб фарқлари исботланган ҳолда ёритилади. Жаҳон амалиётида мавжуд бўлган лизинг турлари таснифи, лизинг иштирокчиларининг ҳар бири учун

ушинг устунликлари фарқли равишда ёритилади. Ўзбекистонда ҳозирги шароитда қабул қилинган қонунчиликга мувофиқ лизинг объектлари сифатида амалиётга тадбиқ этилиши мумкин бўлган лизинг мулклари таркиби баён этилади, лизинг муносабатлари субъектлари тавсифланади.

Жаҳон тажрибаси инобатга олиниб лизинг муносабатлари хусусиятлари, уларни мазмуни ёритилади.

Молиявий ресурсларни иқтисодиёт соҳиблари ўртасида самарали йўлга қўйиш жиҳатдан лизинг муносабатлари зарурияти очиб берилади. Лизинг муносабатларини Ўзбекистонда институциявий ташкил топиши тўғрисида ахборот берилади.

Молиялаштириш жиҳатдан лизингнинг самарасини аниқлаш хусусиятлари, молиявий қарорларни асослаш, лизинг лойиҳаларини баҳолаш усуллари очиб берилади. Лизинг шартномаларини асосли равишда тузиш, лизинг тўловларини мақбул равишда ҳисоблаш ва тўловларни амалга ошириш усуллари, ушбу фаолиятда рискларни инобатга олиш, лизинг шартномасини бекор қилиш, лизинг мулкини қайтариб олиш тартиблари батафсил ёритилади. Ишлаб чиқарувчи, лизинг берувчи ва лизинг олувчида лизинг мулкини бухгалтерия ҳисобини юритиш масалалари ёритилади. Кейинги йилларда Ўзбекистонда лизинг муносабатларининг қонунчилигида бўлган ўзгаришлар, уларни такомиллаштиришда киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар батафсил ёритилади.

Марказий Осиё давлатларида, шу жумладан Ўзбекистонда Халқаро молия корпорациясининг лойиҳаси бўйича олиб борилаётган фаолият баён этилади. Тизимли равишда ёндашган ҳолда Ўзбекистон республикасида лизингни ривожлантириш ва кенгайтириш масалаларига, лизингни янада кенгайтириш, уни оммавий равишда қўллаш учун зарур бўлган омилларга алоҳида эътибор қаратилади.

Кичик бизнес ва тадбиркорлар фаолиятини молиялаштиришда лизингнинг қўл келиши асосланади. Лизинг муносабатларини жорий этишда амалиётда келиб чиқиши мумкин бўлган саволларга жавоблар берилади.

Муаллифлар жамоаси мазкур қўлланмани тайёрлашда ушбу соҳада мавжуд бўлган адабиётлардан, Ўзбекистон амалиётидан келиб чиқиб, матбуотда эълон қилинган, барча мақолалардан фойдаланган ҳолда, ўқув қўлланмани тизимли равишда тайёрлашга ҳаракат қилди.

Ўқув қўлланма қуйидаги муаллифлар томонидан тайёрланди.

Ўзбекистон республикаси Банк-молия академияси ўқув ишлари бўйича проректори, и.ф.д., проф. **Д. Ғ. Ғозибеков**: Кириш; I-боб: 3-§, 6-§; II-боб: 2-§, 3-§, 4-§; III-боб: 1-§, 2-§, 4-§; IV-боб: 1-§, 2-§; V-боб: 1-§, 7-§,8-§; VI-боб: 1-§, 2-§, 3-§, 4-§, 5-§; VII-боб: 3-§, 4-§, 7-§; VIII-боб: 1-§; IX-боб: 2-§, 3-§; X-боб: 1-§, 3-§; XI-боб: 1-§, 2-§, 3-§, 4-§; XII-боб: 1-§, 4-§. Ўзбекистон республикаси банк-молия академияси магистратура факультетлари раҳбари, и.ф.н. **О.Ш. Сабиров**: I-боб: 1-§, 2-§, 5-§; II-боб: 1-§; III-боб: 3-§, 5-§; IV-боб: 3-§; V-боб: 3-§, 4-§, 6-§; VII-боб: 1-§, 2-§, 5-§, 6-§; VIII-боб: 6-§, IX-боб: 1-§, 4-§; X-боб: 2-§; XI-боб: 5-§; XII-боб: 2-§, 3-§. "Барака" Универсал лизинг компанияси Бош директори, с.ф.д. **А.Г. Мўминов**: I-боб: 4-§; IV-боб: 4-§; V-боб: 2-§, 5-§. Тошкент молия институти "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" кафедраси катта ўқитувчиси **О.М. Қулжонов**: VIII-боб: 2-§, 3-§, 4-§, 5-§.

Мазкур ўқув қўлланма бўйича барча фикр-мулоҳаза ва таклифларни Ўзбекистон республикаси банк-молия академиясининг илмий-услубий кенгашига юборишингизни сўраймиз.

1-БОБ. ЛИЗИНГ МУНОСАБАТЛАРИ ТАРИХИ ВА ИЛҒОР МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ

1-§. Лизингнинг келиб чиқиш тарихи

Лизинг битимларининг пайдо бўлиши Аристотел даври (милоддан аввалги 384—322)га бориб тақалади. «Риторика» асарида у шундай фикрни баён этади: «Бойлик — буюмга эгаликда эмас, балки фойдаланишдадир»[1]. Бу асарда у фойда олиш учун бирон-бир мулкка эгалик қилиш жуда ҳам шарт эмас, фақат ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиш ва самарали фойдаланишнинг кифоя қилиши асослаб берилади.

Иқтисодий муносабатлар тарихи билан шуғулланувчиларнинг фикрларига кўра ижара (лизинг) битимлари Аристотел яшаган даврдан анча олдин ҳам мавжуд бўлган. Лизинг битимлари қадимги Шумер давлатида ҳам тузилган, бунга милоддан олдинги 2000 йилдаги ёзувлар гувоҳлик беради. Шумер давлатидаги Ур шаҳарчасидан топилган лойтахталардаги ёзувлар қишлоқ хўжалиги қуроллари, сув манбалари, ҳўкиз ва бошқа иш ҳайвонларини ижарага берилганлиги тўғрисида маълумотлардан иборат бўлган[2]. Бу ёзувлар бизга ибодатхона коҳинлари маҳаллий ер эгалари билан битим тузган ижарага берувчилар бўлганлиги ҳақида хабар беради.

Инглиз тарихчиси Т. Кларк Хаммурапи қонунларида лизинг муносабатлари аломатларига эга бир неча қоидаларни аниқлайди. Бу қонунлар милоддан олдинги 1775—175 йилларда қабул қилинган[3]. Мулкка оид бир туркум моддалар Хаммурапи судловида энг йирик моддалар ҳисобланган, уларда ижарага беришнинг турли ҳолатлари, ижара ҳақи меъёри, мулкни га-

---

[1] Қаранг. Газман В.Д. «Рынок лизинговых услуг». — М.: Фонд «Правовая культура», 1999.

[2] Қаранг. Газман В.Д. «Рынок лизинговых услуг». — М.: Фонд «Правовая культура», 1999.

[3] Қаранг. Кабатова Е. Лизинг: понятие, правовое регулирование, международная унификация. — М.: Наука, 1991.

ровга қўйиш шартлари, шунингдек ижара тўловларини амалга ошириш бутун икир-чикиригача кўриб чиқилган.

Финикияликлар кемаларни ижарага олиши, ўзининг иқтисодий-ҳуқуқий моҳиятига кўра ашёларни лизингга беришнинг ҳозирги мумтоз шаклига жуда ўхшаб кетади. Ҳозирги шароитларда бу битимлар «нам» лизинг деб аталмиш операцияларга мос келади. Узоқ муддатли «чартер» битимлар кемалар иқтисодий фаолиятининг бутун даври мобайнида қоплашга ҳисобланган муддатга тузилган ва ижарачидан ижарага олаётган воситасидан монопол фойдаланиш туфайли келиб чиқадиган мажбуриятнинг катта қисмини ўз зиммасига олиш талаб этилган[1]. Император Юстиниан I (483—565) Рим ҳуқуқини кодлашни амалга оширади ва машҳур Институцияларда ҳозирги лизинг муносабатларининг ўтмишдагисини ифодалайди. Шунинг учун ҳуқуқшунослар адолатли тарзда таъкид этадиларки, Рим ҳуқуқида ўша даврдаёқ мулкка унга шахсий мулк ҳуқуқисиз ҳам эгалик қилиш мумкинлиги билан боғлиқ, бир талай мулкий муносабатлар маълум бўлган. Бу муносабатлар ўша даврдаги ҳам битимларда, ҳам ашёвий ҳуқуқда акс этган. Венецияда XI асрда лизинг операцияларига ўхшаш мулкий битимлар мавжуд бўлган: венецияликлар савдогарларга ва савдо кемаларининг эгаларига ўша замон нархида анча қиммат турадиган лангарларни ижарага берганлар. Шу билан бирга Англияда ҳам ҳозирги лизинг операцияларига ўхшаш муносабатлардан фойдаланилган. Ижара воситаси бўлиб, кўпинча қишлоқ хўжалик ускуналари ва отлар ҳисобланган. Буюк Британияда лизингга ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи илк меъёрий ҳужжатлардан бири бўлиб, Уэльс қонуни ҳисобланади, у 1284 йилда қабул қилинган. XIX аср бошларида Англияда саноатнинг жадал ривожи туфайли, турли хил ускуналар ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли ортганлиги муносабати билан ускуналар лизинги ривож топди. Бунда темирйўл транспорти ҳамда тошкўмир саноатининг ривожланиши муҳим аҳамият касб этди. Шимолий Америкадаги Қўшма Штатларда XVIII аср бошларида шахсий мулкни ижарага бериш бўйича биринчи шартнома қайд этилади. Бунда гилдия аъзолари шартнома бўйича от, ёпиқ арава ва аравачани ижарага олиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Австриялик тадқиқотчи В. Хойер «Ев-

[1] Қаранг. Кабатова Е. Лизинг: понятие, правовое регулирование, международная унификация. — М.: Наука, 1991.

ропада қандай бизнес қиладилар»[1] номли китобида, «лизинг» терминини биринчи марта 1877 йилда қўлланганини ёзади. Ўшанда «Белл» телефон компанияси ўз телефон аппаратларини сотмаслик, уларни ижарага бериш ҳақида қарор қабул қилади, яъни аппаратни мижознинг уйи ёки офисига телефондан фойдаланганлик учун ижара ҳақи тўлаш асосида ўрнатади. XIX аср бошларида АҚШда автотранспорт гуркираб ривожлангани туфайли транспорт воситаси билан боғлиқ лизинг бизнеси тез суръатлар билан тараққий этади. Автомобил лизингидан фойдаланишга биринчи мисол 1918 йилга тааллуқли. Генри Форд 30-йилларда ўз автомобиллари сотилишини кўпайтириш учун лизинг шаклидаги ижарадан кенг фойдаланади. Лекин чикаголик савдо агенти — Золли Фрэнк автомобил лизинги бизнесининг отаси ҳисобланади. У 40-йиллар бошида биринчи бўлиб узоқ муддатли автомобил ижарасини таклиф этади[2]. Лизинг муносабатлардаги ҳақиқий инқилоб Америкада ўтган асрнинг 50-йилларида содир бўлади. Унда технология жиҳозлари, машиналар, механизмлар, кемалар, самолётлар ва бошқалар оммавий суратда лизинг асосида ижарага берила бошлайди. 1952 йилда Сан-Францискода тузилган машҳур Америка компанияси «United States Leasing Corporation» илк компания бўлиб, лизинг операциялари унинг учун асосий фаолият тури, ҳисобланади. Бу компания биринчи бўлиб халқаро миқёсга чиқди, оқибатда халқаро лизинг юзага келди. 1982 йилда Мак-Доннел Дуглас корпорацияси лизинг ёрдамида самолётлар бозорини эгаллади.

Францияда биринчи лизинг компанияси 1957 йилда пайдо бўлади ва у SERAFITES (1962 йилдан — Locafrance) деб номланган. Унинг фаолияти асосий йўналиши саноат ускуналарининг лизинги бўлди. Мазкур компания биринчи битимни 1961 йил 22 февралда имзолаган. Францияда лизинг 1966 йилда қабул қилинган.

Англиядаги замонавий лизинг бизнесининг илк қалдирғочи бўлиб, «Mercantile Leasing Company» ҳисобланади. У 1960 йил 8 июлда таъсис этилган «Mercantil Credit Company» ва «United States Leasing Corporation» француз-америка қўшма корхонаси тарзида юзага келган. Бироқ, Англияда лизинг фақат 1970 йил-

---

[1] Қаранг. В. Хойер. «Как делать бизнес в Европе». — М.: Изд-во «Прогресс», 1992.

[2] Қаранг. Газман В.Д. «Рынок лизинговых услуг». — М.: Фонд «Правовая культура», 1999.

дагина сезиларли даражада, солиқ имтиёзи жорий этилгандан сўнг ривожланди.

Италияда биринчи лизинг компанияси 1963 йилда ташкил топади.

Германияда биринчи лизинг компанияси «Lokallease Mietfinanzierung GmbH» 1962 йилда тузилган, унинг устав капитали 1 млн. маркани ташкил этган. 60-йилларнинг бошларида лизинг бизнеси Осиё қитъасида ривож топади. Японияда 1969 йилда тузилган «Century Leasing System» лизинг компанияси энг машҳур ва йирик компаниялардан ҳисобланади.

Шундай қилиб, жаҳон иқтисодиётида лизинг гуркираб ривожланган давр XX асрнинг 60—70-йиллари бўлди, бу бозор муносабатларининг, айниқса молия соҳасининг янада ривожланишини тақозо этган замонавий технологиялар жадал суръатлар билан ўсганлиги билан алоқадор эди. Лизинг муносабатлари пайдо бўлиш тарихининг шархига хулоса қилиб, уни қарзга олиш асосида юзага келган яхлит иқтисодий ва ҳуқуқий тизим сифатида қабул қилиш мумкин. Лизингнинг ривожланиш тарихи шуни кўрсатадики, лизингнинг пайдо бўлишига объектив сабаблар имкон берди ва тегишли шарт-шароитлар бир томондан лизинг мулкига талабни оширган бўлса, иккинчи томондан унга эҳтиёжни шакллантирди, учинчи томондан бўш турган молиявий ресурсларни лизинг муносабатларини ривожлантириш учун жалб этишнинг ошишига олиб келди, мазкур барча ҳолларда лизинг муносабатлари фақат лизинг муносабатида қатнашувчи томонлар ўзаро манфаати бир-бирига мос келган ҳоллардагина амалга ошди.

2-§. Америка Қўшма Штатларида лизинг бозори

1954 йилда тадбиркор Генри Шонфелд «Америка лизинг компанияси» (АЛК) деб номланган компанияни ташкил этади. АЛКга бугунги кунда АҚШдаги кўплаб мутахассислар мамлакатда биринчи ихтисослашган компания деб қарамоқдалар. АҚШда илк лизинг компаниясига асос солинган санадан буён ўтган давр мобайнида бу мамлакатда лизинг жуда улкан тармоққа айланди, унинг 2001 йилдаги маблағ айланмаси 242 млрд. долларни (булар фақат лизинг ускуналаридир) ташкил этди. Ваҳоланки АҚШдаги асосий воситаларга инвестициялар киритиш умумий ҳажми 780 млрд. доллардан иборат бўлган эди. Шундай қилиб, АҚШда ускуналар комплектларининг ҳар

учтасидан бири корхоналар томонидан фойдаланиш ва эгалик қилиш учун амалда лизингга олингани аниқ-равшан кўриниб турибди. 2002 йилда эса лизинг операцияларининг умумий ҳажми 244 млрд. долларни ташкил этди.

Бугунги кунда АҚШдаги лизинг берувчилар учта асосий гуруҳга бўлинадилар: мустақил лизинг компаниялари, банклар (банклар ҳузуридаги лизинг компаниялари) ва боғлиқ компаниялар (ускуналар ишлаб чиқарувчилар ҳузуридаги компаниялар). Мустақил лизинг компанияларига лизинг тармоғидаги маблағ айланишининг тахминан ярми, яъни 50-52 фоизи, банкларга 27 ва боғлиқ компанияларга 19 фоизи, бозорнинг бошқа иштирокчиларига эса 2 фоизи тўғри келмоқда. Лизинг энг даромадли молия воситаларидан бири бўлиб қолмоқда: солиқлар тўлагунга қадар фойданинг тушумга нисбати тармоқ бўйича ўртача 18 фоизини, сармоядан даромад эса 15 фоизга яқинроқни ташкил этади.

АҚШда лизингнинг бунчалик гуллаб-яшнашига нима замин бўлди ва кейинги йилларда бу тармоқ қай тарзда ривожланди?

Иқтисодий пасайиш рўй берган ва саноат корхоналарининг фойдаси камайиб кетган, юқори инфляция ҳукм сурган, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва аҳолини банд қилиш муаммоларини ҳал этиш зарурати пайдо бўлган дастлабки кезларда лизинг секторига рағбатлантирувчи имтиёзлар бериш ва унинг ривожланиши учун имкониятлар яратишга эҳтиёжлар туғилди.

1970 йилга қадар Америкада лизингга асосан қиммат турадиган, масалан, самолётлар, оғир юк машиналари, поездлар берилган эди. Ўша йили Банк холдинг компаниялари ҳақида қонун (Bank Holding Kompany Act) қабул қилинганидан кейин мазкур тармоқ ҳамма жойда бирдай ривожлана бошлади. Бу пайтга қадар банкларга лизинг билан шуғулланиш маън этилган эди, янги қонун банкларга холдинг компаниялари ташкил этишга, жумладан, лизинг операцияларига рухсат берилди. Банклар лизингга жуда жиддий эътибор билан қарай бошладилар, бундай бозорга ёпирилиб киргандай бўлдилар. Кўпгина мустақил компаниялар банклар томонидан сотиб олинди, бозорга профессионал ёш одамлар кириб келишди, улар банк тузилмаси орқали мижозларга яқинлашган ҳолда бу бозорни қиздирдилар ва жуда қулай чакана молия маҳсулоти сифатида лизингга нисбатан қизиқишни ҳамма жойда кучайтириб юбордилар. Банклар ўз лизинг компанияларини ривожлантиришга

анча-мунча маблағларни инвестиция қилдилар, лизинг амалда ҳар қандай мулкни сотиб олишни молиялаштиришнинг қўл етадиган воситаси сифатида оммавий бўлиб қолди.

Тармоқнинг ривожланиши баробарида лизинг операциялари тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш, ёритиш ва очишнинг янги тамойилини қабул қилишга эҳтиёж туғилди. Ҳисобга олишнинг такомиллаштириш жараёни тепасида АҚШ қимматли қоғозлар бўйича комиссияси (SEK) турди. 1964 йилдан 1976 йилгача лизинг операцияларини бухгалтерия рўйхатига олиш тамойиллари тўхтовсиз такомиллашиб борди, бу эса охир оқибатда 1976 йили 13-сонли Молия ҳисоби стандартининг қабул қилинишига олиб келди. Мазкур стандарт бугунги кунда ҳам амалда бўлиб, ҳамма учун тушунарли ва яққол кўриниб турадиган лизинг операцияларининг жорий этилишига имкон туғдирдики, натижада кейинчалик тармоққа сармоянинг оқиб киришини таъминлади, лизинг операцияларининг корпоратив ва қарз қоғозлари бозори ривожланишига рағбат бўлди.

АҚШда лизингнинг жуда тез ривожланиб кетиши сабабларидан солиқ имтиёлари: яъни жадаллаштирилган амортизация ва инвестицияланган солиқ имтиёзи (янги инвестициялар қийматининг 10 фоизигача солиқ суммасидан чиқариб ташланди) сабаб бўлди. Масалан, агар ускуналар сотиб олишга 100 минг доллар сарфланса, инвестиция имтиёзи 10 фоиз бўлади, яъни солиқ суммасидан 10 минг доллар чегириб ташланади. Аммо солиқ имтиёзларига ҳуқуқ-шартнома АҚШ молия вазирлигининг ички даромадлар бошқармаси томонидан лизинглар учун ўрнатилган қоидаларга мувофиқ келган тақдирдагина пайдо бўлади. Яъни:

лизингнинг давомийлиги 30 йилдан кам бўлиши шарт;

лизинг мулкни оқилона бозор нархидан паст баҳода, айтайлик, 1 долларга арзон сотиб олиниши имкониятини кўзда тутмаслиги керак;

– лизинг дастлабки тўловлар битимининг охиригача кейингиларидан кўп бўладиган тўловлар жадвалини кўзда тутмаслиги лозим. Агар бунга йўл қўйилса, олди-сотди битими баъзи солиқлардан қочиш мақсадида амалга оширилган лизинг сифатида тузилганлигидан далолат бериши мумкин;

– лизинг ижара берувчини фойда олишнинг бозордаги меъёрий даражаси билан таъминлаши зарур;

– лизингни узайтириш имконияти ускуналарнинг бозордаги меъёрий баҳосини ҳисобга олиши керак.

1977 йилгача фирмалар ускуналарни ижарага, уларнинг баҳосини балансларида кўрсатмаган ҳолда олишлари мумкин эди, яъни балансдан ташқари ҳисоб юритиларди. Шунинг учун ҳам бунгача катта миқдорда қарздор бўлган фирмалар ўсиб кетган қарз суммасини кўрсатмаган ҳолда қўшимча равишда ускуналар сотиб олиш имкониятига эга эдилар. Шундай қилиб, ҳақиқий қарз миқдори инвестор ва экспертлардан яшириб қолинарди. 1976 йили Молия ҳисобини стандартлаш бошқармаси FAS 13 ни тасдиқлади, унга кўра баъзи лизинг битимлари мулк харид қилиш ва зиммага молиявий мажбуриятлар олиш сифатида ҳисоблана бошлади. Бундай стандартдан кўзда тутилган мақсад "ҳақиқий ижара" ва лизинг воситасида мулк сотиб олиш ўртасидаги фарқни чегаралаб қўйиш эди. Стандартда қуйидаги бандлар бор эди:

- битимнинг якунида мулкка эгалик ҳуқуқи ижарачига ўтади;
- лизинг битими мулкни битимнинг охирида бозордаги нархдан арзон сотиб олишга имкон беради;
- битим муддати мулк хизмати фойдали муддатининг 75 фоизидан кўп ёки шунга тенг бўлади;
- лизинг тўловларининг жорий қиймати (суғурта, бошқарув, солиқлар учун тўловларсиз) лизинг мулкининг бозордаги меъёрий баҳосининг 90 фоизидан кўп ёки шунга тенг бўлади.

Агар битим мана шу шартлардан лоақал биттасини қониқтирса ҳам мулк ижарачи балансида ҳисобга олинади. Борди-ю, битим юқорида санаб ўтилган шартлардан бирортасини қониқтирмаса, у ҳолда мулк ижарага берувчининг балансида ҳисобда туради ва ижарачи балансдан ташқари ҳисобни амалга оширади.

1986 йилдан бошлаб лизингнинг солиқ асосидаги иқлими ўзгарди. 60-70 йиллардаги юқори инфляция даврида жорий этилган солиқ имтиёзларига эндиликда, яъни 80-йиллардаги бир қадар барқарор иқтисодий вазиятда капитал қўйилмаларни рағбатлантиришнинг самарали воситаси сифатида қарамай қўйилди. АҚШ солиқ тизимида ўтказилган ислоҳот инвестицияларга солиқ имтиёзларини бекор қилиниши ҳамда амортизация соҳасини ўзгариши орқали солиқ имтиёзларига яқинлашувни чеклаб қўйди. Солиқ ислоҳоти лизингнинг иқтисодий фойдасини анча-мунча камайтириб юборди, аммо, шундай бўлса-да, бу тармоқ ривожланишдан тўхтаб қолгани йўқ. Гап шундаки, лизинг битимлари бўйича тўловларнинг бари бир, айтайлик, оддий кредитларга қараганда, кўпроқ эпчил-

лик ҳусусияти бор. АҚШда кўпгина лизинг компаниялари бошқа кредиторларга нисбатан ускуналар бўйича яхшироқ экспертларга эгадирлар. Лизинг компанияларининг фойдаси лизинг объектининг ликвидлигига боғлиқ бўлгани боис улар бир қадар қимматли ва самара келтирадиган ускуналарни лизингга беришдан манфаатдор бўладилар. Бундай ҳолатда компаниялар барча хил рискларни ўз зиммаларига бажони дил олаверадилар.

Кейинги 50 йил мобайнида лизинг АҚШ давлат иқтисодий сиёсатининг стратегик муҳим йўналиши сифатида эътироф этиб келинди. Лизинг тармоғи тарихининг каттагина қисми АҚШ Конгресси томонидан қўллаб-қувватланди. Конгресс асосий воситаларининг сотиб олинишига, Америка ишлаб чиқарувчиларининг ишлаб чиқариш базасини янгилашга сармоя киритилишини ҳар томонлама рағбатлантириб турди. АҚШдаги ҳар учинчи компьютер лизинг муносабатларининг ҳосиласидир (объектидир). Медицина ускуналарининг 10 дан 30 фоизгача бўлган қисми мулк эгалари томонидан эмас, балки лизинг олувчилар томонидан ишлатилади.

АҚШда мавжуд лизинг компанияларининг асосий қисми йирик технология ишлаб чиқарувчилар томонидан, қолганлари эса йирик тижорат банклари томонидан ташкил этилган. Шуниси характерлики, АҚШ қонунчилигига мувофиқ, тижорат банкларига айрим молиявий операциялар турларини амалга ошириш таъқиқланганлиги сабабли, бевосита банклар томонидан лизинг хизматлари кўрсатилмайди. Лизинг компаниялари банклардан алоҳидалашган. Бундан ташқари, Американинг йирик суғурта компаниялари ҳам лизинг операцияларини амалга оширадилар. АҚШ солиқ қонунчилигида шундай моддалар мавжудки, унда хусусий шахслар ҳам ўз даромадларига асбоб-ускунани сотиб олиш ҳамда уни лизингга бериш ҳуқуқига эга.

АҚШда банк ва бошқа молиявий компаниялар каби воситачилар иштирокидаги молиявий лизинг нисбатан кечроқ ривожлана бошлаган, лекин тез фурсатда анча катта натижаларга эришишга муваффақ бўлган. XX асрнинг 70—80-йилларида лизингнинг гуркираб ривожланишига айнан воситачи тузилмаларнинг фаол иштироки сабаб бўлган. Мазкур воситачи молиявий ташкилотларга солиқ бўйича йўналтирилган катта имтиёзлар уларнинг мазкур соҳадан манфаатдор бўлишларини таъминлаб берган.

3-§. Европада лизинг бозори

Европада лизинг турларидан бири бўлмиш молиявий лизинг 50-йиллар охири 60-йиллар бошларида ривожланишни бошлади. Ғарбий Европада молиявий лизингни тез ривожланишига бир қанча омиллар сабаб бўлди. Энг асосийси бу 50-йиллардаги илмий-теҳника инқилоби бўлиб, бу корхоналар томонидан асосий воситаларни янгилашнинг катта ҳажмдаги эҳтиёжига олиб келди. Молиявий лизинг механизми эса ускуналарни банк кредитлари орқали сотиб олишдан кўра корхоналар учун қулай бўлиб чиқди. Худди шу даврга келиб молиявий хизматлар бозори жадал ривожланиниши туфайли, янги шаклдаги молиявий кредитлаш ва паст фоизли ставкалар таклифи кўпайди. Ушбу ҳолат лизинг фаолиятини солиққа тортишнинг ҳар томонлама қулайлиги билан биргаликда лизинг келишувларини ривожлантирди. Лизингни лизинг берувчилари учун қулай қилиб, лизинг секторини ривожлантиришда ижобий рол ўйнади.

2002 йилда жаҳон иқтисодиёти пасайишига қарамай, Европа лизинг компаниялари томонидан лизинг орқали 200 млрд. евро маблағ инвестиция қилинди. Бу эса 2001 йилга нисбатан 3,4 фоизга кўп эди. Буни қуйидаги диаграммадан кўриш мумкин.

1-диаграмма

Янги лизинг операциялари (млрд евро)



Шуни таъкидлаш лозимки, 1994 ва 2002 йиллар оралиғида лизинг сектори яхши ривожланиб, ҳар йилига 11 фоиздан ўсиши кузатилди.

Агарда лизинг фаолиятини жуғрофий жиҳатдан тақсимланишини кўриб чиқадиган бўлсак, Европадаги умумий молиялаштириш ҳажмининг 72 фоизи тўртта мамлакат – Франция, Германия, Италия ва Буюк Британияга тўғри келишини кўришимиз мумкин. Европада лизинг операцияларини икки йўналишга ажратиш қабул қилинган бўлиб, бу – кўчмас мулк лизинги ва ускуналар лизингидир. 2002 йилда кўчмас мулк лизинги 39 млрд. евро миқдоридаги ҳажмда бўлиб (бу 2001 йилга нисбатан 18 фоиз кўпроқ), шу даврдаги ускуналар лизинги ҳажми ўзгармаган ҳолда 160 млрд. еврони ташкил этди (2001 йилга нисбатан 0,45 фоизга ўсган).

Европадаги жами асосий воситалар инвестициялари ҳажмида лизинг 12,5 фоизни ташкил қилади. Бироқ бу кўрсаткич мамлакатлар бўйича турлича бўлиб, масалан Голландияда фақат 6,3 фоизни ташкил этса, Италияда 16,7 фоизга тенг.

1-жадвал

Европада лизинг бозори

Мамлакатлар	**Асосий воситаларга сафарбар этилган инвестициялар ҳажмида лизинг ўрни** (фоиз ҳисобида)
Австрия	13,7
Бельгия	9,8
Дания	9,1
Финляндия*	4,7
Франция	16,7
Германия	11,9
Италия	16,0
Голландия	6,3
Португалия	10,1
Испания	6,6
Швеция	13,1
Буюк Британия	14,6
Ўртача кўрсаткич	**12,5**

Ускуналар лизинги

2002 йилда жами лизинг операциялари ҳажмида ускуналар лизинги 80 фоизни ташкил этди.

Лизинг орқали энг кўп бериладиган ускуналар тури бўлиб енгил автомашиналар ҳисобланади (33 фоиз). Кейинги ўринларда ишлаб чиқариш воситалари (25 фоиз) ва юк автомобилларидир (19 фоиз). Шуни таъкидлаш лозимки, ускуналарни лизинг орқали етказиб берилиши мамлакатлар бўйича бир текисда эмас. Масалан, Германияда ускуналар лизинги бозори умумий ҳажмида енгил автомобиллар лизинги – 50 фоизни ташкил этади, ишлаб чиқариш воситалари лизинги эса – 10 фоизга тенг бўлиб, бу кўрсаткичлар Италияда мос равишда 25 фоиздан пастроқ ва 50 фоиздан юқорироқдир. Шунингдек, Европада компьютер ва офис ускуналари лизинг операциялари ўртача 12,5 фоизга тенг ва 4 фоизи йирик ҳамда қимматли мулклар ҳамда қимматли самолётлар, кемалар ва шу кабилар улушига тўғри келади. Лизинг олувчилар фаолият турлари бўйича лизинг бозори таҳлили шуни кўрсатадики, лизингдан ҳамма турдаги корхоналар фойдаланади. Ишлаб чиқариш соҳаси вакиллари билан биргаликда қурилиш ва хизматлар кўрсатиш соҳалари вакиллари ҳам лизинг олувчилар сирасига киради. 2002 йилда хизмат кўрсатувчи соҳалар сирасига жами ускуналар лизингининг 50 фоизи тўғри келган.

Агар ускуналар лизинги бўйича тузилган шартномаларни ўртача муддатларига эътибор қаратилса, шу маълум бўладики Европа давлатларида кўпгина шартномалар 2 йилдан 5 йилгача (2002 йилда 77 фоиз) тузилган бўлиб, фақат Руминияда бу кўрсаткич 18 фоизни ташкил қилади. 2002 йилда 10 йилдан юқорироқ муддатга тузилган лизинг шартномалари сони 2001 йилга нисбатан 58 фоизга камайган.

Кўчмас мулк лизинги

2002 йилда жами лизингга берилган активларни 19,6 фоизи кўчмас мулк лизинги операцияларига тўғри келади. Лекин бу кўрсаткич турли мамлакатлар бўйича фарқланиб туради. Масалан, Финляндия, Руминия, Швеция, Словакия ва Буюк Британия каби мамлакатларда лизингнинг умумий ҳажмида кўчмас мулк лизинги 1 фоиздан кам бўлган ҳолда, Италияда бу кўрсаткич 46 фоизни ташкил этади.

Ускуналар лизинги бўйича кўрсатиб ўтилганидек, кўчмас мулк лизингида ҳам активлар турлари бўйича тақсимотни кўриб чиқиш мумкин бўлади. Саноат ва офис бинолари, шунингдек чавкана савдо учун мўлжалланган кўчмас мулк объектлари кўчмас мулк активлари лизингининг умумий ҳажмида 83 фоизни ташкил этади. Меҳмонхона ва курорт бизнеси соҳалари кўчмас мулки 2002 йилда 20 фоиз ўсишига қарамасдан нисбатан оз улушга эга бўлиб қолмоқда.

Фақатгина 2002 йилда 8 йилдан 16 йилгача бўлган муддатларга тузилган кўчмас мулк лизинги шартномалари сони 2001 йилдагига нисбатан икки баробарга кўпайди. Анча узоқроқ муддатларга лизинг шартномалари тузиш Швейцария, Германия, Польша каби мамлакатларга хосдир (20 йилдан кўпроқ муддатга).

Германияда ҳозирги кунда кўплаб лизинг компаниялари мавжуд бўлиб, Лизинг уюшмаси ташкил этилган ва унга 57 та немис лизинг компаниялари аъзо бўлган.

Мамлакатдаги мавжуд компаниялардан "Митфинанц Гмбх" ва "Гефа-лизинг Гмбх" йирик компаниялар ҳисобланади. "Митфинац Гмбх" компанияси 1962 йилда ташкил этилган. Германияда биринчи бўлиб асос солинган ушбу компаниянинг устав капитали 1 млн. немис маркасидан ташкил топган. Ҳозирги кунда унинг 6 та филиали мавжуд. "Гефа-лизинг Гмбх" компанияси эса "Гефа" гуруҳи томонидан 1968 йилда ташкил этилган бўлиб, ўз фаолияти давомида мижозларига 3 млрд. немис маркасидан ортиқ миқдорда асбоб-ускуналарни ижарага берган.

Австрия давлатида лизинг соҳаси 25 йилдан бери ривожланиб келмоқда. Уларда болалар боғчаси ва хаттоки мактаблар ҳам лизингга берилади.

Маълумот учун шуни айтиб ўтиш жоизки, жаҳонда лизинг амалиётлари бўйича етакчи ҳисобланган АҚШ ва Япония давлатлари айнан банк капиталининг лизингга йўналтирилган маблағлари туфайли жуда катта ютуқларга эришишган.

4-§. Россияда лизинг

Россия давлати ҳудудида собиқ иттифоқ давриданоқ ташқи иқтисодий ташкилотлар орқали денгиз ва ҳаво кемаларини сотиб олишда лизинг қўлланила бошлаган. Аммо бу операцияларнинг ҳажми катта бўлган эмас. Шунинг учун Россияда лизинг ривожланишининг бош нуқтаси 90-йилларга тўғри келади.

SamKI
KUTUBXONASI

Айни шу йилларда дастлабки лизинг компаниялари тузилган. Уларнинг кўпчилиги тижорат банклари томонидан ташкил этилган бўлиб, асосий кредиторлари ҳам айнан шу тижорат банклари бўлган.

Дастлабки, ихтисослашган учта Лизинг компанияси 1990 йилда ташкил топган бўлиб, улар «Россия» савдо-лизинг компанияси (Нижний Новгород шаҳри), «Ярославтехлизинг» (Ярослав ш.) ва «Балтийский лизинг» (Санкт-Петербург) компанияларидир.

Улардан ҳозирда лизинг бозорида «Балтлиз» фаолият юритиб денгиз ва сув транспорти, технологик ускуналар, автотранспорт, комьпютер, оргтехника, кўчмас мулк соҳасида лизинг лойиҳаларини молиялаштиришда катта тажриба тўплаган. Айтиш жоизки, «Балтлиз» лизинг операцияларида Россия ишлаб чиқарувчиларининг ускуналари билан бир қаторда чет эл ускуналаридан фойдаланмоқда.

Россияда лизинг операцияларини ривожланишида муҳим қадамлардан бири солиқ ва божхона имтиёзларини қонунчиликда белгиланиши бўлди. Айни чоғда ўтган асрнинг 90-йилларининг бошида лизинг Россия банкларининг анъанавий хизмат турига айланиб улгурмаганлигини ҳам таъкидлаш зарур. Банклар учун ўрта ва узоқ муддатли операцияларнинг рисклари катта бўлганлиги сабабли, лизинг учун олинадиган мол-мулкларнинг миқдори банклар асосий воситалари умумий ҳажмининг 1 фоизидан ошмас эди.

90-йилларнинг ўрталарида мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида лизинг имкониятлари ва устунлик томонларини баҳолаган ҳолда, Россия Федерацияси ҳукуматининг қатор қарорлари лизинг секторини ривожлантиришга жиддий таъсир кўрсатди. Булардан биринчиси 1995 йил ноябрда қабул қилинган 1133-рақамли «Ишлаб чиқариш ва маҳсулот реализациясидаги харажатлар таркиби ва фойда солиғи хисобланаётганда ҳисобга олинадиган молиявий натижаларни шакллантиришни тартибга солиш тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори бўлиб, лизинг олувчиларга лизинг тўловларининг маҳсулот таннархига тўлиқ ўтказишга рухсат берган. Иккинчиси, 1996 йилнинг июнь ойида қабул қилинган 752-рақамли «Россия Федерациясида лизинг фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қарор бўлиб, унда лизинг битими қатнашувчиларига, лизингга берилган асбоб-ускуналарга жадаллаштирилган амортизациясини қўллаш

имкониятини яратиб берган. Аммо, бу ҳужжатлар лизинг муносабатлари ривожи учун мўътадил шароит яратишнинг дастлабки қадамларигина эди. Бу йилларда лизинг фаолиятининг ўсиш даражаси ортишига қарамасдан лизинг жами инвестициялар хажмининг 3 фоизидан ошмаган.

1995 йил 25 июнда РФ ҳукумати томонидан 633-рақамли «Инвестицион фаолиятда лизингни ривожлантириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ҳукумат 1996-2000 йилларга мўлжалланган лизингни ривожлантиришнинг федерал дастурини тайёрлаш мажбуриятини ўз зиммасига олиш билан бирга, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини уч йилгача молиявий лизинг шартномаларидан оладиган даромадига солинадаган солиқдан,

- банк ва бошқа кредит ташкилотларини уч ва ундан ортиқроқ муддатга мўлжалланган, ҳамда молиявий лизинг операцияларини ўтказишга йўналтирилган кредитларни беришдан оладиган даромадни фойда солиғидан,

-лизинг берувчи лизинг объектини сотиб олаётганда қўшилган қиймат солиғидан озод этиш каби қатор ўзгартиришлар киритилишини белгилади. Шунингдек, ҳужжатда маҳсулот ишлаб чиқаришда ва унинг реализацияси чоғида таннархга киритиладиган харажатлар таркиби ҳақидаги низомга хусусан, лизинг тўловлари, банк кредитлари бўйича фоиз тўловларини ҳам таннархга қўшиш ҳақидаги ўзгартиришларни киритиш мўлжалланган эди. Қарорда халқаро молиявий лизинг операцияси чоғида лизинг объектини божхона божи ва солиқлардан қисман озод қилиниши кўзда тутилган.

Айни чоғда, Қарорда лизинг компаниялари учун қатор имтиёзлар бўлса-да, уларнинг асосий қисми амалга оширилмаганлигини ҳам таъкидлаш зарур.

Умбу қарорга «Лизинг тўғрисида вақтинчалик низом» илова қилинганлигини ва у Россия Федерацияси ҳудудида лизинг муносабатларини мувофиқлаштирувчи дастлабки ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардан бири бўлиб, янги лизинг тузилмаларини юзага келишига олиб келди. Хусусан шу даврда кўпчилик лизинг компаниялари бевосита банкларнинг иштирокида таъсис этилди: масалан, Балтика лизинги (1990й), Лизингбизнес (1992й.), Интеррослизинг(1995й.), РГ-Лизинг (1993й.) ва бошқалар. Маълум соҳада ишлаб чиқаришни ва саноатни қўллаб-қувватлаш мақсадида ихтисослашган лизинг тузилмалари ҳам ташкил топа бошлади. Масалан, Аэролизинг, Лизингуголь,

Ростанкоинструмент, Росагроснаб. Ихтисослашган компаниялар асосан бюджет маблағларидан молиялаштирила бошланди.

Лизинг компанияларини таъсис этишда, муниципал ҳокимият ҳам иштирок этади. Хусусан, Москва ҳокимияти томонидан:

кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш учун-Москва лизинг компанияси (ноябр 1993 й.);

Москва шаҳри саноатидаги асосий воситаларни янгилаш учун Москва саноат лизинг компанияси (май 1999 й.);

Москва шаҳри қурилиш комплексларини замонавий механизация воситалари билан таъминлашни яхшилаш мақсадида «Ликострой» лизинг компанияси (июл 1995й.) ташкил этилди.

1994 йили Россия лизинг компаниялари давлат идораларида, ижро ҳокимиятида, халқаро ташкилотларда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳамда фаолиятларини мувофиқлаштириш мақсадида бирлашиб Россия лизинг компаниялари уюшмасини ташкил этдилар (Рослизинг).

«Рослизинг» мутахассисларининг аниқлашича, 90-йилларнинг ўрталарида лизинг объектининг турлари бўйича машина ишлаб чиқариш ва техника жиҳозлари лизинги – 11,1 фоизни, компьютер ва офис жиҳозлари – 33,3 фоизни, енгил машиналар – 5,6 фоизни, юк машиналари – 16,7 фоизни, бошқа турдаги мулк – 33,3 фоизни ташкил этади. Лизинг шартномаларининг максимал муддати 5 йил. 2 йилгача бўлган шартномаларнинг ҳиссаси – 38,9 фоиз, 2 йилдан 5 йилгача бўлган шартномалар – 61,1 фоизни ташкил этади.

Юқоридагилар асосида 90-йилларнинг ўрталарида Россиядаги лизинг фаолияти ривожланишнинг дастлабки босқичларида эканлиги ва унинг истиқболи кўп жиҳатдан мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий барқарорлик даражасига боғлиқ бўлганлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин.

Шу даврда Россиядаги лизинг бизнесига тўсқинлик қилувчи асосий омиллар:

- лизинг компанияларининг молиявий жиҳатдан ночорлиги ва оқибатда улар банкларга боғланиб қолганлиги. Банклар эса кўп ҳолларда лизингдан кредитлашнинг бир шакли сифатида фойдаланган. Бу ўз навбатида лизинг компанияларининг мустақил фаолият олиб бориши ҳамда ўз стратегияларини ишлаб чиқишига таъсир кўрсатди;

- кредит ресурсларининг қиймати юқори эканлиги, лекин сўнгги пайтда Россия Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасининг пасайиши оқибатида бу омилнинг таъсири

анча камайди. Баъзи лизинг компаниялари юқори ликвидли ва яхши таъминланган лизинг лойиҳаларини 15-17 фоиз ва ундан камроқ фоизларда чет эл валюталарида молиялаштириш имкониятларига эга бўлдилар;

- гаров қонунчилигининг яхши ривожланмаганлиги, яъни лизинг шартномаси бекор қилинган ҳолда, лизинг объектини зўрлик билан олиб кетиш имконияти лизинг берувчида мавжуд эмас. Лизингнинг устун томонларидан бири бўлиб ҳисобланган лизинг объектининг лизинг тўловларини таъминловчи омил сифатида ишлатилиши йўққа чиқарилган. Шунинг учун лизинг берувчилар битимнинг таъминланишига жиддий этибор бердилар. Бу ҳол эса лизинг операцияларидан кичик бизнес субъектларини сиқиб чиқарилишига олиб келади;

- техника ва ускуналарнинг иккиламчи бозорининг мавжуд эмаслиги;

- солиқ, божхона ва валюта қонунчилиги қатор қийинчиликларни юзага келтиргани;

- ходимларнинг етарли малакага эга эмасликлари.

- 1998 йилда қабул қилинган «Лизинг тўғрисида»ги қонун Россия Федерациясида лизингни ривожланишида маълум бир тўсиқларни юзага келтирди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, қонунда ички қарама-қаршиликлар мавжуд бўлиб ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, биринчи навбатда РФни фуқаролик кодекси билан мос келмаган. Ҳуқуқшунослар ҳамда иқтисод соҳасида фаолият юритувчи мутахассислар қонунга жиддий ўзгартиришлар киритиш лозим деган хулосага келдилар, аммо бу борада қонунга айнан қандай ўзгартиришлар киритиш лозимлиги устида узоқ вақт музокаралар олиб борилди.

2000 йил октябр ойида Давлат думасида Россияда лизинг ривожланишининг асосий йўналишлари тўғрисида парламент тинглашлари ўтказилди. Депутатлар лизинг фаолиятининг назариётчи ва амалиётчилари билан лизингни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари юзасидан мунозара қилдилар ва унинг кейинги ривожланиш йўлларини белгиладилар. Шу пайтда парламентнинг қуйи палатасида «Лизинг тўғрисида»ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича 4 та қонун лойиҳаси бор эди ва уларнинг барчаси ижобий ва рационал томонларни ўз ичига олар эди. Парламент тинглови қатнашчилари иқтисодий сиёсат қўмитаси доирасида лизинг компаниялари, кичик корхоналар, молиявий институтлар, бизнесни қўллаб қувватлаш тизими, ижро этувчи ҳокимиятнинг

федерал ва ҳудудий ташкилотлар вакиллари ўз ичига олувчи ишчи гуруҳни ташкил қилиш тўғрисида қарор қабул қилиб, унга Давлат думасининг иқтисодий сиёсат ва тадбиркорлик қўмитаси раиси муовинини раҳбар этиб сайладилар. Ишчи гуруҳнинг асосий вазифаси сифатида "Лизинг тўғрисида"ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишнинг ташкил этиш ва ягона қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш билан бирга, молиявий ижара(лизинг)ни тартибга солувчи солиқ, божхона ва валюта қонунчилига қилинадиган қўшимча ва ўзгаришларни умумлаштириш юзасидан тавсиялар тайёрлаш белгиланди. Хусусан, Солиқ кодексининг иккинчи қисми лойиҳаси "Фойда солиғи тўғрисида"ги бобни мукаммаллаштириш бўйича катта иш олиб борилди.

2001 йил 26 декабрида Давлат думаси «Лизинг тўғрисида»ги федерал қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунни қабул қилинишига овоз берди, қонун 2002 йил 16 январида Федерация кенгаши томонидан маъқулланиб, 2002 йил 29 январида президент томонидан имзоланган. Эндиликда, у «Молиявий ижара(лизинг) тўғрисида»ги қонун деб номланди ва лизингни ривожлантиришга қаратилган янги ҳуқуқий меъёрларни ўз ичига қамраб олди.

Қонуннинг янги таҳрири лизинг бўйича қонунчилик базасини аниқ тушуниш ва барқарорлаштириш йўлидаги катта қадам бўлиб, меъёрий-ҳуқуқий базадаги барқарорлик ва қулайлик Россиянинг лизинг соҳасини молиялаштиришга қизиққан инвесторлар лизинг лойиҳаларини амалга оширишда қонун қоидалар тез-тез ўзгармаслигига ишонч хосил қилишлари учун жуда муҳим бўлди.

Мутахассислар таъкидлашича, «Лизинг тўғрисида»ги қонуннинг янги тахрири Россияда лизингни ривожланишини рағбатлантиришга, маҳаллий инвесторлари каби хорижий инвесторларни ҳам жалб қилишга хизмат қилади.

Шу йилларда Россия лизинг бозорининг бир қанча миқдорий кўрсаткичлари:

2001 йилда Россияда катта бўлмаган лизинг компанияси ўрта ҳисобда 45 та лизинг лойиҳаларини амалга оширган. Битимлар сони 2000 йил билан таққослаганда 30 фоизга ўсган. 2001 йилда Россиядаги ўртача лизинг компанияси портфелининг ўртача ҳажми 27.5 млн АҚШ долларини, Россия лизинг компанияларининг умумий портфели эса 2.038 млн. АҚШ долларини ташкил этган.

Россия лизинг компаниялари ассоциацияси ва мустақил экспертларнинг таъкидлашича 2000 ва 2001 йилларда лизинг хизматлари бозорининг ҳажми мувофиқ равишда 1420 ва 1650 млн АҚШ долларини ташкил этган. 2002 йилда эса бу кўрсаткич 2.2 млрд АҚШ долларига ошди. Бу эса 2002 йилда олиб борилган лизинг операциялари ҳажми 2001 йилга нисбатан 30 фоизга ўсганлигини кўрсатмоқда. Россиядаги лизинг асосий фондларга бўлган умумий инвестициялар хажмининг 5 фоизини ташкил этди. (Ривожланган мамлакатларда бу рақам 15-30 фоизни ташкил этади.)

Лизинг фаолиятидаги бундай ижобий ўзгаришларга қабул қилинган қонуннинг янги таҳрири ўз таъсирини кўрсатганлигини таъкидлаш зарур. Қонунни янги матнини ишлаб чиқишдан асосий мақсад ундаги меъёрларни Россия Федерациясининг фуқаролик кодексидаги молиявий ижара(лизинг) ҳақидаги меъёрлар ва (Оттавадаги) УНИДРУА Конвенцияси билан бутунлай мувофиқлаштиришдан иборат эди. Қонун матнидан ортиқча меъёрлар олиб ташланиб, асосан РФ фуқаролик кодексида мавжуд бўлган таърифлар қолдирилди. «Рослизинг» ассоциациясининг ташаббуси билан қонун матнида амалиётда кенг ишлатилган «лизинг», «лизинг олувчи» ва «лизинг берувчи» каби терминларни сақлаб қолишга эришилди.

2003 йилда Россия лизинг компаниялари ассоциацияси мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ ташкил этилиб, у лизинг фаолиятини белгиловчи қонуний-меъёрий ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш билан шуғулланди.

Шу йилда ўтказилган «Россияда лизинг. Ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари» деб номланган халқаро амалий конференция иштирокчилари, ишчи гуруҳ томонидан «Молиявий ижара(лизинг) тўғрисида»ги федерал қонун ва РФсининг солиқ кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифларни муҳокама ва таҳлил қилиш чоғида қуйидагиларни қайд қилдилар:

1. Россияда лизинг инвестицион фаолиятнинг динамик тарзда ривожланаётган тури ҳисобланади. Мустақил экспертларнинг баҳолашича, лизинг операцияларининг йиллик ўсиш ҳажми 30-40 фоизни ташкил этмоқда. Бу ҳол Россия иқтисодиётига қилинаётган инвестициялар ҳажмининг ошиб бораётганлиги чоғида намоён бўлмоқда.

2. Айни чоғда, лизинг Россияда юқори риск фаолият тури ҳисобланади. Лизинг компаниялари ўз фаолиятида асосан, ўртача 3 йилга бериладиган юқори фоизли банк кредитларига таянади. Банклар аксарият ҳолларда лизинг фаолиятини ривожлантиришга етарли даражада диққат эътиборларини қаратмаяптилар.

3. Давлат идораларининг лизинг фаолиятига бўлган эътибори ошмоқда. Қатор вазирлик ва ташкилотларнинг «Рослизинг» билан бўлаётган мулоқатлари, қонун ва ҳужжатларни биргаликда тайёрлашдаги ҳаракатлари бунинг мисолидир.

4. Ҳукумат мамлакат иқтисодиётининг асосий соҳаларида мавжуд лизинг муносабатларининг фаол иштирокчисига айланмоқда. Буни ихтисослашган лизинг компанияларини ташкил этишдаги иштирокида, лизингга ускуна сотиб олишга қаратилган тижорат кредитлари бўйича фоиз ставкаларига субсидия беришида кўриш мумкин. Охирги икки йилда Россия ҳукумати агросаноат комплекси ва авиасозлик соҳаларида лизингни рағбатлантирувчи қатор муҳим қарорларни қабул қилди.

5. Лизинг фаолиятини лицензиялашнинг бекор қилиниши лизинг асосий фаолият тури деб ҳисобланган ва йиллик айланмасини 40 фоиздан юқори бўлган миқдорини ташкил этган лизинг компанияларининг сонини тезкор равишда ўсишига олиб келмади. Бошқа томондан эса йиллик лизинг шартномаларининг сони сезиларли даражада кўпайди. Айни чоғда, экспертларнинг таъкидлашича, лизинг лойиҳаларининг сифати олди-сотди шартномаларини лизинг шартномалари билан алмаштирилаётганлиги сабабли ёмонлашган. Бу ҳолат Россияда лизинг бозорини ривожланиш истиқболида салбий роль ўйнаши мумкинлиги қайд этилмоқда.

6. Конференция иштирокчилари лизинг операцияларининг бухгалтерлик ҳисобини юритиш услуби билан солиқ кодекси ўртасида жиддий тафовут мавжудлиги, бу эса ўз навбатида лизинг тузилмалари ва солиқ идораларининг ўзаро муносабатларида қатор қийинчиликлар туғдирмоқда.

2-жадвал

Россияда лизингга берилган ускуналарнинг тузилмаси (2002-2003 й.)

Лизинг берилган тармоқлар	Улуши (фоизда)
Ишлаб чиқариш ва технологик ускуналар	32,8
Ер ости бойликларини қайта ишловчи ускуналар	11,7
Алоқа ва телекоммуникация ускуналари	18,9
Офисда ишлатиладиган ишчи қуроллари ва компьютерлар	2,9
Қишлоқ хўжалик техникалари	21,9
Автотранспорт воситаси	11
Енгил автомобил	4
Юк автомобили	7
Қурилиш техникалари	5,7
Йўл қурилиш техникалари	3
Медицина техникалари	5,2
Темир йўл техникалари	0,5
Бошқа ускуналар	1,1

http://rosleasing.ru/ – "Рослизинг" Россия лизинг компаниялари ассоциацияси

http://www.baltlease.ru/ – Балтика лизинг

http://www.ml.ru/ – Москва лизинг компанияси

http://www.sbrf.ru/ – РГ – лизинг

http://www.mmbank.ru/bank/doch/lizingbuisness/ – Лизингбизнес

http://www.2ifc.org/russianleasing/ – Россиядаги Халқаро Молия Корпорацияси

http://www.ifc.org/russianleasing/ – Россиядаги Халқаро Молия Корпорацияси

http://www.Pocagrocnab.ru/ – Росагроснаб

http://www.likostroy.ru/ – Ликострой

irl@ir-leasing.ru – Интеррослизинг

5-§. Литвада лизингнинг ривожланиши

Парекс гуруҳи фаолияти юритиш мақсадида Болтиқ бўйи мамлакатларини танлади. Ушбу гуруҳнинг стратегик режаларини муваффақиятли амалга оширишнинг самарали йўлларидан бири Парекс банкнинг Литвадаги фаолиятидир.

2002 йил Литванинг Парекс банки мижозлар базасини кенгайтирди ва янги мижозларни жалб қилишга эришди. Кредитлаш ва инвестициялаш ишлари самарали ривожланди. Ўтган йили Lietuvos avialinijos компанияси билан ҳамкорлик қилиш натижасида Парекс банк янги VISA картасини жорий қилди ва ҳисоб карталарини бериш бўйича Литвадаги илғор банкка айланди. Мижозларга қулайлик яратиш мақсадида банк бутун Литва бўйича банк автомати тармоғини кенгайтиришни давом этди.

Парекс банкнинг 2002 йилдаги устувор фаолиятларидан бири – жисмоний шахсларга, кичик ва ўрта ташкилотларга ипотека кредитлар беришнинг ривожланиш истиқболларини белгилаб олди. Шу боис, ўтган йили жисмоний шахсларга кредит бериш ҳажми 2,5 бараварга ошди. Парекс банкнинг активлари 63% га кўтарилиб, 347002 млн. литга етди, жалб қилинган депозитлар ҳажми эса 22% га кўтарилиб, 128136 млн. литни ташкил этди. 2002 йилнинг якунига кўра банк 2,8 млн. лит фойда кўрди. 2002 йил реконструкция қилингандан сўнг Парекс банкнинг марказий биноси очилди. Ҳозирда банкнинг маъмурияти ва Вильнюс филиали Литва пойтахтининг марказида жойлашган.

2000 йил Парекс банк Литванинг Industrijos bankas банкини қўлга киритиб, уни номини Парекс банк деб ўзгартирди.

2001 йил Алитус ва Паневежисда банкнинг янги филиаллари очилди ва банкнинг филиалларига on-line режимида ишлашга имкон берадиган янги информацион тизимни жорий этди. Мижозлар ҳисоблар билан муомала қилишда интернет-банкдан фойдаландилар.

2-диаграмма

Парекс банк активлари (млн. лит)



Парекс банк жалб килган депозитлари (млн. лит)



PAREX лизинг компаниялари (Латвия ва Литва)

Парекс лизинг компанияси фаолиятининг асосига истеъмол товарларини харид этилишини кредитлаштириш олинган. 2002 йил якунига кўра, ўтган йил компания учун муваффақиятли бўлган. Масалан, лизингнинг умумий портфели 1,8 млн. латга етди, яъни бу кўрсаткич йил бошига нисбатан 1,9 баравар кўпдир.

Умумий ҳисобда 2003 йил 12644 та лизинг шартномалари тузилди. Йил давомида берилган кредитлар ҳажми 3 млн. латни ташкил қилди. Парекс лизинг компаниясининг самарали фаолияти шуни кўрсатдики, қайтадан лизинг хизматларидан фойдаланиш учун мижозлар сони икки мартага ошган.

Сўнгги йилларда ҳамкорлик қилувчилар сезиларли даражада ортди. Ҳозирги кунда, истеъмол маҳсулотларини сотувчи ташкилотлар магазинларида лизинг шартномаларни тузиш сони 102 тага етди. Парекс лизинг компаниясининг хизматлари Латвиянинг барча ҳудудларидаги 138 та магазинларда ўтказилмоқда. Шуни айтиш керакки лизинг хизматлари доираси Валмиер, Цесис, Лиепа, Вентспилс, Елгава, Мадона, Екабпилс шаҳарларидаги ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги тузилган шартномалар ҳисобига сезиларли даражада кенгайди.

2002 йил янги ҳамкорларни жалб қилиш ва янги лизинг олувчиларни жалб қилишда магазин ходимлари манфаатдорлигини оширган ҳолда ўқитиш, Parekss Lizings товар белгиси таниқлилигини ошириш мақсадида реклама компаниялари ўтказиш ишлари оптималлаштирилди.

Парекс лизинг компанияси 1997 йил ўз фаолиятини автотранспорт олишни ва кўчмас мулкни кредитлашдан, 1998 йилдан бошлаб эса факторинг операцияларини молиялаштиришни бошлади. 2000 йил ташкилотнинг ички ташкилий тузилмасида ўзгаришлар бўлди ва натижада раҳбарият ва кўпгина ходимлар алмаштирилди. 2001 йилда информацион тизимларни такомиллаштириш ва жорий бухгалтерия ҳисобини яхшилаш ишлари амалга оширилди.

1997 йилдан бошлаб Парекс гуруҳининг лизинг компанияси Литвада ўз фаолиятини йўлга қўйди. Литва Парекс лизинг компанияси худди Латвиядаги Парекс лизинг компанияси каби молиявий масалалар бўйича мижозларга маслаҳатлар бериш бўйича фаолиятини йўлга қўйди, шунингдек, лизингга олинган лизинг объектларини, шу жумладан: кўчмас мулк, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш воситалари, қишлоқ хўжалик тех-

никалари, офис техникалари, медицина воситалари, мебеллар ва бошқаларни молиялаштирди.

Парекс лизинг компанияси 2003 йилда ўзининг хизматлар турини кенгайтиришни ва мижозларга янги товарлар ва хизматлар учун молиялаштиришнинг янги турини таклиф қилишни режалаштирилган.

3-диаграмма

Парекс лизинг компаниясининг лизинг портфели, LVL'000



1997 йил Парекс лизинг компанияси, ўз навбатида Литвада ёпиқ акциадорлик жамияти сифатида рўйхатдан ўтди.

2000 йил Парекс лизинг компаниясида ички қайта тузилиш ўтказилди, раҳбарият ва кўпгина ходимлар алмаштирилди.

2001 йил Парекс лизинг компаниясининг лизинг портфели йил бошига нисбатан 3,5 баравар кўпайди.

6-§. Осиё давлатларида лизинг

Жанубий Кореяда ҳозирги кунда жами 14 та лизинг компанияси, яъни 8 та махсус компания ва 6 та савдо банклари фаолият кўрсатишмоқда.

Қонунга мувофиқ, агарда асбоб-ускунадан фойдаланиш муддати 5 йилдан ортиқ бўлмаса, у ҳолда лизинг шартномасини муддатининг 60 фоиздан кам бўлмаслиги белгиланган. Уларда асбоб-ускунани сотиб олиш ҳуқуқи мажбурий эмас, аммо фойдаланувчига имтиёз сифатида берилиши мумкин. Жанубий Корея ҳукуматининг асосий иқтисодий вазифаларидан бири кичик ва ўрта бизнес соҳасини қўллаб-қувватлашдан

иборат бўлганлиги сабабли, ушбу давлатда махсус лизинг компанияларига жами лизинг операцияларининг 35 фоизидан кам бўлмаган қисмини кичик ва ўрта бизнес соҳасига йўналтириш бўйича махсус йўриқнома мавжуд.

Япониядаги лизинг бизнесини шаклланишини банк капиталининг фаол иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шуниси диққатга сазоворки, Японияда лизинг шароитини шаклланишининг бошланғич даврида маҳаллий банклар ниҳоятда катта рол ўйнаган. XX асрнинг 60-йиллари бошларида "Чейз Манхеттен бенк", "Бостон оверсиз файнэшн корпорейшн" ва "Сити бенк" каби молиявий марказларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли лизинг компанияларининг ташкил этилишига муҳим асос яратилган. Экспертларнинг баҳоси бўйича Япония кўпгина йирик ривожланган мамлакатлардан ЯММнинг ўсиши бўйича анчагина илгарилаб кетган даврида, яъни япон "иқтисодий мўъжизаси" нинг юзага келишида ҳам лизингни молиялаштириш жуда катта аҳамиятга эга бўлган.

2-БОБ. ЛИЗИНГ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1-§. Иқтисодий адабиётларда "лизинг" атамасига қарашлар ва унга берилган таърифлар

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда, лизингга лизинг маҳсулоти ишлаб чиқувчилар ва истеъмол қилувчилар, шунингдек молиявий воситачилар, бизнеснинг шу тури билан шуғулланувчилар учун бир қатор муҳим масалани ҳал этувчи бизнеснинг алоҳида тури сифатида қаралади. Ўзбекистон учун тадбиркорлик фаолиятини молиялашнинг янги усулини кенг қўллаш учун, шунингдек, чет эл лизинг тажрибасидан тўғри фойдаланиш учун, бизнинг назаримизда лизинг муносабатлар иқтисодий табиати ва моҳиятини чуқур англаш лозим бўлади. Лизинг моҳиятини тўғри тушуниш, унинг табиатини атрофлича ўрганиш, замонавий бозор иқтисодиётида барча функцияларини бажариш миллий иқтисодиётда уни кенг тадбиқ этиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа шароитларни яратиш имконини беради.

«*Лизинг*» сўзи инглизча бўлиб, «*Lease*» феълидан келиб чиққан ва тахминан, «*мулкни ижарага бериш*» ёки «*мулкни ижарага олиш*» маънолари ифодасини билдиради. Баъзи манбаларда таъкидланишича, машина, жиҳоз, транспорт воситалари ва бошқа ишлаб чиқаришга тааллуқли ҳаракатланувчи мулкни узоқ муддатли ижарага олишдир[1].

Бир қатор махсус адабиётларда ҳам шунга яқин таъриф берилади, уларнинг муаллифлари, лизинг бизнесига хос ижара муносабатларининг узоқ муддатлилигини таъкидлайдилар[2]. Би-

---

[1] Қаранг: Кредиты. Инвестиции — Москва, «Приор» 1994, — 144, — VIII — Л.О. 97-107 б.

[2] Қаранг. И.А. Бланк. Инвестиционный менеджмент — Киев, МП «ИТЕМ» ЛТД, «Юнайтед Лондон Трейд Лимитед», 1995 — 448 б. Л-408 с; Марков О. М., Сахарова Л.С., Сидоров В. Н. Коммерческие банки и их операции: Учебное пособие. — М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 1995. — 65-75 б; Ричард Брейди, Споарт Майерс. Принципы корпоративных финансов: Б 87. Пер. с англ. — М.: ЗАО «Олимп — Бизнес», 1997. — 1120 б. Л 715-732 б; Букато В. И., Львов Ю. И. Банки и банковские операции в России\Под ред. М. Х. Лапидуса. — М.: Финансы и статистика, 1996., 226-332 б.; Российская банковская энциклопедия. Редколлегия: О. И. Лаврушин и др. М.: Энциклопедическая творческая Ассоциация, 1995, 227 б.

роқ ўз моҳиятига кўра, бу муносабатларнинг кредит хусусиятига эга бўлган табиатини кўпинча инкор этадилар. Кўпчилик муаллифлар лизингнинг моҳиятини очиб берувчи ўзига хос хусусиятларни назардан четда қолдирадилар. Маълумки, лизинг оддий ижара эмас, балки бу — унинг ўзига хос — кредитга яқинлаштирувчи хосса. Ижарадан фарқли ўлароқ унда, қоидага кўра, учта ва ундан ортиқ субъект қатнашади: ускуналарни етказиб берувчи, лизинг (молия) компаниялари ва фойдаланувчилар.

Иқтисодчилар орасида, «лизинг — ижара ҳақидаги оддий кенгайтирилган битим» ёки «ижара бутун муддати мобайнида ижарага олувчининг мулкка эгалик ҳуқуқи сақланган ижара шартномаси» ёки «лизинг ижара муносабатларининг алоҳида тури»[1] деб ҳисобловчилар ҳам мавжуд.

Юқорида қайд этилган ифодаларда асосий эътибор битимнинг ўзига ёки ижара муносабатлар шаклига қаратилган, шу билан бирга, унинг мазмуни, моҳияти улар томонидан очиб берилмайди.

Чет эл адабиётларида лизингнинг бошқача таърифи ҳам учрайди[2]. Баъзи иқтисодчилар лизингни кўчма ва кўчмас мулкни ижарага бериш бўйича, кўзда тутувчи контрактни уни ижарага олувчига сотилишини мумкинлигининг бир тури[3] деб ҳисоблайдилар. Адабиётларда мулкни хусусий қилиб сотиб олиш ва кейинчалик маълум тўлов асосида вақтинча фойдаланишга бериш туфайли юзага келувчи мужассама мулкий муносабатлар лизинг деб аталади, деган фикрлар ҳам учрайди.

---

[1] Қаранг: Ричард Брейли, Стюарт Майерс. Принципы корпоративных финансов: Б 87. Пер с англ. — М.: ЗАО «Олимп — Бизнес», 1997. — 1120 б. Л. 715-732 б; Козлова Е. П. Бухгалтерский учет в коммерческих банках. — М.: Финансы и статистика. 1996. — 432 б.; Банки и банковские операции: Учебник для ВУЗов\Е. Ф. Жуков, — М.: Банки и биржи «ЮНИТИ», 1997.; Европейская федерация национальных ассоциаций по лизингу оборудования (Leaseurope).

[2] Қаранг. Прилуцкий Л. Н. Лизинг. Правовые основы лизинговой деятельности в Российской Федерации. — М.: Изд-во «Ось», 1996, 128 б.; Қаранг. Бернар И., Колли Ж. — К. Толковый экономический и финансовый словарь. Французская, русская, английская, немецкая, испанская терминология: в 2-х тт. — Т.I: Пер. с фр. — М.: Международные Отношения, 1994. — 784 б. Л — 507 б; Роуз Питер С. Банковский менеджмент. Пер. с англ., со 2- го изд. — М.: «Дело Лтд», 1995. — 768 б. Л — 173 с.; Ван Хорн Дж. К. Основы управления финансами: Пер. с англ./Гл. ред. Серии Я. В. Соколов. — М.: Финансы и статистика, 1996. — с: ил. — (Серия по бухгалтерскому учету и аудиту) Л 557-582 б.; Горемыкин В. А. «Лизинг. Практическое учебно-справочное пособие», — М.: ИНФРА-М, 1997.

[3] Қаранг. Бернар И., Колли Ж. — К. Толковый экономический и финансовый словарь. Французская, русская, английская, немецкая, испанская терминология: в 2-х тт. — Т.I: Пер. с фр. — М.: Международные отношения, 1994. — 784 б. Л — 507 б.

Шундай қилиб, лизингнинг моҳиятини белгилашда олимлар ва мутахассислар ҳали ягона бир фикрга келинмаганликлари ҳақида хулоса қилиш мумкин. Бунинг оқибатида лизингнинг мазмуни ва аҳамияти назариётда ҳам, амалиётда ҳам турлича талқин этилмоқда. Баъзи муаллифлар лизингга тадбиркорлик фаолиятини кредитлашнинг алоҳида ва ўзига хос усули сифатида қарайдилар, бошқалар эса уни узоқ муддатли ижара ёки унинг бир шаклига тўлиқ ўхшаган дейдилар, учинчи бир тоифа муаллифлар эса ишлаб чиқариш воситалари олди-соттисининг ёки бегона мулкдан фойдаланиш ҳуқуқининг ҳуфёна усули, тўртинчи бировлар эса лизингни бошқанинг ҳисобидан фаолият кўрсатиш, яъни бировнинг мулкидан ишонч билдирувчининг топшириғига кўра фойдаланиш ва уни бошқариш деб баҳолайдилар.

Айрим мутахассислар лизинг — асосий фондларга капитал қўйилмаларни ихтисослашган лизинг компаниялар воситачилигида молиялашнинг ўзига хос шакли, улар учинчи шахс учун муайян товарга эгалик ҳуқуқини сотиб олади ва унга қисқа, ўртача ва узоқ муддатга ижарага беради[1].

Бошқа манбаларда, лизинг вақтинча бўш турган ёки жалб этилган маблағни инвестициялашга йўналтирилган тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида туридан иборат деб таърифланади, бунда молиявий ижара шартномаси (лизинг) бўйича битта шахс битимда келишилган мулкни маълум сотувчидан хусусий мулк қилиб олиш мажбуриятини олади ва тадбиркорлик мақсадида вақтинча фойдаланиш учун бу мулкни бошқа шахсга бериб туради[2].

Афсуски, юқорида келтирилган таърифларнинг барчасида лизинг муносабатларнинг бирон бир томони баён қилинади, уларнинг биронтаси ҳам лизингнинг иқтисодий моҳиятини тўлиқ ифодалаш бўйича унинг белгиси ва функциясини лўнда ва қисқа тушунчасини бера олмайди. Бизнинг фикримизча лизингнинг моҳиятини чуқур тушуниш ва унга тўғри таъриф бериш учун лизингнинг юзага келиш тарихига эътибор бериш, лизинг муносабатлари пайдо бўлган молиявий-иқтисодий муҳитни ҳисобга олиш, шунингдек, лизинг юзага келган ва ривожланган мамлакатлардаги макроиқтисодий вазиятни идрок

---

[1] Қаранг. Редколлегия. Издательство «Бизнес-каталог».

[2] «Временное положение о лизинге». Утверждено постановлением правительства РФ от 29 июня 1995 года №633.

этиш лозим бўлади. Шунингдек, бизнинг фикримизча лизингга таъриф берувчи муаллифларнинг ихтисослиги ва касбий мавқеини ҳам ҳисобга олиш керак. Хусусан, ҳуқуқшунослар бунга ўзича таъриф беради, иқтисодчилар бошқача ёндашади, молиячилар эса буни мутлақо ўзгача белгилайдилар. Бундан ташқари, яна шуни ҳисобга олиш керакки, лизинг муносабатидаги турли иштирокчилар — лизинг берувчилар, лизинг олувчилар ёки молиявий воситачиларнинг қарашларини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Кейинги пайтларда, чет эл иқтисодий адабиётларида лизинг бизнеснинг алоҳида тури сифатида талқин этилмоқда. Баъзи муаллифлар лизинг бизнеси ҳақида фикр юритиб, *мулкдор* ва *мулкдан фойдаланувчи* тушунчаларини белгиловчи Рим ҳуқуқи мумтоз тамойилларини далил сифатида келтирадилар. Ҳақиқатдан ҳам лизинг муносабатлари мулк компонентларининг икки муҳим ҳуқуқий эгаликка — мулкдан фойдаланиш, яъни даромад ва бошқа фойда олиш мақсади билан боғлиқ тарзда қўллаш ва мулкка эгалик ҳуқуқи билан, шахснинг хусусий мулк субъекти устидан ҳукмронлик ҳуқуқига ажралиши имконига асосланган. Лизингнинг кўп асрлик ривожи ва ундан фойдаланиш шуни кўрсатадики, бойлик, охир оқибатда мулкка бевосита эгалик қилишдан эмас, балки шу мулкдан самарали фойдаланиш билан белгиланади.

Лизинг моҳиятини яхши тушуниш учун, бизнинг фикримизча, замонавий бозор иқтисодида лизинг муносабатларининг қарор топишига эътибор бериш лозим.

2-§. Лизингнинг иқтисодий табиати

Ўзбекистон иқтисодиётидаги тузилмавий ўзгаришлар, иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашуви ва тадбиркорликнинг ривожланиши асосий капитални янгилаш учун қўшимча молиявий ресурслар қидиришни, излаб топишни талаб қилади. Умуман миллий иқтисодиёт ва хусусан, янги шаклланаётган тадбиркорлик тузилмалари ички молиявий ресурсларининг чекланганлиги инвестицияларни молиялаштиришнинг ноанъанавий манба ва усулларини излаш заруратини келтириб чиқаради. Шундай манба ва усуллар сифатида жаҳон амалиётида хорижий капиталнинг кўчиб юришига асосланган, қўшма корпоратив мулкчиликнинг яратилишини келтириш мумкин. Булар хорижий кредит линияларини, давлатлараро қарзларни жалб қилиш асосида ли-

зинг муносабатларини йўлга қўйилишини келтириш мумкин. Шунингдек лизинг асосида янги технология ва асбоб-ускуналарни фойдаланиш учун олиб туриш амалиёти бунинг далилидир.

Лизинг фан-техника тараққиёти ҳамда хусусий, гуруҳий ва ижтимоий манфаатларни уйғун равишда бирга қўшиш талабларига тўла-тўкис жавоб беради. Молиявий қийинчиликлар шароитида лизинг тадбиркорларнинг энг янги технология ва замонавий асбоб-ускуналардан бахраманд бўлишига имкон беради.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда лизинг бизнеснинг алоҳида бир тури сифатида қаралади. У лизинг маҳсулотларининг ишлаб чиқарувчилари, истеъмолчилари учун, шунингдек шу турдаги бизнес билан шуғулланаётган молиявий воситачилар учун ҳам муҳим бўлган бир қанча вазифаларни ҳал этади. Ички ва ташқи бозорлар учун қаттиқ рақобат шароитида асбоб-ускуналарнинг техник хусусиятларинигина эмас, айни вақтда мазкур асбоб-ускуналар истеъмолчиларига қўйиладиган молиявий шартлар, шунингдек қўшимча хизматлар ҳам тобора аҳамиятли бўлиб боради. Истеъмолчиларнинг бундай қўшимча талабларини қондиришда молиялаштиришнинг истиқболли усули бўлган лизинг тўла-тўкис хизмат қилади. Тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришнинг шу янги усулини яқин келажакда кенг жорий қилиш, шунингдек чет эл тажрибасидан тўғри фойдаланиш учун, бизнинг назаримизда, лизингнинг иқтисодий табиати ва моҳиятини чуқурроқ англаб олиш муҳим масаладир. Лизингнинг моҳиятини тўғри тушуниш, унинг табиатини, мазмунини ва замонавий бозор иқтисодиётида бажарадиган вазифаларини ҳар томонлама ўрганиш эса миллий иқтисодиётда уни кенг оммалаштириш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни яратиш имконини беради.

Лизинг тадбиркорликда янги, тобора кучли қизиқтирувчи омилларни вужудга келтиради. У тадбиркорлик ва тадбиркорлик учун, моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун кенг имкониятлар беради. Лизинг операциялари замонавий ишбилармонлик фаолиятига тобора фаол кириб бормоқда. Жаҳон амалиётида лизинг бизнесининг барқарорлиги кўп жиҳатдан банк сектори билан боғланмоқда. Масалан, Европа Ҳамжамияти мамлакатларида саксонинчи йиллар охирида йирик банкларнинг филиаллари ёки улар билан алоқадор бўлган

молиявий воситачилар фаолиятнинг шу тури билан фаол шуғулана бошлаганлар.

Хўш, лизинг нима? Унинг тадбиркорлар учун жозибадорлиги нималардан иборат. Уни Ўзбекистонда ривожлантириш имкониятлари ва истиқболи қандай?

Европа лизинг компаниялари уюшмалари федерациясининг таърифига кўра, лизинг деганда ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланиш учун асосий ишлаб чиқариш воситаларини, шунингдек бошқа товарларни ижарага олиш тушунилади. Айни вақтда лизинг битимига кўра лизинг берувчи битим охиригача мулкчилик ҳуқуқини сақлаб қолади.

Иқтисодий адабиётларда "лизинг – шунчаки ижара тўғрисидаги кенгайтирилган шартнома" ёки "лизинг – ижара муносабатларининг алоҳида тури" ёҳуд "бутун ижара муддати давомида ижарачининг мулкчилик ҳуқуқи сақланиб қоладиган ижара шартномаси"[1] деган фикрларнинг тарафдорлари бор. Бундай таърифларда аввало лизингнинг мақсади, ижарага берувчининг мулкчилик ҳуқуқи сақланиб қолиши таъкидланади, лизинг мол-мулкини қўлга киритувчи томон аниқланади, ижара муносабатлари қайд этилади. Шу билан бирга бу таърифларда тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришнинг алоҳида усули бўлган лизингнинг иқтисодий табиати ва мазмуни акс этмайди. Мазкур таърифларда битимнинг ўзига ёки ижара муносабатларининг шаклига зўр берилади-ю, аммо унинг мазмуни, моҳияти очиб берилмайди.

Мамлакатимиздаги ва хорижий адабиётларда лизингнинг бошқа таърифлари ҳам учрайди[2].

---

[1] Қаранг. Ричард Брейли, Стюарт Майерс. Принципы корпоративных финансов: Б 87. Пер. с англ. - М.: ЗАО "Олимп - Бизнес", 1997. - 1120 б. Л 715-732 бетлар; Козлова Е.П. Бухгалтерский учет в коммерческих банках. - М.: Финансы и статистика. 1996. - 432 б.; Банки и банковские операции: Учебник для ВУЗов\ Е.Ф. Жуков, -М.: Банки и биржи "ЮНИТИ", 1997.; Европейская федерация национальных ассоциаций по лизингу оборудования (Leaseurope).

[2] Қаранг. Прилуцкий Л.Н. Лизинг. Правовые основы лизинговой деятельности в Российской Федерации. -М.: Изд-во "Ось", 1996, 128 б.; Бернар И., Колли Ж. - К. Толковый экономический и финансовый словарь. Французская, русская, английская, немецкая, испанская терминология: в 2-х тт.-Т.I: Пер. с фр.- М.: Международные Отношения, 1994. - 784 б. Л-507 б; Роуз Питер С. Банковский менеджмент. Пер. с англ., со 2-го изд. -М.: "Дело Л т д", 1995.- 768с. Л –173 б.; Ван Хорн Дж. К. Основы управления финансами: Пер. с англ./ Гл. ред. Серии Я. В. Соколов. - М.: Финансы и статистика, 1996.- с: ил. - (Серия по бухгалтерскому учету и аудиту) Л 557-582 б.; Горемыкин В.А. "Лизинг. Практическое учебно-справочное пособие". - М.: ИНФРА-М, 1997.

Айрим иқтисодчиларнинг ҳисоблашича лизинг кўчар ва кўчмас ускуналарни ижарачига сотиш имкониятини берадиган ва уни ижарага олиш шартномасини кўзда тутадиган профессионал кредитнинг бир туридир[1].

Адабиётларда айрим муаллифлар лизингни узоқ муддатли ижара деб билиб ижарачининг ижарага олинган мол-мулкни опцион бўйича сотиб олиш мумкинлиги каби ҳуқуқий муносабатлар мавжудлигини таъкидлайдилар. Сотиб олиш ҳуқуқини берадиган ёки бермайдиган, мол-мулкни ижарачи иҳтиёрига топшириш ҳуқуқини берадиган кредитлаш шакли деб ҳисоблайдиган таърифлар ҳам учрайди[2].

Лизингга берилган бу таърифларнинг муаллифлари ижарага бериш жараёнида келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатларнинг тафовутларини айтиб ўтадилар, лизинг мулкига эгалик қилиш ҳуқуқини ундан фойдаланиш ҳуқуқидан фарқлайдилар, уни опцион асосида қўлга киритиш (сотиб олиш)нинг афзалликларини кўрсатишга интиладилар.

Айрим нашрларда лизинг ва ижара тушунчалари ўртасига тенглик белгиси қўйилади ва лизинг ер участкаси, бино, иншоот, асбоб-ускунадан, одатда, рента шаклидаги тўлов эвазига фойдаланиш ёки уларни қарзга олиш ҳуқуқини бериш тарзидаги «шакл» деб таърифланади[3]. Бу тарздаги таъриф, биринчидан, лизингнинг иқтисодий табиати, мазмуни, моҳиятини очиб бермайди. Иккинчидан, лизингнинг бу таърифида фойдаланиш ҳуқуқи ва ҳақ тўлаш мажбурияти акс этади. Учинчидан, иқтисодий муносабатлар нуқтаи назаридан лизингнинг ёки ли-

---

[1] Қаранг. Бернар И., Колли Ж.-К. Толковый экономический и финансовый словарь. Французская, русская, английская, немецкая, испанская терминологии: в 2 х тт. – Т.I: Пер. с фр. – М.: Международные отношения, 1994. – 784 с. Л – 407 б.

[2] Қаранг. Принцкий Л.Н. Лизинг. Правовые основы лизинговой деятельности в Российской Федерации. –М.: Изд-во «Ось», 1996, 128 б. Банковское дело: Учебник / Под ред. Проф. В.И. Колесникова, проф. Л.П. Кроливецкой. - М.: Финансы и статистика, 1995. – 480-с.: л-289-307-б.

[3] Қаранг. Розенберг Дж. М. Инвестиции: Терминологический словарь. М.: ИНФРА -М, 1997.-400-б.- (Библиотека словарей ИНФРА - М). Л-182 б.; Розенберг Дж. М. Словарь банковских терминов. М.: «ИНФРА – М», 1997; Доунс Дж, Гудман Дж. Эллиот. Финансово-инвестиционный словарь. М.: «ИНФРА-М», 1997. Ричард Брейли, Стюарт Майерс. Принципы корпоративных финансов: Б 87 Пер. с англ. - М.: З А О «Олимп - Бизнес», 1997.- 1120-б. Л 715 – 732-б, Ван Хорн Дж. К. Основы управления финансами: Пер. с англ./ Гл. ред. Серии Я. В. Соколов. - М.: Финансы и статистика, 1996.- с: ил. - (Серия по бухгалтерскому учету и аудиту) Л 557-582-б.

зинг муносабатларининг моҳияти баён этилмайди. Бизнинг назаримизда, лизингни тўғри талқин этиш, лизинг муносабатларининг моҳиятини белгилаш учун чет эл амалиётида лизингнинг пайдо бўлиши ва қарор топишига ундаган сабабларни чуқур билиб олиш керак. Лизинг ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатларида гуркираб ривожланиши бир нарса-ю, унинг ривожланаётган иқтисодиётга жорий этилишининг ноанъанавий усуллар билан ресурс манбаларини излаш заруратн тақозо этиши бошқа нарсадир.

Иқтисодий адабиётларда лизингнинг шундай таърифлари учрайдики, унда ижара муносабатлари билан айни бир вақтда ресурсларни қарзга олиш манбаларини жалб қилиш назарда тутилади[1]. Лизингнинг бу таърифларида унинг мазмунига инвестициялаш учун қўшимча ресурс манбаларини излайдиган ижарачи нуқтаи назаридан бир томонлама ёндашилган. *Аслида эса, лизингнинг иқтисодий табиати, опционни вужудга келиши, қарз олиш муносабатлари пайдо бўлиши, қарор топиши ва ривожланиши заруратидан келиб чиқади.*

Шундай қилиб олимлар ва мутахассислар лизингнинг моҳиятини таърифлаш хусусида ҳозирча бир фикрга келганлари йўқ. Шунинг натижасида назария ва амалиётда лизингнинг мазмуни ва роли турлича талқин этилмоқда.

3-§. Лизингнинг иқтисодий моҳияти

Лизинг моҳиятини қуйидаги ибора орқали ифода этса бўлади: "Бойлик, мол-мулкка эгалик қилишдан эмас, балки ундан фойдаланишдан иборат бўлади". Мазкур жумла лизингнинг асосий ғоясини тўлиқ намоён этади. Корхона ёки тадбиркорга ишлаш ва даромад топиш учун мол-мулкка эгалик қилиш шарт эмас, балки муаян муддат давомида ундан фойдаланишнинг ўзи кифоядир. Бу айниқса асбоб-ускунани мул қилиб сотиб олиш молиявий имкониятлар чекланган корхоналар учун муҳимдир. Лизинг механизми бундай корхоналарга асбоб-ускунадан муайян муддат давомида мақбул миқдордаги лизинг тўловлари эвазига фойдаланиш ҳуқуқини қўлга кири-

---

[1] Қаранг. И.А. Бланк. Инвестиционный менеджмент - Киев, М П « ИТЕМ » ЛТД, « Юнайтед Лондон Трейд Лимитед », 1995 – 448 б. Л – 408 б. Райзберг Б.А. Экономическая энциклопедия для детей и взрослых. М.: АОЗТ «Нефтехиминвест», 1995.; Федоров Б.Г. Англо-русский толковый словарь валютно-кредитных терминов. М.: «Финансы и статистика», 1992.

тиш имкониятини беради. Шунингдек, ушбу асбоб-ускунадан фойдаланиш муддати тугагандан сўнг уни корхонананинг мулкига ўтказиш имконияти ҳам мавжуд.

Инглиз тилида тезкор ва молиявий лизинг тушунчалари мавжуд. Бизнинг қонунчиликка кўра оператив лизинг "ижара" деган маънони англатади, молиявий лизинг эса молиявий ижара ёки лизинг маъносини англатади. Шунинг учун "лизинг" атамаси бизнинг шароитларда молиявий лизингни англатади.

Айрим мутахассисларнинг таъкидлашича, лизинг — муайян товарга бўлган мулкчилик ҳуқуқини учинчи шахс учун сотиб олиб, уни қисқа, ўрта ёки узоқ муддатли даврга ижарага берадиган ихтисослашган лизинг компанияси воситачилигида асосий фондларга капитал қўйилишини молиялаштиришнинг ўзига хос шаклидир. Лизингнинг бу таърифида, биринчидан, лизинг молиялаштиришнинг ўзига хос шакли деб таъкидланади. Иккинчидан воситачи учинчи шахс учун мулкчилик ҳуқуқини қўлга киритади деб, ва учинчидан ижара муносабатлари мавжуд, деб даъво қилинади. Бу таърифда лизинг қатнашчиларининг функцияларини кўрсатишга ҳаракат қилинган, яъни мулкни қўлга киритишни молиялаштириш, мулкчилик ҳуқуқига эга бўлиш, ижарага топшириш эканлиги содир этилиши уринишлари кўрсатилади. Ҳуқуқ нуқтаи назаридан олганда бу таъриф бирмунча даражада мантиқий бўлса ҳам, аммо учинчи шахс учун ижарага топшириш билан бирга мулкчилик ҳуқуқи ҳамиша ҳам қўлга киритилавермайди. Ижара муносабатлари вужудга келиши ва ижарачининг мулкчилик ҳуқуқининг қўлга киритиш вақти ҳар доим ҳам мос келмайди, фақат ижара муносабатлари, эгалик қилиш муносабатлари ва лизинг мол-мулкидан фойдаланиш муносабатларигина вақт жиҳатидан бир-бирига мувофиқ келиши мумкин. Моҳияти жиҳатидан қарз олиш (кредит) муносабатлари ижара муносабатларидан олдин содир бўлади.

Бошқа манбаларда қайд этилишича лизинг — вақтинча бўш турган ёки жалб этилган маблағларни инвестицияга йўналтиришга қаратилган алоҳида турдаги тадбиркорлик фаолиятидан иборат бўлиб, бунда молиявий ижара (лизинг) шартномасига биноан бир шахс шартномада белгиланган мулкни муайян сотувчидан сотиб олиб уни ҳақ эвазига бошқа шахсга

тадбиркорлик мақсадларида вақтинча фойдаланиш учун бериб қўйиш мажбуриятини олади[1].

Афсуски, юқорида келтирилган барча таърифларда лизинг муносабатларининг у ёки бу жиҳатигина таъкидланади, аммо уларнинг биронтасида лизингнинг иқтисодий моҳиятини асл маънода ифодалайдиган белгилар ва функциялар ифодалаб берилмайди. Бизнинг фикримизча, *лизингнинг моҳиятига чуқур кириб бориб, унинг тўғри таърифини бериш учун лизингнинг келиб чиқиш тарихига мурожаат қилиш, лизинг муносабатлари келиб чиқишидаги молиявий-иқтисодий муҳитни ҳисобга олиш, шунингдек лизинг пайдо бўлган ва ривожланган мамлакатлардаги макроиқтисодий вазиятни эътиборга олиш лозим.* Бизнингча, лизингни таърифловчи муаллифларнинг билим доираси ва профессионал мақомини ҳам эътиборга олиш зарур. Жумладан ҳуқуқшуносларнинг ўз ёндашуви бор, иқтисодчилар бошқача ёндашишлари мумкин. Молиячилар эса лизингни бутунлай бошқача таърифлашлари мумкин. Бундан ташқари лизингга лизинг муносабатларининг турли қатнашчилари (лизинг берувчилар, лизинг олувчилар ёки молиявий воситачилар) томонидан бўладиган қарашларни ҳисобга олиш керак.

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш воситаси бўлмиш лизинг рақобат натижасида пайдо бўлган ва унинг муайян афзалликлари бўлган. Тадбиркорлик фаолияти учун инвестиция ресурсларини қидириб топиш ёки мулкни қўлга киритиш, унга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини олишнинг бошқа усулларига нисбатан лизингнинг у ёки бу афзалликлари турли ҳуқуқий ва иқтисодий маконларда турлича намоён бўлади. Яъни лизинг мол-мулкидан тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш имкониятини олиш воситаси сифатида лизингдан кўриладиган манфаатлар ёки зарарлар, унинг афзалликлари ёки камчиликлари иқтисодий, шу жумладан, ҳуқуқий, молия-кредит муносабатларининг даражаси билан белгиланади[2]. Халқаро лизинг битимлари тузилганида бу битимларнинг куч-қуввати халқаро иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларнинг ривожланиш даражаси билан, лизинг муносабатларида қатнашувчи тегишли мамлакатларнинг қонунчилиги билан белгиланади. Бизнинг назаримизда, лизинг битимлари

---

[1] Қаранг. «Временное положение о лизинге». Утверждено Постановлением Правительства РФ от 29 июня 1995 года. №633.

[2] Қаранг. Газибеков Д.Г., Собиров О.Ш. «Лизинг и его развитие в Узбекистане», - Т.: Молия, 2001, 132 бет.

тузилмоғи учун тадбиркор томонидан мол-мулкни қўлга киритиш ёки унга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини олиш вариантларини таққослаш йўли билан, инвестициялашга оид тегишли қарорлар қабул қилинади, кўчар ёки кўчмас мулкни сотишга оид мустақил қарорлар ҳам унинг мулкдори (ишлаб чиқарувчиси, сотувчиси, ижарага берувчиси) томонидан қабул қилинади. Молиявий капитал эгаси ҳам, ўз навбатида, ресурсларни қўйиш ва диверсификация қилиш хусусида ўз қарорларини қабул қилади. *Айни вақтда, ҳар бир томон ўз қарорларини чамалаб кўради, ўзаро манфаатлар мос келган тақдирдагина ва келгусида манфаат кўришига кўзи етган ҳолатда лизинг битимини тузишга қарор қилади. Хуллас, лизинг кўчар ва кўчмас мулкни қўлга киритиш, унга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини олишдаги анъанавий усулларга нисбатан муқобил ёки асосий капиталга ресурсларни молиялашнинг муқобили эканлиги равшан бўлади.*

Кейинги вақтларда хорижий иқтисодий адабиётларда лизинг бизнеснинг алоҳида тури деб талқин қилинмоқда. Баъзи муаллифлар лизинг бизнеси тўғрисида мулоҳаза юритиб Рим ҳуқуқининг мулкнинг мулкдори ва фойдаланувчиси тушунчаларини бир-биридан фарқлаш тўғрисидаги классик принципларга ишора қиладилар. *Ҳа, дарҳақиқат лизинг муносабатлари мол-мулкнинг қисмларини икки энг муҳим ваколатга бўлиш имкониятига асосланади. Уларнинг биринчиси мол-мулкдан фойдаланиш, яъни ундан даромад ёки бошқа манфаат олиш мақсадида фойдаланиш бўлса, иккинчиси шахснинг мулкчилик объекти устидан ҳуқуқий ҳукмронлиги тарзидаги мулкчилик ҳуқуқининг ўзидир. Лизингни ривожлантириш ва ундан фойдаланишнинг кўп асрлик тажрибасига кўра, бойлик пировард натижада бевосита мулкка эгалик қилишдан иборат эмас, балки шу мол-мулкдан самарали фойдаланишдан иборатдир.*

Баъзи таржима нашрларда лизинг ижарани молиялаштириш деб ҳисобланади ва лизинг усулида молиялаштириш банкнинг ускуна ёки машиналарни сотиб олиб, уларни ўз мижозларига ижарага беришини назарда тутади деб, таъкидланади[1]. Ҳақиқатда эса банк мулкчилик ҳуқуқини сотиб олмайди, балки молиялаштиради, тўғрироғи ижарачининг ижара муносабатлари воситасида ва лизинг шартномаларида кўрсатилган

---

[1] Қаранг. Роуз Питер С. Банковский менеджмент - Пер. с анг., со 2-го изд.- М.: «Дело Лтд». 1995 — 768, 173 бет.

муддатларда мол-мулкни қўлга киритиш ниятида бўлғуси ҳуқуқини молиялаштиради. Бунга қўшимча равишда шуни ҳам таъкидлаш керакки, лизинг технологиялар ва ускуналар сотиб олиш учун кредит беришнинг бир шаклидир.

Айрим иқтисодчилар, лизингни вақтинча бўш турган ёки жалб этилган молиявий маблағларни инвестициялашга қаратилган тадбиркорлик фаолиятининг бир тури деб таърифлайдилар. Бундай таърифлар муаллифлари ҳақиқатдан ҳам лизинг бизнеси тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида тури бўлган ривожланган иқтисодиётлардаги молиявий воситачиликнинг, шу жумладан лизинг компанияларини ҳам даражаси юқори бўлган молиявий институтлар қудратли инфратузилмаси ривожланган шароитга асосланадилар. Лизинг компанияларининг бўш молиявий ресурсларини жалб этиш имкониятлари ва уларнинг салмоқли ўз капиталларининг борлиги билан изоҳланади. Лизинг институтлари эндигина пайдо бўлаётган Ўзбекистон каби ривожланаётган мамлакатда бозор муносабатларининг қонунчилик негизини шакллантириш билан бирга лизинг ҳам тадбиркорликнинг алоҳида турига айлангани йўқ. Шу сабабли, бизнинг назаримизда, лизинг инвестицияларни молиялаштириш шакллари ёки усулларидан биридир, деб ҳисоблаётган муаллифларнинг фикрини қўллаб-қувватлаш мумкин[1].

4-§. Лизинг муносабатларининг келиб чиқиш асослари

Лизинг муносабатлари тизимида, аввало, мулкни ўзгартириш, мулкни етказиб бериш, ижарага олишни молиялаш, келишув тартиблари ва рискларни баҳолаш, лизинг тўловларини амалга ошириш бўйича битим тузиш ва ўзаро манфаатли муносабатларни кўзда тутади. Лизинг муносабатлари асосида лизинг мулкка талаб ва эҳтиёж ётади. Худди кредит муносабатлардаги сингари лизинг мулкини етказиб берувчи ва лизинг олувчи (тадбиркор) ҳамда лизинг компанияларнинг манфаатларининг мос келиш ёки уйғунлашуви лизинг битимларини амалга оширишнинг асосий шарти бўлиб ҳисобланади. Фақат шундагина тўлақонли лизинг муносабатлари юзага

---

[1] Қаранг. Коноплицкий Володимир, Филина Ганна. «Это бизнес». Толковый словарь экономических терминов.- Киев: «Альтерпресс» 1996. – 447-бет, 149-бет, Козлов Д. «Лизинг: новые горизонты предпринимательства», Экономика и статистика, 29 июль, 1996.

чиқади. Лизинг муносабатлари фақат лизингга бериладиган мулк ўзи учун катта талабга эга бўлганда, мазкур мулкка доимий эҳтиёж бўлганда ва шу муносабатлар юзага чиқишидан манфаатдор муайян инфратузилмада бўш молиявий ресурс, шунингдек, тегишли инвестициявий молиявий восита мавжуд бўлгандагина шаклланиши мумкиндир.

Ўз иқтисодий мазмунига кўра, бизнингча, лизинг операциялари, аввало, *қарз муносабатини*, мулкнинг лизинг берувчи, мулкни етказиб берувчи, давлат, миллий иқтисод норезидентлари (хорижий давлатлар, халқаро молия институтлар, чет эллик инвесторлар ва б.) билан муносабатини ифода этади. Бу муносабатлар лизинг берувчи, шериклар, таъсисчилар ва бошқалар биргаликда фаолият муносабатларини ҳам акс эттириши мумкин. Лизинг муносабатлар мулк ўзгариши ва мулкни хусусийлаштириш акс эттириши мумкин. Ҳар қандай ҳолда ҳам лизинг муносабатлари, ўз мазмунига кўра, қарз муносабатини, мулкий муносабатни, эгалик ҳуқуқи ва лизинг объектларидан фойдаланиш ҳуқуқи муносабатларини ифода этади.

Шаклига кўра лизинг муносабатлари лизинг мулкни тўлиқ ёки қисман сотиб олишни, кредит беришни, янги хўжайин-тадбиркор пайдо бўлишини билдиради. Ўз моҳиятига кўра лизинг мулк муносабатларини амалга ошириш усулларини ва тадбиркорликни ташкил этиш шаклини ифодалайди. Бошқача айтганда, лизинг ва бу билан вужудга келадиган муносабат ёрдамида кредит муносабатлари, хусусий мулк муносабати ва тадбиркорлик фаолияти амалга оширилади. Шундай қилиб, *лизинг муносабати ўзида мураккаб, бир-бири билан жипс боғлиқ, ўзаро алоқадор ва ўзаро уйғун, тадбиркорликнинг ривожланиши, кичик ва ўрта бизнес корхоналари вужудга келишига кўмаклашувчи иқтисодий муносабатлар тизимини акс эттиради.* Қоидага кўра, лизинг муносабатлари унда бир неча (лизинг субъектлари) — икки ва ундан ортиқ томон қатнашишини кўзда тутади.

Шу нуқтаи назардан лизинг муносабатлари мазкур операцияда қатнашувчилар барчаси ўз манфаатларини амалга оширишга имкон берувчи ўзаро иқтисодий фойдали муносабатдан иборатдир. Ишлаб чиқарувчи ёки ускуна етказиб берувчи мулкини сотади, лизинг компанияси кредит муносабатни амалга оширади, лизинг олувчи эса ижара асосида тадбиркорлик фаолияти олиб боради. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш нуқтаи назаридан лизинг муносабатлар воситасида тадбиркорлик фаолиятига ресурслар инвестиция қилинади. Лизинг муно-

сабатлар ёрдамида, маълум даражада, лизинг мулкни етказиб берувчи, лизинг берувчи ва лизинг олувчилар риски тақсимланади, мазкур қатнашчилар ҳар бирининг хавфсизлиги таъминланади, улар фаолиятидаги ноаниқлик бартараф этилади.

Иккинчи томондан лизинг муносабати тадбиркорлик шаклларидан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан инвестицияларни ижара шаклида молиялашдан фойдаланувчи ва лизинг мулкини тайёрловчилар таъбирига лизинг муносабатларига турлича ёндашишларни акс эттирувчи бизнеснинг асосий тури деган фикрга қўшилиш тўғри бўлади. Ҳозирги пайтда дунёда лизинг муносабатларининг шаклланган тизими мавжуд. У айниқса иқтисоди тараққий этган мамлакатларда юқори даражада ривож топган. Лизинг муносабати, бошқа муносабатлар билан бирга, ижара муносабатларини ҳам ўз ичига олади, лекин шу билан бирга ҳам шаклан, ҳам мазмунан ижарадан фарқ қилади. Хусусан, *лизинг деганда иқтисодий-ҳуқуқий, шунингдек, тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган кўчмас ва кўчма объектларга эгалик қилиш алоҳида ижара муносабатларига асосланувчи кредит-молия ва мулкий муносабатлар англашилади.*

Иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларда бозорга ўтиш даврида лизинг ижтимоий ишлаб чиқаришни техникавий жиҳатдан янгилашнинг ва мамлакатда тадбиркорликни ривожлантиришнинг қудратли воситаси сифатида намоён бўлади.

Пул, товар капитални ўзаро фойдали тақсимлаш ва жойлаштириш ҳамда лизинг ёрдамида ишлаб чиқаришга тадбиркорлик капиталини жалб этиш воситасида мавжуд қийматгина сақланиб қолмайди, балки у капиталга айланади, Тадбиркорлик тузилмаларда молиявий ресурслар чекланган шароитларда лизинг ҳам микро даражада, ҳам бутун миллий иқтисод миқёсида асосий капиталга молиявий инвестициянинг асосий усулларининг ўрнини босиши мумкин.

Қуйидагилар лизинг муносабатларнинг пайдо бўлиш шаклари ҳисобланади:

- қарзга олиш (кредитга олиш), инвестициялаш;
- хусусий мулк муносабати (лизингга олувчи топшириғига кўра мулкни сотиб олиш ва ижарага бериш);
- мулкий муносабат (эгалик қилиш, фойдаланиш, мулкий ҳуқуққа кўра тасарруф этиш ҳуқуқининг алоҳидаланиши);
- ҳуқуқий муносабат (лизинг иштирокчиларининг ўзаро масъуллик муносабатлари);
- тақсимлаш муносабатлари (лизинг оқибати сифатида);

– лизинг моҳиятидан келиб чиқадиган ижара муносабатлари (Эгалик, фойдаланиш, тасарруф этиш муносабатлари ва лизинг берувчи олдидаги масъулият).

Баъзи бир иқтисодчилар лизингни профессионал кредит ёки қарзнинг бир хили деб ҳисоблайдилар[1]. Муайян даражада, ҳақиқатдан ҳам шундай бўлади, чунки лизинг муносабатларининг асосини қарз олиш-бериш (кредитлаш) муносабатлари ташкил этади. *Бизнинг фикримизча, лизинг муносабатлари қарз олиш-бериш асосида вужудга келадиган иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларнинг яхлит тизими деб қабул қилинмоғи зарур.* Лизинг ривожланишининг тарихидан маълумки, унинг пайдо бўлишига объектив шароитлар ва тегишли шартлар кўмаклашиб келган. Бу шарт-шароитлар, бир томондан, лизинг мулкини таклиф қилиш, иккинчи томондан, унга бўлган талабни шакллантириш, учинчи томондан эса лизинг муносабатларини амалга ошириш учун, бўш турган молиявий ресурсларни жалб қилиш имконини берган. *Ҳар қандай ҳолатда ҳам лизинг муносабатлари қатнашчиларининг ўзаро манфаатлари бирбирига мос тушган тақдирдагина лизинг муносабатлари вужудга келган.* Лизингни амалга ошириш имконияти биринчи галда пул шаклидаги капитал мавжудлигига боғлиқ, бунда баҳолаш, таққослаш ва чамалаш натижасида капитални лизинг битими билан боғлаш ҳақида қарор қабул қилинади. Лизинг муносабатлари тизими, аввало мулкнинг шаклини ўзгартирилишини, мулк етказиб берилишини молиялаштиришни, мулк ижарасини, эхтимоли бўлган рискларни баҳолаш тартиботини, шартнома тузилишини ва лизинг тўловлари тўланиши хусусидаги муносабатлар аниқланишини кўзда тутади. Лизинг муносабатлари негизида лизинг мулкига бўлган талаб ва таклиф ётади. Кредит муносабатларида бўлгани каби, лизинг битимларини тузилишини мажбурий шарти сифатида лизинг мулкини етказиб берувчилари, лизинг олувчилари (тадбиркорлар) ва лизинг компанияларининг манфаатлари мос келиши ёки бирлашуви ётади. Ана шундай шароитдагина тўла қимматга эга бўлган лизинг муносабатлари пайдо бўлиши мумкин. *Лизинг муносабатлари тегишли муҳит яратилган тақдирдагина вужудга кела ола-*

---

[1] Қаранг. Бернар И., Колли Ж. - К. Толковый экономический и финансовый словарь. Французская, русская, английская, немецкая, испанская терминология: В 2-х т. - Т. I: Пер. с фр. - М.: Междунар. Отношения, 1994.- 784 б., 507-бет, Финансовое управление компанией, под ред. Е.В. Кузнецовой - М.: Фонд правовая культура, 1996, 329-бет.

ди. Мазкур тегишли муҳит мол-мулкни лизингга бериш тўғрисидаги кўпдан-кўп таклифларни назарда тутади, мазкур мол-мулкка бўлган доимий талабни ва шундай муносабатлар келиб чиқишидан манфаатдор бўлган муайян инфратузилмада бўш турган молиявий ресурслар мавжудлигини, шунингдек тегишли инвестиция-молия механизмини қамраб олади. *Бизнинг фикримизча, иқтисодий-ҳуқуқий муносабатлар мажмуи сифатида лизинг қарз олиш, олди-сотди, ижара, товар билан кредитлаш ёки инвестициялаш, мулкий кафолат, лизинг тўловларини амалга ошириш, лизинг мулкини суғурталаш, солиқлар тўлаш, мулкдан фойдаланиш, лизинг мулкини сотиб олиш, лизинг объектини етказиб бериш ва қабул қилиш, шунингдек уни ишлатиш жараёнларидаги муносабатларни қамраб олади. Ниҳоят, лизинг муносабатлари қарз олиш, кредит муносабатлари, мулкчилик муносабатлари, ижара муносабатлари, мулкга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқлари ва булар билан бир қаторда макон ва замонда тақсимлаш ва қайта тақсимлаш муносабатлари йиғиндисини акс эттиради.* Шу муносабат билан кредит, яъни бир томондан қарз олиш ва иккинчи томондан инвестициялаш соҳасидаги иқтисодий муносабатлар лизингнинг асосини, унинг иқтисодий табиатини белгилайди. Кредит муносабатлари лизинг муносабатлари негизини ташкил этади деса муболаға бўлмайди. Чунки, лизинг мулки таклифи мавжудлигидан ва лизинг кредити шаклида берилиши мумкин бўлган пул капитали мавжудлигидан қатъий назар, агар лизинг мулкига талаб бўлмаса, лизинг кредитига талаб ҳам бўлмас эди. Лизинг (кредит) муносабатлари заминида инвестиция муносабатлари келиб чиқади. Шундан кейин эса ҳуқуқий-мулкий муносабатлар, мулкчилик муносабатлари, эгалик қилиш муносабатлари, фойдаланиш муносабатлари, ижара муносабатлари ва улар асосида қайта тақсимлаш ва ҳуқуқий муносабатлар келиб чиқади.

Лизинг битими қатнашчилари ўртасидаги тақсимот муносабатлари, яъни кенг маънодаги молиявий муносабатлар, шу жумладан кредит муносабатлари лизингнинг иқтисодий табиатини ташкил қилади. Сўнгра, макон ва замонда тақсимот муносабатлари (кредит муносабатлари) негизида лизинг мол-мулкига мулкдорлик, эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш муносабатлари, лизингга асосланган ижара муносабатлари ва ҳуқуқий муносабатлар пайдо бўлади.

Шундай қилиб, айрим иқтисодчилар лизингни узоқ муддатли ижара шакли деб ва инвестиция ресурсларини шаклла-

тиришнинг қарз манбаларидан бири деб ҳисоблайдилар. Бошқалар эса, уни ижара деб ёки ижара тўғрисидаги кенгайтирилган шартнома деб билади. Учинчилари лизингни мулкий муносабатлар мажмуаси деб кўрсатади. Лизингни капитал қўйилмаларни молиялаштиришнинг махсус шакли деб ҳисоблайдиган таърифлар ҳам мавжуд. Шу билан бирга лизингни тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида тури деб тушунтирувчи фикрлар ҳам учраб туради.

Лизинг муносабатлари, ўзининг иқтисодий мазмунига кўра, бизнинг назаримизда, аввало қарз олиш муносабатларини, лизинг берувчи билан, мулк етказиб берувчи билан, давлат билан, миллий иқтисодиётнинг норезидентлари (хорижий давлатлар, халқаро молия институтлари, чет эл инвесторлари ва бошқалар) билан мулкий, ҳуқуқий, тақсимот ва бошқа уйғунлашган муносабатларини ифодалайди. Улар лизинг берувчилар, ҳамкорлар, муассислар ва бошқалар билан қўшма фаолият муносабатларни ифодалаши мумкин. Лизинг муносабатлари мулкнинг ўзгариб, ривожланиб боришини ва мулкнинг хусусийлашувини акс эттириши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам лизинг муносабатлари, ўз мазмунига кўра макон ва замонда қарз олиш муносабатларини, яъни тақсимот муносабатларини, мулкий муносабатларини, лизинг объектига эгалик қилиш ҳуқуқи ва ундан фойдаланиш ҳуқуқларини ифодалайди ва ўз навбатида қайта тқсимот муносабатларини шакллантиради. *Хуллас, бизнинг назаримизда, лизинг алоҳида турдаги мулкий ва ҳуқуқий муносабатлар мажмуасини вужудга келтирадиган алоҳида кредит ва ижара муносабатлари воситасида капиталнинг пул ва буюм шаклида тақсимланиши соҳасидаги иқтисодий муносабатлар йиғиндисидан иборат. Лизинг миллий иқтисодиёт ва миллатлараро иқтисодиётлар доирасидаги ижара воситасида молиявий ресурсларни макон ва замонда тақсимлаш ва қайта тақсимлашдаги мулкий муносабатлар мажмуасидир.*

Шакл жиҳатидан лизинг муносабатлари лизинг молмулкини тўлиқ ёки қисман қўлга киритишни, кредит беришни янги хўжалик ходими-тадбиркор пайдо бўлганлигини акс эттиради. *Моҳият эътибори жиҳатидан лизинг тадбиркорлик мулкий муносабатларни амалга ошириш услуби ва ташкил этиш шаклини акс эттиради. Бошқача қилиб айтганда, лизинг воситасида ва шу борада вужудга келадиган муносабатлар воситасида кредит муносабатлари, мулкий муносабатлар ва тадбиркорлик фаолияти амалга оширилади.*

Ўзбекистон республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги қонунида лизинг ижара муносабатларининг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тараф (лизинг олувчи)нинг топшириғига биноан учинчи тараф (сотувчи)дан ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномасида белгиланган шартларда бериб қўйиш мақсадида мол-мулк (лизинг объекти)ни олади, деб белгиланган[1]. Бу таъриф, бизнинг назаримизда унчалик тўғри эмас, чунки у лизингнинг иқтисодий табиати, моҳияти ва функцияларини очиб бермайди. Лизингнинг иқтисодий табиати ва мазмуни юзасидан ўтказилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, лизинг воситасида миллий ҳамда миллатлараро иқтисодиётларда тақсимот муносабатлари ва молиявий воситачилик; тадбиркорлик самарадорлигини оширишга қаратилган оқилона кредит муносабатлари; лизинг кредити воситасида фан-техника тараққиёти ютуқларини жадал жорий этишга қаратилган алоҳида ижара муносабатлари; мол-мулкни шакллантиришга ва айни вақтда ундан фойдаланишни яхшилашга қаратилган мулкий муносабатлар; хўжалик юритувчи субъектларнинг асосий капиталга инвестиция солиш усуллари; «ноу-хау» дан замонавий технологиялардан фойдаланиш бўйича байналминал капитал муносабатлари ва шу кабилар амалга оширилади.

Мамлакатимиздаги кўпгина иқтисодчилар[2] лизингни инвестицияларни молиялаштиришнинг қўшимча воситаси деб ҳисоблайдилар. Бозор муносабатларига ўтиш даврида лизинг тадбиркорликни ривожлантиришнинг қудратли қуроли бўлади. *Пул ва товар шаклидаги капитални ўзаро манфаатли тарзда тақсимлаш ва жойлаштириш ҳамда тадбиркорлик капиталини ишлаб чиқаришга жалб қилиш орқали қийматни сақлаб қолишдан ташқари уни капиталлашувига ҳам эришиш мумкин. Тадбиркорлик тузилмаларида молиявий ресурслар чекланган шароитда лизинг анъанавий молиялаш усуллари ўрнини босадиган муқобил инвестициялаш усулига айланади.* Кредитлашдан фарқли уларок,

---

[1] Қаранг. Ўзбекистон республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги қонуни, 1999 йил 14 апрель, 2-модда.

[2] Қаранг. Лизинг — это сервис в комплексе с финансами, Налоговые и таможенные вести, №21, 1997, стр.11.; Лизинг как инструмент финансирования, Экономика и статистика, №10, 1997, 47-49 бетлар; Лизинг - гибкий инструмент реформ, Налоговые и таможенные вести, №21, 1999, 13 бет; Лизинг — тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг молиялашнинг таъсирчан воситаси, Банк ахборотномаси, №14, апрель,1999 г., 6 бет; Газибеков Д. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ва лизинг, Бозор, пул ва кредит, №5, 1999.

лизинг муносабатлари шароитида эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш ҳуқуқи мулкдорлик ҳуқуқидан фарқланади. Агар лизинг олувчи мазкур мол-мулкнинг сотувчисини ўзи танлайдиган бўлса, унинг бир ўзи қарз олувчи, ижарачи ва харидор вазифасини бажаради.

Кредитлаш шароитида қарз берувчининг инвестициялари ўз рискларига эга бўлган банк кредити ҳисобидан амалга оширилади, лизинг шароитида эса, инвестициялар лизинг берувчи томонидан амалга оширилади, қарз олувчи эса фойизлар ва амортизация ажратмалари (воситачилик ҳақи, қўшилган қиймат солиғи, лизинг берувчининг қўшимча хизматлари) тарзидаги жорий чиқимларни бўйнига олади. Кредитлаш шароитида кредитни қоплаш пул шаклида амалга оширилади, лизинг шароитида бу иш компенсация хизматлари кўрсатиш, маҳсулот бериш тарзида амалга оширилиши мумкин. Кредитлаш қопланиш манбалари жиҳатидан ҳам лизингдан фарқ қилади. Кредит муносабатларидан фарқли ўлароқ лизинг шароитида унинг қатнашчилари ўртасида бошқа ҳуқуқий муносабатлар келиб чиқиши мумкин. Лизинг муносабатлари ўзининг рисклари таркиби ва йиғиндиси билан ҳам кредит муносабатларидан фарқ қилади. Лизинг муносабатлари шароитида рисклари-нинг таркиби ва йиғиндиси кредит муносабатлари шароитидаги рисклари таркибидаги йиғиндисига нисбатан тораяди.

Лизинг муносабатлари ходимларни ёллашдан ҳам фарқ қилади. Ёллашда фақат меҳнатдан фойдаланиш муносабатлари вужудга келса, лизингда мол-мулкдан фойдаланиш, унга эгалик қилиш, уни қисман тасарруф этиш содир бўлади. Лизинг ўз объектлари жиҳатидан ёллашдан фарқ қилади, ходим, унинг қобилияти ёллаш объекти бўлса, лизингда кўчар ва кўчмас мулк объекти бўлади. Ёллашда меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш кўзда тутилади, лизингда эса мулкий, кредит, ижара ва тижорат ҳуқуқи муносабатлари амалга оширилади. Тадбиркорлик фаолиятини кўзда тутувчи лизинг муносабатлари ташкилий шакли жиҳатидан ҳам ходим ёллашдан фарқ қилади, чунки ходим ёллашнинг ташкилий шакли фақат ёлланма меҳнатдир.

Шундай қилиб, бизнинг эътиқодимизга кўра, *лизинг муносабатлари тадбиркорликни ривожлантиришга, КЎБ корхоналарини оёққа турғизишга кўмаклашувчи иқтисодий муносабатларнинг мураккаб, ўзаро чамбарчас қовушган, ўзаро боғланган тизимидир.* Одатда лизинг муносабатлари бир неча томоннинг иштироки-

ни кўзда тутади. Ўзбекистон қонунларига кўра лизинг битимларида учдан ортиқ тараф қатнашиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, лизинг муносабатлари шу муносабатларда қатнашувчилардан ҳар бирига ўз манфаатларини юзага чиқариш имконини берадиган ўзаро манфаатли иқтисодий муносабатлардир. Асбоб-ускуналарни ишлаб чиқарувчи ёки етказиб берувчи мол-мулкини сотади, лизинг компанияси кредит муносабатларини амалга оширади, лизинг олувчи эса ижара асосида тадбиркорлик фаолиятини юритади. Лизинг муносабатлари воситасида муайян даражада, лизинг мол-мулкини етказиб берувчи, лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўртасида рисклар тақсимланади, шу қатнашчилардан ҳар бирининг хавфсизлиги таъминланади, уларнинг фаолиятидаги номуайянлик бартараф этилади.

Иккинчи томондан, лизинг муносабатлари тадбиркорлик шаклларидан бирини акс эттиради. Шу билан бир қаторда лизинг муносабатлари ижара муносабатларини ўз ичига олади, аммо ўзининг шакли жиҳатидан ҳам, мазмуни жиҳатидан ҳам ижарадан фарқ қилади.

Лизинг таърифида унинг умумий, асосий ва алоҳида белгилари намоён бўлиши керак. *Лизинг деганда кўчар ва кўчмас объектларга эгалик қилишнинг алоҳида ижара муносабатларига асосланган тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган иқтисодий-ҳуқуқий, шу жумладан кредит-молиявий муносабатлар мажмуи ва мулкий ҳуқуқларнинг йиғиндисини тушунмоқ керак.*

Хуллас, *ўзининг иқтисодий мазмунига кўра лизинг муносабатлари қарз олиш асосидаги ижара муносабатларининг алоҳида тоифасида ифодаланувчи ўзаро боғлиқ иқтисодий-ҳуқуқий, шу жумладан молиявий-кредит муносабатлари мажмуасидан иборат.* Улар лизинг берувчи, мол-мулк етказувчи, давлат, ҳамкорлар, муассислар ўртасидаги мулкчилик муносабатларини акс эттиради ва пировард натижада мулкнинг кўпайиб ривожланишини ва мулкдорлар таркиби ўзгаришини таъминлайди.

Лизинг муносабатларининг намоён бўлиши шакллари, аввало қарз бериш (кредитлаш), инвестициялаш муносабатларидан; мулкчилик муносабатлари (лизинг олувчининг топшириғига биноан мол-мулк сотиб олиш ва уни ижарага топшириш)дан; мулкий муносабатлар (мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, уни тасарруф этиш ҳуқуқини мулкчилик ҳуқуқидан ажратиш)дан, ҳуқуқий муносабатлар (лизинг қатнашчиларининг ўзаро масъулияти муносабатлари)дан; лизинг оқибатидаги тақсимот муноса-

батлари (тақсимлаш, лизинг тўловларини тўлаш, мол-мулкни қўлга киритиш муносабатлари)дан; лизинг моҳиятидан келиб чиқадиган ижара муносабатлари (мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, уни тасарруф этиш ва лизинг берувчи олдидаги мажбуриятлар) дан иборат.

Юқорида айтилганларни умумлаштириб назаримизда, қуйидагиларни таъкидламоқ керак: лизинг олувчи нуқтаи назаридан лизинг муносабатлари қарз олиш (мол-мулкдан фойдаланиш, унга эгалик қилиш, уни тасарруф этиш ҳуқуқини қўлга киритиш) муносабатларини ифодалайди, лизинг мол-мулкини ишлаб чиқарувчи учун унинг манфаатлари рақобат муҳитида сотилишини ва лизинг берувчи нуқтаи назаридан инвестицияларни мол-мулкни сотиб олиб, сўнгра уни ижарага топшириш билан боғлаш тўғрисида инвестицион қарорлар қабул қилинишини билдиради. Шундай қилиб лизинг муносабатлари қарз олиш, инвестициялаш, мол-мулкни сотиб олиб, уни тадбиркорлик мақсадлари учун алоҳида ижарага топшириш соҳасидаги муносабатларнинг ўзаро боғланган мажмуасини акс эттиради.

Лизингни ўзида қарз (кредит), яъни опцион асосида замон ва маконда қайта тақсимланиш, олди-сотди, ижара, товар кредити ёки инвестициялаш муносабатларини бирлаштирувчи иқтисодий-ҳуқуқий муносабатлар мажмуи борлиги назарда тутилиб, унинг иқтисодий табиатини қарз (кредит) муносабати белгилайди. Ўз иқтисодий моҳиятига кўра лизинг ўзаро боғлиқ, бир-бири билан алоқадор, иқтисодий-ҳуқуқий, шу жумладан молия-кредит ва ижара муносабатлари қарз негизида яхлитлигини акс эттиради. Лизингда айтилган муносабатлар негизида, молия-кредит, яъни тақсимот ва қайта тақсимот муносабатлари, тадбиркорлик мақсадида кўчмас ва кўчар мулкдан самарали фойдаланиш ётади. Лекин моҳиятан лизинг ғоят мураккаб иқтисодий алоқаларни билдирадики, булар қарз (кредит) олиш, инвестициялаш, мулкни ишлатиш бундан олинган натижани субъектлар ўртасида тақсимлашдан иборатдир.

3-БОБ. ЛИЗИНГНИНГ АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ, ФУНКЦИЯЛАРИ ВА АФЗАЛЛИКЛАРИ

1-§. Лизингнинг асосий белгилари ва функциялари

Мол-мулкни қўлга киритиш, унга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш соҳасидаги иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларнинг йиғиндиси бўлмиш лизингнинг мазмунини тадқиқ этишга киришганда шуни таъкидлаш керакки, у пул ва товар шаклида рўёбга чиқадиган молиявий, шу жумладан кредит муносабатларига асосланувчи мулкий муносабатларнинг йиғиндисидир. Лизинг корхоналарнинг асосий капиталига сафарбар этиладиган инвестицияларни молиялаштиришнинг ноанъанавий усули бўлиб, анъанавий банк кредити эвазига маблағ ажратиш ёки бевосита инвестицияларни молиялаштириш усулларига нисбатан аниқ-равшан устунликларга эгадир. *Лизинг муносабатларининг асосини молиявий муносабатлар, шу жумладан кредит ва ижара муносабатлари йиғиндиси ташкил этади,* шулар ёрдамида *замон ва маконда капиталнинг ҳақиқий қийматини сақлаш ёки кўпайтириш мақсадида молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш жараёни содир бўлади.* Асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотларини лизинг битими асосида сотиш орқали уларнинг сотилмай қолиш ва фойдани йўқотиш рискларидан қутилади. Лизинг компанияси эса, ўз навбатида капиталнинг ҳақиқий қийматини сақлаб қолиш ва уни капиталлаштириш мақсадида ўз маблағини инвестициялайди. Лизинг олувчи эса, ўз маблағларини мутлақо сарфламай туриб, мол-мулкни қўлга киритиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш имкониятларига эга бўлади. Айни бир вақтда лизинг олувчи тадбиркорлик фаолиятини юритиш ва лизинг мол-мулкини ишлатиш орқали фойда олиш имкониятини қўлга киритади.

Шу тариқа лизинг муносабатлари ёрдамида, моддий ва моливий ресурсларни қайта тақсимлаш асосида лизинг битими қатнашчиларининг барча манфаатларини мос келган ҳолда юзага чиқиши таъминланади. Бир пайтни ўзида, капитал ва

фойдани йўқотиш рискларини лизинг битими иштирокчилари ўртасида бир текис тақсимланиши амалга оширилади.

Лизинг муносабатлари бир қанча алоҳида белгиларга эга. Лизинг битими барча қатнашчиларининг юқорида кўрсатилган афзалликларидан фойдаланиш имконига эгалар[1]. Буларнинг энг муҳимлари қуйидагилардан иборатдир:

ижара воситасида капиталга эга бўлиш; рисксиз капитал инвестицияларни амалга ошириш; ўзга мулкни самарали ёнлаш; лизинг объектини сотиш; мол-мулкка манфаатли тарзда эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш; кам маблағ ёки маблағсиз тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш; лизинг мулкидан самарали фойдаланиш; муайян замон ва маконда ҳамда иқтисод соҳиблари орасида ресурсларни тақсимлаш; рақобатда маневр қилиш; фаолиятнинг капитал сиғимини пасайтириш; мулкдорлик ва лизинг мол-мулкидан фойдаланувчи ҳуқуқларининг ажратиш. Буларнинг барчаси оқибатда бизнесни самарали бўлишига қаратилади.

Лизингнинг юқорида қайд этилган афзалликлари унда қатор муҳим функциялар мужассамлашганлиги ҳақида хулоса чиқаришга асос беради.

Лизингнинг бош функцияси *молиявий* ҳисобланади, у тадбиркор (лизинг олувчи)ни лизинг объектига унинг қийматини бир йўла тўлашдан озод этишда ва унга молиявий воситачи (лизинг компанияси) маблағи ҳисобидан лизинг кредити беришда намоён бўлади. Лизинг муносабатлари лизинг олувчига ҳеч қандай пул маблағи қўймай лизинг мулкга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлиш имконини беради. Лизинг берувчи балансида лизинг мулки қиймати кўрсатилган тақдирда лизинг олувчи лизинг мулки қийматини ҳисобга олмаган ҳолда ўзининг капитал ва жорий активларини баҳолашни амалга ошириш имконини беради. Лизингнинг молиявий функцияси лизинг олувчига ҳеч қандай сарфларсиз ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш имконини беради.

Ишлаб чиқариш функцияси лизингнинг иккинчи муҳим жиҳати ҳисобланади, у корхона ишлаб чиқариш салоҳиятини тезкорлик билан ҳал этиш имконида, лизинг объектини сотиб олиш йўли би-

---

[1] Қаранг. Д.Г. Газибеков, О.Ш.Сабиров. Лизинг и его развитие в Узбекистане. Т., Молия, 2001., 18- бет.

лан эмас, балки ижара шартлари асосида вақтинчага олиб, янги ускунани фаол ҳаракатга туширишда кўринади.

Лизинг турига боғлиқ ҳолда у техникавий хизмат кўрсатиш, хомашё, таъминлаш, ишчи куч ва ҳ.к.лар билан таъминлаш билан биргаликда бўлиши мумкин. Ўзбекистоннинг «Лизинг тўғрисида»ги қонунига мувофиқ лизинг берувчи қуйидагиларга амал қилиши шарт:

- лизинг шартномаси бўйича мол-мулкни олиши ва уни лизинг олувчига эгалик қилиш ҳамда фойдаланиш учун бериши;
- лизинг олувчи учун мол-мулк олаётганда мол-мулк муаян шахсга лизингга беришга мўлжалланганлигини сотувчига маълум қилиши;
- лизинг объектини, агар шартномада шундай шартлар назарда тутилган бўлса, сақлаб туриш, таъмирлаш ва унга техник хизмат кўрсатиш бўйича лизинг олувчи олдида ўз зиммасига олинган мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариши.

Лизинг олувчининг лизинг объектини таъмирлаш ва унга техникавий хизмат кўрсатиш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари сотувчи билан тузилган алоҳида шартномада белгиланиши мумкин.

Ўзбекистон республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги қонунига мувофиқ нобуд бўлиш, йўқолиш, ўғирлаш, шикастланиш, бузилиш ва барвақт эскириш хавфи билан боғлиқ бўлган тарздаги ҳар қандай етказилиши мумкин бўлган зарардан лизинг объектини суғурталаш тарафларнинг келишувига биноан амалга оширилади. Бундай келишув бўлмаган тақдирда лизинг олувчи лизинг объекти суғуртаси учун жавобгар бўлади.

Молиявий ва ишлаб чиқариш функцияси билан бир қаторда яна — *сотиш* функциясини ажратиб кўрсатиш мумкин, у истеъмолчилар доирасини кенгайтириш ва мазкур вақтда шундай лизинг мулкини олишга имкони бўлмаганларни ишлаб чиқариш соҳасига, сотиш учун янги бозорни эгаллаш имконини келтириб чиқаради. Бундан ташқари лизинг тадбиркорлик миқёсини кенгайтириш, давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, мулк қийматини тўлашда намоён бўладиган инновация функциясини амалга ошириш имконини беради, булар ёрдамида рақобат муносабатлари ривожланади. Лизингнинг *сотиш* функцияси лизинг мулкини ишлаб чиқарувчи (лизинг олувчига етказиб берувчи)га хос. Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ[1] лизинг берувчи ва лизинг

---

[1] Қаранг: «Лизинг тўғрисида»ги қонун, 24-модда.

олувчи сотувчига нисбатан лизинг объектининг олди-сотди шартномаси бўйича солидар кредиторлар сифатида иш кўрадилар. Сотувчи улар олдида лизинг объектининг олди-сотди шартномасидан келиб чиқувчи мажбуриятларни бажариш (лизинг объектининг сифати, бутлиги, лозим даражада етказиб берилиши ва бошқалар) юзасидан жавобгар бўлади. Бунда сотувчи лизинг объекти билан боғлиқ айнан битта зарар учун бир пайтнинг ўзида лизинг олувчи ва лизинг берувчи олдида жавобгар бўлиши мумкин эмас.

Юқорида таъкидланган функциялар билан бирга лизингда бир қатор бошқа функциялар ҳам мавжуд, булар имтиёз, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик, сафарбарлик, суғурта ва бошқалар (1-чизмага қаранг).

1-чизма

Лизингнинг асосий функциялари

Лизинг битимларини амалга ошириш жараёнидаги ҳуқуқий муносабатлар, шу жумладан инвестициялаш ва товар билан кредитлаш муносабатлари, олди-сотти ҳуқуқий муносабатлари, ижарага оид ҳуқуқий муносабатлар ва мулкий кафолат муносабатлари лизинг битимларининг асосий қатнашчилари ўртасида

шаклланади. Улар тўғрисидаги ушбу ҳуқуқий муносабатлар мажмуаси қарз олиш ва инвестициялаш, товар билан кредитлаш ва ижарага оид муносабатлар, лизинг мулкини харид қилиш шартлари, лизинг битимларини суғурталаш ва солиққа тортиш, лизинг тўловларини тўлаш муносабати билан юзага келади.

2-§. Лизингнинг кредит, ижара, ёллаш муносабатларидан туб фарқлари

Ҳам кредит, ҳам лизинг муносабатларининг асосини инвестициялаш учун ресурсларни қарзга олиш ташкил этади. Шу билан бирга кредит муносабатлари билан лизинг муносабатлари ўртасида муайян алоқалар ҳам, муайян тафовутлар ҳам мавжуд (2-чизмага қаранг).

2-чизма

Кредитор нуқтаи назаридан кредит ва лизинг муносабатларининг энг муҳим фарқлари

Кўрсаткичлар	Муносабат турлари	
	Кредит	Лизинг
Объектга мулкчилик ҳуқуқи	Мулкчилик ҳуқуқи қарз олувчига берилади. Эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи қарз олувчига тегишлидир.	Объектни мулк қилиб олиш опциони мулк ҳуқуқини топшириш эмас. Эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи мулкчилик ҳуқуқидан ажратилади.
Сотувчи билан муносабатларда харидор ҳисобланади	Барча ҳолатларда қарз олувчи ёки унинг вакили	Лизинг олувчи агар сотувчини ўзи танласа, у харидорга тенглаштирилади. Акс ҳолда мулкни кейинчалик ижарага топшириш мақсадини кўзлайдиган лизинг берувчи харидор ҳисобланади.
Кредитнинг таъминоти	Мол-мулкни гаровга қўйиш, банк кафолати, ипотека, кафиллик ва б.	Асосан лизинг объекти
Лизинг объектига чиқимлар таснифи	Кредит ҳисобидан инвестициялаш	Лизинг тўловлари: кредит учун ҳақ, амортизация ажратмалари, воситачилик ҳақи, қўшимча хизматлар учун ҳақ, ҚҚС, суғурта тўловлари.
Кредитни бериш ва узиш шакли	Валюта – пул	Тўлаш - товар шаклида, узиш - валюта-пул, компенсация ва аралаш шаклларда

Кўрсаткичлар	Муносабат турлари	
	Кредит	Лизинг
Савдо ва кредит битимининг ўзаро алоқаси	Кредит битишуви шартлари олди-сотди далолатномасида кўрсатилади.	Ҳамиша мулкни харид қилишдан бошланмайди ва ҳамиша сотиш билан ниҳоятланмайди.
Кредитни узиш манбалари	Қарз олувчининг фойдаси ҳисобидан	Ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархига қўшиладиган амортизация ва бошқа ажратмалар ҳисобидан.
Қўшилган қиймат солиғига тортиш	Солинмайди	Солинади*
Кредит муносабати қатнашчилари	Кредит берувчи ва қарз олувчи	Лизинг берувчи, лизинг олувчи ва лизинг объектини ишлаб чиқарувчи

* 2002 йил 28 августда қабул қилинган "Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра солиққа тортилмайди.

Оддий банк кредити каби лизинг кредити ҳам муайян мақсад учун аниқ муддатларга қайтариб бериш ва ҳақ тўлаш шарти билан берилади. *Кредит муносабатлари каби лизинг муносабатлари ҳам шу муносабат қатнашчиларидан ҳар бирининг манфаатлари мос келганида ва тегишли манфаатлар кўриш умидида таркиб топади.* Банк кредити каби лизинг кредитини ҳам ўз вақтида қайтариб бериш ва ундан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш керак. Банк кредити бўйича ҳам, лизинг кредити бўйича ҳам қарз олувчиларнинг қарзнинг асосий суммасини қайтариш ва қарз юзасидан ҳақ тўлаш имкониятлари аниқланади. Банк кредитига ҳам, лизинг кредитига ҳам қарз олиниши асос бўлади. Банк кредитини беришда ҳам, лизинг кредитини беришда ҳам у ёки бу лойиҳани инвестициялаш қанчалик мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақида пухта ишланган қарор қабул қилинади. Банк кредитини олишда ҳам, лизинг кредитини олишда ҳам қарз олувчи ўз зиммасига қарзнинг асосий миқдорини ва фоизларини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олади.

Мулкчилик ҳуқуқининг эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқидан ажратилиши банк кредитининг лизинг кредитидан энг асосий фарқидир. Узоқ муддатли банк кредити берилганида кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар тўлаш солиқ тўланганидан кейин фойда ҳисобидан амалга оширилса, лизинг берилганида бу тўловлар бошқа тўловлар билан бирга маҳсулот таннархига киритилади, бу эса фойда солиғи бўйича тегишли солиққа тортиш базасини камайтиради.

Агар банк кредити молиялаштиришнинг қўшимча манбаи тарзида намоён бўлса, лизинг кредити қоида тариқасида битимни юз фоиз молиялаштиришни таъминлайди. Агар лизинг мол-мулки лизинг берувчининг балансида акс этса, бу нарса лизинг олувчининг рентабеллик, қарз ва ўз маблағлари коэффициенти каби муҳим баланс кўрсаткичларини яхшилаб, қўшимча маблағ жалб этиш учун имконият яратади. Лизинг мол-мулки лизинг олувчининг балансида (балансдан ташқари ҳисоб рақамида) ҳисобга олинган тақдирда, лизинг олувчининг баланс кўрсаткичлари кредит ҳисобига сотиб олишга нисбатан афзалроқ бўлиб чиқади, чунки қарз маблағи билан ўз маблағи ўртасидаги нисбат яхши томонга ўзгаради. Кўпгина мамлакатларда лизинг муносабатларидан фойдаланиш туфайли тадбиркорлар банк кредити ҳисобидан ускуна сотиб олгандан кўра 20-30 фоиз камроқ маблағ сарфлайдилар[1]. Юқорида кўрсатилганларидан ташқари яна бир қанча фарқлар ҳам бор. Аммо лизинг кредитдан фойдаланганлик учун фоиз ставкасига ва солиқ қонунчилигига нисбатан жуда сезгир бўлади. Лизинг қарз маблағларини келгусида ҳам жалб этиш учун асос яратади. *Лизинг одатдаги кредит муносабатлардан фарқли ўлароқ биринчи навбатда, мазмуни, шакли, ташкилий жиҳатдан таъминланиши, иштирокчилар доираси, иқтисодий самараси ва солиққа тортилиш тизими билан ажралиб туради.* Бу фарқлар шундан келиб чиқадики, лизинг олинганида кредит муносабатлари кейинчалик ижара муносабатлари билан уйғунлашиб кетади. Шу билан бирга лизинг муносабатлари сифат жиҳатидан ижара ёки ёллашдан фарқ қилади. Ижарадан лизингнинг фарқи шуки, лизинг берувчи муайян ишлаб чиқарувчидан муайян кўрсаткичларга эга бўлган лизинг мол-мулкини лизинг олувчининг топширувига биноан сотиб олиш мажбуриятини олади.

Лизинг жадал амортизациядан фойдаланиш имконини беради, шу йўл билан тадбиркор мулк солиғи суммасини камайтиришга эришади. Лизинг олувчи олдидаги асбоб-ускуналарнинг сифати, бутлиги, етказиб бериш муддатлари ва бошқа хизматлар учун лизинг берувчи эмас, балки маҳсулот ишлаб чиқарувчи жавоб беради. Лизинг олувчи учун лизинг солиқ тўловлари ҳажмини камайтириш имконини беради. Лизинг сифати жиҳатидан ҳам ёллашдан фарқ қилади (3-чизмага қаранг).

---

[1] Қаранг. Лизинг-ревю. 1997 №2\3 стр. 39; Васильев Н.М., Катырин С.Н., Лепе Л.Н. Лизинг как механизм развития инвестиций и предпринимательства. – М.: ООО Издательско-консалтинговая компания «ДеКА», 1999, - 45 бет.

3-чизма

Лизинг муносабатлари билан ёллаш муносабатларининг энг муҳим фарқлари

Баҳолаш кўрсаткичлари	Муносабат турлари	
	Ёллаш	Лизинг
Ишлаб чиқариш воситаларига муносабат	Фойдаланиш	Фойдаланиш, эгалик қилиш, қисман тасарруф этиш
Ёллаш объекти	Ходим	Мол-мулк
Ресурслар учун жавобгарлик	Маънавий ва қисман моддий	Тўлиқ мулкий
Асосий феъл-атвор мотивлари ва стимуллари	Аввало физиологик эҳтиёжларни қондириш	Шахсий имкониятни юзага чиқариш, социал ва интеллектуал эҳтиёжларни қондириш
Ишлаб чиқарилган маҳсулот ва даромадга бўлган ҳуқуқ	Маҳсулот ва даромад корхона эгасининг мулкидир	Лизинг олувчи фойдаланувчига тегишлидир
Товар ишлаб чиқарувчининг ҳолати	Ёлланма ходим	Тадбиркор-мулкдор
Бажарадиган функциялари	Ижрочилик	Ижрочилик, бошқарувчилик, яъни ижодий вазифалар
Бошқарув усуллари	Асосан маъмурий бошқарув	Ўзини ўзи бошқариш ва бошқарувнинг иқтисодий усуллари
Ҳуқуқий тартибга солиш	Меҳнат муносабати	Молиявий, мулкий, кредит, ижара, тижорат ҳуқуқ муносабатлари, мудкчилик муносабатлари
Меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси	Меҳнат шартномасига биноан	Лизинг олувчининг қолдиқ даромади билан белгиланади
Менежерлар билан муносабатлар	Табақавий (иерархиявий)	Шартномага биноан, шерикчилик
Ташкилий шакл	Ёлланма меҳнат	Мустақил тадбиркорлик фаолияти

Лизинг муносабатлари ёллаш муносабатларидан бутунлай фарқ қилади. Лизинг муносабатлари рақобат ва тадбиркорликнинг оёққа туриши шароитида бирмунча реалроқдир, чунки тадбиркор лизинг муносабатларини бошлаганда ўз фаолиятини рискли амалга оширади. Лекин бунда у кучли маънавий ва моддий омилларга эга бўлади. Лизинг муносабатларини амалга

оширишда ундан кўриш мумкин бўлган зарарни холисона баҳолаш, яъни рисклар даражасини аниқлаш жуда муҳим вазифадир.

Бизнинг назаримизда, лизинг ҳақида қарор қабул қилганда аввало лизинг лойиҳасини техник-иқтисодий асослашга (ТИА) алоҳида эътибор бериш, лизинг объектини етказиб бериш ва қабул қилиш шартлари, уни ишлатиш, техникавий хизмат ва бошқа шартларни синчиклаб асослаш лозим. Аниқ лойиҳага инвестиция сарфлашнинг муқобил усулларини таққослашда лизинг мол-мулкини харид қилиш ёки қайтариш шартларини, солиқ солинишини (кўриладиган манфаат ёки зарарни) суғурта, тўлов усулларини, товар билан кредитлаш шартларини ва умуман лизингнинг молиявий вазифаларини ҳар томонлама асослаш керак бўлади.

Лизинг фойдасига инвестиция қарорлари қабул қилишда рисклар хавфини баҳолаш катта аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон республикасининг "Лизинг тўғрисида"ги қонуни 18- ва 19-моддаларига биноан лизинг объекти билан боғлиқ барча рисклар лизинг олувчи зиммасига юклатилади, бу эса лизинг олувчи фаолиятини оғирлаштиради. Масалан, лизинг объектини суғурталаш учун жавобгарлик лизинг шартномасида кўрсатилмаган бўлса, бунинг учун лизинг олувчи жавобгар бўлади. Лизинг объекти билан боғлиқ бўлган барча рисклар, шу жумладан, унинг тасодифан йўқолиши ёки нобуд бўлиши, ёки ўғирланиши, барвақт эскириши, шикастланиш рисклари лизинг шартномасида назарда тутилган тартибда лизинг олувчига ўтади. Рисклар лизинг олувчига ўтган пайтдан эътиборан лизинг олувчи лизинг объекти ҳарқандай йўқотилиши ёки шикастланиши учун лизинг шартномаси амал қиладиган муддат давомида жавобгар бўлади.

Қонунда кўзда тутилиши бўйича, агар рисклар лизинг берувчидан лизинг олувчига ўтадиган вақт лизинг шартномасида белгиланган бўлмаса, рисклар лизинг олувчига у лизинг объктини олган пайтдан эътиборан ўтади. Сотувчининг ночорлиги ёки лизинг объектининг ундан фойдаланиш мақсадларига номувофиқлиги рисклари лизинг олувчининг зиммасида бўлади, лизинг берувчининг сотувчини ёки лизинг объектини танлаш ёҳуд лизинг берувчи лизинг олувчини муайян сотувчини ёки лизинг объектини танлашга ғайри қонуний тарзда мажбурлаш ҳоллари бундан мустаснодир.

У ёки бу лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан қарорлар қабул қилиш жараёнида лизинг объктини тадбиркорнинг ўзи

вужудга келаётган ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ва мавжуд имкониятлар ҳолатига қараб танлайди.

Ҳар бир аниқ лойиҳа барча шарт-шароит ва чеклашларни ҳисобга олиб алоҳида кўриб чиқилиши керак, чунки лизинг инвестицияларни молиялаштириш усулларидан бири эканлиги сабабли, энг манфаатли бўлган тақдирдагина ундан фойдаланиш лозим. Инвестиция лойиҳасини молиялаштиришнинг мумкин бўлган барча усуллари нақадар фойдали ва ишончли экани мезони бўйича таққослаш асосида улардан бири танлаб олинади.

Кредиторлар ва қарз олувчилар ўртасидаги оддий кредит муносабатларидан фарқли ўлароқ, лизинг муносабатлари кўпгина мамлакатларда, айниқса қўшилган қиймат солиғи каби билвосита солиқ соҳасида қаттиқроқ солиққа тортилади. Юқорида таъкидланганидек, 2002 йил август ойидан бошлаб Ўзбекистонда лизинг мулки қўшилган қиймат солиғидан (ҚҚС) озод қилинди.

Шундай қилиб, тадқиқотларнинг кўрсатишича, лизинг муносабатлари кредит муносабатлари, ёллаш ва ижара билан муайян умумийликка эга бўлса ҳам, кўпгина кўрсаткичлар жиҳатидан улардан мутлақо фарқ қилади. *Аввало лизинг ўзининг мазмуни, шакли, ташкилий таъминланишича, қатнашчилар доираси, иқтисодий самарадорлиги ва солиқ солиш тизимига кўра оддий кредит муносабатларидан фарқ қилади.*

3-§. Лизинг турлари ва таснифи

Ғарб мамлакатларида лизинг хизматлари бозори лизинг шартномаларининг шакл ва моделлари хилма-хиллиги билан ва лизинг операцияларини тартибга солувчи турли юридик меъёрлари билан ажралиб туради. Замонавий бозор иқтисодиётида лизинг хизматларининг илмий асосланган таснифланиши шу шакллардан ҳар бирининг вазифаси ва муҳим тафовутларини ҳамда уларнинг ўрнини тўғри тушинишга ёрдам беради.

Ўзбекистон республикасининг 1999 йилда қабул этилган "Лизинг тўғрисида"ги қонунида лизингнинг икки тури: молиявий ва оператив турлари белгиланган. "Лизинг тўғрисида"ги қонунда молиявий ва оператив лизингдан ташқари қўшимча лизинг алоҳида кўрсатилган, шунга мувофиқ лизинг олувчи лизинг берувчининг ёзма розилиги билан лизинг объектини вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланиш учун учинчи шахсга топширишга ҳақли. 2002 йил 13 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон республикасини айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги

Ўзбекистон республикасининг қонунига биноан "Лизинг тўғрисида"ги қонунда лизингни молиявий тури қолдирилди.

Жаҳон амалиётини ва мавжуд таснифларни эътиборга олиб, бизнингча, лизингнинг мавжуд турларини қуйидаги мезонларга биноан таснифлаш мақсадга мувофиқдир (4-чизмага қаранг).

4-чизма

Лизинг таснифи



Лизинг жиҳози тўлиқ қопланадиган лизинг, қоидага кўра, молиявий аталади. *Молиявий лизинг,* яъни мулк қиймати тўлиқ тўланадиган лизинг мулки, шу билан тавсифланадики, лизинг олувчига фойдаланиш учун мулк бериладиган муддат давомийлигига кўра лизинг берувчи мулки қийматининг бутун ёки кўп

қисми эксплуатацияси ва амортизацияси муддатига яқинлашади. Молиявий лизинг шартномаси муддати мобайнида лизинг берувчи лизинг тўловлари орқали мулкнинг бутун қийматини ўзига қайтаради ва битимдан тегишли фойда олади. Молиявий лизинг лизингнинг жаҳон миқёсида энг кўп тарқалган туридир ва унинг кўплаб хиллари бор. Булар ўз мустақил функцияси ва номига эга.

Тўлиқ қопланмайдиган *лизинг,* одатда, *тезкор* ҳисобланади, чунки, лизинг берувчининг лизинг мулкини олиши ва сақлаши билан боғлиқ сарфлари, қойдага кўра лизинг муддати мобайнида тўла қопланмайди. Лизинг муддати мулк хизмати меъёрий муддатидан қисқа бўлганлиги туфайли лизинг берувчи уни вақтинча фойдаланишлик учун бир неча марта беришга мажбур, бу лизинг объектини, унга талаб йўқлигида, қолдиқ қийматни қоплаш бўйича унинг рискини оширади. Шунга кўра барча бошқа шароитларда, лизинг тўловларининг миқдори молиявий лизингдагидан анча юқори бўлади. Техника хизмати, таъмирлаш, ускунани суғуртаси бўйича мажбуриятнинг лизинг компанияси зиммасига юкланиши оператив лизингнинг бошқа ўзига хос жиҳати ҳисобланади. Лизинг компанияси, тезкор лизингда, мулкни олар экан, ундан аниқ ким фойдаланишини билмайди, шунинг учун у лизинг мулки бозорининг коньюнктурасини яхши билиши керак.

Тезкор лизинг молиявий лизингдан шу билан фарқланадики, бунда сотиб олиш ҳуқуқи бўлмайди ва лизинг тўловлари лизинг берувчининг барча сарфларини қопламайди.

Лизинг операцияси ўтказиладиган бозор шўъбасига боғлиқ ҳолда лизинг битимларининг қуйидаги турлари фарқланади:

Ички лизинг, бунда битимдан барча қатнашувчилар битта мамлакат вакили бўлади;

Халқаро ташқи лизинг, бунда лизинг берувчи ва лизинг олувчи турли мамлакатларда бўлади, яъни мулкни сотувчи бошқа мамлакатда туриб, бошқа давлат резиденти, бўлиши мумкин.

Лизингга берилаётган ускунага хизмат кўрсатиш ҳажмига кўра мутахассислар лизингни «соф» ва «тўлиқ (мокрый)» лизингга ажаратадилар.

Соф лизинг — бу лизингнинг шундай турики, унда ижарага олинаётган ускунага техникавий ва бошқа хизматларни кўрсатиш масъулияти лизинг олувчи зиммасида бўлади. Бундай ҳолда ускунага хизмат кўрсатиш бўйича чиқимлар лизинг тўловларига қўшилади. Бундай муносабат молиявий лизинг учун хос.

*Тўлиқ лизинг*да ускунага кўрсатиш шарт бўлган техникавий хизмат кўрсатиш, уни таъмирлаш, суғурталаш ва лизинг берувчининг бошқа операциялари эътиборга олинади. Бундай хизматлардан ташқари, лизинг олувчининг хоҳишига мувофиқ, лизинг берувчи малакали мутахассис тайёрлаш, маркетинг ва тайёр маҳсулот рекламаси, хомашё етказиб бериш ва ҳ.к.лар бўйича масъулиятни ўз зиммасига олиши мумкин.

Лизинг муносабатлар тавсифига боғлиқ ҳолда лизинг битимлари қуйидагиларга бўлинади:

Қайтарма лизинг — бу тобора кенг қўлланилмоқда. Лизингнинг бу шаклидан корхона (лизинг олувчи) ускунага эга бўлгани ҳолда, унга асосий ишлаб чиқариш фаолияти учун маблағ етмай қолганда фойдаланилади. Шунинг учун корхона лизинг компаниясини топади ва унга ўз мулкини сотади, компания эса, ўз навбатида, шу корхонага уни лизингга беради. Натижада бундай операция туфайли корхонада пул маблағи пайдо бўлади ва бу маблағни, масалан, у айланма маблағини тўлдиришга йўналтириши мумкин. Бунда шартнома шундай тузиладики, унинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг корхона ускунани сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади. Лизингнинг бу тури, биринчи галда, молиявий таъминланишда қийинчиликни хис этаётган корхоналар учун фойдалидир. Амалда бундай корхоналар лизинг шартномаси тузиш билан бир вақтда лизинг компанияси мулкини сотиш ва шу мулкдан фойдаланишнинг давом эттириш фойдалидир. Барқарор молиявий вазиятга эга корхоналар учун фойдаланишнинг бундай шакли одатда мақбул эмас.

Аралаш лизинг — ўз таркибида молиявий ва оператив лизинг унсурларига эга бўлган лизинг шартномаси тури. Аралаш лизингдан фойдаланиш шароитларида лизинг берувчи муайян сотувчидан лизинг олувчи кўрсатмаси билан мулкни хусусийга олади ва лизинг олувчига лизинг предмети сифатида беради.

Лизинг мулкини молиялашда қатнашувчиларга боғлиқ ҳолда лизинг қуйидагиларга ажралади:

Бўлинма лизинг ёки қўшимча маблағ жалб этиладиган лизинг, ёки лизинг берувчи қисман молиялайдиган лизинг. Бу лизингнинг энг мураккаб тури, чунки кўп йўналишли молиялаш билан боғлиқ, одатда, ундан мураккаб ва кўп капитал талаб этадиган лойиҳаларни амалга ошириш учун фойдаланилади. Лизинг берувчи, ускунани сотиб олар экан, ўз маблағидан

бутун қийматни эмас, балки унинг бир қисми тўлалиги лизинг бу турининг ўзига хос томони ҳисобланади. Қолган миқдорни у бир ёки бир неча кредитордан қарзга олади. Бунда лизинг компанияси барча солиқ имтиёзларидан фойдаланишда давом этади, булар ижарага олинаётган мулк тўлиқ қийматидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Оммавий лизинг — бошқа хил ва тур лизинглардан шу билан фарқланадики, лизинг берувчи сифатида бир гуруҳ (акциядорлар) қатнашади, булар махсус корпорация (траст компания ва б.) таъсис этади ва ишончли вакил тайинлайди, у кейинчалик лизинг муносабатларни амалга ошириш бўйича барча зарур операцияларни олиб боради.

Лизинг мулкининг янгиланиш муддатига боғлиқ ҳолда лизинг шартномалари қуйидагича таснифланади:

Янгиланадиган лизинг, бунда ижарачи талаби бўйича ускуна вақти вақти билан янги, худди шу турдаги анча такомиллашган намуна билан алмаштириб турилиши кўзда тутилади.

Револьвер лизинг ёки ускуна тадрижий алмаштириладиган лизинг, бундан лизинг олувчидан унинг технологик хусусиятига кўра мунтазам равишда турли ускуналар талаб этилади. Бундай ҳолларда лизинг шартномаси шартларига мувофиқ лизинг олувчи муайян муддат ўтгунича ижарадаги мулкни лизинг бошқа объектига алмаштириш ҳуқуқига эга бўлади.

Учинчи шахс фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишига боғлиқ ҳолда лизингнинг қуйидаги турлари фарқланади:

Сублизинг, бу — тадбиркорлик фаолиятида лизинг олувчи кейинчалик лизинг объектини учинчи шахсга беришини англатувчи мажбуриятнинг бир тури. Ўзбекистон республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги қонуни 6-моддасига кўра лизинг олувчи лизинг шартномаси асосида вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун олган лизингини учинчи шахсга сублизингга бериш ҳуқуқига эга. Бироқ, бунинг учун лизинг берувчининг ёзма розилиги бўлиши талаб этилади. Бунда лизинг олувчи лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи олдида масъулиятли бўлиб қолади. Сублизинг шартномасининг амал қилиш умумий муддати лизинг шартномасининг амал қилиш муддати билан чекланади ва кейинчалик муддатидан кўп бўлмаслиги керак.

Асосий лизингда лизинг объектидан учинчи шахс фойдаланиши кўзда тутилмайди.

Лизинг бизнеси шаклланишининг илк босқичларида Ўзбекистонда ўтказилган лизинг операциялари ўтказилиши амалиётига таяниб, тижорат банкларига ва лизинг компанияларига, бизнинг фикримизча, молиявий қайтариладиган ва айрим-айрим лизингларни ривожлантиришни тавсия этиш мумкин.

Лизинг ўзининг бир қатор фойдали жиҳатлари билан такрор ишлаб чиқариш жараёнининг таркибий унсурларига, шу жумладан меҳнат воситалари, жонли меҳнат, техникадан фойдаланиш даражаси ва шу кабиларга ижобий таъсир ўтказади.

Амалда лизингнинг самараси фан-техника тараққиёти ютуқларидан чаққон фойдаланишнинг объектив афзалликларидан, хўжалик фаолияти миқёслари ошиб боришидан, сарф-харажатлар камайишидан ва бутун ишлаб чиқариш жараёни жадаллашувидан ҳосил бўлади.

Агар лизинг фаолияти тадбиркорларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш имкониятини яҳшиласа, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун шароитни таъминланса; бозорни зарур товарлар билан тўлдирса ва товар ишлаб чиқариш миқёсини кўпайтириш орқали бюджет тушумларни оширса, бу фаолият самарали ҳисобланади (5-чизмага қаранг).

Лизингнинг бир қатор афзалликлари бор, унга қуйидагиларни киритиш мумкин: тезкор лизингнинг соддалиги ва қулайлиги; лизинг шартномасини бекор қилиш ва лизинг мол-мулки барвақт маънавий эскириш рискини ўтказиш мумкинлиги; лизинг мол-мулкига мустақил хизмат кўрсатиш имкониятини олиш; қимматли қоғозлар чиқариш ва жойлаштиришга нисбатан чиқимларнинг бирмунча пастроқ даражаси; кўпгина мамлакатларда лизинг берувчилар ва лизинг олувчилар учун яратиладиган солиқ қалқонидан фойдаланиш мумкинлиги; муқобил минимал солиқдан бўйин товлаш мумкинлиги (ҳисоботда амортизацияни ҳисоблаб ёзишнинг тўғри чизиқли усулидан фойдаланиб, аслида жадал амортизацияни ҳисоблаб ёзиш).

5-чизма

Тадбиркорлик фаолиятида лизинг самараси

4-§. Лизингнинг лизинг иштирокчилари учун устунликлари

Лизинг муносабатларини йўлга қўйиш ва кенг миқёсда ривожлантириш тадбиркорликни авж олдириш учун катта имкониятлар очади, чунки лизинг ўз заминидаги афзалликлар туфайли лизинг битимининг ҳар бир қатнашчиси учун манфаат келтириши керак. Чунончи, лизинг мулкини ишлаб чиқарувчи (сотувчи) ундан фойдаланиб, аввало машина ва ускуна сотиладиган қўшимча имкониятни топади ва шу туфайли маҳсулот сотиш ҳажми кенгайиб боради (6-чизмага қаранг).

6-чизма

Лизинг мулки сотувчиси учун лизинг операцияларининг устунликлари

Сифат устунликлари	Устунлик омиллари
Фаол маркетингни ўтказиш	- Истеъмолчилар доирасини қуйидагилар ҳисобига кенгайтиради: доимий равишда техникага эгалик қилишга муҳтож бўлмаганлар; ускуналарни мулк сифатида олиш имкониятига эга бўлмаганлар; техникани аввало ишда синаб кейин олмоқчи бўлганлар; ижара шартида фойдаланмоқчи бўлганлар.
Тўлақонли алоқанинг ўрнатилиши	- Ускуналарнинг конструктив камчиликларини тезкор равишда аниқлаш.
Маҳсулот етиштирилишини кенгайтириш ва уларни янгилаш имкониятларини қўлга киритиш.	- Моделлар алмашишининг тезланиши ва бунинг асосида янги бозорларни қўлга киритиш.
Тўланмаслик рискларини олдини олиш.	- Лизинг компанияси лизинг шартномаси тўловини ва кафолатларини ўз зиммасига олиши.
Самарали реклама воситаси.	- Лизинг мулкини ишлатиш даврида мониторинг доираси кенгайиши ва бўлажак олувчиларнинг қизиқишини ошиши.
Лизинг ускунаси запас қисимлари ва комплектларига талаб ошиши.	- Лизинг мулкини ишлатилиши турли заҳира қисмларини етказиб бериш талабини чиқариш.
Йўналтирилган инвестицияларни бўшатилиши	- Ускуналарни тезда сотиш натижасида ишлаб чиқарувчида унинг йўналтирилган инвестициялари қисман бўшайди.
Мулк ишлаб чиқарувчиси (мулкдор) томонидан сотилмаган мулкни фойдаланиш самарасини кўтарилиши.	- Белгиланган муддатга қайтариб бериш шарти билан лизингга берилади.

Лизинг лизинг берувчига ҳам бир қатор афзалликлар инъом этади, чунки у инвестиция фаолиятининг самарали усули бўлиб лизинг берувчининг ўз капитали самарадорлигини оширишга кўмаклашади (7-чизмага қаранг).

7-чизма

Лизинг берувчи учун лизинг операцияларининг стратегик устунликлари

Стратегик устунликлар	Мазкур устунликларни таъминлайдиган омиллар
Кредитор ҳимоя даражасининг ошиши	Битишув лизинг объектининг ўзи билан таъминланади (кафолатланади). Фойдаланувчи банкрот бўлган тақдирда лизинг объекти мулкдорга қайтарилади. Лизинг берувчи томонидан тўланмаган тақдирда лизинг объекти талаб қилиб олиниши ва зарарни қоплаш учун сотилиши мумкин.
Солиқ соҳасидаги имтиёзлар, лизингнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши	Лизинг олувчи ҳисобидан солиқ имтиёзлари олиш имконини беради ва солиқ шартлари турлича бўлган тақдирда лизинг берувчига лизинг битимидан қўшимча манфаатни таъминлайди.
Ишлаб чиқариш воситаларининг ривожланиши ва диверсификация қилиниши	Лизинг муносабатлари соҳасига янги субъектлар жалб этилади ва шу тариқа товар ишлаб чиқарувчилар учун сотиш бозори кенгаяди. Техникага тўлов қобилиятли талаб қўллаб-қувватланади, янги маҳсулот ишлаб чиқариш миқёси ва сифати кенгайиши учун имконият вужудга келади.
Давлат манфаатларининг рўёбга чиқиши	Ишлаб чиқаришни техника ва технология билан қайта қуроллантириш жадаллашади. Мамлакат иқтисодиётига хусусий инвестициялар жалб этилади. Тадбиркорлик фаоллашуви ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш кенгайиши ҳисобига бюджетга солиқ тушумлари кўпаяди. Халқаро валюта фонди лизинг битишувлари суммасини миллий қарзда ҳисобга олмайди. Янги иш жойлари вужудга келади ва аҳолининг турмуш даражаси кўтарилади. Ички истеъмол бозори янги товар ва маҳсулотлар билан тўлади.
Лизинг берувчиларнинг молиявий барқарорлиги ошиши	Инвестиция харажатлари ва даромадлари баб-баравар намоён бўлади.
Молиявий левериж (восита)нинг самараси	Лизинг берувчилар учун лизинг объктидан ҳар йилги молиявий манфаатлар, одатда, кредит бўйича фоизлардан юқори бўлади.

Лизинг олувчи учун лизинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, унинг ижодий имкониятларини юзага чиқариш ва ишлаб чиқариш-техник салоҳиятни ошириш учун инвестицияларни молиялаштиришнинг муқобил усули бўлади (8-чизмага қаранг).

8-чизма

Лизинг олувчи учун лизинг операцияларининг стратегик устунликлари

Устунликлар	Мазкур устунликларни таъминлайдиган омиллар
Ўзининг илк капиталига эҳтиёжнинг пасайиши	Аввалига битишув тўла-тўкис лизинг берувчи томонидан молияланади. Зарур асбоб-ускуна ҳақини бир йўла тўлаш талаб қилинмайди, бу эса фойдаланувчининг ликвид маблағини озод қилади ва унинг ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун потенциал айланма капиталини кўпайтиради.
Тўловлар тизимининг мосланувчанлиги	Биринчи тўлов муддатини узайтириш, бўлак ва бошқа шаклдаги тўловларни аста-секин кўпайтириш ёки камайтириш мумкин. Лизинга олинган асбоб-ускунада ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар шаклида фойдадан тўловларни амалга ошириш мумкин.
Трансакциялардаги тежаш.	Лизинг берувчидан мол-мулкни сотиб олиш, сақлаш, тугатиш ва сотишдаги сермеҳнат операцияларга эҳтиёж бўлмаслиги ҳисобига маъмурият чиқимлар камаяди.
Солиқ имтиёзлари, лизингнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши.	Кўпчилик мамлакатларда лизинг олувчилар учун лизинг тўловларини сўндириш даврида солиқ соҳасида қўшимча имтиёзлар берилади.
Асбоб-ускунанинг маънавий эскириши муносабати билан товар ишлаб чиқарувчи учун рисклар камайиши	Асбоб-ускунанинг маънавий ва жисмоний эскириши риски лизинг берувчига ўтади. Фойдаланувчи янги асбоб-ускунани ижарага олиши мумкин (револьвер лизинг).
Лизинг олувчининг илмий-ишлаб чиқариш салоҳиятининг ортиши	Лизингда бир хил илк капитал фоизли кредитни харид қилгандан кўра анча кўпроқ ишлаб чиқариш қувватларини ишга солиш имконини беради.
Тадбиркорнинг иқтисодий эркинлиги кенгайиши	Лизинг объектини сотиб олиш, шартнома муддатини узайтириш ва янги замонавий асбоб-ускуна харид қилиш йўлларидан бирини танлаш.
Товар ишлаб чиқарувчининг бухгалтерия ҳисоб-китобини мақбуллаштириш соҳасида кўрадиган манфаати.	Лизинг объекти лизинг берувчининг мулки бўлиб, унинг балансида ҳисобда туради ва унга амортизация ажратмалари ҳисоблаб ёзилади.

Устунликлар	Мазкур устунликларни таъминлайдиган омиллар
Лизинг олувчининг молиявий манфаатлари	Молиялашнинг одатдаги манбалари (банклар, етказиб берувчилар ва бошқалар)га қарамлик камаяди. Лизинг объектидан фойдаланувчи солиққа тортилмайди. Лизинг шартномасини олиш ссуда олишдан кўра осонроқ ва манфаатлироқ. Барқарор тўловлар инфляциянинг таъсирини ва узоқ муддатли ссудалар бўйича банк фоизлари ўсишини пасайтиради. Леверижнинг юқорироқ даражасини таъминлайди.
Лизинг объектининг янги турларини ўзлаштиришда рисклларнинг камайиши.	Талаб етарли бўлмаган тақдирда ижарага олинган мол-мулкни лизинг берувчига қайтариш мумкин.
Рақобат соҳасида устунликлар олиниши.	Ишлаб чиқаришни янада замонавий асбоб-ускуна билан қуроллантириш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш учун шароит яратади.
Шартнома муддатига асосланиб, лизинг объектининг жадал амортизация қилиниши.	Эскирган асбоб-ускунани оператив янгилаш ва ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш имконияти кенгаяди. Солиқ солинадиган фойда хажми камаяди. Фан-техника тараққиёти жадаллашади.

Лизинг муносабатларининг барча қатнашчилари учун лизингнинг юқорида кўрсатилган устунликлари мувофақиятли амалга оширишни, аввало улар фаолият кўрсатаётган иқтисодий муҳит билан белгиланади. Мамлакат қонунчилиги, шу жумладан, солиққа оид қонун ҳужжатлари лизингнинг потенциал устунликларини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Халқаро лизингда қатнашувчилар учун устунликлар лизинг шартномасида қатнашувчи мамлакатларнинг қонунчилиги билан белгиланади. Лизингни баҳолашда амалдаги солиқ қонунларини ҳисобга олиб рисклар ва манфаатларнинг ҳисоб-китоби муҳимдир. Лизинг берувчи лизинг олувчига қарз берганида анча юқори даражадаги рискни зиммага олганлиги сабабли юқорироқ дисконт ставкасига лойиқ бўлади. Шу сабабли лизинг шартномасини баҳолаганда лизинг кредити юзасидан қилинган соф чиқимларни белгилаш бош масаладир, бу чиқимлар эса дисконт ставкаларини ҳисобга олиб белгиланади. Лизинг берувчи ва лизинг олувчида лизингни баҳолаш мезонлари бир-бирига мутлақо зиддир. Лизингнинг афзаллигини белгилашда хилма-хил омиллар шарт қилиб қўйилади. Лизинг берувчи билан лизинг олувчи битта солиқ токчасида эканлиги аниқланса, иккаласи ҳам бир хил пул маблағлари оқимини олади, аммо бунда муқобил

белгилар мавжуд бўлади, яъни лизинг берувчи фақат лизинг олувчи ҳисобига кўпроқ манфаат кўриши мумкин ва аксинча. Башарти лизинг олувчининг солиқ ставкаси лизинг берувчининг солиқ ставкасидан камроқ бўлса, бу ҳолда икковлари ҳам тўланмаган солиқ ҳисобидан манфаат кўради. Солиқ қонунчилигининг, банк кредити учун фойиз ставкаларининг тайинли эмаслиги лизингнинг ҳақиқий устунликларини аниқлаш имкониятини қийинлаштиради.

5-§. Лизинг объектлари ва субъектлари

Лизинг объектларини тўғри таърифлаш лизинг муносабатлари моҳиятини очиб беришда муҳим жиҳат ҳисобланади.

Чет эл ва мамлакатимизда нашр этилаётган адабиётларда[1] таъкидланишича муайян вазиятга боғлиқ тарзда лизинг объекти бўлиб, ҳар қандай кўчмас ва кўчар мулк ҳисобланиши мумкин. Булар амалдаги таснифга кўра асосий воситалар бўлиши лозим, бозорда эркин муомалада бўлиши таъқиқланган мулклар бундан истисно. Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ лизинг объекти бўлиб, ҳар қандай фойдаланилмай турган мулк, шу жумладан, корхона, мулкий мажмуа, бино, иншоот, ускуна, транспорт воситаси ва бошқа тадбиркорликда фойдаланиш мумкин бўлган кўчмас ҳамда кўчар мулк лизинг объекти бўлиши мумкин[2]. Шу билан бир вақтда, деярли барча, айниқса лизингдан фойдаланиш кенг тарқалган мамлакатлар қонунчилигида лизинг объекти бўлиш хусусида қатор чекловлар мавжуд. Масалан, Ўзбекистон республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги қонунида ер майдонлари ва бошқа табиий объектлар, шунингдек, эркин муомалада бўлиш қонунчилик йўли билан таъқиқланган ёки муомалада бўлишнинг алоҳида тартиби белгиланган мулклар лизинг объекти бўла олмаслиги таъкидланган. Шу билан бирга мазкур қонунда алоҳида тартибда муомалада бўлиш талаб этиладиган мулклар рўйхати келтирилмайди, бу ўз навбатида амалдаги қонунчиликка тегишли ўзгартиш киритишни талаб этади. Иқтисодий адабиётларда[3] лизинг объектлари турли методологик белгиларга асосан таснифланади (9-чизмага қаранг).

---

[1] Қаранг: Горемыкин В. А. «Лизинг. Практическое учебно-справочное пособие». — М.: ИНФРА-М, 1997.

[2] Қаранг: Ўзбекистон республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги қонуни, 14 апрел, 1999 йил, 3-модда.

[3] Қаранг: Горемыкин В. А. «Лизинг. Практическое учебно-справочное пособие». — М.: ИНФРА-М, 1997.

9-чизма

Лизинг объектлари умумий таснифи



Ўзбекистон республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги қонунига мувофиқ лизинг объектининг таснифи содда тарзда қуйидаги кўринишга (10- чизмага қаранг) эга бўлиши мумкин.

10-чизма

Мулк тури бўйича лизинг объектининг таснифи



Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилмайдиган кўчмас ва кўчма мулк лизинг объекти бўлиши мумкин. Лизинг объекти бўлиб, фақат тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиладиган, истеъмол этиладиган ашёлар ҳисобланади. Ер майдонлари, фойдали қазилмалар, табиий бойликлар, қурол ва ўқ-дори, атом ҳамда гидроэлектростанциялар ва ҳ.к. қонунчилик билан эркин муомалада бўлиши таъқиқланган ёки муомала қилишнинг алоҳида тартибини белгилаш талаб этиладиган ва истеъмол этилмайдиган ашёлар бундан, мустасно.

Методологик нуқтаи назардан мамлакатимизда ва хорижда чиқаётган адабиётларда лизинг муносабатлари субъектини (11-чизмага қаранг) белгилаш масаласи мунозарага сабаб бўлмоқда.

Уч асосий шахс, қоидага кўра классик лизинг субъекти ҳисобланади, булар: лизинг берувчи, лизинг олувчи ва лизинг мулкини ишлаб чиқарувчи (кўпинча сотувчи).

Амалдаги лизинг муносабатларида эса, қоидага кўра, лизинг муносабатининг бошқа субъектлари, лизингнинг асосий иштирокчилари ўртасидаги воситачи сифатида жалб этилади, шунингдек, сублизинг олувчилар ҳам. Лизинг муносабатлари асосий иштирокчилари ўртасида лизинг бозори хизматининг малакали иштирокчилари воситачилик қилиши мумкин. 11-чизмада лизинг ривожи жаҳон тажрибасига мувофиқ лизинг муносабатларининг субъектлари берилади.

11-чизма

Лизинг муносабатлари субъектлари



Лизинг объектини учинчи шахсга *вақтинча фойдаланиш ва эгалик қилиш* учун бериш, яъни *сублизинг* лизинг берувчининг ёзма розилиги асосида мумкин эканлиги Ўзбекистон республикасида лизинг субъектининг ва лизинг муносабатининг ўзига хос жиҳати ҳисобланади. Бунда лизинг олувчи лизинг берувчи олдида лизинг шартномаси бўйича масъул бўлиб қолади.

Ўзбекистон республикаси «Лизинг тўғрисида»ги қонунининг 4-моддасига кўра лизинг муайян объектига нисбатан лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи ва лизинг олувчи, шунингдек, лизинг берувчи кредитори ва лизинг объектини лизингга олувчи айни бир шахс бўлишига йўл қўйилмайди.

Мураккаб лизинг операцияларида қарз берувчилар, лизинг берувчилар, етказиб берувчилар ва лизинг олувчилар томонида бир қатор юридик шахслар қатнашади, чунки лизинг контрактига турли воситачилар (дистрибьюторлар, дилерлар, брокерлар, суғурта ва траст компаниялар ва бошқалар) жалб этилади.

Лизинг битимларда қатнашувчи воситачилар орасида ҳуқуқ ва мажбурият доираси турлича бўлган (12-чизмага қаранг) бир қатор касбий ихтисослашган тадбиркорлар ажралиб туради.

Чизмадан кўринадики, мутахассис воситачилар ўз тавсифи, ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича бир-биридан фарқ қилади. Лизинг инфратузилмаси яхши ривожланмагани учун республикамизда мутахассис воситачилар ҳали шаклланмаган ва бундайлар ҳали йўқ. Воситачилар лизинг субъектлари таркибида ва лизинг муносабатлари иштирокчилари таркибида учрамайди, бу Ўзбекистонда — лизинг хизмати бозорининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Лизинг муносабатини амалга ошириш жараёнидаги ҳуқуқий муносабатлар ўз ичига товар кредити ва инвестициясини, олди-сотди ҳуқуқий муносабатини, ижара муносабатини ва мулкий кафолат муносабатини олади, лизинг битими асосий иштирокчилари ўртасида шаклланади. Улар ўртасидаги юқорида келтирилган ҳуқуқий муносабатлар мажмуи қарзга олиш ва инвестициялаш, товар кредити ва ижара муносабатлари, лизинг мулкларини сотиб олиш шартлари, лизинг битимлари суғуртаси ва уларни солиққа тортиш, лизинг тўловларини амалга ошириш билан боғлиқ юзага келади.

12-чизма

Лизинг хизмати бозоридаги малакали воситачиларнинг таркиби

№	Малакали воситалар	Мазкур тур малакали воситачиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тавсифи
1	Дистрибьютор (улгуржичи)	- Лизинг мулкини ҳам ишлаб чиқарувчиси, ҳам сотиб олувчиси билан мустақил муносабат асосида тўлиқ ўз номидан ҳаракат қилади, бироқ, мулк эгаси ҳисобланмайди. - Нархни белгилайди, бозорни ўрганади, сервис хизмати кўрсатади.
2	Дилер	- Майда мустақил тадбиркор. У ўз ҳисобидан зарур жиҳозларни сотиб олади ва харидорга сотади, бироқ у рекламада қатнашиши ва сервис хизмати кўрсатиши мумкин.
3	Брокер	- Ўз мижозлари топшириғи бўйича ва улар ҳисобидан ҳаракат қилади. - Манфаатдор томонларни учраштиради, лекин рискни ўз зиммасига олмайди.
4	Тижоратчи	- Мижоз ҳисобидан, аммо ўз номидан битим тузади. - Агар ўз ваколатидан четга чиқса, зарарни тўлайди.
5	Маклер	- Битим учун манфаатдор томонларни танлайди ва учраштиради, лекин ўзи иштирок этмайди.
6	Консигнатор	- Жиҳозларни ишлаб чиқарувчидан тижорат шартлари билан олади ва уни сотувчи белгилагандан паст бўлмаган нархларда сотишни ташкил этади. - Мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи жиҳозни етказиб берувчида қолади.
7	Ишончли шахс (вакил)	- ўз фирмасининг номидан ва топшириғи бўйича битим тузади. - ўзлари учун тузилган битим-топширигда белгиланган тартибда ҳаракат қилади.
8	Ишлаб чиқарувчи (истеъмолчи) агенти	- Муайян ҳудудда ишлаб чиқарувчи номидан ва унинг ҳисобидан ҳаракат қилади. - Битта, муайян битимгагина ваколатли бўлмайди, балки ўз вакиллик муддати ичида бир неча битимлар тузишда вакил бўлади.
9.	Коммивояжер	- Фақат сотибгина қолмай, балки лизинг объектини фойдаланувчига етказиб беради.
10	Жўнатувчи-сотувчи	- Фирманинг кўчмас вакили, у лизинг мулкини тайинли олувчи-ижарачиларга каталоглар жўнатиш йўли билан сотади.
11	Маслаҳатчи	- Лизинг хизмати бозори ва ишбилармонлар доирасида тадқиқотларни тузилган битимлардан фоизлар тўлови асосида олиб боради. - Даромадга шерик бўлмайди ва буюртмачига кафолат бермайди.

Чизмадан кўринадики, мутахассис воситачилар ўз тавсифи, ҳуқуқ ва мадбуриятлари бўйича бир-биридан фарқ қилади. Лизинг инфратузилмаси яхши ривожланмагани учун республикамизда мутахассис воситачилар ҳали шаклланмаган ва бундайлар ҳали йўқ. Воситачилар лизинг субъектлари таркибида ва лизинг муносабатлари иштирокчилари таркибида учрамайди, бу Ўзбекистонда лизинг хизмати бозорининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Лизинг муносабатини амалга ошириш жараёнидаги ҳуқуқий муносабатлар ўз ичига товар кредит ва инвестициясини, олди-сотди ҳуқуқий муносабатини, ижара муносабатини ва мулкий кафолат муносабатини олади, *лизинг битими асосий иштирокчилри ўртасида шаклланади.* Улар ўртасидаги юқорида келтирилган ҳуқуқий муносабатлар мажмуи қарзга олиш ва инвестициялаш, товар кредити ва ижара муносабатлари, лизинг мулкларини сотиб олиш шартлари, лизинг битимлари суғуртаси ва уларни солиққа тортиш, лизинг тўловларини амалга ошириш билан боғлиқ юзага келади.

4-БОБ. ЛИЗИНГ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ

1-§. Лизинг муносабатларининг хусусиятлари

Бир йил ва ундан узоқроқ, муддатга ижара тўғрисида тузилган ва қатор белгиланган тўловларни қамраб оладиган шартнома кўпгина ҳолларда лизинг деб аталади.

Узоқ муддатли хизмат қиладиган ускуналарни харид этишнинг ўрнига фирмалар кўпинча лизингга мурожат этадилар. Ижарага ҳар қандай мулк, яъни электростанциялардан бошлаб, атом ёнилғиси, темир йўл вагонлари, транспорт, самолётлар, пароходлар, гандбол майдончалари, компьютерлар ва бошқа турдаги ускуналар олиниши мумкин.

80-йилларда лизинг ҳажми йилига деярли 15 фоизга ўсиб борди.

Кўпинча адабиётларда лизинг тармоғи тўғрисида фикр юритилади, бунда ижарага берувчилар устида гап кетади. Кўпгина ижарага берувчилар ускуналарни ишлаб чиқарувчилардир. Масалан, GATX – темир йўл вагонларини ижарага берувчидир, IBM-компьютерларни йирик ижарага берувчидир, XEROX – нусха кўчириш машиналарини ижарага берувчидир.

Булардан ташқари иккита йирик ижарага берувчилар гуруҳини ажратиш мумкин, булар банклар ва мустақил лизинг компанияларидир, улар ўзларининг турли хизматларини бажарадилар.

Лизинг кўпгина шаклларда тадбиқ этилади, лекин ҳар доим ижарага олувчи ижарага берувчига мавсумий тўловларни, яъни лизинг тўловларини тўлашни ўз зиммасига олади.

Лизинг битимида, одатда унга имзо чекилиши билан, ҳар ойлик ёки бўлмаса ярим йиллик бўлмиш тўловлар ўз аксини топади. Тўловлар муддатлари лизинг фойдаланувчисининг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ҳам белгиланиши мумкин. Бунда, лизинг битими бўйича биринчи ижара йили тўловлари камроқ, миқдорда ҳам белгиланиши мумкин.

Лизинг битими тугагач, ижарага олинган мулк ижара берувчига қайтарилади.

Лекин, кўп ҳолатларда лизинг шартномаси ижарадан фойдаланувчига мулкни ёки, ижарага олинган ускуналарни сотиб олиш ёки бўлмаса янгитдан лизинг шартномасини янгилашни, яъни қайта тузиш имкониятини беради.

Лизингни айрим турлари қисқа муддатли бўлиб, ижарага олувчи томонидан лизинг битимининг узилишига ҳам олиб келиши мумкин. Бундай ҳолларда ушбу лизинг "операцион" лизинг номини олади.

Лизинг шартномаларини бошқа турлари эса мулкнинг тассавур қилинган иқтисодий ҳаётининг кўпроқ қисмига тузилади ва шартномани бекор қилинишини тақиқлайди, ёки бўлмаса шартнома бекор қилинганда ижарага берувчини кўрадиган зарарларини қопланишини таъминлашни кўзда тутади.

Бундай лизинг капитал, молиявий ёки тўла тўловли лизинг деб аталади.

Молиявий лизинг молиялаштириш манбаи бўлади. Молиявий лизингни имзо чекилишини қарз олиш билан таққослаш мумкин, чунки пул маблағларини келиши дарҳол амалга ошади, чунки ижарага олувчи мулкни бир вақтда тўлаш зарурияти-дан озод бўлади. Аммо, ижарага олувчи лизинг битимида аниқланган тўловларни амалга ошириб бориш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Ижарага олувчи шундай маҳорат билан мулкни тўлиқ қиймати ҳажмида кредит олиши ҳам мумкин бўлар эди, қарзни ва у бўйича фоиз тўловларни қайтариш ва тўлаш шарти билан. Шундай қилиб молиявий лизинг ва қарз олиш бўйича пул оқимлари бир бирига яқин бўлган ҳолда ўхшашиб кетади. Иккала ҳолатда ҳам хўжалик субъекти пул маблағларини бир зумда олади ва кейинчалик уларни қайтаради.

Ушбу жиҳатдан лизинг кредит ҳисобидан молиялаштиришни муқобил усули сифатида қаралади.

Лизинг ижарага берувчи томонларнинг хизмат кўрсатиш жиҳатларидан ҳам фарқланади.

Тўла хизмат кўрсатиш ёки ижара лизинги шартномасида ижарага берувчи ускунани тўла хизмат кўрсатиш ва суғурталаш мажбуриятини ва мулк солиғини тўлаб бориш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Молиявий лизингни кўп турлари соф лизингни ташкил этади.

Молиявий лизингни кўпгина қисми янги ускуналар билан боғлиқ бўлади. Ижарага олувчи ускуналарни танлагач, лизинг компанияси билан келишган ҳолда, унинг ишлаб чиқарувчисидан сотиб олиш тўғрисидаги лизинг битимини лизинг компанияси билан имзолайди. Бу турдаги лизинг битими бевосита лизингидан далолат беради. Айрим ҳолларда эса фирма ўзига тегишли бўлган мулкни сотади ва уни янги эгасидан ижарага қайтариб олади. Мулкни сотиб, уни яна лизинг асосида ижарага олиш шартномалари асосан кўчмас мулки билан боғлиқ бўлган ҳолда кенг тарқалган. Бунда мулкни эгалик ҳуқуқи сотилган ҳолда ва пул тушумига эга бўлган ҳолда сотувчи лизинг шартномаси асосида мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини киритади ва ушбу мулкдан фойдаланишни давом эттираверади. Амалиётда, булардан ташқари, қарз эвазига лизинг муносабатларини йўлга қўйиш ҳам учраб туради. Бу эса молиявий лизингни шундай турики, унда ижарага берувчи мулк қийматини бир қисмига кредит олиб, лизинг битимини олинган кредит гарови сифатида ишлатади.

2-§. Лизинг муносабатларининг моҳияти ва мазмуни

Мулк сотиб олиш, унга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хусусидаги иқтисодий муносабатлар мажмуи сифатидаги лизингнинг моҳияти тадқиқ этилар экан, шуни айтиш жоизки, булар мулкий муносабатлар мажмуидир, унинг асосини пул ва товар тарзида амалга ошириладиган кредит ва молия муносабатлари ташкил этади. Уларни молиявий муносабатлар нуқтаи назаридан кўриб чиқиб лизинг банк кредитлаши анъанавий усули ёки инвестицияларни бевосита молиялаштиришга нисбатан аниқ устунликка эга бўлган корхона асосий капиталига инвестицияларни молиялаштиришнинг ғайрианъанавий усулидан иборат, деб таъкидловчи муаллифларнинг фикрига қўшилиш мумкин. *Лизинг муносабатларининг негизини молиявий муносабатлар мажмуи (кредит ва ижара ҳам шу жумладан) ташкил этади, булар ёрдамида замон ва маконда молия ресурсларини капиталнинг мавжуд қийматини сақлаб қолиш ёки кўпайтириш мақсадида қайта тақсимлаш амалга оширилади.* Ускуналар ишлаб чиқарувчи, ўз маҳсулотини сотар экан товарлашиш, даромадни йўқотиш рискидан ҳоли бўлади, лизинг компанияси, ўз навбатида хусусий мулкини капитал мавжуд қийматини сақлаш ва унинг капиталлашувини сақлаш

мақсадида ўз мулкини инвестициялайди, лизинг олувчи эса ўз хусусий мулкини бирор-бир тарзда қўймасдан, мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш имконига, шу билан бир вақтда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва лизинг мулкдан фойдаланишда фойда чиқариш имконига ҳам эга бўлади.

Шундай қилиб, *лизинг муносабатлари ёрдамида, моддий ва молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш асосида лизинг битимида қатнашувчи томонлар барчасининг манфаатлари биргаликда амалга ошади ва капитал ҳамда фойдани йўқотиш риски анча тенг тақсимланади.*

Айрим иқтисодчилар лизинг олувчи ва лизинг берувчи томонларнинг ўзаро муносабатларининг хусусиятларидан келиб чиқиб, лизингни икки турини ажратадилар. Биринчиси тўғри, яъни бевосита ва иккинчиси – билвосита лизинг. Агарда мулкни ишлаб чиқарувчиси ёки унинг эгаси лизинг берувчи бўлиб хизмат қилса бу бевосита лизинг демакдир, агарда мулк ижарага учинчи шахс орқали берилса, у ҳолда бундай лизинг билвосита ёки эгри лизингни ташкил этади.

Кредит билан таъминлаш услубига кўра муддатли ва қайтариладиган лизингни ажратиш мумкин. Муддатли лизинг бир маротабали ижарани, қайтариладигани эса, шартномани биринчи муддати тугагач, уни қайтарилишидан ва ижарани бир неча маротаба бўлишидан далолат беради.

Ижарага бериладиган объектни хусусиятларидан келиб чиқиб кўчар мулк лизинги ва кўчмас мулк лизингини ажратишади.

Одатда кўчмас мулк лизинги қурилишда ишлатилади. Кўпинча, кўчмас мулк объектларини қуришда, қурилишнинг ўзини ва жалб қилинадиган маблағларини етишмовчилигига дуч келинади. Бундай ҳолларда, лизинг компаниялари, қурилишни кредит билан таъминлаш, сўнгра эса уни кўчмас мулк лизинги билан расмийлаштириш амалиётини қўллайдилар.

Кўчмас мулк объектини лизинг компанияси қуради, жиҳозлайди ва ўз навбатида ушбу объект ишлатилиши эвазига олинадиган фойдани кўпгини қисмига эга бўлади. Аммо, объектни ўзи эмас, аксинча, ижарага олган фирма ёки ташкилот ишлатади.

Қуриб битказилган объектни фойдаланиш учун қабул қилиб олган мижоз, ундан ўзи фойдаланиши мумкин ёки бўлмаса қисман уни ижарага топшириши ҳам мумкин.

Инвестициялар – лизинг бизнесига сафарбар этилган капитал бўлиб, пул шаклидаги капиталдан шу билан фарқланадики,

у қадрсизланишдан сақланади, чунки бозор иқтисодиёти шароитида ер, кўчмас мулк қиймати кўтарилиб боради.

Кредит муассасаси, лизинг операцияларини ўтказишда келиб чиқадиган рискларни баҳолашда, одатда қуйидаги омилларни эътиборга олади:

- лизинг олувчи компаниянинг тижорат обрўси ва молиявий ҳолати;
- ушбу компания фаолият юритаётган мамлакатдаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва фискал-монетар вазият (миллийлаштириш риски, гарров ҳуқуқлари тадбиқ этилишдаги қийинчиликлар риски ва бошқалари);
- шартнома ҳажмининг сотиш нарҳи, ва кейинги йилларда иккиламчи бозорда ушбу нарҳини ўзгариши;
- лизинг олувчи фирманинг лизинг объектидан фойдаланиш шартлари.

Лизингга оид бўлган риск қатор омилларга боғлиқ, лекин улар таркибида иккита омил асосийдир:

- лизинг шартномасининг сифати;
- ускуналарни етказиб бериш муддатларини бузилиши.

Лизинг муносабатлари лизинг берувчи, лизинг олувчи, ишлаб чиқарувчи ўртасида улар манфаатларидан келиб чиқади. Лизингни вужудга келиши иштирокчиларни манфаатларини учрашишини билдиради. Манфаатлар мос тушган ҳолдагина лизинг муносабатлари ўрнатилади. Демак, лизингни ривожлантиришни асосий омилларидан бири объектив равишда лизинг иштрокчиларини манфаатларини келтириб чиқариш, уларни учраштириш муҳитини яратишдир. Бошқача қилиб таъкидлаганда, иқтисодий муносабатларни лизинг иштрокчилари, яъни субъектлари, ривожланиш даражасига боғлиқлиги келиб чиқади. Иқтисодиётда муайян муҳит, уни иштрокчилари ва ўзаро манфаатлар муҳитини вужудга келиши талаб этилади.

Ўзбекистон иқтисодиётида лизинг олувчилар эхтиёжлари мавжуд, аммо янги технология ишлаб чиқарувчилар лизинг компанияси сифатида хизмат кўрсатадиган ва ўз молиявий маблағларига етарли даражада эга бўлган муассасалар хали етарлича эмас. Бу эса, ўз навбатида ушбу жиҳатдан керакли бозор инфратузилмаларини яратиш, ривожлантириш, такомиллаштириш ва улар асосида лизинг муносабатларини объективлигини таъминлашни талаб этади.

3-§. Лизинг муносабатларининг зарурияти

Қисқа муддатли, яъни операцион лизинг жуда ҳам қулай бўлиб кўп жиҳатдан ўз афзалликлари билан ажралиб туради.

Биринчидан, лизинг битими қисқа муддатга тузилиши муносабати билан, операцион лизинг жуда ҳам қулай, муддат тугагач лизинг мулкини (ускуналарни) ижарага берувчига қайтириш имконияти қисқа вақт ичида бўлганлиги туфайли молиявий қарорлар бўйича ҳисоб-китоблар аниқ бўлади ва истиқбол натижаларига мос тушади.

Иккинчидан, кичик, ўрта тадбиркорлар, бозор талабидан келиб чиқиб, ўз фаолиятини ўзгартиришида яхши натижалар беради.

Учинчидан, қисқа муддатга керак бўлган ускунани сотиб олишдан кўра уни ижарага олиб ишлатиш, ижарага олувчининг фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириб беради.

Тўртинчидан, лизинг шартномаси билан боғлиқ бўлган рисклар, лизингни бошқа турларига нисбатан миқдорий камаяди.

Бешинчидан, ривожланиб бораётган ва ўзгарувчан бўлмиш иқтисодиётда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда операцион лизинг молиялаштириш манбаси сифатида кўмак беради.

Олтинчидан, маънавий жиҳатдан тез эскирувчан ва қадрсизланувчи ускуналар бўйича қисқа муддатли лизинг шартномалари муддатидан илгари маънавий эскириш рисклари, фойдаланувчи ўрнига, ижарага берувчи зиммасига юклатиш имкониятини беради.

Еттинчидан, лизинг контрактини рад этиш имкониятини яратувчи қисқа муддатли лизинг шартномаси лизинг шартномасини рад этиш опционини тўлашни талаб этса ҳам, ижарадан воз кечиш имкониятини берувчи ушбу шартнома аслида адолатли баҳога эгадир.

Саккизинчидан, тўла хизмат кўрсатиш лизинг шартномаси бўйича ижарага олувчи ускунлар учун зарур бўлган барча хизматлардан фойдаланиш имкониятларини қўлга киритади.

Тўққизинчидан, кўпинча лизинг кичик компания ва ўрта бизнес корхоналари учун пул маблағларини нисбатан арзон манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ўнинчидан, акция ёки облигацияларни муомалага чиқариш эвазига маблағ жалб қилишга нисбатан, лизинг, паст харажатлар билан, босқичма-босқич, узоқ муддатли молиялаштиришни таъминлайди.

Ўн биринчидан, лизинг шартномаси асосида олинган ускуналар бўйича тезлаштирилган амортизация ажратмаларини қўллаш имконияти яратилади ва бозор талаби ва таклифидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулот нархларини ва олинадиган фойда ҳажмини тартибга солиш имконияти қўлга киритилади.

4-§. Ўзбекистонда лизинг муносабатларини ривожлантириш ҳуқуқий ва иқтисодий асосларининг ташкил топиши

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришганидан сўнг республика ва унинг халқи манфаатларига мос келадиган ижтимоий-иқтисодий сиёсатини ўтказиш имконияти туғилди. Бу сиёсатнинг устувор йўналиши бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишдан иборат. Ўз навбатида бозор иқтисодиёти кўп бўғинли инфратузилмани яратишни талаб этади.

Шу сабабли, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимиз раҳбари И. Каримов ўз чиқишларида бозор муносабатларининг асосини ташкил этадиган кичик ва ўрта бизнес ривожланишига мутаносиб равишда боғлиқ бўлган бозор инфратузилмасини: суғурта, аудиторлик, консалтинг ташкилотлари қаторида, лизинг компанияларини тузиш зарурлигини эътироф этиш билан бирга, ушбу инфратузилмаларга эга бўлмасдан бозор механизмлари тўлиқ ишлай олмаслигини алоҳида қайд этган.

Лизинг бозор инфратузилмасининг ажралмас қисми бўлиб, мамлакатимиз учун нисбатан янги молиявий дастакни ўзида мужассам этади.

90-йилларнинг биринчи ярмида бозор ислоҳотлари натижасида банк, кредит муассасалари ва корхоналар илгари иқтисодиётимизда қўлланилмаган кўпгина молиявий дастаклардан фойдалана бошладилар. Айни шу йилларда лизинг тузилмаларини фаол ташкил этиш, иқтисодиётнинг ушбу соҳасига инвестицияларни жалб қилиш, лизинг муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш бошланди.

Хусусан, 1995 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарори билан Ўзбекистон республикаси фуқаролик кодексининг биринчи қисми, 1996 йил 29 августда эса ушбу кодекснинг иккинчи қисми тасдиқланди.

Фуқаролик кодексининг 34-бобидаги олтинчи банд лизингга, яъни молия ижарасига бағишланган бўлиб, унда лизингнинг таърифи берилган, жами 13 моддадан иборат бўлган бу

бандда лизинг шартномаси, объекти, субъекти, лизинг тўловлари, томонларнинг мажбуриятлари, жавобгарликлари, ҳуқуқлари ва қатор бошқа масалаларни қамраб олган.

Айни шу даврда «Ўзбеклизинг интернешнл» АЖ (1995 й.), Осиё-Европа траст компанияси (ОЕТК) (1996 й.), «Барака» универсал лизинг компанияси ОАЖ (1996 й.), «Ўзкейсагролизинг» ҚК (1997 й.), «Ўзавиализинг» акциядорлик лизинг компанияси (1997 й.) каби ҳозирги кунда ҳам самарали фаолият юритаётган миллий ва қўшма корхоналар ташкил этилди. Бу лизинг тузилмаларни шакллантиришда чет эл тажрибасидан фойдаланилди.

Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси эса лизинг компаниялари томонидан мавжуд ускуналарни техник қайта қуроллантириш ва янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш борасидаги кўплаб мисолларга бой.

Бу тажрибадан самарали фойдаланиш ҳамда эндигина шаклланаётган лизинг хизматлари бозорининг тўлақонли амал қилишини ташкиллаштириш мақсадида лизинг фаолиятига ихтисослашган меъёрий-ҳуқуқий асосларни шакллантириш зарурияти туғилди.

1997 йилда Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзкейсагролизинг» ўзбек-америка компаниясини ташкил этиш тўғрисида»ги 111 қарорига биноан Ўзбекистон банклар ассоциацияси ва унинг шўъба корхонаси «Барака» УЛК ОАЖга бир ой муддатда «Лизинг тўғрисида»ги вақтинчалик низом ишлаб чиқиб Вазирлар Маҳкамасига киритиш тавсия этилди.

Тайёрланган ҳужжат, лизинг асосида молиялаштиришнинг шартнома муносабатларини қулай шароитлари ва принципиал асосларини қамраб олган эди. Бироқ мамлакат ҳукумати лизинг бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни янада мужассамлаштириш, ҳамда у лизинг муносабатларининг барча жиҳатларини қамраб олиши лозимлигидан, келиб чиққиб вақтинчалик низом ўрнига «Лизинг тўғрисида» қонун ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақида хулосага келади.

1998 йилда Республика Вазирлар Маҳкамасида қатор вазирликлар, банк, молия ва лизинг тузилмалари мутахассисларидан иборат гуруҳ иш бошлаб, у «Лизинг тўғрисида»ги қонуннинг дастлабки лойиҳасини ишлаб чиқди. Сўнгра бу қонун лойиҳасини янада мукаммалроқ қилиш, ҳамда уни тайёрлашга кенг доирада мутахассисларни жалб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Бюджет, банк ва молия масалалари» қўмитаси қошида «Лизинг тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тайёрловчи ишчи

гуруҳи ташкил этилиб, унинг таркибига Олий Мажлис депутатлари, қўмита аъзолари, Вазирлар Маҳкамаси, Президент давони, Молия ва Адлия вазирликлари, Солиқ қўмитаси, Марказий банк ва «Ўзбеклизинг интернэшнл» ва «Барака» лизинг компанияларининг мутахассислари кирдилар.

Шу йил декабр ойида Ўзбекистон республикаси "Лизинг тўғрисида"ги қонун лойиҳаси Олий Мажлиснинг сессиясига муҳокама учун киритилди. 1999 йил 14 апрелда эса Олий Мажлиснинг қарори билан Ўзбекистон республикасининг "Лизинг тўғрисида" ги қонуни кучга кирди. Мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат лизинг бўйича Олий Мажлис томонидан қабул қилинган биринчи махсус давлат ҳужжати бўлиб, унда лизинг операцияларини амалга ошириш тартиби ва шартлари, унда иштирок этадиган субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, лизинг объектининг таърифи ва лизинг фаолиятини белгиловчи меъёрлар ўзининг аниқ аксини топди.

Мамлакатда лизинг муносабатларининг ривожланиши, ҳамда республика тижорат банкларини молиявий хизмат турини кўплаб кўрсатишга жалб қилиш мақсадида, Ўзбекистон республикаси марказий банки бошқаруви томонидан 1997 йил 29 мартда тасдиқланган "Ўзбекистон республикаси банклари томонидан лизинг операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисида»ги қоидалари муҳим роль ўйнади. Хусусан, бу ҳужжат тижорат банкларининг лизинг бозорида фаолият юритиш меъёрларини аниқлаб, банк мижозлари бўлган кичик ва ўрта бизнес субъектларига банклар томонидан лизинг хзматларини бажариш учун ҳуқуқий асосларни яратди. Уларнинг лизинг хизматлари қатор хусусиятларга эга бўлиб, аввало, деярли барча банклар лизинг лойиҳаларини ўзлари учун паст рентабеллик билан амалга оширдилар. Бу ҳол мамлакатнинг ўрта ва узоқ муддатли кредитлар учун мавжуд, аммо лизинг операцияларига нисбатан қўлланилмайдиган солиқ имтиёзлари билан боғлиқ эди. Тижорат банклари мижозларни лизинг лойиҳаларини кредитлаш ставкаси бўйича молиялаганлар ва уларнинг фойдаси ҚҚС ҳисобига камайган. 2002 йил 28 августдаги «Лизинг тизимини ривожалантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, ҳамда Марказий банкнинг «Тижорат банкларининг молиявий лизинг операцияларини олиб бориш тартиби тўғрисида»ги низомга киритилган тузатиш ва қўшимчалар банклар учун лизинг операцияларини фаол амалга оширишга шарт-шароит яратиб берди. Лизинг берувчиларни лизинг операцияларини ўтказиш чоғида

қўшилган қиймат солиғидан озод этилиши, лизинг хизматлари бозорида банкларнинг фаол иштироки учун ҳуқуқий ва иқтисодий асосларни янада мустаҳкамлади ва ривожлантирди. Мисол тариқасида Президент фармонидан сўнг лизинг фаолиятини эндигина бошлаган иккита банк (Ғалла банк ва Тадбиркор банк) 2002 йилнинг охирига қадар 110 та лизинг операцияларини амалга оширганлигини келтириш мумкин.Тижорат бинклари томонидан 2003 йил якунига амалга оширилган лизинг операциялари сони 2001 йилга нисбатан деярли 5 баробарга ошган. Фармон лизинг операцияларига банк кредитлари билан бир хил бўлган солиқ солиш шартларини таъминлаб, банклар ўз лизинг операциялари ҳисобидан даромадларини ошириш имконини берди.

Республикамизда лизинг муносабатларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш йўлидаги вазифалардан бири бўлиб "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги, "Лизинг тўғрисида"ги қонунларни халқаро лизинг қонунчилиги ва давлат иқтисодиётига оид бошқа қонунлар билан тартибга келтирилиши ҳисобланади. Бунда Оттавада қабул қилинган (1988 йил) ва 1995 йил 1 майдан кучга кирган БМТ Конвенцияси қоидалари ва ушбу Конвенцияга аъзо бўлган ва бўлмаган давлатлар қонунчилигини инобатга олиш асосий муаммолардан бири эди. Айниқса, собиқ Иттифоққа аъзо бўлган давлатларнинг лизингни ривожлантириш бўйича дастлабки йилларда қабул қилган қонун ва қоидаларини ўрганиш ва уларни ўз қонунчилигимизни такомиллаштиришда инобатга олиш мақсадга мувофиқ эди.

Лизинг бўйича меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш мақсадида мамлакатда ҳуқуқий ислоҳотлар давом эттирилди. Юқорида қайд этилган Президент Фармони, ҳамда «Ўзбекистон Республикаси айрим қонуний ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун қабул қилиниб, унга мувофиқ ЎзР Фуқаролик ва Солиқ кодексига, ЎзР «Лизинг тўғрисида»ги ва «Божхона тарифлари тўғрисида»ги қонунларига 38та ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Таъкидлаш жоизки, ушбу меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича асосий тайёргарлик ишлари қатор вазирликлар, идоралар, тижорат банклари, ҳамда лизинг компаниялари ва халқаро молиявий институтлар вакиллари қатнашган, «Барака» компанияси ташаббуси билан 2001 йилда ташкил этилган «Лизинг хизматлари бозорини ривожлантиришга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш бўйича» ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилди. Лизинг тўловларини қўшилган қиймат солиғидан озод этиш, лизингга бериш мақсадида ЎзР ҳудудига

олиб кирилаётган технологик ускуналарни ҚҚС ва божлардан озод этиш, хўжалик субъектларини-лизинг олувчиларни лизингга берилган мулкни мулк солиғидан озод этиш ва бошқалар каби жиддий солиқ имтиёзлари берилиши ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилинишининг натижаси бўлди.

2003 йил 16 июндаги ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 260-рақамли «Истиқболда валюта курсларини унификациялаш ва валюта бозорини либераллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори лизинг операцияларини амалга оширишда валюта ҳисобига лизинг объектларини импорт қилиш шарт-шароитларини енгиллаштирди, ҳамда халқаро лизинг операцияларини ривожланишига кенг имкониятлар яратди.

2003 йил 6 февралда лизинг бўйича қонунчиликка, хусусан, Фуқаролик кодекси, Солиқ кодекси, «Лизинг тўғрисида»ги Қонун ва «Божхона тарифи тўғрисида»ги қонунга ўзгаришлар киритилиб, Ўзбекистонда лизинг ривложланиши йўлидаги барча асосий тўғаноқлар бартараф этилди. Лизингга доир қонунчиликнинг бу ислоҳоти прогрессив, барқарор ҳуқуқий асосни таъминлаб, Ўзбекистонда лизинг соҳасининг жадал ривожланишига ўз таъсирини кўрсатди. Юқорида қайд этилган ишчи гуруҳнинг фаолияти туфайли 2003 йил 30 августида Ўзбекистон Парламенти томонидан Хўжалик процессуал кодексга ўзгартишларни қабул қилиниши натижасида, лизинг олувчи шартномада белгиланган мажбуриятларни бажармаганда лизинг объекти лизинг берувчи томонидан талаб қилиб олинишининг соддалаштирилган механизми яратилди. Таклиф этилган ўзгаришлар лизинг берувчи томонидан нафақат ўз опрацияларининг ҳажмини оширишга, балки таъминот учун етарли активлари бўлмаган кичик ва ўрта бизнес вакилларининг лизинг бўйича ускуналар олишларига қулайлик яратди. Бу эса мамлакатда лизинг ривожланишига қўшимча рағбатлантириш бўлиб хизмат қилади.

Шу кунларда республикамизда лизинг компаниялари уюшмаси ва уларни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш юзасидан фаол ҳаракат олиб борилмоқда. Бу тузилмалар фаолиятининг асосий вазифалари сифатида Ўзбекистонда лизинг бозорининг ривожланишининг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини янада мустаҳкамлаш деб белгиланмоқда.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон лизингни тартибга солувчи қонунчилик қуйидагиларни ўз ичига олади:

Фуқаролик-ҳуқуқий меъёрлар:

- Ўзбекистон республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги қонуни;
- Ўзбекистон республикаси фуқаролик кодекси;
- Ўзбекистон республикаси хўжалик процессуал кодекси;
- Халқаро молиявий лизинг тўғрисидаги УНИДРУА конвенцияси.

Солиқ солиш меъёрлари:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Лизинг тизимини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2002 йил 28 августдаги Фармони;
- Ўзбекистон республикаси солиқ кодекси.

Божхона меъёрлари:

- Ўзбекистон республикаси Президентининг «Лизинг тизимини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони;
- Ўзбекистон республикаси «Божхона тарифлари тўғрисида»ги қонуни.
- Ўзбекистон республикаси Божхона Кодекси.

Лизинг операцияларининг бухгалтерлик ҳисоботи

- ЎзР Миллий бухгалтерлик ҳисоботи стандарти (МБҲС).

5-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ЛИЗИНГ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ

1-§. Ўзбекистонда лизингнинг институциявий ва функциявий ривожланиши

Ўзбекистонда яқин йилларгача 6 та лизинг компаниялари фаолият юритар эди. Уларнинг ҳаммаси «Барака» лизинг компаниясидан ташқари ҳукумат қарори билан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ва нобанк молия институтларининг кейинги ривожланишини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил қилинган эди. Барча лизинг компаниялари 1995 ва 1999 йиллар мобайнида ташкил этилган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзларининг мўлжаллаган бозорига эга эдилар. Улар бир-бирини такрорламайди. Битта компания ўз хизматларини кичик ва ўрта бизнесга, иккинчиси эса «Ўзавиализинг» Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан самолётлар экспортига ихтисослаштирилган.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида республикамизда лизинг муносабатларини ривожлантириш ва кенг йўлга қўйиш учун хўжалик субъектларининг тўлов қобилиятини кучайтириш, турли таҳликаларни олдини олиш, қайта молиялаш ставкаларини пасайтириш каби муаммоларни қўяди. Республикамизда лизинг олувчи субъектлар етарли даражада, асосий вазифа эса лизинг инфраструктурасини ривожлантиришдадир. Лизинг компаниялари Ўзбекистон ҳудудининг турли бурчакларида ташкил этилиши зарурдир. Лизинг компанияларининг фаолият юритиши учун қулай иқтисодий муҳит яратиш, биринчи навбатда лизинг фаолиятини солиққа тортиш, икки маротаба солиққа тортишнинг олдини олиш, қўшилган қиймат солиғини бекор қилиш, хориждан олиб келинадиган ускуналар, лизинг асосида келтирилса, бож тўловларидан озод этиш муаммолари ўтиш даврининг асосий муаммолари эди. Ҳозирги босқичда лизинг фаолиятини кенгайтириш мақсадида лизинг компаниялари учун солиқ имтиёзларини яратиш, тезлаштирилган амортизация сиёсатини қўллаш имкониятларини лизинг

компанияларининг ўзларига ҳавола этиш, амортизация муддатларини аниқлашда, амортизация ажратмаларини ишлатишда эркинликлар яратиш асосий масалалардир. Умуман олганда, лизинг тармоғини ривожланиши иқтисодий ривожланишга бир неча йўналишлар бўйича таъсир кўрсатади:

– лизинг кичик ва ўрта бизнеснинг келгусидаги ривожланишига таъсир этади, чунки қандайдир сабабларга кўра бошқа молиялаштириш манбаларига эга бўлмаган кичик ва ўрта корхоналарга ўз ишлаб чиқаришларини ташкил этиш ва модернизация қилиш имкониятини яратиб беради;

– лизинг узоқ муддатли молиялаштиришнинг қўшимча тури бўлиб, у капитал қўйилмалар ҳажмини оширади;

– лизинг молиявий хизмат кўрсатиш бозорида қўшимча рақобатни вужудга келтиради.

Лизингнинг пайдо бўлиши билан молиялаштириш нархи пасайиб, молиявий хизмат бозори кенгаяди. Иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларда лизинг кўп вақтларда асосий воситалар харид қилиш учун кредит ўрнига муқобил восита бўлиб хизмат қилган ҳолда, корхоналарга банк олдидаги қарздорлигини кўпайтирмаслик имкониятини яратади;

– лизинг ускуналарини сотилишига ёрдам беради. Лизингни пайдо бўлиши ускуналарни ишлаб чиқарувчи маҳаллий компанияларга ўз ускуналарини сотиш учун янги имкониятлар яратади.

Бундан ташқари, макро даражадаги лизинг орқали қилинаётган кенг тармоқли чет эл инвестициялари мамлакат тўлов балансининг пассивига таъсир қилмайди ва қарздорнинг жахон бозоридаги рейтингини ёмонлаштирмайди, чунки жахон валюта фондининг тартибига кўра лизингдан келиб чиқадиган мажбуриятлари давлатнинг ташқи қарздорлик ҳажмига қўшилмайди. Шунинг учун кўпгина ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда давлат томонидан лизинг қўллаб-қувватланади.

2-§. «Барака» универсал лизинг компанияси

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 9 ноябрда 427-рақамли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистонда банк тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастури»га биноан Ўзбекистон банклари ассоциациясининг шўъба корхонаси шаклида «Барака» УЛК 1996 йил 2 сентябрда ташкил этилди.

«Барака» компаниясининг 1998 йил феврал ойида Европа Лизинг Компаниялари Ассоциациялари Федерацияси – (Лизев-

роп) сафига қабул қилиниши — унинг нуфузи ва обрў- эътибори ошганлигини ёрқин далилидир. «Барака» — Европа мамлакатларининг 29 та лизинг ассоциациясини бирлаштирувчи ушбу нуфузли ташкилот таркибига кирган Марказий Осиё минтақасидан ягона лизинг компаниясидир.

2001 йилнинг декабрида компания масъулияти чекланган жамият «Барака» универсал лизинг компанияси сифатида таъсис этилди. Сўнг 2003 йилнинг апрелида компания очиқ акциядорлик жамияти «Барака» универсал лизинг компанияси сифатида таъсис этилиб, устав капитали ҳажми 1 млрд сўм миқдорига оширилди. Компаниянинг таъсисчилари қуйидагилардан иборат:

1) Ўзбекистон банклари ассоциацияси — 600 млн сўмлик компаниянинг 60 фоиз акциясига эга;

2) «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси - 250 млн сўмлик компаниянинг 25 фоиз акциясига эга;

3) «Ипак йўли» акциядорлик инновация-тижорат банки — 150 млн сўмлик компаниянинг 15 фоиз акциясига эга;

Команиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон республикаси бозорини юқори сифатли товарлар, импорт ўрнини босадиган ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар билан тўлдиришга кўмаклашадиган сифатли лизинг хизматлари кўрсатиш;

- қисқа ва узоқ муддат фойдаланиш учун илғор техника ва асбоб-ускуналар, кўчар ва кучмас мулкни лизингга бериш;

- хорижий бозорларни маркетинг бўйича ўрганиш, яъни жаҳон стандартларига мос келадиган энг замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналарни республикага олиб келиш;

- асосий ишлаб чиқариш фондларини лизинг асосида янгилашга қаратилган инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқариш учун республика банкларининг пул маблағлари ва бошқа фондларнинг ресурсларидан самарали фойдаланиш.

Компаниянинг мижозлари ҳақида

Компаниянинг асосий мижозлари — асосан кичик ва ўрта бизнес субъектларидир. Компания томонидан амалга оширилган умумий лизинг шартномаларинг 98 фоизи кичик ва ўрта бизнес корхоналари улушига тўғри келади.

3-жадвал

Компания томонидан амалга оширилган лизинг лойиҳаларининг ҳажми ва сони бўйича маълумот

(млн. сўм)

Давр	1997 й.	1998 й.	1999 й.	2000 й.	2001 й.	2002 й.	2003 й.
Лойиҳалар сони	12	9	9	12	11	18	20
Молиялаштирилган лойиҳалар-нинг суммаси (сўм)	207,6	65,5	113,6	229,7	91,1	280,6	528,5
15-та мини-сут заводларини ташкил этиш лойиҳаси (АҚШ долларида)				$ 2,9			

Республика вилоятларида кредит ресурсларига бўлган эхтиёжни юқорилигини ҳисобга олган ҳолда, компания Жиззах, Фарғона вилоятларидаги ва Қорақалпоғистон республикасидаги вакиллари орқали вилоятларида кичик ва ўрта бизнесни молиялаштириш ҳажмини оширмоқда.

4-жадвал

Компания томонидан вилоятларда амалга оширилган лизинг лойиҳалари ҳақида маълумот

Вилоятлар	АҚШ долл.да	Сўмда	Фоизда	Лойиҳалар сони
Фарғона	$ 330 052	702 572 857	25,48%	42
Тошкент	$ 180 329	360 927 767	13,36%	24
Андижон	$ 290 612	98 633 409	9,60%	10
Хоразм	$ 352 219	25 264 559	9,31%	2
Наманган	$ 333 084	31 692 483	9,00%	3
Жиззах	$ 152 071	194 949 004	8,56%	11
Қорақалпоғистон	$ 193 742	28 424 631	5,48%	3
Самарқанд	$ 142 922	78 003 648	5,45%	9
Бухоро	$ 193 945	11 158 949	5,06%	1
Сурхандарё	$ 184 778	18 424 149	5,01%	1
Сирдарё	$ 137 373	11 551 522	3,67%	1
Жами	**$ 2 491 127**	**1 561 602 978**	**100%**	**107**

Лизинг лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида банк капиталининг жалб қилинишига «Барака» универсал лизинг компаниясининг фаолияти ёрқин мисол бўла олади. Оҳирги 2 йилда (2002-2003 йилларда) 809,1 млн сўм миқдорида лизинг лойиҳаларини молиялаштирган бўлиб, бу маблағларнинг катта қисми банк ва молия институтларидан жалб қилинган ресурслар ҳисобига тўғри келади. Компания ўз фаолиятини ошириб-гина қолмай, тижорат банклари, ҳамда янги ташкил этилаётган лизинг бўлинмалари томонидан лизинг операцияларини ташкил этишида ўзининг услубий ва амалий ёрдамини кўрсатмоқда.

«Барака» лизинг операцияларини ташкил этиш борасида ва биргаликда фаолият юритиш мақсадида мамлакатимиздаги 24 та тижорат банклари ҳамда республика товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан шартномалар имзолаган.

Компания банклар билан қуйидаги йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни амалга ошириб келмоқда:

- банклар ва унинг мижозлари учун асбоб-ускуна ва технологияларни етказиб бериш бўйича лизинг лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- банклар томонидан таклиф қилинган лизинг лойиҳалари ичидан кўпроқ самарага эга бўлганларини танлаб амалга ошириш;
- банкларнинг кредитлари ҳисобига молиялаштирилаётган лизинг лойиҳалари бўйича талаб қилинган ҳужжатларни банкка топшириш;
- банклар билан биргаликда катта лизинг лойиҳаларни амалга ошириш;
- банкларнинг мусодара қилиб олинган мулкларини асосида лизинг операцияларини амалга ошириш;
- ҳамкорликда амалга оширилган лойиҳалар устидан мониторинг текширувини ўтказиш;
- банкларнинг лизинг билан шуғулланувчи ва лизингга ихтисослаштирилган бўлимларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш.

Лизинг хизматлари кўрсатишнинг асосий шартлари:

- турли мулк шаклидаги корхоналар компаниянинг мижози бўла олади.
- мулкни лизингга олиш ҳақида талабнома берилганда, компания мутахассислари томонидан лизинг олувчининг молиявий аҳволи, унинг бевосита шу соҳадаги иш тажрибаси, лойиҳанинг қанчалик истиқболли эканлиги ўрганилади.

- лизинг шартномасининг амал қилиш муддати 5 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади.

- йиллик лизинг тўловларини қиймати Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси асосида белгиланади.

Компания хизматининг афзаллик томонлари

- хизмат турида алоҳида олинган ихтисослашувнинг йўқлиги, иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият юритувчи тадбиркорлар билан иш олиб боришига имконият беради.

- лизинг хизматлар бозори, ҳамда лизинг битимларининг объектлари бўлмиш мол-мулк бозори ҳақида етарли малака ва тажрибага эга мутахассисларнинг мавжудлиги.

- компанияда тадбиркорларни талаб эхтиёжига қараб тез-кор чоралар кўриш имкониятини мавжудлиги.

- компания республиканинг барча вилоятларида фаолият олиб бориши, жойлардаги кичик ва ўрта бизнесда вужудга келадиган муаоммоларни чуқурроқ ўрганишига имконият яратади.

- лойиҳаларни амалга оширишда узлуксиз мониторинг жараёнларини олиб бориш системасини мавжудлиги.

- лизинг олувчи учун қулайроқ тўлов кўринишларини яратиш имконини берувчи қийишқоқ лизинг келишувларининг мавжудлиги.

Компания экспертларининг таъкидлашича мамлакатимиз лизинг олувчиларида маҳаллий хомашё (пахта, гўшт, сут, сабзавотлар ва тери)ни қайта ишлашга мўлжалланган минитехнологиялар, компютерлар, нашриёт техникалари ва кўп илм талаб ускуналар юқори даражада қизиқиш уйғотмоқда, шунингдек «ЎзДЭУавто» маҳсулоти «Дамас», «Тико» русумли автомобиллари лизинги сезиларли эътибор қозонмоқда.

Ўтказилган лизинг операциялари натижасида 500 дан ортиқ аҳоли янги иш жойлари билан таъминланди, вилоятлардаги янги корхоналарнинг ташкил этилиши ва улар фаолиятининг тўғри йўлга қўйилиши эса ишлаб чиқариш ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган қўшимча инфратузилмаларнинг ривож топишига имкон яратди.

Лизинг лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида лизинг объекти, одатда ишлаб чиқариш талаб ва эхтиёжларидан келиб чиққан ҳолда тадбиркорнинг ўз ихтиёрига биноан танланади. Айни пайтда компания мутахассислари томонидан ўтказиладиган маркетинг изланишлари туфайли доимо янгиланиб борадиган маълумот базаси лизинг олувчиларнинг эҳтиёжларини қондириш имкониятига эга бўлиб, уларга ўз ишлаб

чиқаришини ривожлантириш учун замонавий технология ва ускуналарни танлашга ёрдам беради. Бугунги кунда компания мутахассислари ўз мижозларига турли хил лизинг объектларини, шу жумладан: нашриёт саноатида фойдаланиладиган технология ва ускуналар; тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи дастгоҳлар; консерва маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи, шунингдек гўшт, сут ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳамда терини қайта ишлашга ихтисослашган минизаводлар; спиртсиз ичимликларни тайёрлаш ва уни қуйиш бўйича линиялар, оргтехника ва компьтерлар, юк машиналари, енгил автомобиллар ва ҳоказоларни лизинг асосида харид қилишни тавсия этишлари мумкин.

5-жадвал

Компаниянинг 1997-2003 йиллардаги фаолият даврлари учун 01.01.2004 йил ҳолатига асбоб-ускуналарнинг тури бўйича амалга оширилган лизинг операцияларининг ҳажми тўғрисида маълумот

(ушбу маълумотларда мини-сутзаводларни ташкил этиш бўйича лойиҳалар ҳисобга олинмаган)
(минг сўмда)

№	Кўрсаткичларни номлари	Суммаси	Улуши
1	Ишлаб чиқариш	453 166,7	32,9%
2	Компьютерлар, иш куроллари	364 490,6	26,5%
3	Йўловчи ташувчи транспортлар	234 341,0	17,0%
4	Нашриёт ва матбаа	72 600,0	5,3%
5	Қурилиш	56 530,0	4,1%
6	Савдо	40 000,0	2,9%
7	Кўчмас мулк	36 693,1	2,7%
8	Табобат	19 670,8	1,4%
9	Юк ташувчи транспортлар	6 200,0	0,5%
10	Бошқа асбуб-ускуналар	92 201,0	6,7%
	Жами	**1 375 893,1**	**100%**

Лизинга берилаётган лизинг объектларининг, амортизация муддати, нафлиги, ҳамда лизинг олувчиларнинг талабларига асосан компания лизинг шартномаларини ўртача 2-3 йил муддатга тузмоқда.

3-диаграмма



2001 йилнинг мартида компания ташаббуси билан «Ўзбекистон республикасида инвестицион жараёнларни фаоллаштиришда лизингнинг имкониятлари ва истиқболи» республика семинари ўтказилиб, унда мамлакатдаги лизингга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ўрганиш ва уларни такомиллаштириш юзасидан ҳукуматга таклифлар тайёрлаш мақсадида ишчи гуруҳ ташкил этилди. Ишчи гуруҳ таркибига қатор вазирликлар, хусусан молия вазирлиги, иқтисодиёт вазирлиги, солиқ қўмитаси, божхона қўмитаси, марказий банк, қатор тижорат банклари ва лизинг компанияларининг вакиллари кирди. Ишчи гуруҳининг лизинг фаолиятига оид мавжуд ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларни ўрганиш ва уларни такомиллаштириш борасидаги таклифлари асосида Республика Президентининг 2002 йил 28 августдаги «Лизинг фаолиятини истиқболдаги ривожини рағбатлантириш бўйича тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди, ҳамда 2003 йилда лизингга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга 40 га яқин ўзгартиришлар киритилди. Қабул қилинган ўзгартиришлар мамлакатдаги лизинг фаолиятини янада кенгайтириш борасида муҳим роль ўйнаб, банклар ва лизинг компаниялари учун қулай имкониятлар яратиб берди. Компания ташаббуси билан ташкил этилган ишчи гуруҳ ўз фаолиятини ҳозирги кунда ҳам давом эттириб, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш борасида қатор таклифларни тайёрламоқда.

4-диаграмма



Сўнгги йилларда лизингга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга киритилган ўзгартиришлар лизинг фаолиятини янада жадаллаштириш учун кенг имкониятлар яратди.

Қуйида келтирилган жадваллар «Барака» компаниясининг сўнгги икки (2002-2003) йиллардаги амалга оширилган лойиҳаларнинг умумий миқдори ва ҳажми ошганлигини кўрсатиб, юқоридаги фикримизнинг далили бўлиб хизмат қилади.

5-диаграмма

Республика ҳудудида Исроил технологияси асосида ишлаб чиқарилган қаймоғи олинмаган сутни қайта ишловчи 2,9 млн АҚШ доллари миқдоридаги 15 та кичик сут заводларининг барпо этилиши, шубҳасиз, «Барака» универсал лизинг компанияси томонидан амалга оширилган йирик лизинг лойиҳалари сирасига киради. Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 10 октябрдаги 434-қарорига биноан амалга оширилди ҳамда 1999-2000 йилларга мўлжалланган давлат инвестиция дастурига киритилган. Ушбу мини-сутзаводлари «Marav Technologies Food Ltd» компанияси томонидан тайёрланган бўлиб, 1 сменада 2000 литргача сутни қайта ишлайди, ҳамда 8 хилдаги жаҳон андозаларига мос келадиган тайёр маҳсулот: сут, қаймоқ, сметана, творог ва творогли масса, бринза, пишлоқ, сариёғ, йогурглар ишлаб чиқарилади.

3-§. "Ўзбек Лизинг Интернешнл" акциядорлик жамияти

Ўзбекистон лизинг бозорида биринчи бўлиб 1995 йили «Ўзбек Лизинг Интернешнл» халқаро компанияси ташкил қилиниб, у қуйидаги вазифаларни бажаради:

- техник ускуналарни ишлатиш учун узоқ муддатли молия;
- Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқлари учун лизинг доирасида юқори технологияни жалб қилиш, экспорт салоҳиятини ошириш, импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва ривожлантириш;
- халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришни ўстиришда кичик ва ўрта бизнесга кенг тармоқли лизинг хизматларини таклиф этиш.

Ташкил қилинганидан то 1999 йилга қадар компания ўз хизмат доирасини кенгайтириб 8,5 млн. АҚШ доллари миқдоридаги 35 дан зиёд лизинг лойиҳаларини амалга оширди. Халқ истеъмол моллари, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш борасида 450 та ишчи ўринлари очилди. «Ўзбек Лизинг Интернешнл» компанияси молиялаштиришни миллий ва хорижий валюталарда амалга оширади. Бу лизинг муаммоларининг яна бир хусусияти бўлиб, тадбиркорлар учун қўл келади.

Лизинг муддати биринчи ҳолатда 1 йилдан 5 йилгача, иккинчи ҳолатда 2 дан 5 йилгача. Бошқа шарт-шароитларда қуйидагича: 50 минг доллардан 1,2 млн долларгача бўлган лойиҳалар молиялаштириш ва гаров учун қўйилган мол-мулк контракт умумий баҳосини 50 фоизини ташкил қилиниши ке-

рак, 15 фоизи хорижий валюта лойиҳалари учун, 25 фоизи миллий валюта учун молиялаштириш ставкалари қўлланилади. Юқорида кўрганимиздек бирдан бир мақсад лизинг доирасида Ўзбекистон иқтисодиёт соҳаларига юқори технологияларни жалб этиш, экспорт салоҳиятини ошириш, импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқарар экан, шунинг учун «Акмал Лазиз ўғли» хусусий фирмаси мева ва сабзавотлар экспорти учун халқаро талабларга мос ёғоч идишлар ишлаб чиқариш лойиҳасини таклиф қилиб «Ўзбеклизинг Интернешнл» компанияси томонидан Туркиядан 225,5 минг АҚШ доллари миқдорида ускуналар олиниб лизинг олувчига берилди ва 2 йиллик лизинг муддатида фирма ҳамма лизинг тўловларини тўлаб бугунги кунда ускуналарнинг тўлиқ эгасидир. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулот кенг талаб асосида фермер, кооператив ва қўшма корхоналар томонидан фойдаланилмоқда.

"Ўзбек Лизинг Интернешнл» акциядорлик жамияти ёпиқ турдаги бўлиб халқаро лизинг операцияларини ривожлантиришни мақсад қилиб олган. Мазкур компания асосан молиявий лизингга ихтисослашган.

"Ўзбек Лизинг Интернешнл" акциядорлик жамияти 4 млн. АҚШ долларига тенг дастлабки устав капиталига эга бўлган. Унинг ташаббусчилари ва таъсисчилари бўлиб Европа тикланиш ва тараққиёт банки (15 фоиз), Халқаро молия корпорацияси (15 фоиз), Малайзиянинг "Малаян бэнкинг Берхард" банки (35 фоиз) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки (35 фоиз) ҳисобланади. Кейинчалик бу компаниянинг акциядорлик капитали 20 млн. АҚШ долларига етказилди (акциядорларнинг ҳар бирига 5 млн. АҚШ долл. тўғри келган).

Ўзбекистон экспорт имкониятини ошириш учун устувор йўналишларга замонавий технология ускуналарини сотиб олиш ва мамлакат кичик ва ўрта бизнесига хизматлар кенг турини кўрсатиш компаниянинг асосий вазифаси ҳисобланади.

"Ўзбек Лизинг Интернейшнл" компанияси республикамизга юқори унумдорлик замонавий жиҳозлар ва технологияларни жалб этиш мақсадида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш билан боғлиқ, ҳар бири 68 мингдан 300 минг АҚШ долларига қадар бўлган қийматдаги еттита лойиҳа бўйича ўз фаолиятини бошлаган.

Лизинг компаниясини асосий вазифалари қуйидагилардан иборатдир:

- сотиб олишларни узоқ муддатли молиялаш ва технологик асбоб-ускуналардан фойдаланиш;

- экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор тармоқларига илғор технологияларни жалб этиш;

- ўрта ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни юксалтириш учун лизинг хизматларининг кенг доирасини тақдим этиш;

- лизинг операцияларини ўтказиш ва тавсиялар бериш услубиятини ишлаб чиқишдир.

Замонавий хорижий асбоб-ускуналар олишда лизингдан фойдаланиш корхонанинг молиявий ҳолатини етарли даражада барқарор бўлишини талаб этади. Шунинг учун лизинг лойиҳасини тайёрлашни уч босқичга ажратиш мумкин.

Биринчи босқич — корхона лизингга қандай асбоб-ускуна олмоқчи, уни қайси йўл билан қайси транспортда олиб келади, қандай монтаж қилади, ишга қандай туширади, ходимларни ўқитишни ҳисобга олган ҳолда унинг қийматини аниқлайди. Энг муҳими ушбу асбоб-ускунанинг рақобатбардошлигини белгилайдиган рақобат варағини тайёрлаш ишларини ташкил этади.

Иккинчи босқичда эса ушбу лойиҳа бўйича ҳамма масалаларга — техник, иктисодий, молиявий жиҳатдан келиб чиқадиган масалаларга жавоб берадиган бизнес-режа тузилиши талаб этилади. Бунда асбоб-ускуна қанча муддатга лизингга олиниши мумкинлиги аниқланади. Лизингни молиялаштириш қисми жуда пухта тайёрланиши ҳамда компаниянинг барча мумкин бўлган харажатларини қамраб олинишини талаб этади.

Учинчи босқич лизингга талабнома ва у билан бирга бошқа зарур ҳужжатларни (устав, таъсис шартномаси, солиқ инспекцияси томонидан тасдиқланган баланс, бизнес режа, корхонада мулк борлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ва бошқалар) тақдим этишни кўзда тутади.

Лизинг операцияларини амалга оширишни асосий афзалликларидан бири маблағларни қайтармаслик рискини анчагина пасайтирилишидир, чунки лизинг олувчи лизинг тўловларини қайтариб бермаса, лизинг компанияси асбоб-ускуналарни бошқа мижозларга бериш учун олиб қўйиш мумкин бўлади.

Ўз навбатида, лизинг туфайли корхоналар асосий фондларни тез суръатлар билан янгилаб туриш, янги технологияларни

жорий этиш ва улар туфайли рақобатбардош муҳсулотлар чиқариш ва шу билан иқтисодий ўсишни тезлаштириш имкониятларини қўлга киритадилар.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлса, лизинг — иқтисодиёт ривожланишининг ўтиш босқичида бамисоли инвестиция қуролига айланади.

Лизинг муносабатларини кенг кўламда йўлга қўйиш "Лизинг ҳақидаги" қонунни қабул қилишни, солиқ ва божхона имтиёзлари масалаларини ҳал этишни, асбоб-ускуналар билан боғлиқ, бўлган импорт шартномаларини Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида рўйхатдан ўтказилишини тезлаштиришни талаб қилар эди.

"Ўзбек Лизинг Интернешнл" акциядорлик жамияти тажрибасида лизинг муддати икки йилдан беш йилгача бўлиши режалаштирилади, чунки бу ерда молиявий лизинг ўз ифодасини топади. Лизинг муддати тугагач асбоб-ускуна лизинг олувчининг мулкига айланади ва унинг қарамоғига ўтади. Алоҳида шуни таъкидлаш жоизки, бунда асбоб-ускунани танлаш жавобгарлиги лизинг компанияси зиммасида бўлмайди. Ушбу масалада мижозларга махсус бозор тузилмалари — "Техноинвест" қўшма корхонаси, муассислардан бири бўлмиш ташқи савдо етказиб беришлари сифати ва экспертизасини назорати бўйича жаҳон етакчиси Швецариянинг SGS компанияси, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, инжиниринг ва консалтинг фирмалари ёрдам кўрсатадилар.

"Ўзбек Лизинг Интернешнл" акциядорлик жамияти — Ўзбекистон бозорида биринчи йирик халқаро лизинг компанияси шунинг учун ҳам ушбу компания мисолида лизинг операцияларини ўтказишнинг халқаро тажрибасини — дастур маҳсулотларини ишлатиш, лизинг лойиҳаларини тайёрлаш ва мониторингини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Одатда хорижий асбоб-ускуна ишлаб чиқарувчининг омборида бўлмайди, уни талаб асосида тайёрлаш кўзда тутилади. Бунинг учун эса олдиндан тўлов ўтказилиши ёки хорижий банкда аккредитив очилиши лозим бўлади. 1-1,5 ойда ишлаб чиқаришга, бир ойга яқин вақт транспортда ташиб келишга, яна шунча вақт монтаж қилишга, ишга тушириш ва ходимларни ўқитишга кетади. Умумий ҳисобда 4-5 ой керак бўлади. Жами ушбу муддат давомида ускунани ишлаб чиқарувчи билан алоқада бўлиш ва белгиланган нарх Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги экспертизасига мос келишини кўзда тутиш зарур

бўлар эди. Бундан ташқари, лойиҳани танлашга, бизнес-режани тайёрлашга, шартномани рўйхатдан ўтказишга кетадиган вақтни ҳам инобатга олишга тўғри келади.

Компания ишни ташкил этишдаги асосий вазифаси энг барқарор, тўловга қобилиятли, бошланғич капиталга эга корхоналарни танлашдир. Эътиборни ўзига жалб этадиган масалалрдан бири лойиҳани маҳаллий хомашё билан таъминланишидир. Энг асосийси, бозорнинг жиддий маркетинг текширувининг мавжудлиги, ёки бошқача қилиб айтганда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот харидоргир бўладими?..

2002 йилнинг охирига келиб $9.4 млн. қийматга эга бўлган 40 та лойиҳа амалга оширилган. Бу лизинг лойиҳалари ҳам хорижий валютада ҳам миллий валютада бўлиб, $50 мингдан $500 минг қийматга эга. Биринчи лойиҳаларидан компания 15% йиллик, сўмдагилардан эса 25% йиллик фоиз олади. Бошқа лизинг компанияларидан, қайсики фоизларни ссуда қарзларидан ҳисобловчилардан фарқли тарзда «Ўзбек Лизинг Интернешнл» компанияси фоизни унинг асосий суммасидан олади. Лойиҳаларнинг муддати 1 йилдан 5 йилгача. Гаров таъминоти 50 фоизни ташкил этади. Молиялаштиришни бошлашнинг минимал муддати 2 ҳафтани ташкил этади. «Ўзбек Лизинг Интернешнл» компанияси ўз валюта маблағига эга бўлган ягона миллий лизинг компанияси ҳисобланади.

4-§. "Ўзкейсагролизинг" қўшма корхонаси

Ўзбекистон банклари ассоциацияси ва Американинг "Кейс кредит холдинг" компанияси ўртасида қишлоқ хўжалиги бўйича Марказий Осиёда биринчи бўлиб "Ўзкейсагролизинг" компанияси ташкил этилган. Бу ўзбек-америка қўшма корхонаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 27 февралдаги қарори билан ташкил этилган. Компаниянинг устав капитали 5 млн. АҚШ долларига тенг. Унда «Кейс кредит холдинг" компаниясининг улуши 51 фоизни, Ўзбекистон банклар ассоциациясининг улуши эса 49 фоизни ташкил қилган.

Республика Президенти И. Каримовнинг 1996 йил июнь ойида Америка Қўшма Штатларига қилган сафари пайтида мазкур хайрли ишга асос солинган эди. Ўзбекистон банклари ассоциацияси "Кейс кредит холдинг" компанияси ва қишлоқ хўжалик техникасини лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш соҳасида жаҳонда биринчи ўринда турувчи "Кейс корпорэшн" билан

биргаликда қишлоқ хўжалиги бўйича лизинг компаниясини тузиш ҳақидаги баёни имзоланган эди.

"Кейс корпорэшн" президенти Жан Пьер Россо "Ушбу лизинг бўйича шартнома Ўзбекистон билан ўзаро алоқаларимизни янада кенгайтиради. Бу молия тузилмасини ривожлантириш бўйича қўйилган дастлабки қадам бўлиб, уни такомиллаштириш ва ушбу тажрибани бошқа ривожланиб бораётган бозорларга ҳам тадбиқ этиш мумкин. Ўзбекистон банклари ассоциацияси билан ҳамкорлигимиз бизга маҳаллий бозорни яқиндан билиш имконини беради", – дея таъкидлаган эди.

Ўзбекистон банклари ассоциацияси ва "Кейс кредит холдинг" компанияси чет эл сармояларини республикамиз иқтисодиётига жалб этиш ва жаҳон талабларига жавоб берадиган қишлоқ хўжалик техникасини етказиб беришнинг сифат жиҳатдан янги концепциясини ишлаб чиқдилар. Концепцияда чет эл банклари ва халқаро молия институтларининг кредит ресурсларини республикага жалб этиш назарда тутилган. Жумладан, Халқаро Молия Корпорацияси лойиҳада иштирок этиш истагини билдирган ва 1996 йилнинг октябрь ойида бу ҳақда шартнома имзоланган.

Ўзбекистон банклари ассоциацияси ва "Кейс кредит холдинг" компанияси "Узкейсагролизинг" қўшма корхонасининг муваффақиятли фаолиятига ишонч билдирилган эди. Мамлакатимизга келтирилаётган чет-эл трактор ва комбайнларига хизмат кўрсатишга ихтисослашган "Ўзкейссервис" компанияси ташкил этиш Ўзбекистон банклари ассоциациясининг "Кейс кредит холдинг" компанияси билан биргаликда лойиҳаларни амалга оширишда навбатдаги қадами бўлди.

"Ўзкейсагролизинг" қўшма корхонасининг асосий вазифаси республика аграр секторига лизинг бўйича юқори унумли қишлоқ хўжалик техникаси етказиб беришдир. Хусусан, компания фаолият соҳасига қуйидагилар тааллуқли:

- «Ўзқишмаштаъминоттаъмир» машина-трактор парки ва қишлоқ хўжалик корхоналари фойдаланиши учун тракторлар, комбайнлар ва чет эл етакчи фирма ва компаниялари ишлаб чиқарадиган механизация воситаларини етказиб бериш;
- кичик механизация воситаларини лизинг асосида фермер, деҳқон, шахсий хўжаликларга ва томорқа хўжалиги эгаларига етказиб бериш;
- чет эл бозорларининг маркетинг тадқиқоти, жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган энг янги турдаги

қишлоқ хўжалик технологиялари ва ускуналарини танлаш ва республикага келтириш.

Лизинг компанияси замонавий юқори самарали техникани олдиндан 20 фоизли тўлов билан беради, қолган 80 фоизи 5 йил мобайнида қопланади. Бу унинг бўлинма лизингга ихтисослашганини кўрсатади.

«Ўзкейсагролизинг» компаниясига зарур ҳолларда, лизинг берувчилар билан келишган ҳолда, лизинг техникаси жадаллаштирилган амортизация меъёрини қўллаш ҳуқуқи берилган. «Ўзкейсагролизинг» компанияси биринчи фойдани олгандан бошлаб 5 йил муддатга даромад солиғидан, лизинг ускунаси етказиб бериш бўйича операциядан, лизинг компанияси кўрсатадиган хизмат ва лизинг тўловларидан, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган.

Компания булардан ташқари яна экология тўловларидан, республика йўл фондига ажратмалардан, чет эллик иштирокчилар даромадини чет элга ўтказишидаги солиқдан, пенсия фондига ажратмадан, бандлик фондига, Ўзбекистон республикаси фуқароси бўлмаган ходимлар учун ижтимоий суғурта фондига ажратмалардан, шунингдек, Ўзбекистон республикаси хўжалик юритувчи субъектларига лизинг асосида бериш учун лизинг компаниялари сотиб олган техника, ускуна ва бошқа мулкларни республикага келтиришдаги божхона солиғи ва йиғимлардан озод қилинган.

Мазкур лизинг компаниясининг фоизлари етказиб берилган ускуна қийматидан йиллик 20-40 фоизгачасини ташкил этади. У тузган лизинг битимларининг муддати 1 йилдан 5 йилгача.

«Ўзкейсагролизинг» компанияси ташкил қилингандан то 2002 йилгача умумий қиймати 7.2 млн. АҚШ доллари бўлган 37 та лойиҳани амалга оширди.

5-§. "Ўзавиализинг" акциядорлик компанияси

Давлат акционер жамияти бўлмиш Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ишлаб чиқарадиган самолётларининг савдосини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига кўра 1997 йил 18 ноябрда "Ўзавиализинг" акциядорлик лизинг компанияси ташкил этилган. "Ўзавиализинг" компаниясининг устав капитали 24,5 млн. АҚШ долларига тенг. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси (61,22 фоиз), Ўзбекистон Давлат мулк

қўмитаси (8,16 фоиз), Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки (8,16 фоиз), Ихтисослашган давлат акциядорлик «Асака» банки (8,16 фоиз), «Ўзсаноатмашсервис» давлат акциядорлик компанияси (4,08 фоиз), «Уларэкорусурс» ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти (1,03 фоиз), «Сибавиатранс» авиакомпанияси (4,08 фоиз), «Кедр» тижорат банки (4,08 фоиз) ва Свердлсоцбанк (1,03 фоиз) таъсисчилар ҳисобланади.

"Ўзавиализинг" компанияси очиқ турдаги акциядорлик жамияти сифатида таъсис этилган. Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан акциялар назорат пакетини бир қисмини бериш ҳисобига таъсисчилар сони кенгайтирилиши мумкинлиги қайд этилган.

Бу компаниянинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаб чиқарилаётган самолётларни сотишда лизингни энг мақбул усул сифатида қўллашмоқда. 1998 йилнинг январь ойидан лизинг контрактлари асосида компания йўловчи ташиш учун мўлжалланган ИЛ-114 ва ИЛ-76 русумли транспорт самолётларини олдиндан 30-45% қийматини харид этувчилар томонидан тўлаш шарти билан савдо ташкил этишга қаратилган.

У ҳозирча қиймати $15 млн.га тенг бўлган битта лойиҳани амалга оширди. Навбатдаги амалга ошириладиган лизинг лойиҳалари Россия ва Хитой авиакомпаниялари билан амалга оширилмоқчи.

6-§. Осиё-Европа траст компанияси (ОЕТК)

Осиё-Европа траст компанияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 9 июлдаги қарорига мувофиқ ташкил қилинган. Республика «Бизнес фонди» ташаббуси билан Канаданинг «Раанани Холдинг Интернешнл» компанияси билан ҳамкорликда тузилди. Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш борасидаги ҳамкорлик дастурини амалга оширишни кўзда тутади. Бу дастурнинг қиймати 50 млн. АҚШ долларига тенг. Бундаги Канада компаниясининг улуши 70 фоиз, Бизнес-фондники — 30 фоиз. Дастурда лизинг шартномаси бўйича ишлаб чиқариш ускуналари ва технологияларни қуйидаги йўналишлар бўйича етказиб бериш кўзда тутилади:

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва қадоқлаш;
- қурилиш материаллари ишлаб чиқариш;
- озиқ-овқат махсулотлари ишлаб чиқариш;
- дори-дармон ишлаб чиқариш ва етказиб бериш.

У фақат асбоб-ускуналар импорти билан шуғулланмасдан, балки бугунги кунда 14 лойиҳа бўйича 8,5 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилган, шундан лизинг лойиҳаларига – 4,5 млн. АҚШ доллар.

ОЕТК лизинг олувчиларга қандай қулайликлар яратган? Лизинг олувчи асбоб-ускуналар қийматини олдиндан 30 фоизи миқдорида ҳақ тўлайди, қолган қисмини эса 3 йил давомида йилига ўзгармас 6-8 фоиз миқдорида тўлаб боради.

Агар мижознинг олдиндан тўловга ортиқча маблағи бўлмаса, буни Республика бизнес фонди мақсадли кредити билан амалга оширилиши мумкин. Бизнес-фонднинг кредит учун йиллик фоиз ставкаси 1999 йил 20 июлдан бошлаб 12-16,2 фоизни ташкил қилади. Бу тижорат банклари кредит фоизидан паст. Қиёслаш учун айтиш мумкинки, тижорат банкларида бу ставкалар, одатда, 36 ва ундан юқори фоизни ташкил этади.

2000 йилда ОЕТК йўналиши бўйича Ўзбекистондаги кичик ва ўрта бизнес корхоналари билан умумий миқдори 4,4 млн. АҚШ долларига тенг лизинг шартномаси имзоланган. Бу шартномаларга асосан республиканинг турли минтақаларига томчилатиб суғориш технологик линиялари, мармарга ишлов бериш, макарон маҳсулотлар ишлаб чиқариш ускуналари, қадоқлаш материаллари ва бошқалар етказиб берилган. Бундан ташқари 2000 йилда Республика бизнес фонди микролизинг тизимини жорий этди, ягона тартибдаги ва оммавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга мўлжалланган. Бу тизимга кўра, хусусан, лизинг бўйича аёлларга немис «Пфафф – Зингер» фирмаси ишлаб чиқарган тикув машинаси бериш йўли билан уйда амалга ошириладиган бизнесни қўллаб-қувватлайди.

ОЕТК амалга оширган лойиҳалардан бири Наманган вилоят Чуст шаҳарида жойлашган "Мармар Ф" хусусий фирмасига Италиянинг "Педрини" компаниясининг умумий нархи 630 минг АҚШ долларига тенг мрамор тошлари ишлаб чиқарадиган технологияси лизинг асосида уч йил муддатга берилган. Ҳозиргача "Мармар Ф" фирмаси умумий лизинг тўловини 80 фоизини қайтарган. Фирма ишлаб чиқараётган мармар тошлар Ўзбекистон давлат консерваторияси, Тошкент фонд биржаси ва Миллий театр биноларини безаб турибди. Бундан ташқари маҳсулот Россия ва Қозоғистонга экспорт қилинмоқда.

Ҳозирги кунга келиб умумий қиймати 3,6 млн. АҚШ долларини ташкил этадиган 10 та лойиҳа амалга оширилди. Таъсис этувчилар таркибида ўзгартиришлар бўлганлиги сабабли компания охирги 1,5 йилда янги лойиҳаларни молиялаштирмади.

7-§. «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси

Қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон республикасининг ҳукумати 2001–2007 йиллар мобайнида «Ўзбекқишмашхолдинг» компанияси корхоналари ишлаб чиқарган замонавий қишлоқ хўжалик техникасининг бир қисмини эксперимент тарзида, лизинг асосида қишлоқ хўжалик кооперативлари, фермер хўжаликлари ва машина-трактор саройларига етказиб бериш ҳақида қарор қабул қилган. Қишлоқ хўжалигини юқори самарали замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси билан жиҳозлашни рағбантлаштириш, қишлоқ хўжалиги машинасозлигини, шу жумладан, етакчи хорижий компаниялар иштирокида ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни шакллантириш, қишлоққа етказиб берилаётган тракторлар ва ўрим-йиғим техникаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2000 йил 2 ноябрда «Қишлоқни қишлоқ хўжалик машиналари билан таъминлаш чоралари тўғрисида»ги қарорни қабул қилган. Бунга асосан лизинг шартлари асосида фаолият кўрсатувчи *«Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси* тузилади. «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» компанияси, «Зелко» Германия қишлоқ хўжалиги, машинасозлиги ва уруғчилик корхоналари ассоциацияси, «Ўзсаноатмашимпекс» давлат акциядорлик ташқи савдо компанияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзқишхўжтаъмирлаш унинг таъсисчилари ҳисобланади. Компаниянинг устав капитали 1 млрд. сўм. Акцияларнинг 30 фоизи бошқа жисмоний ва юридик шахсларга эркин сотиш учун ажратилган. Ушбу компания қишлоқ хўжалиги техникасини лизинг асосида 7 йил муддатга етказиб беради. Тракторлар ва ўрим-йиғим техникаси қийматининг 15 фоизи аванс сифатида машина трактор паркларининг ҳудудий бирлашмалари, муқобил машина-трактор парклари, қишлоқ хўжалиги кооперативлари ва фермер хўжаликлари томонидан маблағлари ҳисобига тўланади. «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» компанияси қолган 85 фоизини Ўзбекистон республикаси молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси берадиган қарз асосида молиялаштирилади.

"Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниясининг функциялари қуйидагилар:

- "Ўзагромашсервис" уюшмаси машина-трактор парклари, қишлоқ хўжалиги кооперативлари ва фермер хўжаликларининг "Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг" компанияси корхоналарида ишлаб

чиқариладиган қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб бериш юзасидан берилган буюртмаларини умумлаштириш;

- жамғарманинг кафолат хатлари билан тасдиқланган молиявий манбалар асосида "Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг" компанияси корхоналарида қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқариш юзасидан буюртмаларни жойлаштириш;

- жойлаштирилган буюртмаларга мувофиқ ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалиги техникаси учун ўз вақтида авансларр тўлаш ва узил-кесил ҳисоб-китоб қилиш;

- лизинг шартномалари тузиш ва қишлоқ хўжалиги техникасини машина-трактор паркларига, қишлоқ хўжалиги кооперативларига ва фермер хўжаликларига лизингга бериш;

- лизинг шартномалари бўйича тўловларнинг ўз вақтида тушишини назорат қилиш.

«Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компаниянинг барча ҳисоб-китобларига молиявий хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқарувчи корхоналар билан тузилган, етказиб бериш шартномалари бўйича тўловлар ва ўзаро молиявий мажбуриятлар вақтида бажарилишини назорат қилиш вазифаларини бажарувчи молия агенти Пахта банк ҳисобланади. «Ўзагросуғурта» компанияси лизингга берилаётган техникани суғурталашни амалга оширади.

"Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компанияси машина-трактор парклари ҳудудий бирлашмалари, муқобил машина-трактор парклари, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлар) ва фермер хўжаликлари билан лизинг шартномалари тузишда лизинг олувчиларга техникани фақат лизингни бутун даври учун олинаётган техника бўйича мулкий таваккалчиликлар суғурта полиси мавжуд бўлгандагина беришни, лизинг компания даромади (маржа)нинг имтиёзли ставкаси Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаслигини, лизинг муддати 7 йилдан иборат бўлишини назарда тутади. Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси 5 йил муддатга умумдавлат ва маҳаллий солиқлардан озод қилинган. Бўшаган маблағ қишлоққа қишлоқ хўжалик техникаси етказиб беришни молиялаштириш манбаини тўлдиришга мақсадли йўналтирилади. Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси барча вилоят марказларида ўз бўлимларини очган.

Шундай қилиб, «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» акциядорлик лизинг компанияси фаолияти Ўзбекистон республикасида бўлинма лизинг турини ривожлантиришга қаратилган. Ушбу компанияга берилган 5 йиллик солиқ имтиёзи ва лизинг компанияси имтиёзли маржа ставкаси, шубҳасиз, мамлакатда ли-

зинг операциялари ривожланиши ва кенгайишига ҳамда қишлоқ хўжалик корхоналари техникасини янгилаш суръатларига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ҳозирги кунга келиб компания умумий қиймати 157,9 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 4420 та лойиҳани амалга оширди.

Шуни таъкидлаш жоизки, тор соҳага ихтисослашган лизинг компаниялар ҳам мавжуд, булар бир турдаги товар ёки бир гуруҳга тааллуқли стандарт товарлар билан иш кўради. Бу компаниялар, одатда, ускуналар заҳираси, машиналар паркига эга бўлади ва мижоз талабномасига кўра лизинг олувчиларга беради. Шу билан бирга, лизинг объектини фойдаланиш учун беришдан олдин лизинг берувчилар, халқаро экспертлар таъкидлашича, техника хизмати кўрсатишни ўзлари амалга оширадилар ва товар меъёрида сақланиши устидан назорат олиб борадилар.

Универсал лизинг компаниялар лизингга турли хил машина ва ускуналарни беради. Улар лизинг олувчига етказиб берувчини, ўзига зарур ускунани, буюртмани жойлаштириш ва битим объектини қабул қилиш ҳуқуқини беради. Техника хизмати кўрсатишни ва таъмирлашни етказиб берувчи ёки лизинг олувчининг ўзи амалга оширади. Шу билан бирга, лизинг берувчи мулк эгаси сифатида мулкни кўриб чиқиш ва бут эканлигини текшириш ҳуқуқига эга. Объект ишга туширилгач лизинг берувчи объектни қабул қилганлиги тўғрисидаги баённомага имзо қўйиши шарт. Агар қабул қилиш баённомасида камчиликлар қайд этилган бўлса, лизинг берувчи етказиб берувчига бу нуҳсонларни муайян муддат ичида бартараф этиш бўйича кўрсатма беради. Лизинг берувчи ижарага берилган ускунанинг аҳволини ва ундан тўғри фойдаланишликни мунтазам текшириб туриш ҳуқуқига эга. Лизинг олувчи лизинг берувчига лизинг объектини кўришги учун, шунингдек, у ўрнатилган ёки сақланаётган жой билан танишишига қонунчилик ҳамда "Лизинг тўғрисида"ги битимда кўзда тутилган шартлар асосида ҳеч бир тўсқинлик қилмайди.

Лизинг компаниялари яратаётган фаолият кўпинча, банк кредити тарзида жалб этиладиган ресурслар ташқи манбаига сезиларли даражада боғлиқ. Бу ҳолатни чет эл тажрибаси ҳам тасдиқлайди. Масалан, чет элда лизинг компаниялари ўз лизинг операцияларини амалга ошириш учун қарз воситасидан кўпроқ фойдаланадилар, шу асосда уларнинг 75 фоиз манбаи шаклланади[1].

---

[1] Горемыкин В. А. «Лизинг. Практическое учебно-справочное пособие». — Москва, ИНФРА — М. 1997.

Қарз воситаларидан лизинг компаниялар кенг миқёсда фойдаланилиши турли лизинг шаклида пул тарзида лизинг компанияларига бериладиган банк кредитлари ўзаро алоқасини чуқурлаштириш зарурлиги ҳақида далолат беради.

Шундай қилиб, Ўзбекистондаги лизинг институтларининг қарор топиши ва ишининг ҳозирги аҳволини тадқиқ этиш кўрсатадики, агар бошида асосий эътибор республикада молиявий лизингни ривожлантиришга қаратилган бўлса, кейинги йилларда эса бўлинма лизинг ривожи ва кенгайиши учун амалда шароит яратишга устуворлик берилмоқда. Бу жараёнга Осиё-Европа траст компанияси, «Ўзкейсагролизинг» компанияси ва «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компаниялари катта ҳисса қўшмоқда.

Лизинг операциялари кенг ривожланиши ва инвестицияларни молиялаштиришнинг муҳим манбаи сифатида аҳамияти ошишига, биринчи навбатда, лизинг компанияларининг капитали етарли эмаслиги сабаб бўлмоқда. Лизинг операцияларини амалга ошириш учун лизинг компаниялари банк кредитини жалб этиши анча муаммоли ҳисобланади, чунки, ОЕТК, "Ўзкейсагролизинг" ва бошқа компанияларнинг маржа ставкаси Ўзбекистон республикасида қўлланаётган ўрта ва узоқ муддатли ссудалар бўйича ўртача банк фоизларига қараганда пастдир. Бундан ташқари, тижорат банкларининг ўзи фоиз ставкаси паст ва у билан боғлиқ риск юқори даражада эканлигига кўра ўрта ва узоқ муддатли ссудалар беришдан манфаатдор эмас.

Лизинг муносабатлари институтларининг фаолиятининг таҳлили кўрсатадики, "Ўзкейсагролизинг", "Ўзавиализинг" ва "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компанияларидан бошқа кўпгина лизинг компаниялари лизинг битимларини, асосан, истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган, оргтехника ва хизмат кўрсатиш техникаси бўйича тузмоқдалар. Ўзбекистоннинг лизинг хизмати бозорида кенгайтирилган ишлаб чиқариш, саноат корхоналари эскирган техникасини янгилаш ва мамлакат экспорт негизини кенгайтиришга йўналтирилган битимлар кам учрайди.

Республика лизинг муносабатлари институтининг аҳамиятини ошириш инвестицияларни молиялаш манбаларида, иқтисодиётнинг мавжуд секторида уларга солиқ имтиёзи ва кредит беришга, лизинг операцияларини солиққа тортишни тартибга солишга ва шу компаниялар лизинг маржасининг ставкасини пасайтириш, шунингдек, чет эллик ҳамкорларни миллий лизинг хизмати бозорини кенгайтириш учун жалб этишга ёрдам беради.

8-§. "Қурилишлизинг" компанияси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 23 октябрдаги «Капитал қурилишда ижара ва лизинг тизимини жорий этиш тўғрисида» 462-қарорига биноан устав фонди 1 млрд. сўм бўлган, очиқ акциядорлик жамияти шаклида «Қурилиш — лизинг» лизинг компанияси ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки, Ўзуйжойжамғармабанк, Ўзсаноатқурилишбанк, «Асака» банки, «Пахтабанк», «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК, «Ўзнефтгазқурилиш» АК, «Ўзбекэнерго» ДАК унинг таъсисчилари ҳисобланади.

У замонавий қурилиш техникаси ва кичик механизация воситалари, махсус транспортни харид қилишни ўз молиявий манбалари ҳисобидан, шунингдек мамлакатимиз ва хорижий банклар кредитларини жалб этиш йўли билан амалга оширади ҳамда уларни лизинг ва ижарага барча мулкчилик шаклларидаги пудрат қурилиш ташкилотларига, биринчи навбатда кичик ва хусусий бизнес субъектларига шартнома асосида беради.

«Қурилишлизинг»га пудрат қурилиш ташкилотлари давлат активларининг биржа ва биржадан ташқари бозорларда сотишдан, иқтисодий ночор пудрат қурилиш ташкилотлари мол-мулкини уларнинг бюджет олдидаги қарзини қарз суммаси доирасида сўндириш ҳисобига сотишдан олинган маблағлар 5 йил муддатга қайтариш асосида, унинг махсус ҳисобварағига ўтказиш билан берилади. Ушбу маблағлар уларни лизинг ва ижарага бериш учун қурилиш техникаси ва кичик механизация воситалари, транспорт воситаларини харид қилиш учунгина ишлатилиши мумкин.

Молия вазирлиги, Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси, Давлат мулки қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитасига тугатилаётган иқтисодий ночор қурилиш техникаси, транспорт воситалари ва кичик механизация воситаларини уларнинг бюджет олдидаги қарзларини сўндириш ҳисобига «Қурилишлизинг» компаниясига бериш тартибини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш топширилди. Бу асосий воситалар даромад ва мол-мулк солиқлари бўйича солиқ солиш объекти ҳисобланмайди.

«Қурилишлизинг» 5 йилга уларни кейинчалик лизинг ва ижарага бериш учун олиб келинадиган қурилиш техникаси, эҳтиёт қисмлар, қурилиш транспорт воситалари ва кичик механизация воситаларига доир божхона тўловлари ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади. 2007 йил 31 декабрга қадар компания қурилиш техникаси ва кичик механизация воситаларини лизинг ва ижарага беришдан олинган даромадлар бўйича даромад (фойда) солиғини тўламайди, бунда солиқ солишдан бўшайдиган маблағлар замонавий қурилиш ускуналари ва техникасини харид қилишга мақсадли йўналтирилиши шарт.

6-БОБ. ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА ЛИЗИНГ САМАРАСИНИ АНИҚЛАШ

1-§. Инвестиция лойиҳалари ва молиялаштириш манбаларини танлаш қарорларининг ўзаро боғлиқликлари

Инвестициялар капиталнинг ҳозирги қийматини сақлаш ва (ёки) бу қийматни капиталлаштириш, жамғармаларни кўпайтириш мақсадларида, капитални ўстириш пайида бўлади. Шу сабабли, улар шу вақт оралиғида истеъмол қилинмайди ва белгиланган муддатга муайян объект ва жараёнларга бириктирилади, уларда банд қилинади, бунда улар аниқ ва ноаниқ рискларга дуч келади.

Инвестициялар мазмуни уларнинг намоён бўлиш шакллари орқали, инвестициялар мақсади эса уларнинг асосий функцияси – жамғариш билан аниқланади. Инвестициялар ўз маблағларини, қарзга олинган ва жалб қилинган маблағларни аниқ муддатларга муайян жараёнларга, аниқ ва ноаниқ рисклар билан боғлашдир, бундан асосий мақсад унинг ҳозирги қийматини сақлаш ва жамғармаларни амалга оширишдан иборатдир. Молиялаштириш манбаларининг ишончлилиги, хавфсизлиги, рисклилиги, даромаддорлиги, ликвидлилиги, аниқ мақсадлари ва уларга эришиш усуллари ўртасида чамбарчас алоқадорлик бор. Инвестициялардан келажакда кутилаётган самарага уларнинг хавфсизлигини, даромаддорлигини, капиталлашувини ва ликвидлилигини оптималлаштириш ҳамда инвестиция мақсадларини муросага келтириш орқали эришилади.

Ҳар бир муайян ҳолатда капиталнинг ҳозирги қийматини жиддий йўқотиш рискини пасайтириш инвестицияларнинг мақсадлари, яъни уларнинг хавфсизлиги, даромадлилиги, капиталлашуви ва ликвидлилигини ўзаро мувофиқлаштириш йўли билан таъминлаш орқали эришилади. Инвестициялаш ҳақида қарорлар қабул қила туриб, инвестор лойиҳаларнинг рисклилигини, манбаларнинг вақтли қийматини, муқобил имкониятларга кўра лойиҳанинг жозибадорлигини эътиборга олади. Бундай қарорга у рискларнинг мақбул даражасида кутилаётган даромадлиликнинг

таҳлили асосида келади. Мақбул рисклилик даражасида даромадни максималлаштириш нуқтаи назаридан пулнинг вақтли қийматини ҳисобга олади. Инвестициялар аниқ ва ноаниқ рисклар ва кутиладиган даромадлар билан боғлиқ эканлигини ҳамиша эсда сақлаш лозим.

Инвестиция ҳақидаги лойиҳа танланар ва улар бўйича қарор қабул қилинар экан, доимо содир бўлиши мумкин бўлган рисклар ҳамда бўлажак инвестициялар даромадлилиги аниқланади, таҳлил қилинади, баҳоланади ва ҳисобга олинади. Рискларни камайтириш тадбирлари кўрилади, уларга самарали таъсир кўрсатиш усуллари танланади, мониторинг воситасида назарда тутилган рискларни камайтириш йўллари белгиланади. Шуни назарда тутиш лозимки, фойдаланиш имконияти бўлган пул маблағлари турли манбалардан бирон-бир натижага эришиш йўлида турлича инвестицияланади.

Инвестицияларни молиялаштириш усуллари аниқ ва аниқ бўлмаган рисклар таркиби ва мажмуи билан фарқ қилади. Улардан маҳорат билан фойдаланиш рискларни инвестиция ресурслари эгалари ўртасида диверсификациялашга имконият яратади.

Инвестициялар қийматининг нақадар самара келтириш йўналишларини аниқлаш асосида улар манбаларининг ишончлилигини танлаб олиш, инвестициялаш билан боғлиқ аниқ ва ноаниқ рискларни ўлчаш билан боғлиқдир. Капиталнинг даромадлар келтириш имконияти улар келадиган манбалар ва улар ишлатиладиган йўналишлар билан боғлиқдир. 13-чизмада инвестициялашга сафарбар этилган манбаларнинг ишончлилиги билан инвестициялаш йўналишлари ўртасидаги узвий боғлиқликлар келтирилган.

Инвестицияларнинг мазмуни аниқ ва ишончли манбалардан маблағлар олиш, уларни асосли ҳолда сафарбар этиш, рисклар даражасини ҳисобга олган ҳолда капитал қийматини сақлаш ва кўзланган самарани олишдан иборат бўлади. Ана шу белгиларга кўра, инвестициялар бошқа қўйилмалардан мазмунан фарқ қилади. Булар барчасининг асосида капиталнинг ҳаракатланиш жараёни ётади.

Инвестициялар аниқ ва ноаниқ, лекин эҳтимоли бор рисклар остида капитални муайян жараёнларга, муайян вақтга боғлаш бўлиб, унинг ҳозирги қийматини сақлаш, капиталлаштириш ва жамғариш мақсадига қаратилади. Инвестициялардан кўзланган мақсадлар билан уларга эришиш усуллари ўртасида жипс алоқалар мавжуд. Бу алоқалар инвестиция мақсадларини келиштириш, уларнинг хавфсизлиги, даромадлилиги, капиталнинг ўсуви ва ликвидлилигини уйғунлаштириш асосида амалга оширилади.

Улар капитал ҳаракатининг муайян жараёнларига жалб қилинади, муайян вақт давомида реал ва молиявий активларда банд этилади. Инвестициялар рисклари кўлами доираси банк ва кредит рискларидан анча кенг. Инвестицияларнинг аниқ ва аниқ бўлмаган рисклари мажмуи аксариат ҳолларда уларни молиялаштириш манбаларининг қўлга киритилиши мумкинлиги, ишончлилиги ва тегишли тузилмаси билан белгиланади.

13-чизма

Инвестициялаш манбалари, йўналишлари ва инвестицияларга эришиш мақсадлари ўртасидаги узвий боғланиш



Инвестициялар хусусида қарорлар қабул қилишда, инвестиция лойиҳаларини баҳолаш, танлаш ва амалга оширишнинг илмий асосланган услубиёти ва услубидан фойдаланиш масаласи муҳим ҳисобланади.

✓ Лойиҳаларда муайян молиявий ресурсларни банд этишни назарда тутадиган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг услубий масалаларини ҳал этиш биринчи навбатда

«лойиҳа», хусусан «инвестиция лойиҳаси» тушунчаларини яққол тасаввур этишни талаб қилади.

«Лойиҳа» дейилганда бутун дунёда, ресурслар ва вақт бирлиги билан чекланган, назарий ишланмалар билан асосланган ва «лойиҳа цикли» концепцияси кўринишида таърифланган белгиланган жараённи тайёрлаш ва мақсадли фаолиятни амалга ошириш тушунилади.

Лойиҳа, биринчидан, мақсадли йўналтирилган фаолият, иккинчидан, бу фаолият вақт бирлиги ва ресурслар билан деярли чекланган, учинчидан эса, ундан келадиган наф қилинган харажатлардан доимо ортиқ бўлади. Чунки, келажакдаги даромадлар бугунги пул қийматлари билан ўлчанган бўлиб, замонавий харажат оқимларидан юқори бўлиши назарда тутилади.

Лойиҳа келажакка қаратилганлиги сабабли олдиндан айтиб бўлмайдиган номаълумликлар билан боғлиқ бўлади. Лойиҳа иқтисодий ва молиявий бойлик ҳамда ижтимоий маънога эга бўлиши муносабати билан, замон ва макондаги бирлик тарзида қаралишини талаб этади.

Инвестицион лойиҳа турли инвестиция фаолиятларини режалаштириш, таҳлил этиш, баҳолаш ва улардан фойдаланиш услубини қўллашга имкон беради. Режалаштириш, ҳужжатлаштириш, таҳлил ва баҳолаш услубиёти эса инвестиция имкониятларини таққослашга имкон беради.

Инвестиция лойиҳасига муайян ишлаб чиқариш қувватларига келажакда алоҳида турдаги самаралар келтириши зарур бўлган, аниқ белгиланган тадбирлар йўли билан ресурсларни инвестициялаш бўйича таклифлар тўплами тарзида таъриф бериш мумкин.

Инвестиция лойиҳаси ўзаро боғлиқ бўлган тадбирлар мажмуидан иборат бўлиб, чекланган давр давомида, белгиланган бюджет ҳисобидан, қўйилган вазифаларни ҳал қилишга қаратилган аниқ мақсадни назарда тутади. Яъни, *инвестиция лойиҳалари бошқа тадбирлардан қуйидагилар билан ажралиб туради:*

– мақсади, унга эришиш ички кучи ва уни белгиланган вақт мобайнида амалга ошириш имкониятлари билан;

– белгиланган давр мобайнида лойиҳанинг ноёблиги ва танҳолиги даражаси ҳамда белгиланган вақтнинг ўзининг чекланганлиги билан;

– ҳар қандай тирик мавжудот каби унинг ҳам ҳаётий циклга эгалиги билан.

Барча инвестиция лойиҳалари бир қатор умумий белгиларга эга. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

– мақсадга эришишга йўналтирилганлиги;

– ўзаро боғлиқ ҳаракатларни мувофиқлашган ҳолда бажарилиши;
– вақт бирлигида чекланган давомийлиги;
– такрорланмаслиги ва ноёблиги.

Лойиҳаларни ишлаб чиқиш, улар самарасини белгилаш, уларни танлаш ва амалга ошириш, шунингдек, уларни ички ва ташқи ресурслар ҳисобидан молиялаштиришда мамлакатнинг халқаро бозорга чиқиши кучли замин ва асос ҳисобланади. Лойиҳанинг келажакка қаратилиши унинг олдиндан айтиб бериш мумкин эмаслигидан далолатдир, шу сабабли инвестиция лойиҳасининг сифат тавсифларини ҳисобга олиш муҳим. Инвестиция лойиҳаси одатда, ресурслар ва муайян вақт билан чекланади ҳамда қўйилган мақсадга эришишни кўзда тутади. Шу нуқтаи назардан, инвестиция лойиҳалари ўзининг такрорланмаслиги ва белгиланган давр мобайнида уникаллик даражаси билан тавсифланади.

Инвестиция лойиҳаларини баҳолаш, танлаш ва амалга оширишда асосий эътибор инвестиция имкониятиларининг таҳлилига, жалб этилаётган ресурслар қийматини баҳолашга қаратилиши талаб этилади. Булар билан биргаликда, эътиборни ноаниқликнинг таҳлилига, рисклар-ни пасайтириш усуллари, уларни инвестиция қатнашчилари ўртасида тақсимланишига қаратиш зарур бўлади.

Инвестициялар бўйича қарор қабул қилинишида уларни молиялаштириш жараёнларини шундай ташкил қилиш керакки, бунда биринчидан уларнинг қийматини минималлаштириш, иккинчидан эса, сафарбар этиладиган капитални самаралилигини максималлаштиришга қодир манбалардан фойдаланиш йўларини баҳолаш керак бўлади.

Инвестициялар бўйича қарорлар қабул қилинар экан, инвестиция капиталининг тузилиши, муайян вақт мобайнида унинг тақсимланиши, шунингдек, пулнинг вақтли қийматини ҳисоблашга имкон берувчи дисконтлашнинг илмий асосланган коэффициентларидан фойдаланишни назарда тутиш керак. Капитал қийматини баҳолаш кўрсаткичлари тизимидан фойдаланишда келажакда истиқболи белгиланаётган ва кутилаётган қийматнинг тахминийлигини; истиқболи белгиланаётган маълумотларнинг ноаниқлигини; муайян мамлакатдаги инвестициялашнинг иқтисодий ва сиёсий рисклари ҳақидаги маълумотларни; илғор тенденциялар тўғрисидаги долзарб маълумотларни ахборот билан амалда таъминланишини; баъзи кўрсаткичларни тахминан баҳоланишининг оқибатларини; тахмин этилаётган рисклар, уларнинг юзага келиш эҳтимоли, пасайиши ва бошқаларни ҳисобга олиш лозим.

Молиялаш манбаларни танлаш молиявий активларни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ҳолда, яъни зарур бўлган пул маблағларини излаб топишга олиб келади. Манбалар турли акциядор капитали, банк кредити, ижара мажбуриятлари эвазига ташкил этилиши мумкин.

Инвестицион қарорлар бир неча йўналишда бўлиб, хўжалик субъектини:

а) асосий моддий активларини ташкил этиш, яъни асосий воситаларни;

б) номоддий активларни, яъни технологиялар, савдо маркалари, патентлар ва ҳакозоларни;

в) айланма активларни, яъни заҳира, ҳаражатларни (яъни тижорат ва истеъмол кредитларни бериш) ташкил этиш билан боғлиқдир.

Хулоса қиладиган бўлсак, ҳар бир инвестицион лойиҳа бўйича қабул қарори унинг субъектига боғлиқ. Қарор қабул қилувчи субъект эса албатта молиявий манбаларни ҳисобга олади.

2-§. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда инвестицияларнинг самарадорлиги

Самарадорликни аниқлашда асосий масалалардан бири бошқариш қарорларини қабул қилишни тўғри ташкил этишдир. Кўп укладли иқтисодиётда бошқариш қарорлари, шу жумладан молиявий қарорлар ҳамда инвестиция лойиҳалари бўйича қарорлар турли даражаларда қабул қилинади. Ҳар бир қарор қабул қилувчи, албатта ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, ушбу молиявий қарорларни қабул қилишни ташкил этади.

Ўзбекистонда кўп укладли иқтисодиётни ташкил топиши ва тараққий этиши ўз навбатида инвестицион лойиҳаларни баҳолашда ва молиявий қарорлар қабул қилишда ўз таъсирини кўрсатади. Чунки инвестиция лойиҳалари бўйича қарорларни қабул қилиш даражалари турлича. Масалан қарорлар ҳукумат томонидан, ёки бўлмаса тармоқ даражасида, мулкдорлар даражасида бўлиши мумкин. Шунинг учун қарорлар қабул қилишда буларни барчаси ўз хусусиятларига эга.

Инвестиция лойиҳалари бўйича молиявий қарорларни қабул қилишда, лойиҳаларга ёндашиш, мезонларни танлаш ва уларга асосланиш турлича.

Давлат даражасида, ҳукумат томонидан инвестиция лойиҳларига ёндашиш, уларнинг самарадорлигини аниқлаш

ўзига хос мезонлар асосида ташкил этилади. Корпоратив мулк эгалари томонидан эса — ўзгача, акционер, кооператив хусусий мулкдорлар томонидан бошқа мезонлар асос бўлиши мумкин.

Булардан ташқари, агарда инвестиция лойиҳалари бўйича қарорлар шериклар иштирокида қабул қилинса, бунда ҳар бир шерик ўз манфаатларидан келиб чиқади.

Инвестиция жараёнлари молиявий жиҳатдан, маълум равишда, иккита бир бирига нисбатан қарама-қарши бўлган мустақил жараёнларни қамраб олади. Биринчиси, ишлаб чиқариш ёки бир бошқа объектни барпо этиш ёки бўлмаса капитални жамғариш жараёни бўлса, иккинчиси — объектни барпо этиш, капитални сафарбар этиш эвазига кутиладиган ва келиб тушадиган даромадлар.

Эслатилган иккала жараёнлар кетма-кет (бир биридан ажралган, ёки ажралмаган ҳолда), ёки айрим вақт бирлиги мобайнида муайян вақтда намоён бўлишлари ҳам мумкин. Агарда инвестициялар эвазига истиқболдаги қайтимларнинг олинишини, инвестицияларни сафарбар этиш жараёни тугагунга қадар, бошланиши кутилса, унда қайд этилган жараёнлар бир текисда содир бўлиши мумкин. Қўшимча равишда шуни таъкидлаш зарурки, вақт бирлигидаги иккала жараёнларнинг тўлов оқимлари турлича тақсимланиши ёки ўзгаришларга эга бўлишлари мумкин бўлади. Сафарбар этилган инвестициялар қайтимларини белгиланган вақт бирлиги муддатларида тақсимланиш шакли ҳал этувчи бўлмаса ҳам асосий ўринни эгаллайди.

Бир-бирига боғлиқ бўлган кетма-кетликда содир бўладиган иккала жараённи тавсифловчиси сифатида хизмат қиладиган тўлов оқимлари бевосита таҳлил объекти ҳисобланади.

Агарда ишлаб чиқариш инвестициялари тўғрисида фикр юритадиган бўлсак, кўпчилик ҳолатларда ушбу тўлов оқимларини ҳар бир элементи инвестицион ҳаражатлар ва соф даромад кўрсаткичларидан ташкил топади. Белгиланган ҳар бир вақт ичида келиб тушадиган умумий даромад (тушум) дан, ушбу даромадни бунёд этиш ва олиш билан боғлиқ бўлган тўлов ва чиқимларни айириб ташласак соф даромад тушунчаси келиб чиқади.

Ишлаб чиқариш инвестицияларини таҳлилида асосий эътибор муқобил лойиҳаларни самарадорлигини баҳоланишига ва таққосланишига қаратилади.

Инвестициялар самарадорлигини қайси бир услубини олмайлик, уни ҳисоблаш ва ўлчаш қандай бўлмасин, инвестици-

он харажатларни ва улар эвазига олинадиган даромадларни аниқ бир вақтда аниқлаш, яъни харажатлар ва даромадларни бир ўлчамга келтириш дисконт асосида амалга оширилади.

Инвестициялаш ва молиялаштириш усуллари тўғрисидаги қарорлар ТИА[1] асосида олиб борилади. ТИА потенциал инвесторлар ҳамда бошқа барча иштирокчиларни инвестициялашнинг ижтимоий-иқтисодий, молиявий ва экологик жиҳатларини ойдинлаштирувчи восита сифатида хизмат қилади. Шунингдек, лойиҳанинг муқобил стратегияси ва доирасига баҳо берувчи восита, ресурслар маркетинги, жойлашгани ўрни, ишлаб чиқариш қувватлари ва технологиялар ҳақидаги тегишли маълумотлар билан таъминловчи ҳисобланади.

Лойиҳаларни танлаб олиш ва инвестиция қарорларини қабул қилиш жаҳон амалиётида қўлланиладиган, дисконтлаш усулига асосланган, лойиҳа бўйича ҳаражат лар ва нафларни назарда тутадиган, эътироф этилган, умумий ва стандарт-услубиёт асосида олиб борилади.

Дисконтлаш усулини келтириб чиқарган асосий сабаб пул маблағларининг вақтга нисбатан тенг қийматли бўлмаслигида. Бу ўринда гап инфляцияда ҳам эмас, унинг асосий сабаби бирон жараён билан боғланган қиймат n-вақтдан кейин унинг ёрдами билан даромад ҳисобига капитал суммага айланиш хусусиятига эга. Бу ҳақиқат молия операцияларида аксиомадир ва инвестиция лойиҳаларини иқтисодий асослаш ҳамда таҳлил қилишнинг жами механизмини белгилаб беради, яъни келажакдаги қийматга асос қилиб мураккаб фоизлар модели тарзида маълум бўлган жамғармаларнинг кўпайиши модели олинади:

$$FV = PV(1 + K)^n \qquad (0.1)$$

бу ерда, FV (future value) – келажакдаги қиймат;

PV (prezent value) – жорий қиймат;

K – даромаддорлик ставкаси;

n – пулнинг банд бўлиш даври (йил, чорак, ой).

Дисконтлаш, агар пулнинг келажакдаги қиймати, фоиз ставкаси ва вақт интервали маълум бўлса, унинг жорий қийматини аниқлаш имкониятини берадиган мураккаб фоизларни ҳисоблаш услубига тескари амал билан ҳисоблаб чиқарилади. Яъни келажакда бир қадар қийматни олиш учун

---

[1] ТИА (техник-иқтисодий асослаш) ўз маъносига кўра "Лойиҳани амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигини техник-иқтисодий тадқиқ этиш" атамаси билан айнан бир хил.

инвестицияланиши зарур бўлган қиймат аниқланади. Асосий мантиқ шундан иборатки, келажакда олиниши мумкин бўлган каттароқ қийматни қўлга киритиш имконияти учун биз бугун тўлашга тайёр бўлган қийматни топишимиз керак. Дисконтлашнинг бу варианти жорий (замонавий) қийматни ёки келтирилган, дисконтланган қийматни ҳисоблаб топишдан иборат. Ҳисоблаш келажакдаги бўлажак қийматни аниқлашнинг тескари формуласи билан бажарилади:

$$PV = \frac{FV_n}{(1+K)^n} = FV_n * \frac{1}{(1+K)^n} \qquad (0.2)$$

Бунинг моҳияти шундаки, келажакда муайян вақт ичида қайта тушадиган пул оқимлари эвазига инвесторлар бугунги кунда зарур маблағларни қўйишга тайёрлар.

Лойиҳанинг таҳлилини ўтказишда вақт омилини ҳисобга олиш ва ҳаражат лар ҳамда нафларнинг қиёсийлигига эришиш ғоят муҳим ҳисобланади.

Бунда вақт омили, яъни вақт ўтиб бориши билан олинадиган бўлажак қийматни ҳозирги вақт ёки белгиланган бошланғич вақт ўлчамига келтириш ҳисобга олинади.

Инвестиция қарорларини қабул қилишнинг муқобил вариантларини аниқлаш учун жаҳон амалиётида қўлланиладиган инвестиция лойиҳалари самарадорлиги кўрсаткичлари тизимидан фойдаланилади. Улар соф дисконтланган даромад (NPV), даромаддорлик индекси (PI), ички даромаддорлик меъёри (IRR), қопланиш муддати (PP) асосидаги иқтисодий, молиявий, бюджет, экологик, ижтимоий ва бошқа самарадорлик кўрсаткичларини қамраб олади. Бу борада диққатга сазовор бўлган нарса фоиз ставкаси даражаси, яъни аниқ бир вақт мобайнида (нисбий кўрсаткич) олинадиган даромадни ушбу вақтга берилган қарзга нисбати. Фоиз ставкаси одатда фоиз ҳисобида, ёки каср сифатида белгиланади. Инвестицияларни самарадорлиги қатор кўрсаткичлар тизими асосида аниқланади.

Самарадорликни аниқлашда жорий ёки кутилаётган ўртача ссуда фоизи даражаси мўлжал қилиб олинади. Иқтисодий адабиётларда минимал жозибадор бўлмиш даромад ставкаси.

3-§. Хорижий инвестициялар иштирокида молиялаштириладиган лойиҳаларнинг хусусиятлари

Хорижий инвестицияларни жалб этишда ва улар бўйича молиявий қарорлар қабул қилишда турли мамлакатларнинг валюта курсларини, фоиз ставкаларини, инфляция даражалари таъсирини, капитал бозорларини фарқини ва солиқ тизимларининг хусусиятларини ҳисобга олиш тўғри келади.

1. "Фоиз ставкалари паритети" назариясига мувофиқ икки мамлакатнинг фоиз ставкаларидаги фарқи форвард валюта курси ва "спот" валюта курси ўртасидаги фарқига тенгдир.

2. "Форвард курсини кутиш" назариясига мувофиқ форвард курси "спот" бўйича кутиш курсига тенг.

3. "Ягона нарх" қонунига биноан инфляция темпларидаги фарқ валюта курслари ўзгаришларидаги фарққа мойилдир. Амалиётда эса, ҳар доим ҳам ушбу назария ўзини оқламайди.

4. Интеграциялашган халқаро капитал бозорида реал фоиз ставкалар бир хилдир. Аслида эса, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиб туриш ва солиқ сиёсати реал фоиз ставкаларни бир бирига мослигини бузиб туради ва реал фоиз ставкаларни фарқланишига олиб келади.

Юқорида қайд этилганларни ҳисобга олган ҳолда, узоқ муддатли экспорт контрактларни баҳолаш ва суғурталаш мақсадида, форвард бозорларини ёки ссуда капиталлари бозорларини ишлатиш мумкин.

Халқаро инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолашда, ҳисоб-китобларда қайси валюта ишлатилмаслигидан қатъий назар, нархлар, фоиз ставкалар ва валюта курслари бир бирлари билан таққослангунга қадар ҳеч қандай аҳамиятга эга эмасдир. Фақат бўлажак валюта курслари фарқларини назарда тутган ҳолда инвестиция қарорларни хорижий инвестициялар бўйича қабул қилиш асосланмаган инвестиция қарорларини олдини олади.

Лойиҳа бўйича дисконт ставка эркин капитал бозорида инвесторлар ўз инвестицияларини хорижий қимматли қоғозларга сафарбар этиш бўйича кутадиган даромадлигидир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, хорижий инвестициялар бўйича қарорлар қабул қилишда учта қуйидаги хулосани эсда тутиш лозим:

1. Валюта рисклардан ҳимояланиш учун маблағларни бир қисмини маҳаллий валютада қарзга олиш зарур.

2. Ҳар доим солиқларни инобатга олиш зарур. Солиққа юқори даражада тортиладиган мамлакатлардан кредит ола туриб солиқларни қисқартириш мумкин ва солиғи паст бўлган мамлакатларга қарз (ссуда) бера туриб солиқларни қисқартириш мумкин.

3. Агарда ҳукумат ўйин қоидаларини ўзгартирадиган бўлса молиялаштиришни таркибий структурасини ўзгартириш йўлини ўйлаб топиш зарурдир.

Хулоса шундан иборатки, бу борада мураккаб ҳисобкитобларни ўтказиш талаб этилади.

Шу сабабли амалиётда лойиҳаларни танлаб олиш ва капитал қийматини баҳолаш тўғри қарорлар қабул қилиш имкониятини берадиган IRR, NPV каби бир неча мезонлар бўйича ўтказилади. Инвестициялар бўйича хусусий қарорларнинг мақбуллиги ёки яроқсизлигини аниқлашда IRR инвестор томонидан, инвестициялаш учун капитал жалб қилиш нархини ва ундан умид қилинадиган соф даромадни ҳисобга олган ҳолда қўйилмаларнинг ўзи учун стандарт тарзда қабул қиладиган қопланиш даражаси билан таққослайди. Рентабелликнинг бу индекси тўсиқ коэффициенти (HR) деб аталади ва IRRни қиёслашда қўлланилади: агар IRR>HR – лойиҳа мақбул ҳисобланади; агар аксинча бўлса – лойиҳа номақбул ҳисобланади; агар IRR=HR, бўлса ҳар қандай қарорни қабул қилиш мумкин бўлади.

4-§. Лизинг муносабатларининг молиявий самараси

Услубий жиҳатдан, лизингнинг хусусий самараси кам деганда учта жиҳатга эгадир. Шулардан бири – *мултипликатив самара*га эришиш. Энг янги техникани қўллаш ва ходимни мақсадли фаолият вақтида мустақил тадбиркор – мулкдорга айлантириш натижасида юзага чиқиб, лизинг самараси астасекин қайта тиклаш барча босқичига тарқалади ва тақсимлаш, айирбошлаш ҳамда истеъмолга ўтиш меъёри бўйича кучаяди ва кўпаяди.

Иккинчи ўзига хослик лизинг фаолият самараси сифат жиҳатдан янгилиги ҳисобига *эмержентлик*ни таъминлашдан иборатдир. Бунинг миқдори қўшимча техника воситаларини сафарбар этиш мақсадларида лизингдан фойдаланмаган ҳолда одатдаги фаолият натижаси арифметик миқдоридан анча кўпни ташкил этади. Бундай самара уйғунлаштирувчи самара ҳисобланади ва фақат локал ҳолдагина эмас, балки бутун иш-

лаб чиқариш тизими миқёсида намоён бўлади, унинг ишлаб чиқариш самарадорлик кучини оширади.

Лизингнинг учинчи ўзига хос хусусияти шундан иборатки, олинаётган самара фақат ишлаб чиқариш жараёнидагина эмас, балки кишилар кундалик амалиётига таъсир этиб, *ижтимоий соҳада* ҳам намоён бўлади. Шундай қилиб, *лизинг ҳам иқтисодий самара мезонига ҳам меҳнат мазмундорлиги ошувида, ходимлар ўз ижодий имкониятларини англашида, шахсий даромад ўсишида, ўз мустақиллик даражаси ошиши ва бошқаларда намоён бўлувчи ижтимоий қадриятларга эгадир.*

Юқорида қайд этилган барча ўзига хосликлар биргаликда лизингнинг тадбиркорлик фаолияти барча бўғинлари ривожига туртки бўлувчи ўзига хос иқтисодий мультипликатор сифатидаги аҳамиятини яна бир марта таъкидлайди. Агар биринчи ўзига хослик лизинг самараси ўсувчи, уни амалга ошириш йўлларини акс эттирса, иккинчиси, тадбиркорлик лизинг шаклининг янги эмержентлик хусусияти намоён бўлишини, учинчиси эса, унинг ижтимоий йўналганлиги ва шахс жамоа ҳамда жамият манфаатларини қондириш билан жипс алоқасини кўрсатади.

Амалиётда, тадбиркорлик фаолиятини юритувчилари, кўпгина ҳолларда, бир-бирига муқобил даражада бўлган танловга дуч келадилар. Масалан, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун олинадиган ускуналарни молиялаштириш самаралими ёки бу ускуналарни ижарага олиб, улардан фойдаланиш унумлироқми. Ўз навбатида ушбу масала нафақат тадбиркор олдида, аксинча ускуналарни ишлаб чиқарувчиси, яъни эгаси олдида ҳам туради. Ускуналарни сотиш самаралими, ёки уни ижарага бериб, ундан фойдаланиш афзалроқми. Мулк эгаси учун энг муҳими ижара тўловлари ҳажмини белгилаб олиш ва ускуналар ижарасининг молиявий самарадорлигини аниқлашдадир. Ижарага олувчи эса, муқобил вариантлар мавжуд бўлган ҳолда, ўзи учун асосий масалани ҳал этиши зарур, яъни ускуналарни ижарага олишни, ёки уларни харид килишни.

Иккала масала ҳам соф молиявий оқимлар асосида ҳал қилиниши мумкин. Бу борада қайси бир усулдан фойдаланмайлик бунинг ечими пул оқимларини бугунги ўлчов концепциясига асосланади.

Ускуналарнинг ижара хақи тўловини аниқлаш

Айтайлик, P қийматга эга бўлган ускуна n йилга ижарага бериляпти. Унинг қолдиқ қиймати (ижара муддати охирида) S ни ташкил этади. Ижара тўловлари оқими вақт омилини ҳисобга олган ҳолда эскириш қийматига тенг бўлиши лозим. Ижара тўлови, йилда бир маротаба йилнинг охирида тўланадиган бўлса, ускуналарга сафарбар этилган маблағларни белгиланган меъёрда таъминловчи бир маротабали ижара тўлови қуйидаги формула асосида аниқланади.

$$R = \frac{P - Sv^n}{a_{n;i}}$$

R — йиллик ижара тўлови;

$a_{n;i}$ — йиллик доимий даромадни таққослаш учун келтириладиган коэффициенти (бўлажак даромадни белгиланган вақтдаги бугунги қийматини аниқлаш коэффициенти);

v — кўпайтирувчи дисконт.

Бунда, ижара тўлови ускуна қиймати, қабул қилинган даромадлилик меъёрий ва ижара муддатига боғлиқ бўляпти. Формулада ижара тўловлар бир маротаба йил охирида тўланиши кўзда тутилган. Агарда тўлов шартлари бошқача бўлса, унда бошқа коэффициент қўлланилади. Формулада ижара тўлови фақат ускунани ижарага топширишда кўзланган даромад меъёри асосида келиб чиқадиган ҳажмни аниқлаб беради.

Агарда, ижара шартномасида ускунани унинг эгаси томонидан таъмирланиши кўзда тутилган бўлса, унда ушбу харажатлар ижара тўловида инобатга олинади.

Ҳисоб-китобда инобатга олинаётган даромадлик меъёри албатта ускунани амортизация меъёридан юқорироқ бўлиши табиий ҳолдир. Қабул қилинган даромадлилик меъёри (i) билан амортизация меъёри (a) фарқи ижара операциясини тахминий реал даромадлигини кўрсатади.

1-мисол. Айтайлик, ижарага топшириш вақтида 1 млн. сўмлик қийматга эга бўлган ускуна 4 йилга ижарага берилган. Ижара муддати тугаш вақтига келиб ускунанинг қолдиқ қиймати 400 минг. сўмни ташкил этади.

Ускунага сафарбар этилган маблағга нисбатан қўйиладиган талаб, йилига 15 фоиз даражада даромад келтириши зарур дейлик.

Белгиланган даромадликни таъминлаш шарти билан тўланадиган ижара ҳақи қанчани ташкил этади, агарда ижара тўлови:

а) бир маротаба йил охирида тўланса?

б) бир маротаба йил бошида тўланса?

в) ҳар ойда тўланиб борилса?

Ушбу мисолнинг ечимини йиллик ижара тўлови формуласи асосида ҳисоблаймиз.

$$R=\frac{P-Sv^{n}}{a_{n;i}}=\frac{1000-400^{*}1.15^{-4}}{a_{4;15}}=\frac{771,3}{2,85498}=270,16 \text{ минг сўм}$$

а) Бунда $a_{4;}15$ тенг 2,85498

Барча юқоридаги шартлар сақланиб қолган ҳолатда, айтайлик ижара муддати 4 йил эмас 8 йил дейлик ва ускунанинг қолдиқ қиймати икки баравар камайди, бунда $a_{8;15}$= 4,487732 ва

$$R=\frac{1000-200^{*}1.15^{-8}}{4.487732}=208,28 \text{ минг сўм}$$

Бунда ижара муддатини узайтирилиши, йиллик ижара ҳақи тўловларини сезиларли даражада камайишини кўрсатади;

б) $a_{4\cdot 15}$x1,15=3,28323 ва $R=\frac{771.3}{3.28323}$ =234,92 минг сўм

в) $a\frac{(12)}{4;15}=\frac{1-1,15^{-4}}{12(1,15^{1/12}-1)}=3.04631$

$a\frac{(12)}{4;15}=\tilde{o}\ 1,15^{1/12}$=3,08199; $R=\frac{771.3}{3.08199}$=250.26 минг сўм

Шундай қилиб, ҳар ойнинг бошида тўланадиган ижара тўлов 250,26/12 = 20,855 минг сўмни ташкил этади.

Ускунанинг эгаси учун, ижарага бериш самарадорлиги

Бунда самарадорликни баҳолаш усулининг моҳияти шундан иборатки, даромадлилик даражаси мураккаб фоизлар йиллик ставкасини ҳисоблаш йўли билан аниқланади. Бу борада биринчи қўйиладиган қадам ускуна қийматини берилган

кўрсаткичлари, ижара тўловлари ҳажмлари ва ҳ.к. бўйича йиллик доимий даромадни таққослаш учун келтирадиган коэффициентини аниқлашдир. Аниқланган коэффициент асосида йиллик фоиз ставкасининг кўрсаткичи (i) аниқланади.

Йилнинг охирида бир маротаба тўланадиган ижара тўловлари тартиби учун таққослаш коэффициенти қуйидагича аниқланади:

$$a_{n;i} = \frac{P - Sv^n}{R}$$

R – хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш харажатларисиз ижара тўлови.

2-мисол. Юқорида кўрган мисолимиздан келиб чиққан ҳолда, айтайлик ускуна учун ижара тўлови ҳар ойнинг бошида 25 минг сўм ҳажмида тўланади. Амортизация меъёри 10 фоизга тенг бўлган ҳолда, лизинг шартномасини ҳақиқий самараси нимадан иборат бўлади?

Мисол шартига биноан аниқлайдиган бўлсак, бунда

$$a\frac{(12)}{4;i}(1+i)^{1/12} = \frac{771.3}{12^*25} = 2.571$$

Аниқланган коэффициент асосида самарадорлик меъёрини интерполяция усули билан аниқлаймиз, бунда =27,8 фоиз. Қабул қилинган амортизация меъёри асосида (10 фоиз) ушбу ускунани ижарага топширишдан олинадиган ҳақиқий даромад даражаси 17,8 фоизни ташкил этади.

Ускунанинг ижарага олиш самаралими ёки сотиб олиш маъқулми деган савол кўндаланг бўлиб чиқади. Ушбу масала самарадорликни ўлчашни ўзига хос махсус ҳолатини ташкил этади.

Унинг ечими ускунани сотиб олиш билан боғлиқ бўлган пул оқимларини ижара шартномасига асосан тўланадиган тўловларни ҳозирги кундаги ҳажмларини таққосланишига келиб тақалади. Агарда ижара шартномасида ускунани таъмирлаш кўзда тутилган бўлса ва таъмирлаш харажатлари ижара тўлови таркибига киритилган бўлса, унда ускунани сотиб олиш харажатлари таркибида ҳам таққослаш учун ускуна эгасининг таъмирлашга сарфлайдиган ҳаражатлари инобатга олинади. Дисконтлаш учун ишлатиладиган фоиз ставкаси кредитнинг бозор қийматига тенг бўлиши зарур. Истисно сифатида ускунани қолдиқ қиймати дисконтланиши, бунда бошқа узоқ муд-

датли ставка ишлатилиши мумкин (самарадорлик меъёри). Агарда тўловларни тенг бўладиган бўлсак ва белгиланган муддатларда бир текисда тўланиб борадиган бўлса, унда ҳозирги тўлов оқимлари миқдорини аниқлаш учун молиявий ренталарни тааллуқли ҳозирги миқдори оқимлари формуласидан фойдаланилади.

Таққослаш шартидан шу нарса маълум бўладики, ижара йиллик тўловлар асосида йўлга қўйилсагина молиявий мазмунга эга бўлади.

$$R a_{n;i} \langle \ddot{I} ,$$

П – ускунани сотиб олишдаги тўловлар оқимининг ҳозирги миқдори.

3-мисол. Ижарага берилиши мумкин бўлган 1 млн. сўм, қийматта эга бўлган ускуна мавжуд. Ижара шартлари: муддати – 4 йил, ойлик ижара тўлови – 21 минг сўм, ой бошида тўланади. Сотиш шартлари: баҳоси – 1 млн. сўм, аванс 200 минг сўм, келишиш бошида тўлов, қолган суммага эса 5 йилга 6 фоиз йиллик ҳисобидан кредит очилади, қарзни қоплаш ҳар кайси йилнинг охирида. Қарзни қоплаш даврининг охирида ускунанинг қолдиқ қиймати 400 минг сўмни ташкил этди. Иккала вариант бўйича ҳам ускунани таъмирлаш фойдаланувчилар ҳисобидан амалга оширилади, шу туфайли улар таққослаш харажатларига киритилмайди.

Ускунани ижарага олишда тўловлар оқими 48 та ойлик тўловлардан ташкил топиб 21 минг сўмдан иборатдир. Ускунани харид этишда эса тўловлар оқими таркибида аванс ажратма ва қарзни қоплаш бўйича йиллик харажатлар ўз аксини топади. Булардан ташқари бу ерда ускунани қолдиқ қиймати ҳисобга олинади.

Ускунани харид этишда қарзни қоплаш бўйича йиллик харажатлар суммаси қуйидагича аниқланади:

$$R = \frac{800}{a_{5;6}} = \frac{800}{4{,}212364} = 189{,}92 \text{ минг сўм}$$

Ушбу оқимни дисконтлаш учун ушбу аниқ шароитларда маблағларни жойлаштириш мумкин бўлган ставкани қўллаймиз. Айтайлик у 8 фоизга тенг. Бу ҳолда рентани таққослаш учун келтириш коэффициенти $a_{5;8}$=3,99271 тенг

бўлади. Унда тўловлар оқимини ҳозирги миқдори қуйидагича аниқланади:

$$П_1 = 200+189,92*3,9927-400*1,08^{-5} = 686,06 \text{ минг сўм.}$$

Ўз навбатида ижаранинг ҳозирги қиймати тенг бўлади:

$$П_2 = Ra_{4:8}^{(12)} = 21 * 12*3,43188 = 864,83 \text{ минг сўмга.}$$

Шундай қилиб, бу шароитда ижарага олиш харид қилишга нисбатан анчагина қимматга тушади.

5-§. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда лизингни тадбиқ этиш масалалари

Хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва рақобатчилик муҳитини шакллантириш бозор инфратузилмасини ривожлантиришни талаб этади. Иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларга эришиш, тадбиркорликда юқори самараларга интилиш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида хўжалик юритаётганлардан ташаббускорликни, уддабурронликни, ишбилармонликни бутун чоралар билан ривожлантиришни нафақат талаб этибгина қолмай, уларни янги механизмларини излаб топишни асосий вазифалар сифатида қўяди. Маълумки, иқтисодий манфаатдорликка, фойдага ва ўз фаолияти натижаларига бефарқ бўлмаган, ҳар бир хўжалик юритувчи, ўзининг чекланган молиявий ресурсларидан иложи борича кўпроқ самара олиб, фойдаланишга ҳаракат қилади.

Мавжуд бўлган асосий фондларни доимий равишда янгилаб, янги технологияларни жорий этиб бориш ҳар бир хўжалик фаолияти юритувчисининг асосий вазифасидир, чунки уларни янгиламасдан туриб рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш жуда ҳам мураккаб масаладир. Янги техника учун молиявий манбаларни излаб топиш, бозор ва шу жумладан лизинг инфратузилмасини ривожланишини тақозо этади. Лизингни ғоят муҳим томони шундаки, у молиявий ресурслар чекланган даврда корхоналарнинг машина ва асбоб-ускуналарни маблағ тежаш асосида, қисқа муддат ичида янгиланишига ёрдам беради. Айниқса молиявий ресурсларга эга бўлмаган ишбилармон, ташаббускор, уддабуррон тадбиркорларга лизинг жуда ҳам қўл келади. Лизинг иқтисодиётга чет эл капитали ва энг замонавий янги технология ва асбоб-ускуналар келишига ҳам асос солади.

Замонавий чет эл асбоб-ускуналаридан, қурилиш техникасидан фойдаланиш миллий корхоналарнинг иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларини оширади. Ижара корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг бир қисмини чет элга экспорт қилиш лизингнинг муҳим шартидир. Бу чет эл валютасида олинган банк кредитини тўлаш учун зарур бўлади.

Бозор муносабатлари ривожланган сари асбоб-ускуналар ишлаб чиқарадиган корхоналар маҳсулот сифатини яхшилаш билан бир қаторда истеъмолчиларга ўз маҳсулотини сотиш мақсадида анча қулай молиявий шарт-шароитлар таклиф қила бошлайди. Лизинг бундай воситаларнинг бири бўлиши мумкин. Банклар эса анъанавий бўлган узоқ муддатга кредит беришдан кўра, маркетинг ва илғор техника асосида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш соҳаларида, қўшимча хизматлар кўрсатиш билан фарқланадиган янги хизмат турларини амалга оширадилар.

Лизинг компанияларининг баён этилган молиявий ва тижорат устунликлари иқтисодиётнинг барча соҳаларидаги илмий-техника тараққиётини маблағ билан таъминлаш учун уларни жалб этишга кўмаклашади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, молиявий манбага эга бўлган ҳар қандай ташкилот лизинг компанияси сифатида ишлаб чиқариш воситаларини ижарага бера олиши мумкин. Аммо чет эл амалиёти шуни кўрсатадики йирик корпорациялар ва маркетинг хизматлари орқали лизингни ривожлантиришдан кўра лизинг компаниялари банклар қошида ташкил этиш афзалроқдир.

Лизинг компанияларини тузишда биз чет эл тажрибасини ўрганиб чиқиб, самарали йўлларини аниқлашимиз зарурдир. Тижорат банклари қошида лизинг компанияларини тузиш ва бошқа ҳудудларда улар шахобчаларини очиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Банк (лизинг компаниянинг) иши аввало шерикларни излаб топиш ва асбоб-ускуналар буюртмасини расмийлаштиришдан бошланади. Бунинг учун хўжалик ташкилоти мустақил равишда унга хизмат кўрсатаётган банк муассасасига мурожаат этади ёки банк ўзининг шерикларини – ҳам ижарачи, ҳам асбоб-ускуна ва машиналар билан таъминловчиларни излайди. Мурожатнома, асбоб-ускуна ва унинг техник характеристикаси аниқ кўрсатилган махсус ҳужжат асосида расмийлаштирилади.

Сўнгра банк (лизинг компанияси) ўзининг бўлажак истеъмолчисини иқтисодий ва молиявий имкониятларини синчиклаб ўрганади.

Одатда корхона (ташкилот)нинг охирги йиллардаги балансларни, молиявий ҳисоботлари, корхонани ривожлантириш лойиҳалари кўриб чиқилиб, унинг кредитга лаёқатлилиги - ижарага олинган асбоб-ускуналардан фойдаланганлик учун ўз вақтида ижара тўловини тўлаш қобилияти аниқланади. Шунингдек, махсус буюртма асосида асбоб-ускуналарни ишлаб чиқаришдан кўра стандарт асбоб-ускуналарни алмаштириш осон бўлганлиги сабабли, асбоб-ускуналарни алмаштириш имкониятлари банк томонидан ўрганиб чиқилади. Айниқса мулкнинг сотиб олиш баҳоси, узоқ муддатли банк кредити бўйича фоиз тўлови, даромаддан олинадиган солиқ ставкаси, амортизация ажратмалари меъёрлари ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилиш молиявий жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Шунингдек мулкнинг тахминий қолдиқ қиймати, лизинг фирмаси (банк)нинг операцияга сарфланиши зарур бўладиган харажатлари ҳам таҳлил қилинади. Истеъмолчини кредитга лаёқатлилиги аниқлангач, уч томонлама лизинг шартномасини тузиш тўғрисида якуний қарор қабул қилинади. Шартномани тайёрлаш босқичида мулкни сотиб олиш учун сарфланадиган умумий харажатлар баҳоланади, шартнома муддати, бадаллар тўлаш ва ижара бўйича ҳисоб-китоб олиб бориш тартиблари аниқланади. Лизинг компаниясига тўланадиган ижара тўловларининг қулайлигини ошириш мақсадида ижара тўловлари тўлаш тартиби (ойлик, чораклик, ярим йиллик, бир йиллик), ҳамда ижара муддатини узоқ муддатли банк кредитига нисбатан узайтириш имкониятлари белгиланади.

Ижара тўловларини ҳисоблашда солиқ ставкалари ва мулкни суғурталаш харажатлари ҳам эътиборга олинади.

Айни вақтда республикамизда лизинг операцияларини амалга ошириш баъзи бир қийинчиликлар билан боғлиқдир.

Лизинг операциялари билан шуғулланадиган мутахассислар тижорат, янги ва ишлатилган асбоб-ускуналарга бўлган талаб ва таклифларни аниқлашда, ишлаб чиқариш технологияси ва техник хизматларни кўрсатиш бўйича, назорат қилиш, қонунчилик, мулкни суғурта қилиш ва бошқа соҳаларда чуқур билимларга эга бўлишлари керак. Маълумки, лизинг операцияларини амалга оширишда, ижарачи томонидан мулкка қониқарсиз хизмат кўрсатиш, ишлатилган асбоб-ускуналарни ижарага берувчи томонидан бефойда тарзда сотиш, мулкни эгасига ўз вақтида қайтармаслик ва бошқа сабаблар ижарага берувчининг хавф-хатарларини оширади. Шу сабабли лизинг мулкини суғурта қилиш муҳим аҳамиятга эга. Лизинг опера-

цияларини молиялаштиришда шартномага қўшимча бандлар киритиш, алоҳида битим тузиш ёки суғурта жамияти билан шартнома тузиш ижарачи ёки фирма (банк ижарага берувчи)ни турли хавф-хатарлардан сақлаб қолади.

Лизинг бўйича мулк суғуртасини ижарачи ҳисобига, ёки банк қошидаги лизинг фирмаси ҳисобига амалга ошириш мумкин. Суғурта сарф-харажатлари шартноманинг тўлиқ муддати асосида шартнома имзоланишида аниқланади.

Ватанимиз корхоналарини техник жиҳатдан қайта қуроллантиришга қаратилган молиявий лизинг узоқ муддатли кредит билан таъминлаш характерига эга. Банк фоиз ставкалари юқорилиги туфайли, лизингга сафарбар этиладиган молия-кредит ресурсларини юқори даражада ҳимояланганлигига қарамай, лизинг операциялари банклар учун жуда ҳам даромадсиз бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам, молиявий лизинг операцияларини ўтказиш бўйича, солиқ имтиёзларини бериш Ўзбекистон иқтисодиётига катта ҳажмда нодавлат инвестициялари киритилишига асос бўлади.

Молиявий лизингни ривожлантириш ва такомиллаштириб бориш қуйидаги имкониятларни беради:

- иқтисодиётимизда катта ҳажмда нодавлат инвестицияларини, айниқса хусусий инвестицияларини киритилишини таъминлайди;
- техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш асосида ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига асос солади;
- лизинг асосида ташкил этилган ишлаб чиқаришда, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш эвазига, бевосита солиқ тушумларининг ўсишини таъминлаб беради.
- инвестиция фаолиятини юксалтиради, кичик ва ўрта бизнесни шакллантириб, ўрта мулкдорлар синфини ривожланишига ёрдамлашади.

Юқорида баён этилган муаммоларни ечиш билан бир қаторда, лизинг компанияларига, асосий фондлар бўйича, тезлаштирилган амортизацияни қўллаш имкониятларини ҳам бериш зарур бўлади.

Бундай тадбир ўз навбатида республикада ишлаб чиқариш салоҳиятини тез суръатлар билан янгиланиш муаммосини ҳал этади.

Лизинг операциялари субъектларига, лизинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, асбоб-ускуналарни амортизациялаш муддатларини мустақил равишда аниқлаш ҳуқуқларини бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Амортизация ажратмаларини жамғаришда ва уларни лизинг олувчилар томонидан, ўз фаолиятида сафарбар этиш

йўналишларини аниқлашда мустақиллик бериш лизинг фаолияти ривожланишига олиб келади.

Булар билан биргаликда, республикамиз иқтисодиётида лизинг муносабатлари инфратузилмасини барча ҳудудларимизда бир текисда ривожлантириш ва тараққий эттириш зарурдир. Аввало, катта капиталга эга бўлган тижорат банклари ва нобанк-молиявий ташкилотлар ва махсус лизинг компаниялари ташкил топиши зарурдир. Лизинг муносабатларини оммалаштириш учун турли ҳаётий лойиҳаларнинг ҳисоб-китобини, самарадорлигини исботлаб берадиган, молиявий қарорлар қабул қиладиган консалтинг фирма ва ташкилотлар ҳам ташкил топиши зарурдир. Катта ҳажмдаги бўш капиталларга эга бўлган ташкилотлар пайдо бўлиши зарур, улар ўз навбатида капиталларни диверсификациялаш имкониятларига эга бўлишлари керак.

Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда лизинг берувчи ва лизинг олувчи томонлар битта иқтисодиётда фаолият юрита туриб, бир хил солиққа тортиш, молиялаштириш ва ҳ.к. муҳитида иш олиб бораётган бўлсалар лизинг харажатлари ушбу асосий воситаларни сотиб олиш харажатларига нисбатан юқори бўлмайди. Халқаро лизингни амалга оширишда эса лизинг муносабатларининг томонлари турли аниқлик ноаниқлик, таҳлика ва можаро вазиятларни инобатга олишлари зарур. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда лизингни тадбиқ этиш мақсадида муқобил молиялаштириш усулларини таққослаб чиқиш фойдадан ҳоли эмас. Бунда истиқболда олинадиган соф самаранинг ҳозирги қиймати бўйича муқобил молиялаштириш усуллари натижаларини таққослаш ўринли бўлади.

Асосий муаммолардан яна бири халқаро лизингни қўллашда мулкни баҳолаш масаласидир. Бунда мулкни лизинг асосида олиш учун уни мавжуд бўлган маълумотлар асосида таққослаш йўли билан баҳолаб олиш муаммоси ўз ечимини кутади.

7-БОБ. ЛИЗИНГ ШАРТНОМАЛАРИНИ ТУЗИШ ВА ЛИЗИНГ ТЎЛОВЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ

1-§. Лизинг шартномаларини асослаш ва тузиш босқичлари

Лизинг муносабатларини ташкил этиш, ускуна ва техника сотиб олиш устувор йўналишларнинг шаклланишини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Бу ускуна ва техникадан фойдаланиш, уни таъмирлаш ёки унга техника хизмати кўрсатиш билан боғлиқ лизинг хизмати соҳаларини ривожлантириш ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайди.

Жаҳон тажрибаси кўрсатадики, лизинг жараёни қоидага кўра, уч босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда ҳар бир лизинг шартномасининг мазмуни ва амалга оширилишидаги ўзига хосликлар муфассал ўрганилгандан сўнг юридик битим (лизинг шартномаси) тузиш бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилади. Шундан сўнг қуйидагилар расмийлаштирилади: лизинг берувчи бўлажак лизинг олувчидан оладиган талабнома; лизинг олувчининг тўловга қобилияти ва лизинг лойиҳаси самаралилиги тўғрисидаги хулоса; лизинг берувчи ускуна етказиб берувчига юборадиган буюртма-наряд; лизинг операцияси ўтказиш учун ссуда бериш ҳақида банк билан лизинг берувчи тузадиган кредит шартнома.

Лизинг жараёнининг иккинчи босқичида икки ёки уч томонлама шартномада лизинг битимидаги барча мунозарали шартлар юридик жиҳатдан асосланади. Шунингдек, қуйидагилар расмийлаштирилади:

1. Лизингга олинадиган ускуна (мулк) олди-сотди битими;

2. Уни фойдаланишга олганлик далолатномаси; лизинг шартномаси;

3. Лизингга берилаётган ускуна, техника (лизинг мулки)га техника хизмати кўрсатиш ҳақида битим.

Лизинг жараёнининг учинчи босқичи анча масъулиятли ҳисобланади ва лизинг мулкидан фойдаланиш даврини қамраб олади. Унда барча лизинг операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоб-китоби ва ҳисобот олиб бориш, лизинг берувчига лизинг

тўловларини беришни амалга ошириш, лизинг муддати ўтгач лизинг мулкидан келгусида фойдаланиш масаласини расмийлаштириш кўзда тутилади.

Лизинг шартномаси иштирок этувчи томонларнинг муносабатлари акс этадиган асосий ҳужжат ҳисобланади. У лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўртасида тузилади ва унда лизинг мулки ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун берилиши кўрсатилади. Лизинг шартномаси битим объекти фойдаланишга берилгани ва кўрсатилган муддат мобайнида ишлашлиги сифатида лизинг мулки қабул қилингани тўғрисидаги далолатнома имзоланган вақтдан кучга киради. Мулкнинг қабул қилинганлиги тўғрисидаги далолатнома лизинг олувчи томонидан расмийлаштирилади, лизинг шартномасини унда қатнашувчи барча томонлар имзолайди, яъни лизинг берувчи, лизинг олувчи, етказиб берувчи — лизинг мулкини ишлаб чиқарувчи.

Лизинг мулки фойдаланишга олинганлиги тўғрисидаги далолатнома имзолангач ва расмийлаштирилгандан сўнг, лизинг берувчи лизинг олувчи олдида масъулиятга эга бўлмайди, чунки у олинадиган лизинг мулкидан мустақил равишда фойдаланади.

Лизинг мулкидан фойдаланиш жараёнида юзага чиқадиган ва синиш, йўқолиш, муддатидан олдин ишдан чиқиш, бузилиш ва шикастланиш билан боғлиқ барча рискларни, етказилган зарардан қатъий назар, лизинг олувчи ўз зиммасига олади.

Қоидага кўра, лизинг тўловларнинг умумий ҳажми ва таркибига лизинг мулкининг тиклаш қиймати (амортизация); фойдаланганлик учун лизинг берувчига тўланадиган тўлов; лизинг шартномаси бўйича жалб қилинган кредит ресурслари тўлови; лизинг берувчи комиссион мукофоти; агар лизинг берувчи томонидан суғурталанган бўлса, лизинг мулкини суғурталаш учун тўлови; шартномада кўзда тутилган лизинг берувчига қўшимча кўрсатиладиган хизмат учун тўлов киритилади. Шартномада лизинг берувчининг бошқа кўзда тутилган харажатлари ҳам лизинг тўловлари таркибига киритилиши мумкин.

Лизинг олувчининг лизинг тўловлари барча миқдори улар ишлаб чиқарган маҳсулот (бажарган иш, кўрсатган хизмат) таннархига қўшилади. Лизинг битимини молиялаштириш учун сафарбар этиладиган кредитдан фойдаланганлик учун сарфлар миқдори лизинг берувчида лизинг хизмати таннархига қўшилади. Амортизацияга ажратиш масаласи лизинг берувчи ёки лизинг олувчи балансида ҳисобга олинадиган мазкур лизинг мулкига боғлиқ ҳолда ҳал этилади.

Лизинг тўловлари турли шаклда амалга оширилади: пулли тўлов, товон учун бериладиган товарлар ва кўрсатиладиган хизматлар. Шунингдек, амалиётда аралаш шаклда, яъни бунда турли тўловлар билан бирга товар ва хизматлар билан тўлашга ҳам имконият бўлади. Лизинг бизнеси амалиётида ҳам зуд тўловдан, ҳам бўнак тўловдан фойдаланилади, бунда лизинг берувчи шартномани расмийлаштириш вақтида бўнак беради, сўнг лизинг мулкидан фойдаланиш бошланганда лизинг тўловининг қолган миқдорини келишилган улушларда тўлайди.

Тўловлар, одатда, томонлар келишиб олган муддатлар бўйича амалга оширилади, у лизинг шартномасига илова қилинади ва вақти турли (ойлик, учойлик ва йиллик) бўлади.

Лизинг олувчи молиявий аҳволига боғлиқ ҳолда, шартномада лизинг тўловларини амалга ошириш тартиби келишиб олинади, у тенг улушларда, ошиб борувчи ёки камайиб борувчи миқдорда бўлиши мумкин.

Лизинг бизнеси барқарор ривожланиши учун бизнинг мамлакатимизда лизинг битими қатнашчиларининг рискини тўғри баҳолаш ва минималлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Лизингдан манфаатдор тайинли мижозларни лизинг берувчининг излаши лизинг битими тузиш бўйича ташкилий ишларнинг умумий мақсади ҳисобланади. Амалда лизинг битими тузиш ташаббуси, одатда, тайинли лизинг олувчи томонидан бўлади. У зарур мулкка эга бўлган етказиб берувчини мустақил танлайди ёки лизинг компаниясига ёки тижорат банкига етказиб берувчини топишда ёрдам беришни сўраб мурожаат қилади. Бундай ҳолда ускуна тури ва лизинг компанияси тавсия этганлардан бирини танлаш ҳуқуқини лизинг олувчи ўзида сақлайди.

Томонлараро ўзаро муносабатнинг барчаси кейинчалик тавсия-ариза асосида қурилади, у лизинг берувчига лизинг олувчи томонидан берилади. Ариза ихтиёрий шаклда тузилади, лекин унда зарур ускунанинг техникавий тавсифи, унинг иқтисодий кўрсаткичлари, етказиб берувчининг номи ва реквизитлари кўрсатилиши шарт.

Ариза билан бир пайтда тайинли лизинг олувчи лизинг берувчига юридик тасдиқланган ўз устави ва инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бизнес-режаси нусхасини тақдим этади. Айни шу босқичда лизинг-компаниялар бизнес-режасини баҳолашда улар таклиф этган лойиҳалар сараланади. Лизинг компаниялари қабул қилган мурожатномалар, кўриб чиқилган лойиҳалар ва амалга оширилган шартномаларнинг

нисбатини 100:50:5 га қиёслаш мумкин. Лизинг олувчилар лойиҳаларининг рад этилишига кўпинча тўғри тайёрланган ва ўз вақтида тақдим этилган бизнес-режа мавжуд эмаслиги сабаб бўлади. Мазкур режага лизинг компаниялари қўядиган талаблар, одатда, бир тахлитда бўлади, бу ҳақда қуйида келтирилган бизнес-режанинг тузилиши гувоҳлик беради:

1. Резюме (қисқача хулосалар).

2. Корхонанинг жорий назорати:

фаолият йўналиши, бозордаги эришилган ютуқлар; рақобатдаги мавқе; раҳбарият, мулк шакли, фирма бошқарувнинг тузилиши; жорий молиявий натижалар; маҳсулот тавсифи ва тадбиқ этилиш соҳаси; етказиб берувчилар ва маҳсулот истеъмолчилари билан ишлаш тарзи; корхонани ривожлантириш стратегияси ва ҳ.к.

3. Лойиҳани амалга ошириш натижасида олинадиган маҳсулот кўрсатиладиган хизмат:

лойиҳада тавсия этиладиган товарлар ва хизматлар тавсифи.

4. Маркетинг режаси:

бозорнинг кўлами ва ўзгариш йўналиши; лизинг олувчи доимий мижозларини таркиби; асосий рақобатчилар таркиби; мазкур ташкилотнинг аниқ афзаллик жиҳатлари ва камчиликлари; товарларни тарқатилиш нархи; нарх шаклланиши; реклама; сотувни рағбатлантириш усуллари; фирма ва унинг товарлари ҳақида жамоатчилик фикрларининг шаклланиши; сотув ҳажми ҳақидаги мўлжал.

5. Ишлаб чиқариш режаси:

ишлаб чиқариш хоналари ва ускуналарнинг аҳволи; материаллар ва бутлов қисмларини етказиб берилиш манбаи; ишлаб чиқариш ҳажми; ишлаб чиқариш оқимининг тархи; сифат назорати; атроф муҳитни муҳофазалаш тизими ва чиқиндиларни яроқсизлантириш.

6. Ташкилий режа:

ривожланиш режасининг мавжудлиги, корхона ташкилий тузилиши; кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш; менежмент сифати, назорат ва мониторинг даражаси.

7. Рисклар баҳоси:

эҳтимоли бор рисклар рўйхати, рискларнинг табиати ва юзага келиши мумкинлиги кўрсатилган ҳолда, шунингдек ундан кўрилиши мумкин бўлган зарар ҳамда уларни минималлаштириш.

8. Молиявий риск:

молиявий режага шарҳлар; кирим ва чиқим режаси; ишлаб чиқариш ва айланиш харажатлари хусусидаги башорат; пулнинг ҳаракатланиши хусусидаги башорат; молиявий барқарорлик таҳлили.

Лизинг олувчи тўлов мажбуриятларини бажармаган тақдирда лизинг берувчи ўз эҳтиётини кўзлаб, мижозни тўловга қобиллиги нуқтаи назаридан иқтисодий фаолиятини баҳолашни ўтказади. Бундан ташқари, лизинг берувчи лизинг лойиҳасини мулкни қайта лизингга бериш эҳтимоли борлигини ёки лизинг олувчининг айби билан лизинг шартномаси муддатидан илгари бекор қилинишига тўғри келганда уни сотишни таҳлил этиш талаб этилади.

Лизинг олувчининг тўловга қобиллигини баҳолаш банк мижозларининг кредитга қобиллигини таҳлил қилиш учун қабул қилинган умумий асосларда амалга оширилиши мумкин. Бироқ, лизинг операцияси мумтоз талқинда узоқ муддатли тавсифга эга эканлиги туфайли лизинг берувчи фақат лизинг олувчининг жорий молиявий аҳволигина эмас, балки, лизинг битими муддатига мос келувчи истиқболдаги давр ичида барча тўлов мажбуриятларини бажаришга қанчалик қобиллиги билан ҳам қизиқиши керак.

Узоқ муддат кредитлашда, худди, узоқ муддатли ижарадаги сингари корхонанинг кредитга қобиллигини белгилашнинг мукаммал услининг йўқлиги қарзни узиш коэффициентини, ликвидлиги ва кредитга қобиллик қўшимча кўрсаткичларини таҳлил қилиш билан бир қаторда корхона умумий иқтисодий барқарорлигини баҳолашга, асосан, унинг ривожланиш истиқболи таҳлилига алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Шунингдек, умумий конъюнктурани, мазкур корхонанинг бозор рақобатидаги ўрни ва истиқболини баҳолаш зарур. Мана шулар асосида лизинг компанияси ёки банкнинг аналитик бўлими лизинг олувчининг тўловга қобиллиги ҳақида хулоса ва у билан лизинг муносабати ўрнатиши бўйича тавсия тайёрланади. Агар тузиладиган битим катта риск билан боғлиқ бўлса, лизинг берувчи лизинг олувчидан қўшимча кафолатлар талаб қилишга ҳақли. Лизинг битими тузиш ҳақида ижобий қарор қабул қилиш ҳолларида лизинг берувчи фойдаланувчи ариза-тавсияномаси ва унинг тўловга қобиллиги асосида лизинг мулкининг етказиб берувчи фирма билан бўлажак лизинг олувчи ва етказиб берувчи ўртасида келишилган олди-сотди шартномаси ва техник шартлар ҳақида битим тузади.

Буюртма-нарядда лизинг берувчиқинг номи, манзили, ҳисоб рақами кўрсатилган бўлиши керак. Унда яна иш ҳажмининг тавсифи (зарур бўлса, босқичма-босқич бажарилиши) ва бажарилиш муддати, ишнинг қиймати, ишни босқичлар бўйича ҳамда тўлиғича топшириш қабул қилиш таркиби берилиши лозим. Буюртма-нарядга техникавий топшириқ (талабнома) ва ишнинг бажарилиши шартларини белгиловчи бошқа ҳужжатлар илова қилинади.

Лизинг объектини етказиб берувчи буюртма-нарядни олгач, лизинг берувчига уни олганлигини тасдиқловчи маълумот юборади, фойдаланувчига ускунани етказиб бергандан кейин ўз реквизитини кўрсатган ҳолда икки нусхада ҳисоб-китобни жўнатади.

Қоидага кўра, олди-сотди битими тузиш, етказиб берувчига буюртма-наряд жўнатиш билан бир вақтда лизинг битимини юридик жиҳатдан расмийлаштириш амалга оширилади.

Агар битим объектидан ижарага фойдаланмаса лизинг шартномасини, юқорида эсга олинган икки томондан ташқари учинчи томон — фойдаланувчи ҳам имзолайди, шу билан бирга фойдаланувчининг барча хатти-ҳаракати, шу жумладан кўрилган зарар учун юридик масъулият лизинг олувчи зиммасига тушади.

Лизингга олинадиган мулк амортизацияси даврига, одатда, мос келадиган ижара муддатини тўғри белгилаш анча муҳим аҳамият касб этади.

Лизинг битимини лойиҳалаш ва лизинг шартномасини тайёрлашнинг энг мураккаб унсурларидан бири бўлиб, лизинг тўлови миқдорини белгилаш ҳисобланади.

2-§. Лизинг фаолиятидаги рисклар

Лизингнинг ривожланишига тааллуқли халқаро тажрибага таянган ҳолда, лизинг бизнеси билан боғлиқ бўлган бир қатор риск турларини айтиб ўтиш зарур.

Ўзбекистон республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги қонунида қуйидаги рисклар фарқланади:

- лизинг объектини тасодифан йўқотиш (ҳалокат ёки тасодифий бузилиш) риски;
- лизинг мулкининг ўғирланиш риски;
- муддатдан илгари путурдан кетиш риски;
- лизинг мулкининг шикастланиш риски.

Қайд этилган рисклардан ташқари жаҳон амалиёти тасдиқлашича яна бир қатор рисклар билан ҳисоблашиш зарур. Булар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Маркетинг риски — асосан тезкор лизингга хос бўлиб, таклиф этилган лизинг мулкига лизинг берувчининг 100 фоизли талабининг бўлмаслиги риски. Лизинг тўловида риск мукофотининг оширилиши; битим учун ускуна ва техниканинг энг оммабоп турларидан фойдаланиш; лизинг шартномаси тугагач бозор коньюнктурасини ҳисобга олиб битим объектини сотиш маркетинг рискининг олдини олиш усуллари ҳисобланади.

Лизинг битими объектининг жадал маънавий эскириш риски. Лизинг битими объекти, одатда, кўп илм талаб соҳанинг маҳсулоти бўлади. Шунга кўра улар кўпинча анча самарали технология ва ускуналар яратилиши натижасида «илмий-техника тараққиёти таъсирига чалинади». Бу рискни минималлаштиришнинг асосий усули бўлиб, шартномада қатъий муддатини белгилаш, яъни шартнома бекор қилиниши мумкин бўлмаган даврни белгилаш ҳисобланади.

Нарх риски — лизинг битими амал қиладиган муддат мобайнида лизинг битими объектининг нархи ўзгариши билан боғлиқ даромадни аниқ йўқотиш риски. Бунда лизинг берувчи эски нархларда тузилган лизинг битими объекти нархи ошган ҳолларда қўлга киритиши мумкин бўлган даромадни йўқотади. Эски нархлар бўйича лизингга олинган лизинг мулкининг тушишидан лизинг олувчи зарар кўради. Бу рискни биргаликда минималлаштиришга лизингнинг бутун муддати мобайнига ҳар бир лизинг тўловининг миқдорини қайд этиш йўли билан эришилади.

Ҳалокат ёки фойдаланиш мумкин бўлмай қолиш риски — лизинг объекти билан боғлиқ бундай риск, одатда, лизинг битими объектини суғурталаш йўли билан минималлаштирилади.

Балансланмаган ликвидлилик риски — ссуда капитали бозоридан маблағ жалб этиш ҳисобига тўлов муддати ҳали етиб келмаган ўз активлари операциясини қайта молиялашга лизинг берувчи қодир бўлмаганда юзага келадиган молиявий йўқотишлар эҳтимоли. Вақт ва ҳажм бўйича пул воситалари оқимини бир-бирига боғлаш тегишли заҳира жамғармаси барпо этиш, лизинг берувчининг пассивлар билан операциясини диверсификациялаш йўли билан минималлаштирилади.

Тўланмаслик риски — лизинг тўловлари бўйича лизинг олувчи ўз зиммасидаги мажбуриятларини бажара олмаслиги эҳтимоли

риски. Бу рискини минималлаштиришга лизинг олувчининг молиявий аҳволини таҳлил қилиш; битта лизинг шартномаси қийматини лимитлаш; учинчи шахс кафолатини олиш ва тўланмаслик рискини суғурталаш йўли билан эришилади.

Фоиз риски — лизинг шартномасида кўзда тутилган ставкадан ташқари банк кредитлари бўйича лизинг компанияси тўлаган фоиз ставкалари ошиши натижасида юзага келадиган йўқотиш хавфи. Мазкур риск молиявий фьючерслар олди-сотдиси ёки «фоиз своп» битими тузиш йўли билан пасайтирилади.

Валюта риски — валюта лизинги битими тузилишида юзага келади ва валюта курси тебраниб туриши натижасида лизинг берувчи йўқотиши мумкинлигини билдиради. Бу риск ҳам фоиз риски каби минималлаштирилади.

Сиёсий риск — мамлакатдаги сиёсий вазият ўзгариши, иш ташлашлар, давлат иқтисодий сиёсатининг ўзгариши ва бошқалар билан боғлиқ молиявий йўқотишлар хавфидир.

Юридик риск — муайян мамлакатдаги лизинг муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари ўзгариши натижасида лизинг берувчида юзага келадиган йўқотишлар билан боғлиқ.

Сиёсий ва юридик рисклар — бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Улар халқаро лизинг операцияларини амалга оширишда ёки мабодо улар чет эл банклари томонидан кредитланса, яққол намоён бўлади.

Бу рискларни қуйидагилар асосида бошқариш мумкин: лизинг олувчи истиқомат қиладиган мамлакатдаги сиёсий вазиятни ва солиқ қонунчилигини мунтазам таҳлил қилиш; риск мукофотини тахмин этилаётган рисклар миқдорига мутаносиб тарзда ошириш; инвестициялар кафолати бўйича ҳукуматлараро шартнома тузиш.

3-§. Ўзбекистонда лизингни ҳуқуқий тартибга солиш

Лизинг келишувлари юридик нуқтаи назардан оғир характер касб этади. Шу юзасидан лизинг хизматлари бозорининг чегараларини белгилашда ҳуқуқий база муҳим роль ўйнайди.

Авваламбор, шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистон континентал давлат ҳисобланади. Бундан келиб чиқадики, лизинг битимлари қонунчилик нормалари асосида тартибга солинади ва муайян суд қарорлари мазмуни жиддий аҳамият касб этмайди. Ҳозирги кунда ички лизинг битимларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш иккита манбадан иборат — Ўзбекистон

республикаси фуқаролик кодекси (бундан кейин ФК) ва «Лизинг тўғрисида"ги 1999 йил 14 апрелдаги қонун (бундан кейин Қонун). Айтиб ўтиш керакки, ФКнинг 3- моддасига асосан бошқа қонунлар таркибида бўлган фуқаролик ҳуқуқ нормалари ФК белгилаган меъёрларга мос келиши керак. Шундай қилиб, ФКни Қонун меъёрлари олдида устувор кучи белгиланади.

Халқаро лизинг битимларига боғлик масалалар халқаро ҳуқуқ тартибларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилинади. Турли қонун чиқарувчи тизимлар лизинг битимлари табиатини турлича талқин қилганлиқлари боис, халқаро уюшма томонидан халқаро молиявий лизингга боғлик операцияларнинг асосий қоидаларини унификациялаш (бирхиллаштириш) га уриниб кўрилди. 1988 йилда халқаро лизинг тўғрисида УНИДРУА Оттава конвенцияси қабул қилинди. Ўзбекистон Конвенцияга 2001 йил февралда қўшилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон, Россия, Беларусь, Италия, Латвия, Нигерия, Панама ва Франция давлатлари мазкур конвенция иштирокчилари ҳисобланадилар.

Лизинг тўғрисидаги масалани бевосита кўриб чиқишдан олдин Ўзбекистонда «лизинг» ва «ижара» тушунчалари бир бирига тўғри келмаслигига эътибор бериш зарур. Дунё тажрибасида лизингнинг иккита асосий кўриниши мавжуд: тезкор ва молиявий. Ўзбекистонда «лизинг» сўзи фақатгина 90-йилларнинг бошларида лизинг фаолиятини ривожланиши билан фойдалана бошланди. Шунинг учун «тезкор лизинг» халқаро тушунчаси «ижара» атамасига, «молиявий лизинг» халқаро тушунчаси «молиявий ижара» ва «лизинг» атамаларига тенг.

Бундан ташқари шуни таъкидлаб ўтиш керакки, лизинг тўғрисидаги қонунчилик атамаларни бир хиллаштиришни бермайди ва камчиликларини пухта тўлдиришни талаб этади. Шунинг учун мазкур қонунда келтирилган таърифлардан фойдаланилади.

Лизинг тушунчаси лизингни ижара алоқаларининг алоҳида турлари сифатида таърифлайдиган ФКнинг 587- ва қонуннинг 2-моддаларида мустаҳкамланган. Бундан бир томон (лизинг берувчи) иккинчи томон (лизинг олувчи) кўрсатмасига асосан учинчи томон (сотувчи)дан мол-мулк (лизинг объекти)ни лизинг шартномаларида белгиланган асосда ҳисоб-китоб қилиш учун лизинг олувчига эгалик қилиш ва фойдаланишга бериш мақсадида олади.

Лизинг объекти бўлиб, тадбиркорлик фаолиятида ишлатиладиган барча ноистеъмол моллар ҳисобланади. Ер участкалари

ва бошқа табиий объектлар бундан истисно. Ноистеъмол моллар деганда, кўп марта ишлатилишга мўлжалланган моллар тушунилади. Бунда улар аста секин эскириб боради ва узоқ вақт мобайнида ўзининг дастлабки ҳолатини, кўринишини сақлаб колади (бинолар, жиҳозлар, транспорт воситалари). Шу тариқа хомашё ва материаллар лизингнинг объекти ҳисобланмайди. Ақлий фаолият натижалари (кашфиёт, ноу-хау, дастурий таъминот) мулк ҳисобланмайди, шунинг учун у лизинг объекти бўлиши мумкин эмас. Лизингни субъекти бўлиб эса, барча юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланиши мумкин. Қонунчиликда лизинг фаолиятини лицензиялаш кўзда тутилмаган. Бу эса Ўзбекистонда лизингни ривожлантиришни ижобий омили ҳисобланади.

Юқорида келтирилган таърифлар лизинг шартнома турини алоҳида аломатларини ифодалашга имкон беради:

- уча томоннинг иштироки;
- шартномавий алоқа мажмуасини мавжудлиги – лизинг икки ва ундан ортиқ шартномалар асосида ташкил топади.
- лизинг объектидан тадбиркорлик мақсадида фойдаланиш, яъни, лизинг объектидан мунтазам равишда фойда олишга қаратилган фаолиятда фойдаланиш;
- лизинг берувчи томонидан фақат лизингга бериш учун мол мулк олиш. Бундан ташқари лизинг берувчи лизинг объекти сотувчисини ушбу мол-мулк аниқ бир шахсга лизингга беришга мўлжалланганлиги тўғрисида хабардор қилиши шарт. Шу тариқа, лизинг олувчи, қонунчиликка асосан лизинг объекти олди-соттиси буйича шартномадан келиб чиқадиган тўғридан тўғри ўз талабларини сотувчига билдириши мумкинлиги тўғрисида хабардор қилади.

Қонун, лизингни «молиявий» ва «тезкор» турларга ажратар эди. Бундай таснифни ФКда йўқлиги ва тезкор лизингнинг мажбурий ажралиб турувчи аломатларидан бири бўлмиш, лизингга бериладиган мол-мулкни махсус сотиб олинишини лизингга мос келмаслиги уни "молиявий" ва "тезкор" турларига ажратилиши жуда ҳам тўғри эмас эди. Амалга ошириш шакллари буйича лизинг тўғри ва қайтариладиган лизингга бўлинади. Қайтариладиган лизингда лизинг олувчи ва сотувчи бир шахсни ўзида намён бўлади. Бу эса айланма капиталига муҳтож ташкилотларни ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади. Қонун муайян лизинг объектига нисбатан лизинг берувчи ва лизинг олувчи функцияларини бир шахсда намоён бўлишини

таъқиқлайди. Бунинг натижасида сублизингни амалга ошириш имкони тўғрисидаги савол пайдо бўлади. Лизинг берувчи ва лизинг олувчи кредиторини бир шахсга бирлаштириш ҳам таъқиқланади. Бу лизинг олувчи томонидан лизинг берувчига олдиндан тўловни амалга оширишида мунозарали масала ҳисобланади. Чунки лизинг олувчи лизинг берувчига олдиндан тўловни амалга ошираётиб, унинг кредитори бўлиб қолади.

Лизинг келишуви иштирокчиларига шартнома муддатларини ўз хоҳишларига кўра ўрнатиш борасида эркинлик берилади ва қонунчилик томонидан лизинг шартномаси муддати кўрсатилмайди. Лекин, Қонуннинг 5-моддаси, 2-қисмнинг, 2-бандида лизинг шартномаси муддати лизинг мулки хизмат муддатини 80 фоизидан ошиши кераклиги кўзда тутилган. Бундан ташқари, бухгалтерия ҳисоби Миллий стандартларининг 6-сонли «Лизинг ҳисоби» бандига кўра, молиявий лизинг шартномалари муддати 12 ойдан кам бўлмаслиги лозим бўлган молиявий лизинг келишувларининг қўшимча характерли белгиларини ўрнатади. Шундай қилиб, қонунчилик лизинг шартномалари максимал муддатларини ўрнатмаган, лекин минимал муддатини аниқлаб беради. Қўшимча қилиб, қонунчиликда сублизинг шартномасининг амал қилиш муддати лизинг шартномаси амал қилиш муддатидан ошмаслиги қайд этилган.

Сублизинг лизинг берувчининг ёзма равишдаги розилиги бўлган тақдирдагина амалга оширилиши мумкинлиги қайд этилади. Бироқ, лизинг олувчи лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи олдида жавобгар бўлиб қолади.

Лизинг битими бир нечта шартномалар асосида амалга оширилади, жумладан лизинг шартномаси (лизинг олувчи ва лизингга берувчи ўртасида), олди-сотди шартномаси, етказиб бериш шарномалари, юклаш ва тушуриш, суғурта ва бошқа шартномалар.

Олди-сотди шартномасини тузишда лизингга олувчи фаол иштрок этади, у лизинг мулкининг сотувчисини мустақил танлайди. Шу билан бирга, бу мажбуриятларни лизингни берувчи ҳам амалга ошириши мумкин, агарда бу ҳолат лизинг шартномасида кўрсатилган бўлса.

Лизинг олувчи, олди-сотди шартномасидан келиб чиққан ҳолда, сотувчига қонунда белгиланган тартибда ўз талабларини тўғридан-тўғри билдириш ҳуқуқига эга. Олди-сотди шартномасининг иштрокчиси сифатида лизинг олувчи муаян ҳуқуқларга эга бўлганидек харидор сифатида муайян мажбуриятларга ҳам эга.

Лекин, у олди-сотди шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига ва товар суммасини тўлаб бериш мажбуриятларига эга бўлмайди. Бошқа ҳолатларда лизинг олувчи Фуқаролик Кодекси низомларида белгиланганидек ҳаридорни ўзида акс эттиради.

Масалан: Лизинг олувчи сотувчига товарнинг комплектлиги, сифати, етказиб бериш муддатлари ва шартноманинг бошқа шартлари бўйича ўз эътирозини билдириши мумкин. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, олди-сотди шартномасида лизинг берувчи ва лизинг олувчи солидар кредиторлар сифатида иштирок этишади ва сотувчи улар олдида жавобгар ҳисобланади. Лекин у бир вақтнинг ўзида етказилган ҳар бир зарар учун ҳам лизинг берувчи, ҳам лизинг олувчи олдида жавобгар бўлмайди.

ФК ва қонун меъёрларига асосан, сотувчини танлаш ҳуқуқи лизинг олувчига юклатилган тақдирда, лизинг берувчи лизинг олувчи олдида лизинг объекти нуқтаи назаридан жавобгарликка эга бўлмайди.

Лизинг объекти билан боғлиқ рисклар (тасодифан йўқотилиши, ишдан чиқиши, ўғирланиши, муддатидан олдин эскириши ва ҳоказолар) лизинг объекти олиниши билан лизинг олувчи зиммасига ўтишини ҳисобга олганда, лизинг олувчи лизинг берувчи олдида объектнинг ёки унинг функцияларини йўқотилиши учун, агар шартномада бошқача келишилмаган бўлса, жавобгар бўлади.

Одатда мулк бевосита лизинг олувчига етказиб берилади, агар лизинг шартномасида бошқача келишилмаган бўлса.

Қонуннинг 24-моддасига асосан лизинг берувчи мулкнинг етказиб берилмаганлиги, ўз муддатида етказилмаганлиги, тўлиқ бўлмаганлиги, сифати учун лизинг олувчи олдида, агарда бу унинг айбига кўра амалга оширилган бўлса, жавобгар бўлади. Аммо, шу қонуннинг 12 моддасига асосан, лизинг олувчи лизинг мулкининг етказиб берилмаганлиги, ўз муддатида етказилмаганлиги, тўлиқ бўлмаганлиги, сифатсиз етказилган ҳолатларда, бу ишлар лизинг берувчи айби оқибатида юз берганлигини асословчи харакатлар бўлмаса ҳам, лизинг шартномасини бир томонлама бекор қилиш ва унинг шартларини бажармаслик ҳуқуқини беради. Афсуски, бундай қарама-қаршиликлар ФКда ҳам мавжуд эди.

Таъкидланганидек, лизинг олувчининг тўловларни лизинг объектига эгалик ва фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиш эвазига тўлаш мажбуриятларини олади. Лизинг битимининг устунликларидан бири бу лизинг тўловлари жадвалини мутлоқ эгилув-

чан бўлишидур, бу борада лизинг тўловларини миқдори ва муддатлари бўйича хеч қандай тўсиқлар йўқ. Қонунга биноан лизинг тўлови ўз ичига лизинг берувчига шартнома бўйича келтирилган лизинг объектининг амортизациясининг мос улуши ва харажатларини шу билан бирга унинг даромадини (маржа) олади. ФК лизинг тўловини лизинг берувчи ҳаражатларини, лизинг объектининг сотиб олиш билан боғлиқ ҳаражатлар ва лизинг ставкаси (лизингга берувчининг фойдаси миқдори) ни ифодаловчи пул суммаси деб аниқлайди.

Қонун ва ФК мувофиқ лизинг олувчи лизинг шартномасини бузган тақдирда (одатда лизинг тўловларини ўз вақтида тўламаганда) лизинг берувчи тўланиши лозим бўлган лизинг тўловларини муддатидан олдин тўлашни талаб қилиш ёки шартномани бекор қилиб барча зарарларни қоплаб бериши (шу жумладан йўқотилган фойда) ва лизинг объектини қайтариб олишни талаб қилиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилган. Лизинг объектини тортиб олиш ҳуқуқи бу ҳолатда лизинг берувчи лизинг объектининг эгаси бўлган тақдирда юз беради.

Лизинг шартномаси иштирокчилари лизинг шартномаси бўйича ҳуқуқларини тўлиқ ёки қисман учинчи шахсларга топшириш ҳуқуқига эгалар. Бу шартларни бажаришда лизинг берувчи бу ҳақда лизинг олувчини огоҳлантириши керак. Лизинг олувчи ўз ҳуқуқини топиши учун лизинг берувчининг розилиги керак бўлади. Фуқаролик муаммоларини ва лизинг олувчи ҳуқуқларини ҳимоя қилишни мустаҳкамлаш мақсадида, Қонун ва ФКда лизинг объектига эгалик ҳуқуқи, лизинг берувчидан бошқа шахсга ўтганда, лизинг шартномаси янги шахс ҳам ўз кучини сақлаб қолиши ўрнатилган.

Ҳуқуқларнинг бошқаларга топширилишини сублизингдан фарқлаш лозим. Бу ҳолатда, сублизинг олувчи асосий лизинг шартномаси бўйича, лизинг берувчи олдида ўзига хос мустақил ҳуқуқ ва мажбуриятларни олмайди, фақат сублизинг шартномасига асосан сублизинг берувчи олдида жавобгар бўлади. Дастлабки лизинг олувчи сублизингни амалга ошириш учун лизинг берувчининг ёзма розилигини олиши керак, бу ҳолатда у асосий лизинг шартномаси бўйича лизинг тўловларини тўлиқ ва ўз муддатида бажариш учун лизинг берувчи олдида жавобгар бўлади.

Томонлар қонунчиликка асосланган ҳолда лизинг шартномаси бўйича ўз ҳуқуқларини амалга оширишлари мумкин. Лизинг объектининг ўзини гарови сифатида қўйиш нуқтаи наза-

ридан қонунчилик лизинг олувчи томонидан лизинг объекти гаровга қўйилишини таъқиқлайди, чунки лизинг олувчи мулкни эгалик ҳуқуқига эга эмас. Гаров лизинг берувчи нуқтаи назаридан қаралганда бахслидир, чунки лизинг берувчи лизинг объектининг эгаси ҳисобланса ҳам лизинг шартномаси бўйича унинг мулкка нисбатан ҳуқуқлари чегараланган.

Қонун бўйича, лизинг олувчининг розилиги билан лизинг берувчига лизинг объектининг гаровга қўйилишига рухсат берилган. Бунда, шундай ҳолатни келиб чиқиши муқаррарки, агар лизинг олувчи лизинг тўловларини лизинг берувчига ўз муддатларида тўлаб бераётган тақдирда ҳам, лизинг берувчи бир пайтнинг ўзида гаровга олувчи олдида ўз мажбуриятларини бажармаса учинчи шахс, (гаровга олувчи) лизинг объектини тортиб олиши мумкин. Бундай ҳолатда, лизинг берувчи лизинг объектига эгалик ҳуқуқининг тўлиқ унга ўтиши эвазига лизинг тўловларини тўлиқ тўлаб бериш ҳуқуқига эга, лекин бундай маблағлар лизинг олувчида бўлмаса, унда лизинг олувчи лизинг шартномасига асосан кўрсатилган эгалик қилиш, фойдаланиш ва кейинчалик сотиб олиш ҳуқуқларидан маҳрум бўлади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида лизинг олувчи бундай барча ҳолатларни лизинг шартномасида пухта ёритиши керак ва шу билан ўз ҳуқуқларининг пой-мол қилинишига йўл қўймаслиги зарур.

ХМК республикамизда лизинг операциялари бозорини бошқаришга доир бир қатор ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларни қабул қилишда ўзининг ҳиссасини қўшди.

Лизингнинг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиниши Фуқаролик кодекси (1996 йил) ва «Лизинг тўғрисида»ги қонун (1999 йил) асосида амалга оширилмоқда. Ўтган йили Олий Мажлиснинг қишки сессиясида лизинг қонунчилигига 38 та ўзгартиришлар киритилди. Энг муҳим аҳамиятга эга бўлган ўзгартиришлардан бири шундан иборатки, эндиликда лизинг компаниялари лизинг операцияларини молиялаштириш учун маблагларни жалб қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Бундан ташқари, 2001 йилда Ўзбекистон халқаро молиявий лизинг тўғрисидаги УНИДРУА конвенциясини тасдиқлади.

Лизингнинг юридик моҳиятини 2 та асосий пунктларга боғлаш мумкин: лизинг берувчига лизингнинг объекти устидан эгалик ҳуқуқи бириктирилса, лизинг олувчига лизинг объекти устидан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқлари бириктирилади. Лекин бу лизингнинг тўлиқ тушунчаси эмасдир.

4-§. Ўзбекистонда лизинг шартномасини тузиш хусусиятлари

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги кўра, лизинг шартномаси ёзма равишда тузилади ва унда бир қанча шартлар (низомлар) кўрсатилади. «Лизинг тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, лизинг шартномасида қуйидаги талаблар кўрсатилган бўлиши шарт: лизинг объектининг ҳолати, шароитлари, ўлчамлари, лизинг тўловларини тўлаш тартиби ва муддати, томонларнинг лизинг объектидан фойдаланиш, уни сақлаш, ва таъмирлаш бўйича мажбуриятлари, томонларнинг кўрсатмалари, лизинг объекти ва сотувчини танлаш бўйича жавобгар томон ва бошқалар. Шартномада томонларнинг келишувига асосан яна бошқа шартлар ҳам кўрсатилган бўлиши мумкин.

Шуни айтиб ўтиш керакки, лизинг битимида лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўртасида тузиладиган шартномада сотувчи ҳам иштирок этади ва лизинг берувчи у билан лизинг объектини олиш бўйича олди-сотди шартномасини тузади. Қонунчиликда лизинг олувчи тўғридан тўғри сотувчига олди-сотди шартномасидан келиб чиқиб, шундай талаб қўйиши мумкинки, лизинг олувчининг эътиборига лизинг шартномасининг шартлари етказилиши ёки у билан келишилган бўлиши керак.

Бу, биринчи навбатда, олди-сотди шартномасининг лизинг объектининг муддати, қўйиш жойи, қабул жараёни каби шартлари, сифат ва сони бўйича ўз эътирозларини билдириш ва бошқалари билан боғлиқ ва лизинг битимининг барча уччала томони учун бирламчи аҳамиятга эга. Масалан, қонунчиликка мувофиқ, лизинг олувчининг лизинг шартномасини бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқи лизинг объекти таъминланмаганда, таъминлаш кечиктирилганда ёки таъминлаш сифати олди-сотди шартномаси шартларига мос келмаган ҳолларда кўзда тутилган. Шундай қилиб, агар томонлар лизинг шартномасида юқоридагидек кўрсатмаган бўлсалар, олди-сотди шартномасини шартининг бузилиши лизинг шартномасининг бекор қилинишига олиб келиши мумкин.

Олди-сотди шартномасини тузаётганда бундай ҳолатларга тушмаслик учун лизинг олувчи шартноманинг бир томони бўлиб ёки лизинг шартномасининг ажралмас қисми сифатида олди-сотди шартномасининг иловаси нусҳаси иштирок этса, қулай ҳолат бўлади.

Ва ниҳоят, қонунчиликда иккита шартнома — лизинг ва олди-сотди ўрнига ягона уч томонлама, яъни лизинг олувчи, лизинг берувчи ва сотувчидан иборат лизинг шартномасини тузиш ва томонларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш имкониятлари назарда тутилган. Шартномани амалга оширишнинг энг муҳим босқичи лизинг олувчининг лизинг объектини қабул қилиб олишидир. Бунда олди-берди далолатномаси тузилади. Юқорида таъкидланганидек лизинг битимида учта томон қатнашади ва улар лизинг объектини лизинг олувчига топшириштан манфаатдордирлар. Мақсадга мувофиқ равишда лизинг олувчи, лизинг берувчи ва сотувчи билан далолатнома тузилади ва имзоланади. Кўпинча лизинг битимидаги иштирокчиларнинг муносабати иккита шартнома (лизинг ва олди-сотди) билан расмийлаштирилади. Бундан мақсад лизинг объектини топшириш тартибини белгилайдиган низом бирбирини инкор этмаслиги керак.

Лизинг берувчи лизинг олувчига ўзининг мулкини эгалик қилиш ва фойдаланиш учун бериб, лизинг объектидан фойдаланиш ва қўриқлаш бўйича шартларини охиргача бажарилишини қаттиқ назорат остига олади. Шунинг учун лизинг олувчининг лизинг объектидан хўжалик белгилаганидек охиригача бажариши ва ўғирлик, йўқотиш ва бузилишга қарши хавфсизлик чораларини кўриши кўпгина лизинг шартномалари низомида кўрсатилади. Шунингдек, шартномада лизинг берувчининг лизинг олувчини тўловчанлик қобилиятини баҳолаш мақсадида унинг молиявий ҳолати тўғрисидаги маълумотни талаб қилиш ҳуқуқи белгиланади. Бундай ҳолатда лизинг берувчи лизинг олувчидан талаб қилиш ҳуқуқига эга ҳужжатлар, яъни молиявий ҳужжатларнинг аниқ рўйхатини ва уларнинг доимий равишда берилишини шартномада кўрсатиш мақсадга мувофиқ.

Лизинг олувчида шахсий мулкка эга бўлиши учун молиявий манбалар етишмаслиги, уни молиявий ижара механизмини қўллашга ундайди. Ваҳоланки, лизинг шартномаси тугаши билан у мазкур мулкни ўз ихтиёрида қолдиришни хоҳлайди. Қонунчилик унинг шундай ҳуқуқини ҳимоя қилади (шундай бўлса ҳам таъкидлаш керакки, лизинг олувчи лизинг объектини ўзига олишга мажбур эмас).

Шу муносабат билан лизинг олувчининг лизинг объектини ўзига олиш механизми ва тартибига лизинг шартномасини киритиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Бунда эса шартномаси муддати тугаши билан лизинг объектини ўзига олиш ҳуқуқини

эмас, балки унинг баҳоси ва сотиб олиш тўғрисида аниқ банд киритилиши керак. Агар лизинг шартномасида фақат сотиб олиш ҳуқуқи кўрсатиладиган бўлса, у ҳолда бу банд сотиб олиш битими тузилиши олдидан дастлабки битим сифатида қаралади ва лизинг шартномасининг бажарилиши ўз-ўзидан лизинг объектини олиш кераклигини билдирмайди. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 361-моддасига биноан, томонларнинг келажакдаги белгиланган ишларини тугаллаш мажбуриятини юклайдиган шартнома низоми (мулкни қўлга киритиш) дастлабки шартнома ҳисобланади ва агар унда асосий шартнома тузиш муддати кўрсатилмаса, у ҳолда асосий шартномани бир йил давомида тузиш керак. Шундай қилиб, дастлабки лизинг шартномаси тузилгандан сўнг, агарда томонлар лизинг объектини сотиб олиш тўғрисидаги асосий шартномани тузмасалар, лизинг олувчининг лизинг объектини сотиб олиш ҳуқуқи бир йил ўтиб ўз кучини йўқотади. Томонлар лизинг шартномасида лизинг объектини сотиб олишнинг аник вактини кўрсатишса, юқорида қайд этилган муаммоларга дуч келмасликлари мумкин.

5-§. Лизинг тўловларини амалга ошириш

Чет эл иқтисодиётидаги адабиётларда[1] лизинг тўлови ҳисоб-китобига ёндашиш ўзининг услубий тавсифига кўра хилма-хил бўлиб, булар моҳиятан бир-биридан ўз мазмуни ва умумий лизинг тўлови ҳар бир унсурини белгилаш усулларига кўра фарқланади. Масалан, лизинг тўғрисидаги Россия қонунчилигида[2] лизинг тўловини белгилаш усулида лизинг тўлови таркибига лизинг шартномаси хизмати бўйича лизинг берувчи тўлайдиган қўшилган қиймат солиғи ҳам ҳисобга олинади. Бу солиқ миқдори амортизация ажратмаси, кредит ресурслар учун тўлов, лизинг берувчи комиссион мукофоти, лизинг шартномасида кўзда тутилган лизинг берувчининг

---

[1] Сусанян К. Самые выгодные сделки: лизинг, бартер, товарообмен с зарубежными партнерами. Москва, Изд-во. «Мировой океан», 1992; Чекмарева Е. Лизинговый бизнес. Москва, Экономика, 1993. Прилуцкий Л. Лизинг, Правовые основы лизинговой деятельности в Российский Федерации, Москва, Изд-во «Ось-89», 1996.

[2] Васильев Н. М., Катырин С. Н., Лепе Л. Н. Лизинг как механизм развития инвестиций и предпринимательства. — М.: ООО Издательство-консалтинговая компания «ДеКА», 1999, стр. 212.

қўшимча хизмати тўлови каби лизинг ставкасига қўшиладиган шундай тўловлар умумий миқдоридан ҳисоблаб чиқарилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги қонунида қуйидагилар лизинг тўлови таркибига киритилган:

а) лизинг объекти амортизациясининг тегишли қисмининг қиймати;

б) лизинг битими бўйича лизинг берувчининг чиқимлари;

в) лизинг берувчи даромади (маржаси).

Юқорида баён этилганлар билан боғлиқ равишда, лизинг ставкаси (лизинг тўлови)га қўшиладиган унсурлар таркибини аниқлаш ва лизинг тўлови унсурларини ҳисоблаш усулини такомиллаштириш зарурати юзага чиқади.

Лизинг тўлови таркибига қуйидаги унсурлар киритилиши лозим:

1) лизинг мулки амортизацияси;

2) лизинг битимини амалга ошириш учун лизинг олувчи жалб этадиган кредит ресурслар учун тўлов;

3) комиссион мукофот;

4) риск мукофоти;

5) лизинг берувчи лизинг олувчига қўшимча хизмат кўрсатганлиги учун тўлов;

6) агар лизинг берувчи суғурталанган бўлса, лизинг мулкини суғурталангани учун тўлов.

Лизинг тўловлари лизинг мулкини фойдаланишдан келадиган фойдадан амалга оширилишини, яъни ижара тўлови ҳисобланишни ҳисобга олиб, улар амалда солиққа тортилиши керак эмас. Лизинг бўйича тўловлар қайд этилган бўлади, чунки, улар шартномада белгиланади ва валюта курси ўзгариб туришига ва ўрта муддатли ҳамда узоқ муддатни кредитлаш бўйича банк фоизлари ўзгаришига боғлиқ эмас.

Муқобиллик бўлган ҳолда, яъни ёки ссуда ёрдамида лизинг олиш ёки уни лизингга олишдан бирини танлаш имкони бўлганда лизинг олувчи юқорида қайд этилган усул ҳар бири бўйича қилинадиган сарфларни қиёслаш лозим. Бундай пайтда услубий маънода жиддий муаммо юзага келади: бу қиёсни қандай амалга ошириш керак; қачон тўловлар миқдори бир хил бўлади-ю, лекин вақт бўйича фарқланиш, бир хилда ҳисобланмайди. Бу мураккаб масалани ҳал этишда, тўловларнинг молиявий муқобиллигини ҳисобга олиш зарур. Айни бир вақтга келтирилган тўловлар муқобил бўлиб, бир-бирига тенг келади. Тўловларни вақт бўйича ягона даврга келтириш жараёни дис-

контлаш дейилади, бунинг натижасида олинган миқдор соф жорий қиймат аталади. Лизинг мулкини олишнинг юқорида келтирилган икки талқинини қиёслаш учун қуйидагиларни ҳисобга олувчи тўловнинг соф жорий қиймати ҳисоблаб чиқилади:

— ҳар бир вариантнинг солиқ имтиёзи;
— амортизация имтиёзидан фойдаланиш имкони;
— техника хизмати бўйича лизинг берувчи чиқими;
— қолдиқ қийматга бўлган ҳуқуқ.

Қарзнинг, банк ссудаси ёки лизинг ёрдамида олинадиган мулкни олиш вариантининг қиёсий самараси хусусида бир қарорга келишда сарфларни вақт бўйича меъёрга келтириш (дисконтлаш фоизи) алоҳида аҳамият касб этади. Лизинг самаралилиги молиявий кўрсаткичи барча солиқлар тўлангандан кейинги пул маблағи ҳаракатланишининг таҳлили ёрдамида баҳоланади. Мазкур қийматларга турли мамлакатлардаги қонунчилик хусусияти, солиққа тортиш тизими, фоиз сиёсати таъсир этади. АҚШ бозорида, масалан лизинг иқтисодий самарасини баҳолашда лизинг битими умумий қиймати, молиявий лизинг ставкаси, фойданинг кутилаётган меъёри белгиланади. Лизинг ёрдамида сотиб олиш варианти билан банк кредити ҳисобига ускуналар сотиб олишда шаклланадиган фойда меъёрини қиёслаш асосида у ёки бу вариант фойдасига баҳолаш амалга оширилади.

Лизинг берувчининг лизинг битими самарасини баҳолаши мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек, рисклар қиёсий даражасини эътиборга олиб олинадиган пул маблағи жорий қийматидан солиқ тўлангандан сўнг лизингдан тушадиган пул маблағи жорий қийматини қиёслашга асосланади. Лизинг лизинг олувчи нуқтаи назаридан катта молия леверижини таъминлайди, яъни у солиқ имтиёзларини лизинг мулкидан фойдаланувчидан капитал етказиб берувчи зиммасига ўтказади. Агар бу томонлар турли солиқ имтиёзлари шароитида бўлса, бунда улар, ўзлари ўртасида тузиладиган лизинг битимини тузиш ва амалга ошириш ҳисобига оладилар.

Лизингнинг умумий самарасига лизинг тўловларини тўлаш усули ва даврийлиги ҳам таъсир этади. Лизинг тўловларини тенг улушларда тўлаш, айниқса, камайиб борувчи миқдорларда тўлаш лизинг олувчи учун қулай, ошиб борувчи миқдорларда тўлаш эса лизинг олувчи учун қулай.

Соф жорий қиймат асосида лизинг тўловлари бўлажак қийматларига келтириш йўли билан дисконтлаш асосида кутилаётган натижаларни қиёслаш лизинг якуний самарасини баҳолашда энг муҳим ҳисобланади. Шу муносабат билан, лизинг самаралилигини баҳолашда мулк (сотиб олиш, банк кредити, ижара) олишнинг турли вариантлари бўйича инвестиция лойиҳалари кўрсаткичлари бутун мажмуини уларни вақт ва қиймат ягона даврига келтириш йўли билан қиёслаш лозим бўлади.

6-§. Лизинг операцияларининг ташкилий жиҳатлари

Лизинг битими самаралилигини асослашда амалга ошириш тадрижийлигини тўғри ҳисоб-китоб ва лизинг операциялар турли босқичи ўзаро боғлилигини ҳисобга олиш катта аҳамиятга эга.

Лизинг бўйича битта битимни амалга ошириш одатда, ўзидан кейин бошқаси юзага келишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, шуни унутмаслик керакки, лизинг операцияси қатнашчилари турли босқичларда бирга ҳаракат қиладилар. Амалда лизинг операциялари қуйидаги масалаларни қамраб олувчи жиддий маркетинг тадқиқотларини тайёрлаш ва ўтказиш операцияларидан бошланади:

— лизинг объектларининг кучли ва кучсиз томонларини ўрганиш;

— технология ва ускуналарнинг яхши вариантлари ҳақида маълумотлар мажмуини шакллантириш;

— чет эл етакчи лизинг компаниялари ва илғор техника ҳамда технология етказиб берувчилар билан алоқа ўрнатиш;

— лизинг хизматини реклама қилиш ва ички ҳамда ташқи бозорларда лизинг ускунасининг у ёки бу турига бўлган талабни ўрганиш;

— аниқ лизинг олувчилардан лизинг мулкига тушган талабномаларни йиғиш ва олдиндан кўриб чиқиш.

Кейинги муҳим босқич қуйидагиларни ўз ичига олади:

— лизинг бўйича бизнес-режа лойиҳасини ишлаб чиқиш ва унинг таҳлили;

— лизинг лойиҳаларини молиялаштиришнинг манбаларини шакллантириш;

— лизинг олувчиларнинг кредитга лаёқатини ва лизинг тўловлар қайтарилишини таъминлаш бўйича тадбирлар белгилаш.

Лизинг операцияларнинг муҳим босқичлари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

— лизинг шартномасини лизинг олувчи билан расмийлаштириш;

— лизинг лойиҳасининг барча қатнашчилари билан бош битимни ишлаб чиқиш;

— лизинг лойиҳасини амалга ошириш билан боғлиқ рискларни суғурталаш бўйича тадбирларни амалга ошириш.

Лизинг битими ишга туширилган босқич энг меҳнат талаб ва масъул ҳисобланади, яъни:

— лизинг объектини лизинг олувчига етказиб бериш;

— лизинг ускунасини йиғиш ва ишга туширишни йўлга қўйиш ишлари;

— лизинг мулкидан амалда фойдаланишни ташкил этиш.

Лизинг операциясининг якунловчи босқичи лизинг битимининг амалга ошириш мониторингини ўз ичига олади.

Услубий жиҳатдан лизинг операцияларини амалга оширишнинг юқорида қайд этилган босқичлари ҳар бирининг фарқи ва функциясини тушунмай туриб, лизинг мунсоабатлари сифатига зарар етказмаган ҳолда уларни амалга ошириш муддатларини минималлаштиришга эришиш муҳимдир.

Лизинг жараёнида, ҳар қандай лизинг турида, асосийси бўлиб, аниқ лизинг олувчилар билан мақсадли иқтисодий ишларни олиб бориш ҳисобланади, бу иш лизинг битимини мулкка талабномалар йиғишдан тортиб, то лизинг тўловлари ўз вақтида тўланишини таъминлаш ва назорат қилишгача бўлган барча босқични, лизинг объектидан тўғри фойдаланишдан, то лизинг шартномасини буткул якунланишигача ўз ичига олади.

Шундай қилиб, лизингни баҳолаш бўйича ҳисоб-китобларда лизинг операциясини амалга оширишда мамлакатимиз амалиётида пул маблағи оқимини уларни ягона вақт даврига келтириш воситасида дисконтлашдан фойдаланилмайди. Бизнинг фикримизча, лизинг компаниялари лизинг тўловлари соф жорий қийматини белгилаш йўли билан пул оқимларини дисконтлаш асосида лизингни баҳолашдаги чет эл методологиясидан кенг фойдаланишлари лозим.

7-§. Лизинг шартномасини бекор қилиш ва лизинг мулкини қайтариб олиш

Фуқаролик кодексининг 382-моддасида кўрсатилишича, томонларнинг ўзлари ўзаро келишган ҳолда шартномани (жумладан, лизинг шартномасини) унинг муддати тугамасидан аввал бекор қилишлари мумкин. Бироқ кўп ҳолларда шундай ва-

зиятлар ҳам келиб чиқадики, бунда томонлардан бири шартноманинг қайсидир шартини бузгани сабабли унинг қатнашчилари муросали бир қарорга кела олмайдилар ва иккинчи томон шартномани муддатидан аввал бекор қилишни сўраб, судга мурожаат этади. Мазкур ҳолатда қонунчиликда шундай шартлар белгилаб қўйилганки, уларнинг бузилиши суд томонидан шартноманинг бекор қилиниши учун асос бўлади.

Масалан, Фуқаролик кодексида ёзилишича, ёллаш шартномаси (лизинг шартномаси унинг бир кўриниши ҳисобланади), агар лизинг олувчи, айтайлик, мулкдан фойдаланиш бўйича шартларни бузса, мулкни жиддий равишда ёмон аҳволга келтириб қўйса ёки шартномада белгиланган муддат давомида мулкдан фойдаланганлиги учун ҳақни қаторасига икки маротабадан ортиқ тўламаса, суд томонидан бекор қилиниши мумкин. Иккинчи томондан, лизинг шартномаси, шунингдек, агар лизинг берувчи мулкни фойдаланиш учун лизинг олувчига етказиб бермаса ёки ўтказилган мулк нуқсонларга эга бўлса ва бу нуқсонлардан фойдаланишга тўсқинлик қилса ҳамда бу нарса шартнома тузилаётганда лизинг берувчи томонидан шартлашиб қўйилмаган бўлса ёхуд шароит тақозосига кўра лизинг олувчи жавобгар ҳисобланмайдиган мулк фойдаланиш учун яроқсиз ҳолатда бўлиб чиқса, суд томонидан бекор қилиниши мумкин. Шунингдек, таъкидлаб ўтиш лозимки, шартнома қатнашчилари бир томонлама тартибда тўлиқ ёхуд қисман лизинг шартномаси бўйича мажбуриятларни бажаришдан воз кечишлари мумкин, шундан кейин шартнома суд муҳокамасисиз ҳам бекор қилинган ҳисобланади. Айтайлик, масалан, лизинг берувчи, лизинг олувчи томонидан лизинг тўловларини бир маротаба киритмаган, у қайта қуриш ва тугатиш жараёнида бўлган, лизинг берувчининг мулки ҳибсга олинган ва ҳоказо ҳолатларда ҳам лизинг олувчи шартномани бажармасликка ҳақлидир. Ўз навбатида лизинг олувчи, шунингдек, лизинг берувчи уни лизинг объекти гаровга қўйилгани ёки лизинг объектига мулкчилик ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказаётгани ҳақида огоҳлантирмаган ва ҳоказо ҳолатларда ҳам шартномани бажаришни рад этиши мумкин. Бироқ тарафлардан бирида шартномани бир томонлама бажаришдан воз кечиш ҳуқуқи келиб чиқиши учун бундай имконият шартноманинг ўзида кўзда тутилган бўлиши керак.

Агар шартнома бекор қилинганидан кейин қандайдир сабабга кўра лизинг олувчи лизинг объектини қайтармаса, у ҳолда лизинг берувчида уни талаб қилиб олиш ҳуқуқи пайдо бўлади.

«Лизинг объектини талаб қилиб олиш» нима дегани? Бу масалани кўриб чиқишга ўтар эканмиз, шуни таъкидлаш лозимки, лизинг — бу молия-хўжалик муносабатларининг ягона кўринишидирки,

бунда мулкка эгалик ҳуқуқи лизинг берувчида сақланиб қолади, бироқ тасарруф қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқидан ажралади. Шундай қилиб, лизинг олувчи лизинг берувчининг мулкидан фойдаланади ва бунинг учун унга лизинг тўловларини тўлаб боради. «Лизинг тўғрисида»ги қонуннинг 15-моддасига мувофиқ лизинг объектига эгалик ҳуқуқи лизинг олувчи томонидан барча лизинг тўловлари тўлангунга қадар лизинг берувчига тегишли бўлади. Мазкур қонуннинг 23-моддасида кўзда тутилишича, лизинг берувчи қонунчиликда белгилаб қўйилган тартибда ушбу лизинг объектини талаб қилиб олиш ҳуқуқига эгадир.

Лизинг берувчининг лизинг олувчи шартноманинг жиддий шартларини бажармаган тақдирда ўзининг мулкини ундан талаб қилиб олиш ҳуқуқи лизинг берувчининг лизинг битимига киришида асосий шартлардан бири ҳисобланади. Кредит муассасалари гаров кўринишида кафолат тақдим этишини талаб қилганлари сингари лизинг берувчи ҳам ускунасига эгалик ҳуқуқини ўзида сақлаб қолгани ҳолда лизинг олувчи томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмай қолиш хавф-хатаридан ўзини кафолатлайди.

Бироқ лизинг объектини талаб қилиб олиш ҳуқуқи, агар лизинг берувчи лизинг олувчи томонидан шартноманинг жиддий шартлари бузилган бўлса, мулкни ўз тасарруфига зудлик билан қайтариб олиш имкони бўлмаган тақдирда, қаттиқ камситилади. Масалан, шундай вазият ҳам келиб чиқиши мумкинки, бунда чўзилиб кетган суд муҳокамасига жалб этилган лизинг берувчи ўзининг мулкини нопок фойдаланувчидан қисқа муддат ичида қайтариб ололмайди. Шу давр мобайнида лизинг объекти тегишли равишда ўз қийматини йўқотади, лизинг берувчи эса лизинг тўловлари тўланмаганидан зарар кўради.

Хориж мамлакатлари (жумладан, АҚШ ва Буюк Британия) тажрибаси кўрсатишича, лизинг секторининг жадал ривожланиши лизинг берувчи томонидан мулкнинг қайтариб олиниши тартиботи қанчалик тез ва аниқ-равшан бўлишига боғлиқ. Агар лизинг берувчи ўзига тегишли мулкни қисқа муддат ичида қайтариб олиш имкониятига эга бўлмаса, у ҳолда кафолатнинг бошқа шакллари, масалан, гаровдан фойдаланишга мажбурдир. Бироқ бундай ҳолатда лизингнинг ўз моҳияти ва мақсади йўқолади. Зарур айланма маблағлари, кредит тарихига ёки гаров тақдим этиш учун воситаларга эга бўлмаган кичик ва ўрта корхоналар лизингдан фойлана олмайдилар, чунки лизинг ўз моҳиятига кўра банк кредитидан бироз фарқ қилади.

8-БОБ. ЛИЗИНГНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

1-§. Лизинг операцияларининг бухгалтерия ҳисоби тамойиллари

Бугунги кунда лизинг операцияларининг бухгалтерия ҳисоби тамойилларини кўриб чиқар эканмиз, лизингни молиявий ва тезкор турларини назарда тутамиз. Молиявий лизингда лизинг шартномаси қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- лизинг шартномаси муддати тугагандан сўнг лизинг объекти лизинг олувчининг мулкига айланади;
- лизинг шартномасининг муддати лизинг объектининг хизмат қилиш муддатининг 80 фоизидан ошади, яъни лизинг объектининг қолдиқ қиймати лизинг шартномаси муддати тугагач бошланғич қийматининг 20 фоизидан кам бўлади;
- лизинг олувчи лизинг шартномаси муддати тугаши билан аниқланадиган ёки белгиланган нархда лизинг объектини сотиб олиш ҳуқуқига эга;
- лизинг шартномаси мобайнида умумий тўловлар суммаси лизинг объектининг 90 фоизидан ошади.

Агар юқорида кўрсатиб ўтилган талаблардан бирортаси лизинг шартномасида кўзда тутилмаган бўлса, бундай лизинг тезкор ҳисобланади.

Лизинг операцияларини ҳисоблаш тартибининг асосий ҳужжати бўлиб, Молия вазирлиги томонидан 30 сентябрь 1998 йилда тасдиқланган 6-сонли «Лизинг ҳисоби» бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БХМС) ҳисобланади. Шу билан биргаликда амалиётда лизинг операцияларини ўтказишда ва уларнинг ҳисоб-китобларида бошқа меъёрий ҳамда қонун ҳужжатлари ҳам қўлланилади, масалан счетлар режасини қўллаш бўйича йўриқнома.

6-сонли БХМСга кўра молиявий ва тезкор лизингни таснифлаш қанчалик даражада лизингга олинган активлар бўйича рискнинг ёки мукофотлашнинг лизинг олувчиларга ёки лизинг берувчиларга тегишли эканлигига асосланган.

Мукофотлаш — активнинг фойдали хизмат муддати давомида операциялардан кутилаётган рентабеллик шаклида ёки

қолдиқ қийматининг оширилишидан ва сотишдан тушган фойда шаклида бўлиши мумкин. Шу муносабат билан, лизингга олинган активларга эгалик қилиш билан боғлиқ риск ва мукофотлашнинг асосий қисми лизинг олувчига ўтса, бундай лизинг молиявий деб таснифланади. Лизингга олинган активларнинг эгалиги билан боғлиқ рисклар ва мукофотлашнинг асосий қисми лизинг олувчига ўтмаса, бу лизинг тезкор лизинг деб тушунилади.

«Лизинг тўғрисида»ги қонун томонларнинг лизинг муомаласида молиявий лизинг предметини лизинг олувчини балансида, оператив лизинг предметини эса лизинг берувчининг балансида ҳисобга олинишини инобатга олишга мажбур этади. Айтиб ўтиш мумкинки, ушбу турдаги таснифлаш лизинг объектларини ўз балансида акс эттирувчи томонларнинг эркинлигини чегаралайди ва ҳеч қанақа ижобий натижалар бермайди. Аксинча бўлса, лизинг битими томонлар балансларининг ликвидлилигида, лизинг олувчининг активлари ҳажми ва сифатида, шунингдек мулк бўйича солиқ тўловчини аниқлашда инобатга олинади. Демак, молиявий лизингда лизинг объекти лизинг олувчининг балансида ҳисобланади. Лизинг олувчи:

- лизинг объектини лизинг шартномаси кучга кирган пайтдаги жорий баҳосига тенг ҳолда ёки амалдаги энг кам лизинг тўловидан камроқ бўлса, ана шу миқдорда кирим қилади;
- лизинг мулкига амортизация ҳисоблайди.

Лизингга олинган асосий воситаларга қолдиқ ҳисоблаш сиёсати ўз асосий воситаларига қолдиқ ҳисоблаш сиёсати билан тўғри келиши керак. Лизинг шартномаси муддати тугагач активга эгалик қилиш ҳуқуқини олиш бўйича лизинг олувчида ишонч бўлмаса, актив қисқа муддат ичида: ё лизинг шартномаси муддати давомида ёки активнинг хизмат муддати давомида тўлиқ амортизация қилинган бўлиши керак, бунда қайси муддат камроқ бўлса, шу муддат танланади.

Лизинг берувчи лизинг объекти нархини асосий воситаларни ҳисобдан чиқаришнинг умумий қоидасига асосан ҳисобдан чиқаради. Бунда лизинг тўловлари бўйича олинадиган суммаларни, шу жумладан даромад(маржа)ни ҳам, лизинг берувчи ўз балансида дебиторлик қарзи сифатида акс эттиради.

Шундай қилиб, лизинг мулкий муносабатлар мажмуи бўлиб, бунда бир томон (лизинг берувчи) бошқа томон (лизинг олувчи) нинг топшириғига кўра учинчи томон (етказиб берувчи) дан лизинг шартномасида кўрсатилган мол-мулк

(лизинг объекти) ни ўз мулкига қабул қилиб олиб, лизинг шартномасида келишилган шартларда ва ҳақ эвазига унга вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланишни лизинг олувчи ихтиёрига топширади. Лизинг шартномасини асосий қисми шуки, юридик мулк (лизинг берувчи томонидан сақланиб қолувчи) активни иқтисодий ишлатилиши бўйича ажратилади (лизинг олувчини эгалиги мавжуд бан) Бу эса лизинг берувчига лизинг олувчининг лизинг тўловларининг тўлашга етадиган маблағларини бошқариши қобилиятини билишга имконият яратади ва бунда у қарз тарихига эга бўлмаган янги ташкил этилган кичик ёки ўрта корхоналар учун жуда ҳам қулайдир.

Бугунги кунда кўпгина мамлакатлар корхоналарида, улар кичик ёки катта ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи корхоналар бўлишдан қатъий назар лизинг ушбу корхоналарни ўрта ва узоқ муддатли молиялаштиришнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади. Лизинг битимининг барча қатнашчилари учун фойдалидир. Лизинг олувчига лизинг корхонада мавжуд бўлган, катта бўлмаган молиявий ресурсларни ишлаб чиқариш капитал қўйилмаларига ўтказишга имкон берса, лизинг берувчига у томондан амалга оширилаётган лизинг операцияси хатари эвазига тўлов олиш имкониятини беради, сотувчи эса ўз маҳсулотининг бозорини кенгайтиради.

Энди, бухгалтерия ҳисоби тамойилларини лизинг битими қиймати ва уни солиққа тортилишига қай даражада таъсир этишини мисолда кўриб ўтамиз. Айтайлик, А компанияси В компанияси билан лизинг шартномасини тузади. Унга биноан, А компанияси (лизинг берувчи) 5 йиллик муддатга В компаниясига (лизинг олувчи) молиявий лизинг асосида лизинг ускунасини бериш мажбуриятини олади. Лизинг шартномасига биноан, В компанияси томонидан тўланадиган лизинг тўловлар суммаси 130 млн. сўмни ташкил қилади. Шундан 30 млн. сўм лизинг берувчи даромади (маржаси) ҳисобланади. В компанияси шартномага биноан 5 йил мобайнида лизинг тўловларини ҳар чоракда тенг равишда тўлаб бориш мажбуриятини олади.

Лизинг берувчининг даромадини солиққа тортиш ва ҳисобга олиш жараёнини кетма-кетликда кўриб чиқамиз. Солиқ кодексининг «Солиқ ҳисоби» номли 10-моддаси қуйидагидан иборат: Бухгалтерия ҳисоби қонунчилигига мувофиқ, пулларнинг келиб тушиш вақти ва муддатидан қатъий назар тегишли ҳисобот даврида солиқларни ҳисоблаш мақсадида

юридик шахслар даромади ва улардан бўладиган чегирмалар ўз аксини топади.

Модда матнининг биринчи қисми мантиқан тўғри — бизнинг мисолимизда лизинг берувчининг даромадлари 5 йил давомида ҳар чоракда солиққа тортилиши ва ўз аксини топиши керак. Лекин айтилган Солиқ кодексининг ушбу моддаси бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликка асосланади. Шу муносабат билан, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуннинг «Даромад ва сарф харажатлари» номли 13-моддасига мурожаат этамиз. Унга асосан, бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ, тегишли бўлган ҳисобот даврида даромад ва харажатлар тўлов вақти ва пул келиб тушиш муддатидан қатъий назар акс эттирилади. Ўз навбатида 21-сонли «Бухгалтерия ҳисоби счетлар режаси ва уни жорий этиш Йўриқномаси» номли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БХМС) бўйича лизинг берувчи молиявий лизингга берган мулкдан кутиладиган даромадни ҳисоб-китоб қилиб 9550-сонли «Мулкни лизинг шартномасига беришдан олинадиган даромад» счетида ўз акс эттиришни талаб қилади. 21-сонли БХМСнинг «Даромадлар ва харажатлар» номли 9-бўлимидаги яна бир меъёрига кўра: «Ушбу бўлимнинг счетлари ҳисобот йилида корхоналарнинг молиявий натижалари фаолиятини шакллантириш ва ишлатиш тўғрисидаги ахборотини умумлаштириш учун белгиланган. Молиявий натижаларини шакллантириш ва ишлатиш тартиби Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби тўғрисидаги низомга асосан бошқарилади». Ҳисобот даврининг якунида «Лизинг шартномасига кўра, мулкни топширишдан олинадиган даромад» номли 9550-сонли счетидаги натижа «Якуний молиявий натижа» номли 9900-сонли счетига «Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлар таркиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ ўтказилади ва ҳисобот даврида солиққа тортилади.

Шундай қилиб, лизинг берувчи лизинг битимини бошидаёқ бутун лизинг шартномаси муддати мобайнида олиниши режалаштирилаётган даромад солиғини тўлаши керак. Бизнинг мисолимизга кўра, лизинг берувчи режалаштираётган 30 млн. сўм даромадни ўз мулкини молиявий лизингга топширган даврда молиявий йилда кўрсатиши ва уни даромад солиғига тортилишини кўзда тутиши керак. Демак, агар бугунги пулнинг қадри эртанги пулнинг қадрига нисбатан ўзгаришини инобатга олсак, ҳали олинмаган даромаддан солиқларни тўлаш лизинг берув-

чининг молиявий фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Чунки, лизинг битимининг бошланғич босқичидан лизинг берувчининг катта ҳажмдаги маблағларини солиқ тўловларига жалб этишга мажбур қилади.

Юқорида қайд этилган муаммолар ўз ечимини кутмоқда. Давлат органлари ушбу муаммоларни яхши тушунишади ва қонунчиликни, меъёрий ҳужжатларни аниқ-равшанлигини таъминлаш мақсадида уларни унификация қилиш бўйича тегишли чоралар кўрилаяпти. Фақат шундагина лизинг операциялари ҳажми кўпаяди ва тадбиркорларнинг асосий воситаларга етиб бориши кенгаяди.

2-§. Лизинг операциялари бухгалтерия ҳисобининг услубияти

Турли мамлакатларнинг ҳисоб-китоб тизимлари ҳар хиллиги билан тавсифланади, бу капитал бозорини ривожланиш даражаси, сармоядор ва қарз берувчилар миқдори, инфляция даражаси, ташкилотлар ўлчамлари ва турлича ташкилий-ҳуқуқий тузилмаси билан изоҳланади.

Лизингни амалга ошириш молиявий лизинг шартномалари бўйича жараёнларни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришдаги ўзига хослик билан тавсифланади.

Ўзбекистон бухгалтерия ҳисоби, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар амалиётига яқинлашиш давридадир. Бозор иқтисодиётини ривожланиш талабларига мос равишда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 6 майдаги 194-сонли қарори (2-илова) билан «Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида лизинг операцияларини акс эттириш тартиби» тасдиқланди. Ушбу тартиб лизинг операцияларини ҳисобга олиш ва улар бўйича ҳисоботларни тузишга қаратилган. Бу Ўзбекистон ҳисоб-китоб тизимини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мос келишини таъминлаш, бухгалтерия ҳисоби тизимида ислоҳотларни амалга ошириш ва уни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари даражасига келтириш бўйича бир қатор чора-тадбирларни белгилаб берди ва халқаро стандартларга тенглаштирилган бир қатор ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилишига асос солди.

Шунга кўра, Ўзбекистон республикаси молия вазирлиги томонидан 1998 йил 30 сентябрь 45-сон билан 6-сонли «Лизингни ҳисобга олиш» номли мамлакатимиз бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти тасдиқланди. Ушбу бухгалтерия

ҳисоби миллий стандарти (БҲМС) Ўзбекистон республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонуни асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон республикасида бухгалгерия ҳисобини меъёрий асосда бошқариш тизимининг бир қисми ҳисобланади. Стандартнинг мақсади лизинг операциялари ҳисобини юритиш тартибини белгилаб беришдан иборатдир.

Чет эл амалиётида молиявий ижара жараёнларига молиявий ҳисоботнинг қуйидаги тўрт халқаро стандарти таъсир кўрсатади:

1-«Молиявий ҳисоботни тақдим этиш»

4-«Амортизация ҳисоблаш»

16-«Асосий воситалар»

17-«Ижара»

Ўзбекистон бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари тизими бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари бўйича тузилади. Бунда "Молиявий ҳисоботни тақдим этиш"нинг 1-халқаро стандартга Ўзбекистон республикаси «Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос» БХМС ва 1-сонли «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» БХМС стандартлари мос келади, молиявий лизингни тартибга солувчи қолган уч стандарт миллий амалиётда 5-сонли «Асосий воситалар» ва 6-сонли «Лизингни ҳисобга олиш» БХМС бухгалтерия ҳисоби стандартлари мувофиқдир.

17-"Ижара" молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартига мувофиқ, ижара — молиявий ва тезкор ижарага бўлинган. Молиявий лизингда лизингга олинаётган мулк билан боғлиқ барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар ижарачига ўтади, бироқ мулкка эгалик ҳуқуқи лизинг берувчи ихтиёрида бўлиши мумкин. Стандарт, бу битим молиявий лизинг деб ҳисобланишининг 4 мезонини белгилаб беради: лизинг муддати тугагач, мулкка бўлган эгалик ҳуқуқи лизинг берувчидан лизинг олувчига ўтади; шартнома шартларига асосан лизинг олувчига мулкни "бозор нархидан арзон баҳода" сотиб олиш ҳуқуқи берилади; шартнома шартларига кўра, ижара муддати мулкдан самарали фойдаланиш мумкин бўлган муддатнинг ярмидан кўпроғини ташкил этади; агар лизинг тўловлари лизингга олинган мулкнинг бозордаги баҳосига тенг ёки ундан юқори бўлса, бу мезонларга тўғри келмайдиган барчаси тезкор лизингга таълуқлидир.

«Асосий воситалар» ва «Лизингни ҳисобга олиш» бухгалтерия ҳисоби бўйича миллий стандартлар, ижаранинг шу жумладан, молиявий лизинг масалаларини белгилаб беради. Лекин, 17-МХХСдан фарқли ўлароқ, миллий амалиётда ижара,

тезкор ва молиявий лизинг ўртасидаги фарқланиш, шунингдек, молиявий лизингни белгилаб берувчи мезонлар Ўзбекистон Республикаси ФК ва "Лизинг тўғрисида"ги Қонуннинг бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солиш бўлимларида ҳам белгилаб берилган.

16-"Асосий воситалар" молиявий ҳисоботининг халқаро стандарти асосий воситаларни аниқлашнинг Ўзбекистон амалиётидан фарқли равишда меҳнат воситалари сифатида активлардан мажбурий фойдаланишни меъзон деб назарда тутмайди. Бунда асосий воситаларга иккита талабга жавоб берувчи кўчмас мулк ва ускуналарни ўз ичига олувчи активларнинг моддийашёвий шакли киради: товарларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш, бошқа компанияларга ижарага бериш ва маъмурий мақсадларда компания фаолиятига қўлланилиши; уларни 12 ойдан кўпроқ муддатда фойдаланилиши кўзда тутилган.

Асосий восита объектини тан олиниши уни бухгалтерия балансига киритишни назарда тутади. Асосий воситаларга нисбатан икки шартни бир вақтнинг ўзида бажарилишини кўзда тутувчи активларни тан олишнинг умумий шартлари қўлланилади:

1) компания келажакда активлар билан боғлиқ иқтисодий самара олиш имконига эга бўлишидаги юқори даражадаги ишончнинг мавжудлиги;

2) активларнинг ҳақиқий қийматини баҳолашнинг ишончлилиги.

Тўлов эвазига олинган асосий воситаларнинг ҳақиқий қиймати сотиб олиш баҳоси, божхона тўловлари ва қопланмайдиган солиқлар, мулкни ишлатиш ҳолатига келтириш билан боғлиқ барча харажатлардан ташкил топади.

Ўзбекистон стандартларига асосан, асосий воситаларни ҳисобга олиш уларни баланс қиймати бўйича амалга оширилади, унинг баланс қийматига қўшимча қиймат солиғи ва бошқа солиқлардан ташқари, асосий воситаларни қуриш, тайёрлаш ва сотиб олиш билан боғлиқ ҳақиқий харажатлар ҳам киритилади.

Чет эл амалиётида 16-МХХСга мувофиқ, асосий воситаларни тан олгандан сўнг уларни ҳисобга олишнинг икки муқобил шакли мавжуд бўлиб, улар активларни баҳолашнинг икки туридан фойдаланишга асосланади.

Биринчи моделда асос деб, баланс қиймат бўйича баҳолаш қабул қилинган асосий воситалар актив сифатида тан олинганидан сўнг, ҳисобланган амортизация чегириб ташлангандан кейинги ҳақиқий қиймати бўйича ҳисобга олинади.

Иккинчи модел жорий қиймати бўйича баҳолашни қўллашни назарда тутади: асосий воситалар актив сифатида тан олинганда қайта баҳолангандан сўнг ҳисобланган амортизация чегириб ташлангандаги қайта баҳолаш санаси ҳақиқий қиймати бўлиб ҳисобланувчи қайта баҳоланган қиймати бўйича ҳисобга олинади. Бунда баланс қиймати ҳисобот даврида ҳақиқий қийматидан сезиларли равишда фарқ қилмаслиги учун қайта баҳолаш доимий тартибда амалга оширилиши лозим.

Асосий воситалар эскиришини ҳисобга олишни тартибга солувчи Ўзбекистон ва халқаро стандартлар талаблари имкони борича бир хил асосга келтирилган.

Энг муҳим жиҳатлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: Объектнинг амортизация қиймати, унинг фойдали хизмат қилиш муддати мобайнида мунтазам равишда ҳисобдан чиқарилиши лозим; фойдаланилаётган амортизация ҳисоблаш усули объект эвазига олинаётган иқтисодий самарани компания томонидан фойдаланиш жараёнини акс эттириши лозим; ҳар бир даврдаги амортизация ажратмалари харажат деб тан олиниши зарур.

Амортизация ҳисоблашнинг турли усулларидан фойдаланиш мумкин. Улар орасида бевосита камайиб борувчи қолдиқ ва маҳсулот ҳажмига мутаносиблик усуллари асосийлари бўлиб ҳисобланади.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг кўпчилик ривожланган мамлакатларда жадал амортизация қилиш қўлланила бошлади. Жадал амортизацияда лизинг олувчи амалга оширган капитал қўйилмаларнинг бир қисмини яъни фойдаланишнинг дастлабки йилларидаги ускуна қийматини лизинг берувчига қайтаради.

Ускуналар лизингига амортизация имтиёзларидан фойдаланиш лизинг битимининг барча қатнашувчилари учун иқтисодий жиҳатдан самарали бўлиб чиқди. Асосий воситаларнинг жадал амортизацияси ускуналарни эскириш кўринишида ялпи даромаднинг бир қисмини ишлаб чиқариш воситаларини ҳақиқатдан ҳам эскиргунга қадар соликдан озод қилиш имконини беради. Шу тариқа капитал қўйилмалар учун ажратилаётган маблағларни ишлаб чиқариш воситаларини тўлиқ эскириш даврига қадар фойда ҳисобидан қоплаш ҳуқуқи яратилади. АҚШ, Буюк Британия, Швеция, Швейцария ва бошқа мамлакатларда солиқ ва амортизациянинг мос келмаслик ҳолатлари қонуний тарзда белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган барча хўжалик субъектлари молиявий лизинг объекти ҳисобланувчи ва асосий воситаларни активлар қисмига кируувчи кўчар мулкнинг барча турлари бўйича лизинг шартномаси шартларига мос равишда жадал амортизация механизми қўлланилиши мумкин.

Мазкур механизмга «Лизинг тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддаси «Лизинг объектини жадал амортизация қилишни қўллаш»да аниқлик киритилган: «Лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўзаро келишган ҳолда қонун ҳужжатларига мувофиқ лизинг объектини жадал амортизация қилишни қўллаш ҳуқуқига эга.»

Молиявий ҳисоботда асосий воситалар ҳақида ахборотларни акс эттиришга доир МХХС талаблари тегишли кўрсаткичларни изоҳлаш ва асосий воситалар борасида амалга оширилаётган сиёсатни тўғри баҳолаш имконини фойдаланувчилари учун яратиб беришга қаратилган.

Ҳисоботда ҳар бир асосий восита объекти бўйича акс эттирилиши лозим бўлган ахборотларга қуйидагилар киради:

- жорий қиймати бўйича ҳисобга олишни қўллашда ҳақиқий қийматини келтириш билан биргаликда баланс қийматини баҳолаш тури;
- фойдали хизмат муддати ва фойдаланилаётган амортизация усуллари;
- йил боши ва охирига тўлиқ баланс қиймати ва ҳисобланган амортизация қиймати;
- амортизацияни қайта ҳисоблаш натижасида қийматнинг камайиши ёки кўпайиши;
- корхоналар бирлашиши жараёнида мулкларнинг ҳисобдан чиқарилиши ёки кирим қилинишини акс эттирувчи баланс қийматни ҳисобот йилининг боши ва охирига изоҳи ва бошқа жараёнлар.

Бундан ташқари, ҳисоботда асосий воситалар миқдори ва қиймати тўғрисидаги маълумотлар, корхоналарга тегишли бўлмаган эгалик ҳуқуқлари ҳам акс эттирилиши керак.

Ташкилот фаолиятининг хўжалик жараёнлари ва молиявий натижалар тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотларни шакллантириш, мулк ҳаракати ва сони назоратини таъминлаш, молиявий-хўжалик фаолияти салбий оқибатларининг ўз вақтида олдини олиш, ички хўжалик имкониятларини аниқлаш ва йўналтириш, ташкилот ўз фаолияти жараёнида амалга ошираётган хўжалик жараёнларини бухгалтерия ҳисобида ўз вақтида ва тўлақонли акс эттирилишига боғлиқ. Бу эса ўз навбатида

амалга оширилган жараёнларни расмийлаштириш натижаси бўлиб ҳисобланади.

"Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонуннинг 9-моддасига мувофиқ бухгалтерия ҳисоби учун операциялар амалга оширганлигини қайд этувчи бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ва уларни ўтказишга доир фармойишлар асос бўлади. Дастлабки ҳужжатларни ҳисобга олиш дастлабки ҳужжатлаштиришнинг бир хил асосга келтирилган шаклига мос келган ҳолдагина амалга оширилади. Шундай қилиб, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг асосий тамойилларидан бири намоён бўлди яъни тегишли тартибда расмийлаштирилмаган хўжалик жараёни ҳуқуқий-иқтисодий ҳодиса сифатида тан олинмайди

Ўзбекистон ва Ғарб мамлакатларида молиявий ижара тушунчалари таърифининг фарқланиши билан бир қаторда бухгалтерия ҳисоби тартиби ҳам турличадир.

Ғарбий Европа мамлакатларида лизинг жараёнлари ҳисобининг икки концепцияси кенг тарқалган:

Биринчиси, мулкка ҳуқуқий жиҳатдан эгалик қилиш тамойилига асосланган. Бу тамойилга асосан лизинг берувчи лизинг объекти эгаси бўлиб қолади, мулк балансда акс эттирилади ва у томонидан амортизация жараёнлари амалга оширилади. Лизинг тўловлари жорий харажатлар бўлиб ҳисобланади ва тайёр маҳсулот, иш ва хизматлар таннархи таркибига киритилади.

Лизинг олувчининг ҳақиқий қарзлари акс эттирилган маълумотнома изоҳлар билан биргаликда балансга илова қилинади. Бу концепция Франция, Италия, Швейцария, Финландия, Дания, Норвегия ва бошқа бир қатор мамлакатларда қўлланилади.

Иккинчи концепция иқтисодий жиҳатдан мулкка эгалик қилишга асосланган. Лизинг олувчи лизинг объекти эгаси бўлиб ҳисобланади, уни ўз балансида ҳисобга олади ва амортизация ҳисоблайди. Бунда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи лизинг объекти қийматининг 60-90 фоиз лизинг шартномаси амал қилиш муддати қопланиш шарти билан лизинг олувчига ўтказилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистонда 1996 йилга қадар лизинг жараёнларини ҳисобга олишнинг иккинчи концепцияси амал қилиб келган.

Ўзбекистон молия вазирлиги томонидан ҳуқуқий жиҳатдан эгалик қилишга асосланган лизинг жараёнларини ҳисобга олиш концепцияси тан олинган. Ўзбекистон республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Бухгалтерия

ҳисоби ва ҳисоботида лизинг операцияларини акс эттирилиши бўйича тартиб 2-иловага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 6 май 1998 йил 194-сонли «Норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланди ҳамда "Корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятида бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқномага" ўзгартиришлар киритилди.

Лизинг берувчи – жалб этилган ёки ўз маблағлари эвазига лизинг битимини тузиш жараёнида мулкни сотиб олувчи ва уни лизинг предмети сифатида лизинг олувчига маълум бир ҳақ эвазига, муддатга ва келишилган шартлар асосида лизинг предметига эгалик қилиш ҳуқуқини бериш ёки бермаслик шарти билан вақтинчалик фойдаланишга ва эгалик қилишга берувчи ҳуқуқий ёки жисмоний шахсдир.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, лизинг компаниялари лизинг битимини амалга ошириш бўйича барча масалалар ечимини маълум бир ҳақ эвазига ҳал қилиб берувчи лизинг брокери сифатида намоён бўлмаётир. Бунда улар ҳисоб-китоб жараёнларини амалга оширмасдан ва лизинг битими бўйича молиявий жавобгар бўлмасданоқ, пул маблағларига эга бўлиши мумкин. Корхоналар билан лизинг шартномаларини тузиш ва "Лизинг тўғрисида"ги қонуннинг 2-моддасига мувофиқ қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминловчиларга лизинг жамғармаси маблағларининг ўтказилиши классик лизинг битими бўлиб ҳисобланади ва бунда лизинг жамғармаси жалб қилинган пул маблағларининг манбаси сифатида намоён бўлади.

Лизинг операцияларини тайёрлаш ва ўтказишни 8 та босқичга бўлиб ўрганиш мумкин. Булар қуйидагилардир:

Биринчи босқичда лизинг олувчи талабнома топширади. Унда лизинг олувчининг лизинг берувчи билан ўзаро лизинг муносабатларини бошлаш мақсади баён қилинади. Мазкур талабномада лизинг олувчининг ташкилий-ҳуқуқий шакли тўғрисида, лизинг объектининг қиймати ҳақида тафсилотлар, ускуналар етказиб берувчи тўғрисида, потенциал қарз олувчининг лизинг операцияларини ўтказиш учун зарурий ресурслари бор-йўқлиги ҳақида маълумотлар келтирилади. Потенциал лизинг олувчи талабнома топшириши тақдим этилаётган лизинг лойиҳасининг лизинг берувчи томонидан кўриб чиқилиши учун расмий асос бўлади. Талабнома топширишда лизинг берувчи потенциал қарз олувчини лизингнинг стандарт шарт-шароитлари билан таништиради: лизинг муддати, лизинг бе-

рувчининг маржа (манфаат) миқдори, лизингга ускуналар бериш шартлари шулар жумласига киради.

Иккинчи босқичда юқорида кўрсатиб ўтилган талабномани топшириш билан бирга, лизинг олувчи зарурий ҳужжатлар туркумини тақдим этади. Ҳужжатлар жами рўйхатидан дастлаб учта ҳужжат, яъни солиқ инспекцияси томонидан тасдиқланган таъсис ҳужжатлари, корхонанинг кейинги икки йилги бухгалтерия баланси, техник-иқтисодий асослаш (ТИА), бизнес-режа ёки лизинг лойиҳасининг ўз харажатларини ўзи қоплашига оид бошқа молиявий ҳисоблар талаб қилиб олинади. Улар лизинг берувчининг кўриб чиқилаётган лизинг лойиҳаси молиявий жиҳатдан қанчалик пухта эканлигини олдиндан ўрганишига имкон беради. Мазкур ҳужжатларни олдиндан ўрганиш натижалари бўйича корхона тайинлаган масъул шахс корхонанинг раҳбарияти билан келишилган ҳолда лизинг олувчи ҳужжатларининг тўлиқ туркумини тақдим этиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хабардор қилади.

Учинчи босқичда корхонанинг раҳбари мазкур лизинг лойиҳасини кўриб чиқиш учун масъул шахсни алоҳида буйруқ билан тайинлайди. Ушбу босқичда лизинг берувчи лизинг лойиҳасининг пировард иқтисодий таҳлилини, потенциал қарз олувчининг молиявий ҳолатини баҳолашни, тақдим этилган ҳужжатларни ҳуқуқий баҳолашни, шунингдек, лизинг объекти қийматининг қиёсий таҳлилини ўтказади. Шу билан бирга, лизинг операциясини кўриб чиқиш учун масъул бўлган шахс ва корхонанинг ҳуқуқшуноси хулоса тайёрлаб, уни лизинг корхонасининг раҳбарига тақдим этадилар. Унда потенциал лизинг олувчи молиявий ҳолати лойиҳаси иқтисодий таҳлилининг лизинг натижалари, шунингдек, лизинг олувчи ҳужжатлари ҳуқуқий экспертизасининг маълумотлари келтирилади. Ушбу хулосани ўрганиб чиқиб, корхона раҳбарияти лизинг лойиҳасини молиялашнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор чиқаради. Бу ҳақда лизинг олувчи хабардор қилинади. Унга кейинчалик танишиб чиқиш учун лизинг шартномасининг лойиҳаси юборилади.

Тўртинчи босқичда лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўртасида лизинг шартномаси тузилади. Ушбу шартнома кейинчалик мазкур хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади. Шартномада лизинг объектидан фойдаланиш, уни сақлаш шарт-шароитлари, лизинг тўловларини тўлаб бориш муддатлари, уларни муддатидан илгари тўлаш шартлари, шу-

нингдек, лизинг объекти билан боғлиқ бўлган рисклар лизинг олувчига ўтиши шарт-шароитлари баён этилади. Лизинг умумий шартномасининг иккита иловаси бўлиб, 1-сонли илова лизинг объекти тўғрисидаги ахборотни, 2-сонли илова эса, лизинг тўловларини тўлаб бориш жадвалини ўз ичига олади.

Бешинчи босқичда лизинг берувчи ускуналар етказиб берувчи билан олди-сотди шартномасини тузади. Ускуналар етказиб берувчини лизинг берувчининг ўзи тайинлайди. Лизингга топшириш учун мол-мулк сотиб олишнинг мажбурий шарт-шароитларидан бири олди-сотди шартномасида кўрсатилади. Бу мазкур мол-мулкни фақат лизингга бериш мақсадида сотиб олиш тўғрисидаги банддир. Кейинчалик мол-мулкнинг сифати, бутлиги ва етказиб берилиши муддатлари тўғрисидаги барча даъволар лизинг олувчи томонидан ускуналар етказиб берувчига, у олди-сотди шартномаси бўйича жавобгар томон бўлмасада, бевосита қаратилади.

Олтинчи босқичда мазкур мол-мулкнинг ҳақи тўлангач, лизинг объекти маҳсулот етказиб берувчи томонидан бевосита лизинг олувчига топширилади. Лизинг объектини қабул қилиш-топшириш чоғида лизинг берувчи, лизинг олувчи ва ускуна етказиб берувчидан иборат учта томон қатнашади. Лизинг олувчи томонидан лизинг объекти чинакамига олинган пайтдан эътиборан лизинг муддатининг ҳисоби юритила бошлайди. Лизинг берувчи лизинг лойиҳаси устидан мониторинг кузатувини амалга ошириш чора-тадбирларини кўради. Ушбу мониторинг лизинг объектидан тўғри фойдаланиш ва лизинг тўловлари ўз вақтида тўлаб борилиши устидан назоратни ўз ичига олади. Мониторинг давомида доимий асосда, шунингдек, лизинг олувчининг молиявий аҳволи ҳам ўрганилади.

Еттинчи босқичда лизинг объекти чинакамига олинган пайтдан эътиборан лизинг олувчи лизинг тўловларини тўлашни бошлайди. Уларнинг таркибига лизинг объекти қийматини қайтариш, лизинг берувчининг маржаси (манфаати) ҳамда мазкур операцияни амалга ошириш давомида лизинг берувчи қилган бошқа сарф-харажатлар киради.

Шу билан бирга, лизинг олувчи учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ишлаб чиқаришни ташкил этишда лизинг объекти қийматини тўлаш муайян муддатга кечиктирилиши мумкин. Яъни лизинг олувчига инвестиция даврига мўлжаллаб фақат лизинг берувчи маржасини тўлаш шарти қўйилади.

Саккизинчи босқичда лизинг муддати тугагач ва лизинг олувчи лизинг шартномаси доирасида барча мажбуриятларни бажаргач, лизинг объекти ўз-ўзидан лизинг олувчининг мулки бўлиб қолади/ Шу пайтдан эътиборан, лизинг операцияси тугалланган деб ҳисобланади. Лизинг олувчининг қарзи йўқлигини тасдиқлайдиган ҳужжат расмийлаштирилади.

Лизинг муносабатларининг лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўртасида ўзаро манфаатли ҳамда адолатли равишда амалга оширилиши кўп жиҳатдан лизинг шартномаси ва бу асосда ҳисоб юритиш сиёсати, яъни, бухгалтерия ҳисобини тўғри юритилишига боғлиқ.

Лизинг билан боғлиқ муомалалар янги счетлар режасининг биринчи «Узоқ муддатли активлар» қисми биринчи «Асосий воситалар, номоддий ва бошқа узоқ муддатли активлар бўлимида ўз аксини топган. Мазкур бўлимга оид лизинг муомалалари билан боғлиқ счетлар қуйидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган:

- корхонага қарашли бўлган ва ўрнатилган тартибга мувофиқ асосий воситалар жумласига кирувчи молиявий лизинг шартномаси асосида олинган меҳнат воситаларининг мавжудлиги, ҳаракати ва эскириши тўғрисида;
- молиявий лизингга оид — олиш учун счетлар (тўловномалар), муддати ўтган даромад солиғи, келгуси давр харажатлари ва бошқа хил узоқ муддатли дебиторлик қарзларига оид ҳисоб-китоб қилишларнинг узоқ муддатли қисми тўғрисидаги ахборотлар.

Ҳисоб тизимини ислоҳ қилиш ва бунинг оқибатида ишончли молиявий маълумотлар олиниши, ҳар бир корхонада назоратни яхшилаш, хорижий инвесторларнинг, тақдим этилаётган ахборотнинг сифатига бўлган ишончини оширади. Ўзбекистон бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлар даражасига чиқиши керак. Шунинг учун, қуйида биз 21-сонли БҲМСга мувофиқ, янги счётлар режасидаги такомиллашган счётларда лизинг операцияларининг бухгалтерия ҳисобини қай тарзда акс эттирилишини эътиборингизга ҳавола қилмоқчимиз. Бунда лизинг объектини сотувчи, лизинг олувчи ва лизинг берувчида лизинг операцияларини ҳисобга олишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, уларни кейинги параграфларда кўриб чиқамиз.

3-§. Лизинг операцияларини лизинг олувчида ҳисобга олиш

Молиявий лизингда лизинг мулки лизинг олувчи томонидан актив сифатида ҳисобга олинади ва амортизация қилинади, лизинг бўйича қарз эса мажбурият тариқасида пассив бўйича акс эттирилади, лизингга бериладиган асосий воситаларни лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўртасида келишилган жадаллаштирилган амортизация қилишга йўл қўйилади.

Лизинг муносабатларида лизинг олувчига қатъий суммадаги лизинг тўлови маълум қилинади. У активнинг контракт қийматидан, унинг мулкий суғуртаси, техника хизмати кўрсатиш бўйича харажатлардан, солиқлар, божлар ва бошқалардан, шунингдек лизинг ставкасидан иборат бўлади.

Лизинг муносабатлари бухгалтерия ҳисобида 0310-«Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счетида ҳисобга олинади. Бундан ташқари жорий лизинг шартномаси бўйича фойдаланишга берилган асосий воситаларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун 0100-«Асосий воситалар» счетида қуйидаги 0112-«Молиявий лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш» счетини очиш мумкин. 0112-«Молиявий лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш» счетида жорий ёки молияланадиган лизинг шартномалари бўйича олинган ижара қилинган мулкни яхшилаш билан боғлиқ капитал харажатлар ҳисобга олинади.

0310-«Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счети корхона томонидан ижарага олинган асосий воситаларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Мазкур счетдан ижарачи (лизинг олувчи) корхоналар фойдаланади.

Корхона томонидан жорий (қисқа муддатли) ижара шартномаси асосида олнган асосий воситалар ҳисоби балансдан ташқари 001-«Ижарага олинган асосий воситалар» счетида юритилади.

Лизингни ҳисобга олиш «Лизинг ҳисоби» номли 6-сон БҲМСга мувофиқ амалга оширилади.

Узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситаларга бир йилдан кўп бўлган муддатларга лизинг олувчига кўчар ва кўчмас мол-мулкларнинг вақтинчалик фойдаланиб туриш учун берилишини кўзда тутувчи лизинг шартномаси (ёки лизинг берувчи ва лизинг олувчининг қўшимча келишуви) объектлари

киради. Шартнома муддати тугаши билан объект лизинг олувчи мулкига, ижарачи жами шартномада келишилган сотиб олиш баҳосини (агар бошқа ҳолат кўзда тутилмаган бўлса) кирим қилиш шарти билан ўтиши (сотиб олиниши) ҳам мумкин.

Узоқ муддатга ижарага олинадиган асосий воситалар лизинг берувчи билан лизинг олувчи ўртасида келишилган ҳолда 0310-«Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счетида ҳисобга олинади.

Объектларни лизингга олишдан олдин лизинг олувчи лизинг берувчига шартномада кўрсатилган миқдорда бўнак ўтказиб бериши мумкин. Бўнак суммаси одатда объект қийматининг 15 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Бу жараён лизинг берувчини пул маблағлари билан маълум миқдорда таъминлаш билан биргаликда лизинг муносабатларини амалга оширишга кафолат ҳам бўлади.

Лизинг объекти учун лизинг олувчи бўнак тўловини ўтказиб берса қуйидагича бухгалтерия проводкаси беради:

4310-«Товар моддий қийматликлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар» счети дебет

Пул маблағлари 5110-«Ҳисоб-китоб счети» кредит.

Аввалдан ўтказиб берилган бўнак суммаси шартнома шартларига мувофиқ ҳар хил муддатларда ушлаб қолиниши мумкин. Агар лизинг олувчи ўтказиб берилган бўнак суммасини жорий йилнинг ўзида ушлаб қолса:

7630-«Тўланадиган молияланадиган лизинг-узоқ муддатли қисми» счетини дебет 4310-«Товар моддий қийматликлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар» счетини кредитлайди.

Шартнома бўйича лизинг олувчи лизингга олинган объектнинг асосий тўловини ва унинг ҳисобланган фоизини ҳар ойда тўлаб бориш мажбуриятини олган бўлса, ҳар ойда асосий ойда тўланадиган тўлов ҳисобланса:

7630-«Тўланадиган молияланадиган лизинг-узоқ муддатли қисми» счети дебет 6810-«Тўланадиган молияланадиган лизинг» счети кредит бўлади.

Шу сумма белгиланган муддатларда лизинг берувчи ҳисобига ўтказиб берилганда:

6810-«Тўланадиган молияланадиган лизинг» счети дебет 5110-«Ҳисоб-китоб» счети кредитланади.

Лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши ёки амортизация ҳисобланиши Ўзбекистон респуб-

ликасининг солиқ кодексига мувофиқ ҳисоблаб ёзилади. Лизинг олувчи лизингга олинган объектдан фойдаланиш жараёнида унинг хизмат муддати давомида ҳар ойда белгиланган меъёр бўйича амортизацияни ҳисоблаб боради ва 0299-«Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» счетида ҳисобга олади ҳамда қуйидаги бухгалтерия проводкалари билан расмийлаштиради:

2010-«Асосий ишлаб чиқариш» счёти (9400-«Давр харажатлари» счёти ва асосий воситаларни ишлатиш жойига боғлиқ ҳолда бошқа счётлар) дебети 0299-«Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» счёти кредити.

Лизингга олинган объектларга нисбатан эскиришни ҳисоблаш усуллари хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсатида кўзда тутилган ўз асосий воситаларига эскиришни ҳисоблаш услубиятига мувофиқ келиши лозим. Амортизация ажратмалари «Асосий воситалар» номли 5-сонли БҲМСга мувофиқ ҳисоблаб ёзилиши керак. Лизинг олувчининг лизинг контракти муддати ниҳоясига етиши билан активга бўлган эгалик ҳуқуқини олишга ишонч бўлмаган ҳолларда эса, актив муддатидан энг ками бўйича ё лизинг шартномаси муддати мобайнида, ёки бўлмаса активнинг хизмат қилиш муддати мобайнида уларнинг қайси бири қисқалигидан келиб чиққан ҳолда (5-сонли БҲМС, 29-банд) тўлиқ амортизация қилинган бўлиши лозим.

Корхонага лизинг шартлари асосида келиб тушган асосий воситалар 0310-«Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счетининг дебети ва 6810-«Тўланадиган молияланадиган лизинг» ва 7630-«Тўланадиган молияланадиган лизинг» - узоқ муддатли қисми счетларининг кредити бўйича кирим қилинади.

Узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситалардан фойдаланганлик учун лизинг берувчига тўланиши лозим бўлган тўловларнинг тўланиши 6810-«Тўланадиган молияланадиган лизинг» счетининг дебети ва пул маблағларини ҳисобга олиб борувчи счетларнинг кредитига оид ёзувлар асосида акс эттирилади.

Лизинг шартномаси бўйича ҳисоблаб ёзилган фоизлар суммаси қуйидагилар бўйича ўтказилади.

9610-«Фоизлар кўринишидаги харажатлар» счети дебети ва 6810-«Тўланадиган молияланадиган лизинг» счети кредити бўйича;

Ушбу ҳисобланган фоиз суммаси лизинг олувчи ҳисобидан лизинг берувчи ҳисобига ўтказиб берилса:

6810-«Тўланадиган молияланадиган лизинг» счети, дебет 5110-«Ҳисоб-китоб» счети кредит.

Ижарага олинган асосий воситалар объектларининг лизинг олувчи мулкига лизинг шартномаси (ёки қўшимча лизингга берувчи билан лизинг олувчи ўртасидаги тузилган қўшимча келишувлар) бўйича ўтиши чоғида бухгалтерия ҳисобида асосий воситаларни ҳисобга олишнинг тегишли счетлари дебети ва асосий воситаларнинг турлари бўйича 0310-«Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счети кредити бўйича ёзувлар амалга оширилади.

Айни вақтда 0299-«Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» счётида ҳисобга олинган бу объектга оид эскириш суммаси унга оид асосий воситалар эскиришини ҳисобга олиб борувчи 0211-0290-счётларга кирим қилинади.

Агар лизинг сотиб олувчи сотиб олиш ҳуқуқини лизинг шартномаси муддати тугагунгача амалга оширса, у ҳолда активнинг контракт қиймати қисми бўйича муддатидан олдин ҳисоблаб ёзилган тўловлар 3100-«Келгуси даврлар харажатлари» счётининг 3110-«Олдиндан тўланган лизинг» счетига (кейинчалик лизинг шартномасининг илгари белгиланган муддати мобайнида харажатларни ҳисобга олиш счётларига тенг миқдорда ҳисобдан чиқарган ҳолда) ёки ташкилот ихтиёрида қоладиган фойдаға ўтказилади.

Молиявий лизинг шартномасининг ниҳоясига етиши билан асосий воситалар объектлари лизинг берувчига қайтарилса, у ҳолда ҳисобда 0299-«Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» счёти дебети ва 0310-«Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счётининг кредити бўйича ёзувлар амалга оширилади. Ижарага олинган асосий воситалар объекти лизинг берувчига лизинг шартномаси тугагунига қадар қайтарилса, у ҳолда ҳисобда 0310-«Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти кредити ва 0299-«Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» счётининг дебети бўйича (ҳисобланган эскириш суммасига) ва 6810-«Тўланадиган лизинг», 7630-«Тўланадиган молияланадиган лизинг» - узоқ муддатли қисми

счётлар дебети бўйича объектдан фойдаланганлик учун ижара берувчига тўланмаган суммаларга ёзувлар амалга оширилади.

0310-«Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти бўйича таҳлилий ҳисоб асосий воситаларнинг турлари ва алоҳида инвентар объектлари бўйича юритилади.

Ўрнатишни талаб қилувчи асбоб-ускуналар бўйича лизинг операциялари бухгалтерия ҳисобида қуйидаги проводкалар билан акс эттирилади:

Лизинг шартномаси бўйича олинган асбоб-ускуналарнинг контракт қиймати лизинг олувчининг 0710-«Ўрнатиладиган ускуналар-мамлакат ичида ишлаб чиқарилган» счётига 7630-«Тўланадиган молияланадиган лизинг» - узоқ муддатли қисми счёти бўлган корреспонденцияга ўтказилади.

Ўрнатиш харажатлари 0800-«Капитал қўйилмалар» счёти дебетига 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счетлар» счёти кредити бўлган корреспонденцияга ўтказилади.

Асбоб-ускуналарнинг ўрнатишга берилишига кўра қиймати 0710-«Ўрнатиладиган ускуналар-мамлакат ичида ишлаб чиқарилган» счёти кредитидан 0800-«Капитал қўйилмалар» счёти дебетига кўчирилади.

Ўрнатиш тугаллангач шартноманинг амал қилиш муддати тугагунгача асбоб-ускуналар қиймати 0800-«Капитал қўйилмалар» счёти кредитидан 0310-«Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти дебетига ёзилади.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугагандан кейин асбоб-ускуналарни кирим қилишда уларнинг қиймати 0310-«Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счётига ёки 0800-«Капитал қўйилмалар» счёти дебетига (агар уларни ўрнатиш шартноманинг амал қилиш муддатигача тугалланмаган бўлса) 0130-«Машина ва ускуналар» счети кредитига ҳамда 0299-«Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» счёти дебетига ва унга оид асосий воситалар эскиришини ҳисобга олиб борувчи 0211-0290-счётларга ўтказилади.

4-§. Лизинг берувчида лизинг операцияларини ҳисобга олиш

Лизинг муносабатлари пайтида лизинг берувчи корхоналар асосан қуйидаги бухгалтерия проводкалари бўйича иш олиб борадилар:

Лизинг объектларини кирим қилишда тегишли счётлар, яъни 0700-«Ўрнатиладиган ускуналар», 0800-«Капитал қўйилмалар» счётлари дебет 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счетлар ҳисоби» счётлари бўлган корреспонденцияга кредит қилинади.

Сотиб олинган объект бўйича тўловнинг амалга оширилишига кўра 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счетлар ҳисоби» счёти дебет қилинади ва пул маблағларини ҳисобга олиш счётлари кредит қилинади.

Агар объектнинг тўлиқ қиймати аниқланса ва асосий воситаларга кирим қилинса 0100-«Асосий воситалар» счетларининг тегишли счётлари дебети 0700-«Ўрнатиладиган ускуналар», 0800-«Капитал қўйилмалар» счётлари кредитига ёзилади.

Объектларни молияланадиган лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчи корхонага бериш лизинг берувчининг бухгалтерия ҳисобида қуйидаги қайдлар билан акс эттирилади:

а) лизингга берилган объектлар молияланадиган лизинг шартнома қиймати суммасида ҳисобдан чиқарилганда:

9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқа чиқими» счети дебет, 0100-«Асосий воситалар» счетларининг тегишли счети кредит.

Молиявий лизинг бўйича берилган объектнинг лизинг олувчи билан келишилган қиймати одатда, шу объектнинг баланс қийматидан ортиқ бўлади. Бу фарқ сумма 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқа чиқими» счетининг кредитида қолдиқ бўлиб қолади.

б) уларни ишлатиш даврида ҳисобланган эскириш суммасида:

Ҳар бир объект бўйича ўз эскириш суммаси унга оид асосий воситалар эскиришини ҳисобга олиб борувчи 0211-0290-счётлар дебетланиб яъни кирим қилиниб 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқа чиқими» счети кредитланади.

(ушбу қайд лизинг активини такрорий беришда амалга оширилади);

в) Лизинг шартномаси бўйича ҳисоблаб ёзилган фоизлар суммаси қуйидагилар бўйича ўтказилади:

4810-«Молиявий лизинг бўйича олиниши лозим бўлган жорий тўловлар» счети дебети ва 9530-«Фоизлар кўринишидаги даромад» счетининг кредити бўйича.

г)лизинг муддатининг келгуси йиллар даврлари учун белгиланган лизинг тўловлари суммасида:

0920-«Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган тўловлар» счети дебет 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқа чиқими» счети кредит.

д) лизинг муддатининг келгуси йилларида назарда тутилаётган даромадга ўтказиладиган қисми натижаси (9210-счёт айланмалари ўртасидаги фарқ) суммасида:

9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқа чиқими» счети дебет, 7290-«Бошқа муддати узайтирилган мажбуриятлар» счети кредит;

е) лизинг суммасининг жорий ойларда олинадиган қисмига.

4810-«Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар» счети, дебет 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқа чиқими» счети кредит.

ж) ҳар ойда тушадиган лизинг тўлови суммасида:

Пул маблағларини ҳисобга олувчи счетлар дебетланиб 4810-«Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар» счети кредитланади.

9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқа чиқими» счетининг қолдиғи корхона учун даромад ҳисобланиб, у ҳисобдан чиқарилганда қуйидагича проводка берилади:

жорий йилда даромадга ўтказиладиган қисмига 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқа чиқими» счети дебет 6210-«Муддати узайтирилган даромад»-жорий қисми» счети кредит.

Лизинг ҳақи олингандан кейин молиявий лизинг бўйича берилган объектнинг лизинг олувчи билан келишилган қиймати ва унинг баланс қиймати ўртасидаги фарқ сумманинг тегишли қисми 6210-«Муддати узайтирилган даромад»-жорий қисми счети дебетланиб 9550-«Молияланадиган лизингдан даромадлар» счети кредитланиб даромадга ўтказилади

Лизинг берувчи йил бошида ушбу йилда олинадиган лизинг тўловлари суммасига қуйидагича проводка беради:

а) ҳисобланиб олинадиган лизинг ҳақи суммасига:

4810-«Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар» счети дебет 0920-«Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган тўловлар» счети кредит;

б) ушбу йилда даромадга ўтказиладиган қисмига:

7290-«Бошқа муддати узайтирилган мажбуриятлар» счети дебет 6210-«Муддати узайтирилган даромад»-жорий қисми счети кредит.

Лизинг берувчи ҳисобига лизинг ҳақи келиб тушганида қуйидагича проводка берилади:

5110-«Ҳисоб-китоб» счети дебет 4810-«Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар» счети кредит.

Шу билан бирга молиявий лизинг бўйича берилган объектнинг лизинг олувчи билан келишилган қиймати ва унинг баланс қиймати ўртасидаги фарқ сумманинг тегишли (жорий) қисмига 6210-«Муддати узайтирилган даромад»-жорий қисми счети дебетланиб 9550-«Молияланадиган лизингдан даромадлар» счети кредитланади.

Демак, ҳар йили олинадиган лизинг ҳақлари юқорида келтирилган бухгалтерия проводкалари билан расмийлаштирилади ва лизинг муддати охирида 0920-«Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган тўловлар», 4810-«Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар», 6210-«Муддати узайтирилган даромад»-жорий қисми ва 7290-«Бошқа муддати узайтирилган мажбуриятлар» счетларида қолдиқ қолмайди.

Молиявий лизинг шартномаларига биноан лизинг олувчилар лизингга бериладиган объектнинг қийматидан (15 фоиз) миқдорида ўз маблағлари ҳисобидан бўнак (аванс) тўлашлари лозим.

Лизинг берувчи ўз балансида олинган бўнак суммасига қуйидагича проводка беради:

5110-«Ҳисоб-китоб» счети дебет, 6390-«Бошқа олинган бўнаклар» счети кредит

Ушбу олинган бўнак суммаси лизинг шартномасида қайси муддатларда ва қанчадан ушлаб қолиниши кўрсатилади.

Бўнак суммаси тўланадиган лизинг ҳақи суммасидан ушлаб қолинганда, 6390-«Бошқа олинган бўнаклар» счети дебетланиб, 4810-«Молияланадиган лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар» счети кредитланади.

Лизинг шартномаси амал қиладиган даврда объект эгаси ҳисобланувчи лизинг берувчи лизинг объектини ўзи суғурта қилиши ёки мулкни суғурта қилиш бўйича вазифасини лизинг олувчига юклаши мумкин. Иккинчи ҳолатда суғурта бўйича барча харажатларни ва ушбу операцияларни ҳисобга олишни лизинг олувчи амалга оширади. Мазкур харажатларни амалга ошириш учун унда маблағ етишмаган тақдирда, лизинг берувчи лизинг олувчи билан келишган ҳолда, суғурта бўйича харажатларни

тўлашни лизинг шартномасининг бутун даврига тақсимлайди, бу ҳам ўзига хос маблағ билан таъминлаш ҳисобланади. Суғурта ҳолати бошланганда лизинг берувчи лизинг олувчига суғурта тўловининг олинган суммасини ўтказади ёки уни, лизинг тўловини камайтирган ҳолда ўзида қолдирищи мумкин.

5-§. Лизинг операцияларининг лизинг объекти сотувчисида ҳисоби

Лизинг объектини сотувчи корхона лизинг компанияси билан олиб бориладиган ҳисоб-китобни қуйидагича расмийлаштиради:

1. Лизинг компаниясига жўнатилган лизинг объектлари қиймати учун олдиндан бўнак олинди:

5110-"Ҳисоб-китоб счёти" дебет

6310-"Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар" счети кредит

2. Лизинг объекти сотувчидан лизинг компаниясига жўнатилганда:

а) шартнома баҳоси бўйича

4010-«Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счети дебет

9010-«Маҳсулот сотишдан олинган даромадлар» счети кредит.

б) ҚҚС суммаси:

4010-«Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счети дебет

6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» счети кредит.

3. Лизинг компаниясига юборилган лизинг объектлари учун пул келиб тушганда:

5110-"Ҳисоб-китоб" счети дебет

4010-«Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счети кредит.

4. Бюджетга ҚҚС суммаси ўтказиб берилганда:

6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» счети дебет

5110-"Ҳисоб-китоб" счети кредит.

5. Олдиндан олинган бўнак суммаси қопланганда:

6310-"Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар" счети дебет

4010-«Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счети кредит.

Лизинг тўловларини лизинг олувчи балансида маҳсулот(иш, хизмат)лар таннархига ўтказиш қуйидаги тартибда амалга оширилади. Лизинг тўловларининг умумий суммаси қуйидагилардан иборат:

- қайтариладиган лизинг объектининг тўлиқ суммасидан;
- лизинг шартномасига биноан сотиб олинган мулк учун олинган кредит ресурслар бўйича тўланма;
- лизинг берувчига тўланадиган комиссион тўланма;
- агар лизинг берувчи лизинг объектини суғурта қилган бўлса, суғурта тўловлари;
- лизинг шартномасида назарда тутилган лизинг берувчининг бошқа харажатлари.

Лизинг тўловлари лизинг олувчи томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот(иш, хизмат)лар таннархига киритилади, чунки лизинг шартномасини шаклан ижара шартномасининг бир тури деб ҳисоблаш мумкин.

Банк ва бошка кредит муассасаларининг кредитлари бўйича тўланадиган фоизлар 9620 «Фоизлар кўринишидаги харажатлар» счётига ўтказилади.

Лизинг шартномаси олдига қўйилган асосий талаблардан бири шундан иборатки, лизинг бўйича олинган мулк фақат тадбиркорлик мақсадида ишлатилиши керак.

Лизинг мулкидан фойдаланиш, техник хизмати кўрсатиш ва таъмирлаш харажатларини лизинг олувчи балансида маҳсулот(иш, хизмат)лар таннархига ўтказиш эса қуйидаги тартибда бўлади.

Лизинг олувчи лизинг мулкини асраш, лизинг берувчи олдидаги ўз мажбуриятини суғуртаси қўшилган ҳолда, объектнинг суғуртаси, шунингдек, агар шартномада бошқа ҳоллар назарда тутилмаган бўлса, бу мулкдан фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатларни ўз ҳисобидан амалга оширади.

Асосий ишлаб чиқариш фондларини ишчи ҳолатида сақлаб туриш (техник қаров, парвариш қилиш; жорий, ўрта ва капитал таъмирлаш) харажатлари маҳсулот(иш, хизмат)лар таннархига олиб борилади.

Бундай харажатларни таннархга ўтказишнинг асосий белгиси бўлиб асосий воситаларнинг ишлаб чиқариш хусусияти ҳисобланади.

Башарти, ижара корхонаси асосида очиқ турдаги акциядорлик жамияти ташкил этилса, қуйидагилар ҳисобига шаклланади:

Ижара мажбуриятларининг қолдиғи:

7630 «Тўланадиган молияланадиган лизинг — узоқ муддатли қисми» счети дебет

8510 «Устав капитали» счётининг тегишли счётлари кредит.

Давлат фонди ҳисобидан капитал қурилиши учун олинган молиялаштирилган суммага:

77-«Қайтариладиган мақсадли молиялаштириш ва тушумлар» счети дебет

8510-счётнинг тегишли счётлари кредит.

Шу билан бирга, мулкий қийматликларни инвентаризация далолатномасига биноан хусусийлаштирилмайдиган мулклар қиймати суммасига устав капитали камайтирилади:

8510-счётнинг тегишли счётлари дебет

8530 «Резерв капитали» счётининг тегишли счётлари кредит.

6-§. Банкларда лизинг операциялари ҳисобини ташкил этиш

Бугунги кунга келиб, банклар томонидан кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш мақсадида, имтиёзли шартлар асосида ажратилаётган молиявий маблағлар таркибида лизингнинг улуши кундан-кунга ошиб бормоқда.

Бу эса ўз навбатида, банкларнинг лизинг ҳисобини тўғри юритиш ва молиявий ҳисоботларда уларни тўғри акс эттирилишини таъминлаш заруриятини келтириб чиқармоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, лизинг ҳисобини юритиш бўйича қуйидагиларни таклиф қилиш мумкин:

Банкларда лизинг ҳисоби Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 13 ноябрда Давлат рўйхатига олинган 773-сонли «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси»га мувофиқ ссуда ҳисобварақларида юритилади.

Банк уч томонлама тузилган шартномага асосан, лизинг объектини ҳарид қилиш учун унинг тўлиқ ёки 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда тўловини олдиндан ўтказиб беради ва қуйидаги бухгалтерия ёзувини амалга оширади:

Дебет 19909-«Кўрсатилган хизматлар ва товар-моддий бойликлар учун тўланган маблағлар» счети

Кредит лизинг объектини етказиб берувчининг талаб қилиб олингунча депозит счети.

Шартномага мувофиқ лизинг олувчи лизинг объектини етказиб берувчидан тўлиқ қабул қилиб олгандан кейин, лизинг берувчи банки томонидан қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

Дебет лизинг олувчининг ссуда счети

Кредит 19909-«Кўрсатилган хизматлар ва товар-моддий бойликлар учун тўланган маблағлар» счети.

Банк томонидан лизинг етказиб берувчига лизинг объектининг тўлиқ қиймати тўлаб берилмасдан, лизинг олувчига етказиб берилганда, қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

Дебет лизинг олувчининг ссуда счети

Кредит 19909-«Кўрсатилган хизматлар ва товар-моддий бойликлар учун тўланган маблағлар» счети

Кредит 29802-«Кўрсатилган хизмат ва товар-моддий бойликлар учун тўланадиган маблағлар ҳисоб-китоб» счети.

Лизинг шартномасида лизинг объектини етказиб бериш, ўрнатиш ва бошқа харажатлар, шунингдек суғурта тўлови лизинг берувчи томонидан амалга оширилса, ушбу харажатлар лизинг объектининг баланс қийматига олиб борилади ва қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

Дебет Лизинг олувчининг ссуда счети

Кредит 19909-«Кўрсатилган хизматлар ва товар-моддий бойликлар учун тўланган маблағлар» счети.

Лизинг объекти учун лизинг тўловлари лизинг олувчи томонидан лизинг берувчига шартномада белгиланган муддатда ва тузилган график бўйича тўлаб берилади. Ушбу лизинг тўловларига лизинг объектининг амортизация ажратмаси, ҳисобланган фоиз суммаси, воситачилик тўловлари, кўрсатилган қўшимча хизматлар ва суғурта тўловлари киради.

Банк томонидан лизинг учун берилган фоизлар белгиланган миқдорда ҳар куни ҳисоблаб борилади ва қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

13609-«Ҳисобланган фоизлар» счети

Кредит банкнинг мос даромадлар счети.

Лизинг тўловлари томонлар келишувига мувофиқ тузилган ва лизинг шартномасининг ажралмас қисми бўлган жадвалга мувофиқ лизинг олувчи томонидан лизинг берувчига тўлаб борилади.

1. Лизинг бўйича ҳисобланган фоиз даромадлари тўлаб берилганда қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

Дебет лизинг олувчининг талаб қилиб олингунча депозит счети

Кредит 13609-«Ҳисобланган фоизлар» счети.

2. Лизинг объекти бўйича ҳисобланган амортизация ажратмалари лизинг олувчи томонидан тўлаб берилганда лизингнинг баланс қийматини камайтиришга йўналтирилади ва қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

Дебет лизинг олувчининг талаб қилиб олингунча депозит счети

Кредит лизинг олувчининг ссуда счети.

3. Лизинг олувчи томонидан воситачилик тўловлари, кўрсатилган қўшимча хизматлар ва бошқа тўловлар тўлаб берилганда улар мос равишда банк даромадлари счетларига олинади ва қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

Дебет лизинг олувчининг талаб қилиб олингунча депозит счети

Кредит банкнинг мос даромадлар счети.

4. Лизинг объектини суғурталаш учун лизинг берувчи томонидан тўланган суғурта тўлови лизингнинг баланс қийматига киритилган бўлса, лизинг олувчи томонидан тўлаб берилган суғурта тўлови суммаси лизингнинг баланс қийматини камайтиришга йўналтирилади ва қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

Дебет лизинг олувчининг талаб қилиб олингунча депозит счети

Кредит лизинг олувчининг ссуда счети.

Республикамизда лизингни янада ривожлантириш мақсадида 2002 йил 28 августда Президентимиз томонидан қабул қилинган «Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони жуда катта аҳамиятга эга. Мазкур Фармонда кичик ва ўрта бизнесни замонавий технология ускуналари билан жиҳозлашда, шунингдек мамлакатимизнинг ишлаб чиқарувчилари томонидан тайёрлаб чиқарилган асбоб-ускуна ва техникани сотишда лизинг фаолияти ролини ошириш мақсадида лизинг берувчи ва олувчиларга солиқларни тўлаш бўйича бир қатор имтиёзлар берилди. Жумладан, лизинг тўловлари қўшилган қиймат солиғидан, лизингга бериш учун Ўзбекистон республикаси ҳудудига олиб келинадиган технология ускуналари вакил банкнинг тегишли тасдиғи мавжуд бўлган тақдирда божхона тўловидан ҳамда қўшилган қиймат солиғидан ва лизинг олувчилар лизинг шартномаси амал қиладиган муддатгача лизингга берилган мулкдан мулк солиғи тўлашдан озод этилган. Шунингдек лизинг берувчилар лизингга бериш учун мулк харид қилишга олган кредитлари бўйича ҳисобланган фоизларини ҳамда белгиланган бошқа тўловларнинг суммасини жами даромадидан чегириб ташлайди.

Бу эса ўз навбатида, лизинг ёрдамида ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технологиялар билан қуроллантиришга, жаҳон стандартлари даражасидаги халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришга, ички истеъмол бозорларимизни сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга ва республика экспорт салоҳиятини янада оширишга замин яратади.

9-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ЛИЗИНГ МУНОСАБАТЛАРИ ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ

1-§. Ўзбекистон республикасида лизинг муносабатлари ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш

Ўзбекистонда лизинг муносабатлари институтларини шакллантириш, юқорида таъкидланганидек, 1995 йилдан, лизинг операцияларини ташкил этиш ҳақидаги ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингунича бошлаб юборилган эди. Мамлакатда лизинг муносабатларга асос солган асосий ҳужжат бўлиб, Ўзбекистон фуқаролик кодекси ҳисобланади.

Ўзбекистон республикасида лизинг муносабатларнинг мураккаблиги ва нисбатан янгилиги уларнинг юридик табиатига нисбатан турли нуқтаи назарларни юзага келтирди.

Кўп йиллик мунозаралар натижасини умумлаштириб, икки асосий ёндашишни ажратиб кўрсатиш маъқул: шулардан бирида баъзи мутахассислар лизингга анъанавий фуқаролик ҳуқуқи институтлари ёрдамида қарайдилар; ижара шартномаси, олди-сотди, қарз, топшириқ ва шунга ўхшаш. Бошқача ёндашиш тарафдорлари шундай таъкидлайдилар — лизинг муносабатларнинг мураккаблиги ва ўзига хослиги уларга уларни тартибга солишнинг ўзига хос воситасини ишлаб чиқишни талаб қилувчи алоҳида муносабатлар сифатида қараш имконини беради.

Афсуски, ҳар иккала назарияда лизинг шартномасини муддатли олди-сотдига қиёслаганда бутун эътибор фақат лизинг шартномасига қаратилмоқда, лизинг муносабатларининг бутун мажмуи эса четда қолмоқда. Натижада лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўртасидаги муносабат четга чиқувчи кўпгина масалалар бу назарияларда ўз аксини топмаган.

Шу билан бирга лизинг имконияти, ускунага эгалик қилиш ва вақтинча фойдаланиш бўйича муносабатлар билан чегараланмайди. Лизингнинг ҳуқуқий табиати ҳақида сўз борганда қуйидаги масалани қатъий чеклаш муҳим: лизинг барча қатнашчилари ўртасидаги муносабат кўзда тутиляптими ёки бу

фақат ускунани вақтинча фойдаланиш учун берилиши ҳақидаги шартномами. Биринчи ҳолда, умуман қандайдир бирор маълум шартнома ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас, чунки, бутун мажмуи таркибига унинг таркибий унсури сифатида олди-сотди муносабати, ускунадан вақтинча фойдаланиш, айрим ҳолларда яна қарз, кафолат ва бошқалар киритилади. Мазкур шартномавий муносабатларда қатнашувчи томонларнинг муносабати, уларнинг ўзаро боғлилиги ва ўзаро алоқадорлиги мураккаб тузилмани ташкил этади ва унинг таркибий қисмларидан бирининг бўлмаслиги уни бузилишига олиб келиши мумкин. Шундан келиб чиқадики, лизинг ҳақида гапирганда атрофлича ўрганиш ва мустақил бошқарилишни талаб қилувчи алоҳида институт ҳақида сўз бориши керак.

Ускунани вақтинча фойдаланишга беришлик ҳақидаги шартнома, яъни айни лизинг шартномаси, лизинг битимининг унсурларидан бири сифатида ҳақиқатан ҳам ижара шартномаси билан кўпгина умумийликка эга. Ҳар икки шартнома ҳам муайян тур ускунани вақтинча фойдаланиш ва эгалик қилиш учун бериш бўйича муносабатни юзага келтиради, лекин субъектив таркиб, шартнома мазмуни ва лизинг шартномасида олди-сотди шартномасининг унсурлари мавжудлиги билан фарқланади. Шундай қилиб, лизинг шартномасига шартноманинг янги мустақил тури сифатида қараш лозим.

Лизинг бизнесининг ўзига хос хусусияти бўлиб, лизинг битими таъминланишида лизинг объектининг ўзи муҳим аҳамият касб этади. У лизинг шартномаси бутун муддати мобайнида лизинг берувчининг мулки бўлиб қолади. Агар олинаётган мулк ликвидли бўлмаса, лизинг берувчи тўловга қобил эмаслик рискини пасайтириш учун лизинг операциясини таъминлашни талаб этиши мумкин. Қуйидагилар лизинг битимини таъминлашнинг асосий турлари ҳисобланади: мулк закалати, қимматли қоғозлар, топшириқнома, банкнинг ёки бошқаларнинг кафолати.

Буларнинг ҳар бири тегишли меъёрий-ҳуқуқий таъминланишни талаб этади.

Энг кенг маънода лизинг мулкий муносабатларнинг алоҳида мажмуини ифода этади, у ўз ичига лизинг шартномасидан ташқари, ускуна етказиб бериш битимини, қарз битимини, суғурта битимини ҳам олади. Амалий нуқтаи назардан лизингнинг ўзагини мулкни вақтинча эгалик қилишга бериш бўйича, ундан фойдаланиш ва унга қисман эгалик қилиш муносабатлари ташкил этади. Бунда ускунани олиш жараёни,

фақат фойдаланишга мулкни беришдан олдинги босқич сифатида ёрдамчи аҳамият касб этади, шу билан бирга лизинг шартномаси тугагандан сўнг лизинг олувчи мулкни хусусийлаштириб олиши ҳолларида лизинг муносабатлари бутун мажмуи якунланишининг муҳим босқичи ҳам бўлади.

Ўзбекистон республикаси ФКга мувофиқ ишлатилмай турган ҳар қандай ашё лизинг объекти бўлиши мумкин, аммо у тадбиркорлик фаолияти учун яроқли бўлиши керак. Ер майдони ва бошқа табиий объектлар бундан истисно. Аммо Ўзбекистон республикаси ФКда лизинг объекти кенг талқин этилмайди, бу кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги қонунида қисман бартараф этилади. (3-моддага қаранг). Хусусан қонунда «лизинг объектлари» деган тушунчага тушунтириш берилди, яъни ер майдони ва бошқа табиий объектлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида эркин муомалада бўлиши таъқиқланган ёки муомаланинг алоҳида тури белгиланган мулклар лизинг объектлари бўлиши мумкин эмас. Лекин, шу билан бирга, муомалада таъқиқланган ёки муомаланинг алоҳида тартиби белгиланган кўчма ёки кўчмас мулклар қайд этилмаган.

Ўзбекистон республикаси ФК ва Ўзбекистон республикаси «Лизинг тўғрисида»ги қонунида лизинг олувчи деб лизинг объектини ўз *тасарруфи ва фойдаланишига* олувчи шахс ҳисобланади, лекин, гарчи лизинг объектини вақтинча фойдаланиш ҳамда сублизингга учинчи шахсга лизинг берувчининг ёзма розилиги билан беришга рухсат этилса-да, лизинг олувчининг лизинг мулкини қисман тасарруф этиш ҳуқуқи кўзда тутилмайди.

Ўзбекистон республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги қонунида лизинг объекти билан боғлиқ рисклар кўрсатилган бўлишига қарамай, унда лизинг берувчи ва лизинг олувчи аниқ рисклари тўғрисида ҳеч нима дейилмайди.

Ўзбекистон республикасининг амалдаги қонунчилигида лизинг тўловлари хусусида аниқлик етишмайди.

Масалан, Ўзбекистон республикаси ФК 590-моддасида шундай дейилади: лизинг тўловлари лизинг объектини олиш ва лизинг ставкаси (лизинг берувчи фойдасининг миқдори) билан боғлиқ чиқимларни ўз ичига олувчи пул миқдорини ифодалайди.

ЎзР «Лизинг тўғрисида»ги қонунида (22-модда) лизинг тўловлари барча унсурларининг аниқ рўйхати. Мазкур қонундан келиб чиқадики, лизинг тўловлари ўз таркибига уч унсурни — қиймат, лизинг объекти амортизацияси, лизинг

шартномаси бўйича лизинг берувчи қилган чиқимлар ва унинг даромади (маржа)ни олади. Ўзбекистон республикаси марказий банки бошқаруви 1999 йил 7 майда тасдиқлаган Ўзбекистон республикаси банклари молиявий лизинг ўтказиш тартиби ҳақидаги низомда лизинг тўлови миқдори қуйидагилардан иборат дейилади: амортизация ажратмалари; лизинг ставкаси (кредит учун фоиз); комиссион тўловлар ва қўшимча кўрсатилган хизматлар учун тўловлар. Бунда лизинг тўловининг энди тўртта унсури кўзда тутилади.

Лизинг тўловлари унсурлари таркибини янада аниқроқ белгиланиши ҳам лизинг берувчи, ҳам лизинг олувчига лизинг битимини асослаш ва баҳолаш учун тўғри йўналишни топиш учун имкон беради.

Лизинг бизнеси кўламини кенгайтириш мақсадида «Лизинг тўғрисида»ги қонунда, лизинг муносабатлари объектининг жадаллаштирилган амортизациясини қўллаш имконини ошириш лозим. Амортизация ставкасини табақалаштириш имконини лизинг битими қатнашчиларининг ўзларига бериш ва қонунчиликдаги амортизациянинг меъёрдан ортиқ миқдорини солиққа тортиладиган негизга қўшишни чиқариб ташлаш керак.

«Лизинг тўғрисида»ги қонунда халқаро лизингни ривожлантириш, солиққа тортиш соҳасида қўшимча имтиёзлар яратиш билан боғлиқ моддаларни алоҳида ажратиш лозим эди. Булардан ташқари, «Лизинг тўғрисида» қонунда инвестиция фаолияти ва лизинг битимини суғурталаш, чет эллик лизинг берувчилар кафолатлари ва ҳуқуқини ҳимоя қилиш чоралари га бағишланган алоҳида моддаларни кўрсатиш, кичик ва ўрта бизнес корхоналари лойиҳасини молиялаштириш жараёнида лизинг самаралилигини баҳолаш усулларини ёритиш зарур. Юқорида айтилган таклифларнинг эътиборга олиниши лизинг операцияларининг кўламини кенгайтириш, лизинг бизнеси Ўзбекистон иқтисодиётини жаҳон ҳамжамиятига уйғунлашувининг муҳим воситаларидан бирига айланиши учун шароит вужудга келтиради.

Лизинг Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини молиялашнинг самарали шакли сифатида қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мунтазам янгиланиб туриши ва улар меъёрий-қонунчилик ҳужжатлари тизими таъсирчанлиги мониторингини мунтазам ҳисобга олган ҳолда тўлдириб, тузатишлар киритиб бориш, лизинг ривожига тўсқинлик қилувчи қоидаларни аниқлаш ва уларни ўз вақтида бартараф этишни талаб қилади.

2-§. Лизинг тўғрисидаги Ўзбекистон республикаси фуқаролик кодекси, ундаги қўшимча ва ўзгартишлар

Лизинг муносабатларининг вужудга келиши, ривожланиши ва кенгайиб бориши мавжуд иқтисодий-ҳуқуқий муҳит билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Макроиқтисодий шарт-шароитлар (банк фоизи, тадбиркорлик даромади даражаси, инвестициялаш самарадорлиги ва бошқалар) лизингнинг амалиётга тадбиқ этилиши ва ривожланиш шароитини белгилаб берувчи омиллардир.

Халқаро молиявий лизинг тўғрисида 1988 йил майда Оттава шаҳри (Канада)да қабул қилган конвенция лизинг битимини қуйидаги муҳим хусусиятлар бўйича белгилайди: мижоз лизинг асбоб-ускунасини етказиб берувчини мустақил равишда танлайди; асбоб-ускуна лизинг тўғрисида тузилган ёки тузиладиган шартнома асосида қўлга киритилади ва бу ҳақда лизинг мол-мулкини сотувчиси хабардор бўлади; лизинг тўғрисидаги битимга биноан бутун лизинг асбоб-ускунаси ёки унинг тегишли қисми қиймати амортизациясини эътиборга олиб ҳисоблаб чиқилган ҳақ вақти-вақти билан тўлаб турилади.

Ўзбекистонда лизингнинг ҳуқуқий асослари Фуқаролик кодексининг иккинчи қисм олтинчи бандида мустаҳкам белгилаб қўйилган, унда лизинг молиявий ижара деб аталган. Ўзбекистон республикасининг фуқаролик кодекси (ЎзР ФК)даги 587 дан 599 гача 14 та модда лизингга ажратилган. Жумладан, 587 моддада таъкидланишича, лизинг шартномаси лизингни молиявий ижара сифатида назарда тутади ва лизинг объктини харид қилиш учун фақат лизинг берувчининг ўз маблағларидан фойдаланишини кўзда тутар эди[1]. Бизнинг фикримизча, бу таъриф лизинг операциялари миқёсини, шу жумладан уларнинг қийматини, эҳтимоли бўлмиш лизинг олувчилар доирасини ва лизинг объектлари рўйхатини торайтиради. Амалда катта миқёсдаги лизинг операцияларини қўшимча молиявий ресурсларни жалб этмай амалга ошириб бўлмайди. Буни жаҳон тажрибаси тасдиқлайди. Биз ўз тадқиқотларимизда ЎзР ФКда "... ўз маблағи ҳисобидан" сўзларидан кейин "ва жалб этилган маблағлар" сўзларини киритиш тарафдори эканлигимизни билдирган эдик[2]. Шундай

---

[1] Қаранг. Д.Г. Газибеков, О.Ш. Сабиров «Лизинг и его развитие в Узбекистане», Т., 2001, 90 бет.

[2] Қаранг. Д.Г. Газибеков, О.Ш. Сабиров «Лизинг и его развитие в Узбекистане», Т., 2001, 106 бет.

ўзгартириш киритилиши, лизинг берувчига фақат ўз маблағи ҳисобидан эмас, четдан жалб этилган ресурслар ҳисобига ҳам лизинг фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини беради.

Шундай қилиб, лизинг берувчи жалб этилган маблағлардан лизинг операциялари мақсадида фойдаланиш учун юридик ҳуқуқ олади. Бу таклиф Ўзбекистон республикасининг "Лизинг тўғрисида"ги қонунида ўз ифодасини топган. ЎзР ФКга ҳам шундай қўшимчанинг киритилиши мазкур қонун ҳужжатлари ўртасидаги номувофиқликни тузатди. "Ўзбекистон республикасини айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунида ФК 587-моддасининг матни янги таҳрирда баён этилиши билан таъкидланган муаммо ечилди[1].

Ўзбекистон республикасида лизинг муносабатларининг мураккаблиги ва нисбатан янгилиги бу муносабатларнинг юридик табиати хусусида ҳар хил нуқтаи назарлар мавжудлигига олиб келди. Лизинг муносабатларининг қатнашчилари, лизингни қандай тушунишларини аниқ ва равшан таърифлаб бериш, лизинг муносабатларини ҳуқуқий расмийлаштириш давомида пайдо бўладиган марказий вазифадир. Лизингнинг характери тўғрисида тайинли тушунчанинг йўқлиги сабабли амалда ҳар бир тузиладиган лизинг шартномасида ва у билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатларда уни батафсил таърифлаш зарур бўлади.

Лизинг шартномасида қуйидаги шартларни акс эттириш зарур: лизинг объектининг таркиби ва қиймати; лизинг шартномасининг амал қилиши, бошланиш ва тугаш муддатлари; лизинг объектини топшириш тартиби; топшириладиган мол-мулкнинг ҳолати; лизинг ҳақини тўлаш шартлари, миқдори ва уни тўлиқ тўлаш муддатлари; лизинг шартномаси тўхтатилганида қайтариб бериладиган мол-мулкнинг ҳолати; лизинг олувчининг мол-мулкдан фойдаланиш шартлари, шу жумладан амортизацияни ҳисоблаш усуллари, лизинг тўловларини ҳисобварағига ўтказиш мудатлари ва бошқалар; қўшимча лизинг шартлари; агар мол-мулк кейинчалк сотиб олиш шарти билан берилган бўлса, уни сотиб олиш тартиби ва мудатлари, шунингдек мол-мулкни муддатидан аввал сотиб олиш шартлари ва тартиби; лизинг объектини қайта тиклаш ва таъмирлаш бўйича тарафларнинг

---

[1] Қаранг. Ўзбекистон Республикасининг Олий мажлисининг 2002 йил 13 декабрдаги қарори, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2003 йил.

вазифалари; лизинг берувчининг лизинг шартномасини бекор қилиш ва лизинг объектини олиб қўйиш ҳуқуқи; ахборот ҳажми ва уни лизинг берувчига топшириш муддатлари; тарафларнинг масъулияти. Келтирилган бу рўйхат узил кесил эмас, шартнома тарафларнинг келишуви бўйича қонунчиликка зид бўлмаган бошқа ҳар қандай ифодаларни қамраб олиши мумкин.

Ўзбекистон республикасининг "Лизинг тўғрисида"ги қонунида ва бошқа ҳужжатларда[1], юқорида қайд этилганидек, лизингнинг аниқ таърифи берилмаган, у молиявий ижара деб талқин этилган. Мазкур қонунни қўшимча равишда ишлаб чиқиш жараёнида лизингнинг мазмуни тўғри таърифлаб берилиши мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу таърифда лизингнинг қарз олиш-бериш, турли иқтисод субъектлари ўртасида замон ва маконда тақсимот муносабатлари асосидаги ижаранинг алоҳида тоифаси тарзида рўёбга чиқадиган ўзаро боғлиқ иқтисодий-ҳуқуқий ва мулкий муносабатлар мажмуиси сифатидаги моҳияти очиб берилиши керак. Бу ўринда кредит операцияси барча омилларнинг бош ўзаги бўлиб, лизинг олувчига молиявий хизмат кўрсатувчи лизинг компанияси эса марказий иштирокчи сифатида хизмат қилади. Бинобарин, лизинг кредитини асосий капиталга қўйилган манба сифатида таснифлаш мумкин. Иқтисодий нуқтаи назардан лизинг берувчи томонидан лизинг олувчига фойдаланиш учун бериладиган мол-мулк шаклидаги ўзига хос кредитдир. Таъкидлаш лозим бўлган яна бир муҳим гап шундаки, лизинг келишувида қарз(кредит), инвестициялаш муносабатлари, мулкий ва ижаравий муносабатлар ҳақиқатда лизинг келишуви барча қатнашчиларининг манфаатлари ўзаро мос келган ва улар бир фикрга келган тақдирдагина рўй бериши мумкин. Айни кредит муносабатларида бўлганидек, лизинг муносабатлари ҳам қатнашчилардан ҳар бири келишувдан ўз манфаатини умид қилган тақдирда, инвестициялаш ва ижарага топширишнинг ушбу усули лизинг берувчига манфаатлироқ бўлган тақдирдагина юзага чиқиши мумкин. Ўз навбатида, лизинг кредити молиялаштиришнинг бошқа усулларига нисбатан вақт жиҳатидангина эмас, тадбиркорликни ташкил

---

[1] Қаранг: Ўзбекистон республикасининг "Лизинг тўғрисида"ги қонуни, 1999 йил 14 апрел. Лизинг операцияларини ташкил этишга оид тавсиялар. Ўзбекистон Республикаси Банклари асссоциацияси "Барака" УЛК. – Т. 1998

этиш жиҳатидан ҳам лизинг олувчига самаралироқ бўлган тақдирда бу усул амалга ошиши мумкин.

Энг кенг маънода олганда, лизинг тўғрисидаги шартномадан ташқари, асбоб-ускуна етказиб бериш шартномасини, қарз шартномасини ва суғурта шартномаси ва шу кабиларни қамраб оладиган мулкий муносабатлар мажмуасидан иборатдир. Амалий нуқтаи назардан мол-мулкни лизинг олувчи томонидан қўлга киритиш, фойдаланиш ва қисман тасарруф этиш учун вақтинча топшириб қўйиш лизингнинг ўзагини ташкил қилади. Бунда, асбоб-ускунани сотиб олиш жараёни ёрдамчи рол ўйнайди, лекин уни харид этиш лизинг олувчи томонидан абелгиланади. Бу босқич мол-мулкни фойдаланишга топширишдан аввалги босқичгина эмас, балки лизинг шартномаси тугаганидан кейин лизинг олувчи мазкур мол-мулкни мулк сифатида сотиб олган тақдирда лизинг муносабатларининг бутун мажмуасини ниҳоялайдиган муҳим босқич ҳамдир.

Лизингнинг асосий ғояси мол-мулкни қўлга киритиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқини мулкчилик ҳуқуқидан ажратишдан иборат.

Бутун лизинг шартномаси муддати давомида лизинг берувчининг мулки бўлиб турадиган лизинг объектининг ўзи лизинг битимини таъминловчи асос эканлиги лизинг бизнесининг ўзига хос хусусиятидир.

Лизинг фақат уч тарафлама (сотувчи – лизинг берувчи-лизинг олувчи) шартнома асосидагина эмас, айни вақтда икки тарафлама (лизинг берувчи – лизинг олувчи) шартнома асосида ҳам амалга оширилади. Мазкур лизинг шартномасига биноан, лизинг олувчи лизинг объектини аниқлайди ва лизинг берувчининг тажрибаси ҳамда фикридан қатъий назар, сотувчини танлайди.

Ўзбекистон республикаси ФКга мувофиқ истеъмол қилинмайдиган, тадбиркорлик фаолияти учун ишлатиладиган ҳар қандай ашё лизинг объектлари бўлиши мумкин, ер участкалари ва бошқа табиат объектари бундан мустасно. Аммо бу ҳужжатда лизинг объектлари батафсил талқин этилмаган эди. Бу нарса кейинчалик Ўзбекистон республикасининг "Лизинг тўғрисида"ги қонунида қисман бартараф этилган (3 моддага қаранг). Жумладан қонунда "Лизинг объектлари" тушунчасига аниқлик киритилган, яъни ер участкалари ва бошқа табиий объектлар, шунингдек, Ўзбекистон

республикаси қонунларига биноан эркин муомалада чиқарилган ёки муомалада бўлиши чекланган бошқа мол-мулк лизинг объектлари бўлиши мумкин эмас. Аммо шу билан бирга, қонунда муомалада бўлиши чекланган бошқа мол-мулк турлари кўрсатилмаган. Бизнинг назаримизда Ўзбекистон республикасининг ФК (588-модда)да ва "Лизинг тўғрисида"ги қонунни қўшимча равишда ишлаб чиқишнинг кейинги босқичларида уларни батафсилроқ кўрсатиб бериш керак. Шу билан бирга, бизнинг фикримизча " тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган" сўзларни чиқариб ташлаш керак, чунки мавжуд қоида лизинг олувчилар доирасини торайтиради ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланмайдиган субъектлар (масалан, хусусий тартибда иш юритувчи жисмоний шахслар)ни лизинг олувчилар жумласига киритиш имконини бермас эди. Бу ҳол лизингнинг баъзи йўналишларини, масалан, одатда хусусий кишилар томонидан лизинг асосида сотиб олинадиган автотранспорт воситалари лизингини чеклаб қўяр эди. Моддaнинг қуйидаги таҳрирда баён қилишни таклиф этар эдик: "истеъмол қилинмайдиган ҳар қандай ашёлар, шу жумладан корхоналар, мулк комплекслари, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ҳамда бошқа кўчар ва кўчмас мулк лизинг объектлари бўлиши мумкин".

Ўзбекистон республикаси ФК ва "Лизинг тўғрисида"ги Қонунига биноан лизинг объектини ўз эгалиги ва фойдаланиши учун оладиган шахс лизинг олувчи деб эътироф қилинади аммо, гарча лизинг объектини вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг берувчининг ёзма розилиги билан учинчи шахсга қўшимча лизинг тарзида топшириш ва руҳсат этилса ҳам лизинг олувчининг лизинг мулкини қисман тасарруф этиш ҳуқуқи кўзда тутилмайди. Ўзбекистон республикаси ФК 589-моддасини "Лизинг тўғрисида"ги қонунининг 4-моддасига мувофиқ ҳолга келтириш ва лизинг субъектларини аниқроқ белгилаб қўйиш зарур. Масалан, лизинг объектини ўз эгалиги ва фойдаланиши учун эмас, балки лизинг шартномаси бўйича сотиб олувчи шахс лизинг олувчи бўлиши мумкин. Лизинг объектини лизингга эмас, балки лизинг шартномаси бўйича топшириши мумкин бўлган лизинг берувчига ҳам шу гап таалуқлидир. Бу моддада мамлакат қонунчилигига мувофиқ фаолият кўрсатувчи хорижий инвестицияли корхона лизинг субъектлари қаторига қўшилмаган.

Ўзбекистон республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида лизинг тўловнинг мазмуни аниқ талқин этилмаган эди. Чунончи, Ўзбекистон республикаси ФК (590-модда)да ва "Лизинг тўғрисида"ги қонуннинг 22 моддасининг биринчи қисми бир-бирига мос эмас эди. Ўзбекистон республикаси ФКнинг "Лизинг тўлови" деб аталган 590-моддасини "Лизинг тўғрисида"ги қонундаги лизинг тўлови тушунчасига мослаштириш бу иккала қонуннинг янги таҳрирларида амалга оширилди[1]. Шу билан бирга, Ўзбекистон республикаси ФКнинг ва "Лизинг тўғрисида"ги қонунининг янги таҳрирларида ҳам лизинг тўловининг барча унсурлари (590 ва 22 моддалар) санаб ўтилмаган.

Бу моддаларга биноан, лизинг тўловлари лизинг берувчининг лизинг объектини олиш учун қилган харажатларининг ҳаммаси ёки кўп қисми, шунингдек, лизинг объектини етказиб бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уни яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлари лизинг олувчи томонидан қопланиши ҳамда лизинг берувчининг даромадидан иборат бўлади. Бу моддаларни эски таҳриридан маълум бўлишича, лизинг тўлови уч унсурни - лизинг объекти амортизациясининг қиймати; лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи томонидан қилинган харажатларни ва унинг даромади (маржа)ни ўз таркибида назарда тутар эди[2]. Ўзбекистон республикаси банклари томонидан ўтказиладиган молиявий лизинг тартиби тўғрисидаги[3] низомда айтилишича, лизинг тўловининг суммаси: амортизация ажратмалари; лизинг ставкаси; кредит учун фоиз; воситачилик тўловлари ва кўрсатилган қўшимча хизматлар, шу жумладан суғурта тўловларидан иборат. Ўзбекистон республикаси ФК ва "Лизинг тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳририда лизинг тўлови унсурларига аниқлик киритилмаган. Қонун ҳужжатларида лизинг тўлови унсурлари таркибини бир бирига мувофиқлаштириш лозим деб ҳисоблаймиз. Бизнингча, ҳуқуқий ҳужжатларда Ўзбекистон республикасида лизинг битимларига оид мазкур тўловнинг эҳтимол тутилган барча унсурларини алоҳида-алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим. Бизнинг фикримизча, лизинг тўлови таркибига қуйидаги унсурлар киритилиши

---

[1] Қаранг. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг 2002 йил 13 декабрдаги қарори, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2003 йил.

[2] Қаранг. Д.Г. Ғазибеков, О.Ш. Сабиров «Лизинг и его развитие в Узбекистане», Т., 2001, 97-98 бет.

[3] Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 7 майда тасдиқлаган

керак: лизинг мол-мулкининг амортизацияси; лизинг битимини амалга ошириш учун лизинг берувчи томонидан жалб этиладиган кредит ресурслари учун тўлов; воситачилик ҳақи (лизинг берувчининг маржаси); риск хавфи учун тегишли мукофот; лизинг берувчи томонидан лизинг олувчига кўрсатиладиган суғурта тўловлари. Лизинг тўловларидан ҚҚС олиниш қоидаси бекор қилиниши муносабати билан[1], мазкур солиқ суммаси лизинг тўлови таркибидан бугунги кунда чиқариб ташланди.

Лизинг тўлови унсурларининг таркибининг янада аниқроқ белгилаб қўйилиши, бизнинг назаримизда, лизинг берувчига ҳам, лизинг олувчига ҳам лизинг битимини асослаш ва баҳолашда тўғри йўл тутиш имконини беради.

Ўзбекистон республикаси ФК 591-моддасига биноан лизинг берувчи лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олаётганида мол-мулк муайян шахсга лизингга беришга мўлжалланганлигини сотувчига билдириши шарт. Лизинг шартномаси предметини лизинг олувчига топшириш қоидаси Ўзбекистон республикаси ФКнинг 592-моддасида таърифлаб берилган. Унда айтилишича шартнома объекти бўлган мол-мулк сотувчи томонидан бевосита лизинг олувчига у турган жойда топширилади. Бунда лизинг бўйича ижарага олинган мол-мулк тасодифан нобуд бўлса ёки тасодифан бузилиши риски пайдо бўлса, бу риск лизинг олувчига мол-мулкини топшириш пайтидаёқ ўтади (ЎзР ФК 593-модда).

Ўзбекистон республикаси ФК 595-моддасида лизинг олувчининг ҳуқуқлари таърифланган. Жумладан, бу модданинг эски таҳririда мол-мулк етказиб берилмаган, тўлиқ етказиб берилмаган, муддати кечиктириб етказиб берилган ёки унинг сифати тегишли даражада бўлмаган тақдирда, лизинг олувчи лизинг тўловларини тўхтатиб туришга ёки етказиб берилаётган мол-мулкни рад этишга ва лизинг шартномасини бекор қилишни талаб қилишга ҳақлидир деб таъкидланган эди. Лизинг шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда лизинг олувчи вақти вақти билан бўнак сифатида тўлаган пулларини ва бошқа суммаларини лизинг объектидан фойдаланиш даврида олган фойданинг қийматини чегириб

---

[1] «Лизинг фаолиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, «Халқ сўзи», 30 август 2002 йил.

ташлаб ўзига қайтариб беришни талаб қилишга ҳақлидир. Лизинг шартномасининг муддати тугагач, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг объекти лизинг олувчининг мулки бўлиб қолади. Бизнинг фикримизча, 595-модда (1-қисми)да, агар лизинг тўловларининг кечиктирилиши ва лизинг объектини етказиб берилишини рад этиш лизинг берувчининг айби билан содир бўлса ёки сотувчининг танлаш учун лизинг берувчи жавобгар бўлса деган шарт албатта қўйилиши керак эди. Бу ҳолда мазкур модда "Лизинг тўғрисида"ги қонун 24-моддасининг 1 ва 2 абзацларига зид бўлади ҳамда ФКнинг 592-модданинг 2 абзацига, 594-модданинг 2-абзацига ва 598-модданинг 3-абзасига мувофиқ келмай қолади. 595-модда (2-қисми)да лизинг олувчи вақти вақти билан бўнак сифатида тўлаган пулларини ва бошқа суммаларни ўзига қайтариб беришни талаб қилиш ҳақида гап борганида, "бу нарса лизинг берувчининг айби билан содир бўлганида" деган сўзларни ҳам қўшиб қўйиш зарур эди. Биз билдирган таклифлар Ўзбекистон республикаси ФКнинг ва "Лизинг тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳририда инобатга олинган[1].

Лизинг олувчининг мажбурияти ва жавобгарлиги Ўзбекистон республикаси ФК 597-модасида белгиланган, унда лизинг тўловларини ўз вақтида тўлаш, мол-мулкдан уни етказиб бериш шартномаларига мувофиқ фойдаланиш; уни соз ҳолда сақлаш; лизинг объктини ўз ҳисобидан жорий таъмирлаш, уни сақлаш бўйича бошқа харажатларни амалга оширишни зиммасига олиши кўзда тутилган. Лизинг шартномаси бекор қилинганида лизинг олувчи мол-мулкни лизинг берувчидан олган ҳолатида қайтариб беришга мажбур. Лизинг олувчи ўз мажбуриятларини жиддий равишда бузган тақдирда лизинг берувчи бўлажак тўловларни тезлаштиришни ёки лизинг объектини қайтариб олган ва зарарни ундирган ҳолда шартномани бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

597-модда (1-қисми)даги "фойдаланувчи" сўзини "лизинг олувчи" сўзи билан алмаштириш "ўз вақтида" сўзидан кейин "тўлаганида" сўзлари қўшилиши ва "мол-мулк" сўзи "лизинг объекти" сўзлари билан алмаштирилиши зарур деб ҳисоблаймиз. 597-модда (3-қисми) "вақти вақти билан ўзига тегиши керак бўлган тўловларни" сўзларини "лизинг

---

[1] Қаранг. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг 2002 йил 13 декабрдаги қарори, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2003 йил.

тўловлари" сўзлари билан адлмаштириш керак. 597-модданинг 4-қисми ҳам шундай қилишни лозим деб ҳисоблаймиз[1].

Ўзбекистон Республикаси ФК 598-моддасида лизинг шартномасининг предмети бўлган мол-мулкнинг сифати ва бутлиги, уни етказиб бериш муддатлари ҳамда сотувчи томонидан зарур даражада бажарилмаётган бошқа ҳоллар ҳусусида сотувчининг мажбурияти таърифлаб берилган.

Лизинг олувчи мазкур мол-мулкнинг олди-сотди шартномасидаги тарафлардан бири бўлса у сотиб олувчи учун назарда тутилган ҳуқуқларга эга бўлади ва мажбуриятларни зиммасига олади (сотиб олинган мол-мулк ҳақини тўлаш мажбурияти бундан мустасно). Бироқ лизинг олувчи сотувчи билан олди-сотди шартномасини лизинг берувчининг розилигисиз бекор қилолмайди, яъни лизинг олувчи билан лизинг берувчи солидар кредиторлар бўладилар.

Лизинг бўйича топширилган мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи лизинг берувчидан бошқа шахсга ўтканида лизинг шартномаси янги мулкдор учун ўз кучини сақлаб қолади (ЎзР ФК 599-моддаси).

3-§. Ўзбекистон республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги қонуни, Солиқ кодексидаги ўзгартишлар ва қўшимчалар

2.2. "Лизинг тўғрисида"ги қонунда лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи билан лизинг олувчининг, лизинг берувчи кредитори билан ва лизинг объекти лизинг олувчисининг бир шахс тимсолида иш кўришига йўл қўйилмаслиги таъкидланади. Лизинг битимида лизинг берувчи лизинг олувчи ва лизинг мол-мулки сотувчисидан ташқари муайян мақсадга хизмат қилувчи турли фондлар, нобанк кредит муассасалари, банклар, суғурта ва маслаҳат компаниялари, тадбиркорлик фаолиятини давлат йўли билан тартибга солиш ва қўлаб-қувватлаш органлари ҳам ишга солиниши мумкин. Шу сабабли "Лизинг тўғрисида"ги қонунннинг 4-моддасидан муайян мажбуриятларнинг бир шахсда бирлашувини тақиқлашга оид нормани олиб ташлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. "Лизинг тўғрисида"ги қонуннинг 7-моддасида лизинг объектини ҳисобга олиш ва

---

[1] Қаранг. Ўзбекистон Республикасининг Олий мажлисининг 2002 йил 13 декабрдаги қарорида инобатга олинган. «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2003 йил. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни.

рўйхатдан ўтказиш тўғрисида гапирилган 1 ва 2-қисимлари бизнинг назаримизда қуйидаги таҳрирда баён этилиши лозим: "лизинг шартномаси тарафларининг қарорига биноан молиявий лизинг объектлари лизинг берувчи ёки лизинг олувчининг балансида ҳисобга олиниши мумкин". "Лизинг тўғрисида"ги қонуннинг 21-моддасида лизинг объектидан гаров сифатида фойдаланиш ҳақида гап борганида, лизинг олувчининг ҳуқуқларини камситмаслик мақсадида уни қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: "агар лизинг шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлса, лизинг берувчи лизинг олувчининг розилигисиз лизинг объектидан гаров сифатида фойдаланишга ҳақли эмас". Бу таҳрир лизинг олувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун зарур эди ва таъкидланган ўзгартиш "Лизинг тўғрисида"ги қонуннинг 21-моддасининг янги таҳририда инобатга олинган.

Бизнинг назаримизда "Лизинг тўғрисида"ги қонунда лизинг турлари ва шакллари таърифи хусусида бахслашиш мумкин. Жумладан, лизинг фаолияти тадбиркорлик фаолиятининг тури деган гапга тўла-тўкис қўшилиб бўлмайди. Бизнинг фикримизча, у лизинг берувчи учун тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида тури бўлиб, ўз капитали ва жалб этилган капитал қийматини сақлаш ёки кўпайтириш, шунингдек иқтисодиёт субъектлари машина ва ускуна нархини ҳамда асосий капитални янгилаш мақсадида ўз капитали билан жалб этилган капитални бирга боғлашга қаратилгандир.

"Лизинг тўғрисида"ги қонунда лизинг муносабатлари қатнашчиларининг рисклари айтиб ўтилган, улар аниқ чегаралаб қўйилмаган. Ўзбекистон республикаси "Лизинг тўғрисида"ги қонунига биноан лизинг бўйича барча рисклар лизинг олувчининг рискларидир. Бу таърифни унчалик ўринли эмас деб ҳисоблаймиз. Лизингнинг ҳар бир қатнашчиси рискга дуч келади, уларнинг ҳар бири қалтисликка бориб таваккал қилиб иш кўрса, лизинг шартномасида эса аниқ рисклар тегишли қатнашчиларга тақсимлаб қўйилади.

Лизинг операцияларига солиқ солишнинг амалдаги тизимини жиддий равишда қайта кўриб чиқиш талаб қилинади. Чунончи Ўзбекистон республикасининг солиқ кодекси (ЎзР СК)да солиқ солиш нуқтаи назаридан лизинг операцияси ижарачи (лизинг олувчи) томонидан мол-мулкни харид қилиш деб қаралади. Шунинг натижасида, гарчи лизинг операциялари бўйича солиқ суммалари лизинг олувчи зимма-

сига юклатилишини фараз қилиш мумкин бўлсада, бу суммалар лизинг тўлови таркибига қўшилиши ёки қўшилмаслиги тўғрисидаги масала 2002 йилгача равшан эмас эди. ЎзР СК 71-моддасига биноан, лизинг хизматлари операцияси ҚҚСга тортилар эди. Агар тижорат банклари лизинг кредити ҳисобидан лизинг объектини кейинчалик лизинг олувчига топшириш мақсадида сотиб олса, лизинг операциясига ҚҚС солинмас эди. Айни вақтда, баъзи лизинг компаниялари умуман солиқлардан озод қилинган ёки уларга солиқ имтиёзлари ва кредитлари бериш кўзда тутилган эди. Биз ўз тадқиқотларимизда лизинг объектини ва лизинг операцияларини ҚҚСдан озод қилиш тарафдори эдик[1]. Келгусида лизинг олувчига сотиш учун лизинг объектини сотиб олиш операциялари ҳам қўшилган қиймат солиғига тортилмаслиги керак деб ҳисоблаймиз. Лизингга топшириш учун сотиб олинадиган молмулкка қўшилган қиймат солиғи солиниши ҳамда лизинг олувчининг лизинг шартномаси хизматлари бўйича лизинг тўлови таркибида қўшилган қиймат солиғига тортилиш икки ёқлама солиқ солинишига олиб боради, лизинг олувчига солиқ юкини оширади. Лизинг берувчи қўшилган қиймат солиғини лизинг олувчи зиммасига юклаш орқали унга лизингни манфаатсиз қилиб қўяди. «Лизинг фаолиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ 2002 йил 1 сентябрдан бошлаб лизинг тўловлари ҚҚСдан; лизингга бериш учун Ўзбекистон республикаси ҳудудига олиб келинадиган технология ускуналари — вакил банкнинг тегишли тасдиғи мавжуд бўлган тақдирда, божхона тўловидан ва ҚҚСдан озод қилинди. Бу билан лизинг операцияларини кенгайтиришга катта имкон яратилди. ЎзР СК 19-моддасида ялпи даромаддан чегирмалар ҳақида гап борган жойда банкларнинг қисқа муддатли кредитлари учун фоизлар бўйича тўловлар суммасинигина кўзда тутиб қолмай, айни вақтда молиявий лизинг операцияларини амалга ошириш учун лизинг берувчилар томонидан фойдаланилган кредитлар хизмат чиқимларини чегиришни ҳам кўзда тутиш мақсадга мувофиқдир. Бу енгиллик лизингнинг банк кредитига нисбатан рақобатбардошлигига эришиш ва лизинг компанияларининг кредитлар ёрдамида лизинг операциялари ҳажмини кўпайтириш имконини беради. «Лизинг фаолиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти-

---

[1] Қаранг. Д.Г. Газибеков, О.Ш. Сабиров «Лизинг и его развитие в Узбекистане», Т., 2001, 98-106, 114, 116, 119 бетлар.

нинг Фармонига мувофиқ 2002 йил 1 сентябрдан бошлаб лизинг берувчини солиққа тортиш чоғида у лизингга бериш учун мулк ҳарид қилишга олган кредитлар фоизи ҳамда белгиланган бошқа тўловларнинг суммаси унинг жами даромадидан чегириб ташланади.

Лизинг бизнеси миқёсларини кенгайтириш мақсадида «Лизинг тўғрисида»ги қонунда, бизнингча, лизинг операциялари объектини жадал амортизациялаш усулини қўллаш имкониятини бирмунча кенгайтириш зарур. Амортизация ставкаларини табақалаштириш имкониятларини лизинг битими қатнашчиларининг ўзига тўлатўкис бериб қўйиш ва қонунчиликда амортизациянинг нормативдан ортиқча суммасини солиққа тортиладиган базага киритиш мажбурийлигини бекор қилиш талаб этилади. ЎзР СК 23-моддасида асосий воситалар амортизацияси ҳақида гап борувчи 2-бандида лизинг операциялари учун солиққа амортизация ажратмалари тўла суммасини тортиладиган базадан чиқариб ташлашни кўзда тутиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Қонун ҳужжатларида лизинг молмулкини жадал амортизациялаш усулини қўллашга ижозат берилган. Бу ҳол мулк солиғи суммасини камайтириш имконини беради ва айни вақтда даромадга солинадиган солиқ учун солиққа тортиш базасини миқдорини оширади, чунки амортизация нормасини оширишдан ҳосил бўладиган тафовут даромадга солинадиган солиқ бўйича солиққа тортиш базасига қўшилади. Бунинг устига амортизациянинг нормативдан ортиқча суммаси икки ёқлама солиққа тушиб қолади – биринчи марта лизинг олувчидан солиқ олинса, иккинчи марта лизинг тўловлари таркибида солиққа тортилади, яъни лизинг олувчининг даромадларидан даромад солиғи ва ҚҚС ундириб олинар эди. Лизинг тўловларини ҚҚСдан озод қилиниши таъкидланган масалани анчагина ойдинлаштирди ва муаммони қисман бартараф этди.

Турли мамлакатларнинг қонун ҳужжатлари бир-биридан фарқ қилиши сабабли халқаро миқёсида лизинг операцияларини ташкил этишда қийинчиликлар учраб туради, миллий валюталарни ўтказиш муаммолари, сиёсий, мамлакат билан боғлиқ, валюта ва бошқа соҳалардаги рискларни бартараф этиш муаммоларига ҳам дуч келинади. «Лизинг тўғрисида»ги қонунда халқаро лизингни ривожлантириш билан ҳамда янги хорижий технологияларни келтириш имкониятларини кенгайтириш билан боғлиқ бўлган моддаларни алоҳида ёритиш зарур. Бу соҳадаги ишларни ривожлантириш учун божхона тўловларини, мулк солигидан озод қилиш, хеч бўлмаса лизинг операцияларини солиққа тортишни енгиллаштириш ва солиқ солиш

соҳасида қўшимча имтиёзлар бериш масалалари бизнинг тадқиқотларимизда кўтарилган эди[1]. Шу билан бирга халқаро лизингга бағишланган махсус модда бўлишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Халқаро лизинг операцияларида солиққа тортиш масалалари алоҳида бандда баён этилиши лозим. Халқаро лизинг операцияларида фақат лизинг берувчининг маржаси тўлов манбаидан солиққа тортилиши кераклиги аниқ белгиланиши зарур. ЎзР СК 42-моддасига ҳам шу гап тааллуқлидир. «Лизинг тўғрисида»ги қонунда ҳам бизнингча, божхона тўловлари, ҚҚС, лизинг операциялари солиғи, мулк солиғи соҳасидаги имтиёзларни акс эттириш мақсадга мувофиқлиги биз томондан таъкидлаб ўтилган[2]. Бундан ташқари «Лизинг тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳририда инвестиция фаолияти тўғрисида қабул қилинган қонун ҳужжатларини[3] эътиборга олиб хорижий лизинг берувчиларнинг кафолатларига ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тадбирларига, лизинг битимларини суғурталашга бағишланган моддаларни алоҳида ажратиб қўйиш зарур. «Лизинг тўғрисида»ги янги қонунда КЎБ корхоналари лойиҳаларини молиялаштириш жараёнида лизингнинг самарадорлигини баҳолаш усуллари ёритилиши, халқаро лизингга оид алоҳида кафолатлар ва имтиёзлар баён этилиши лозим. Янги таҳрирдаги қонунда суғурта, гаров, кафиллик ва шу кабиларга оид моддалар берилиши мақсадга мувофиқ бўлур эди. Ушбу таклифларимиз инобатга олинса, мазкур қонун Ўзбекистон иқтисодиётини жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви шароитида лизинг операцияларини ўтказиш шарт-шароитини аниқ белгилаган бўлур эди.

Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик фаолияти ривожланиб, ҳуқуқий база вужудга келтирилаётган шароитда лизингни иқтисодий-ҳуқуқий, шу жумладан молия-кредит, мулкий муносабатларнинг алоҳида қоришмаси деб билмоқ керак. Бу муносабатлар эгалик қилиш, тасарруф этиш ва фойдаланиш ҳуқуқини мулк ҳуқуқидан ажратиш имконини берадиган ижара орқали рўёбга чиқади. Ўзбекистонда табиркорлик фаолиятини молиялаштиришнинг муқобил ва самарали усули бўлмиш лизинг қабул эти-

---

[1] Қаранг. Д.Г. Газибеков, О.Ш. Сабиров «Лизинг и его развитие в Узбекистане», Т., 2001, 99-117 бетлар.

[2] Қаранг. Шу ерда 90-108 бетлар

[3] Қаранг. Ўзбекистон республикасининг «Хорижий инвестициялар тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон республикасининг «Хорижий инвесторларнинг кафолатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қонуни, Халқ сўзи, 1998 йил 20-21 май. Ўзбекистон республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон овози, 1999 йил 13 январ.

лаётган меёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни доимий янгилаб туришни ва меёрий-қонунчилик ҳужжатлари тизимининг таъсирчанлигини мунтазам назорат қилиш, лизингни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи қоидаларни аниқлаш ва ўз вақтида тугатиш зарурлигини эътиборга олиб мазкур меёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мунтазам тузатиш киритиб боришни талаб қилади.

Юқорида кўрсатилган йўналишларда лизингнинг ҳуқуқий негизларини такомиллаштириб бориш бизнингча, инвестицияларни молиялаштиришнинг муқобил усули бўлмиш лизингни қарор топтириш, ривожлантириш ва кенгайтиришга кўмаклашади. Давлат миқёсида эса инвестиция сиёсати фаоллашади, асосий капиталга молиялаштиришнинг анъанавий манбаларини тўлдиради. Умуман олганда, инвестиция маблағларидан мақсадли фойдаланиш, лизинг шартномалари давлатнинг ташқи қарзи умумий суммасига қўшилмаслиги ҳам муҳимдир. Бу эса халқаро молия институтлари олдида манфаатли кредит рейтингини сақлаб қолиш имконини беради.

Юқорида баён этилган фикр ва мулоҳазалар ҳозирги вақтда Ўзбекистонда лизинг муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари мавжуд деган хулоса чиқариш имконини беради. Шу билан бирга, халқаро андозаларни эътиборга олиб келгусида лизингнинг кенг қамровли ҳуқуқий таъминотини вужудга келтириш ва такомиллаштиришни талаб этади.

4-§. Лизинг қонунчилигидаги сўнгги ўзгартишлар

2002 йилнинг биринчи сентябридан кучга кирган «Лизинг тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон лизинг операцияларини ҳамма солиқ тўсиқларидан озод қилди, банк кредитлаши ва лизинг операциялари учун тенг шароит яратди.

Мазкур фармон қабул қилингунга қадар Ўзбекистон солиқ сиёсати банк кредитлаши воситасида молиялаштиришнинг муаян миқдоридаги устунлигини таъминлаган эди.

Ушбу фармон лизинг бўйича имкониятларни янада рағбатлантирди, лизингни ўта муқобил молиявий восита сифатида шакллантирди.

Олий Мажлиснинг 2002 йил декабрдаги сессиясида Ўзбекистонда лизингни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари бўйича Фуқаролик кодексига, «Солиқ кодекси»га, «Лизинг тўғрисидаги қонун»га ва «Божхона тарифлари тўғрисида»ги қонунга 38 та ўзгартириш киритилди.

2003 йилнинг 6 февралида давлатимиз Президенти томонидан юқоридаги қонуний ҳужжатларга ўзгартириш киритиш бўйича қонун имзоланди ва 7 февралда ушбу қонун матбуотда эълон қилинди. Ўзбекистонда ушбу тўсиқлар бартараф қилинар экан, бу ўзгартиришлар кўпгина масалаларни хал қилади. Қонуний ҳужжатларга ўзгартиришларни киритиш 2 та асосий масалани ўз ичига қамраб олди.

1) Солиқ кодекси ва Божхона тарифи тўғрисидаги қонунга 2002 йил 28 августдаги «Лизинг фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида"ги Президент фармонига асосан ўзгаришлар киритилди.

2) Фуқаролик кодекси ва «Лизинг тўғрисидаги қонун»да лизинг олувчи, лизинг берувчи ва сотувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек улар ўртасидаги мажбуриятларнинг тақсимланиши белгилаб қўйилди.

Ушбу ҳуқуқ ва мажбуриятлар лизинг операцияларини бажаришда ҳуқуқий асос бўлиб ҳисобланади. Лизинг тўғрисидаги олдинги қонундан тезкор лизинг тушунчаси чиқариб ташланди, шу билан бирга бир-бирини рад қилувчи ва бир-бирига мос келмайдиган томонлари бартараф қилинди.

2003 йил 30 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Хўжалик процессуал кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритди. Бу ўзгартиришлар, лизинг олувчи шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ҳолда, лизинг берувчига лизинг объектини ундириб олиш жараёнини тезлаштириш имкониятини беради.

Мазкур ўзгартиришлар мақсади лизинг берувчи лизинг объектини ундириб олиш талабларига суд қарори қўлланишда, бу лизинг берувчига қисқа муддатда суд ишисиз ўз мулкини қайтариб олиш имкониятини беради.

Шунга ўхшаган ўзгартиришлар лизинг берувчиларга судга ариза берган кундан бошлаб 10 кун ичида лизинг объектини қайтариб олиш имкониятини яратади, қачонки лизинг олувчи қарзини тан олса, лекин лизинг объектини қайтармаган ҳолда.

Лизинг битимини тузаётганда лизинг олувчи ўз мажбуриятларини тўлиқ бажармаган ҳолларда лизинг берувчи ўз мулкини қайтариб олиш ҳуқуқи шартноманинг асосий шартларидан биридир. Кредит муассасалари кредитнинг ўрнига гаров талаб қилгандек, лизинг берувчи ўзини лизинг олувчи ўз мажбуриятларини бажармаслигидан ҳимоя қилади. Ундириб олиш имконияти лизинг берувчига йўқотиш хавфини камайтиради ва лизинг олувчига лизингни арзонлаштиради.

10-БОБ. ХАЛҚАРО МОЛИЯ КОРПОРАЦИЯСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ФАОЛИЯТИ

1-§. Ўзбекистонда Халқаро Молия Корпорациясининг лойиҳаси

Марказий Осиё давлатларида жумладан, Ўзбекистонда лизингни ривожлантириш бўйича техник ҳамкорлик лойиҳаси 2001 йилда Тошкентда иш бошлади.

Лойиҳа жаҳон банкининг аъзоларидан бири ҳисобланган Халқаро Молия Корпорацияси (ХМК) томонидан амалга оширилмоқда.

ХМК жаҳонда инвестицион лойиҳаларини лизинг ҳисобидан тарқатиш бўйича катта тажрибага эга.

ХМК Жаҳон банкининг хусусий сектори билан ишловчи инвестицион гуруҳининг бир бўлагидир. ХМК нинг миссияси шундан иборатки, ривожланаётган давлатларда хусусий секторга йўналтирилаётган инвестиция оқимини бошқариш ва бу билан аҳолининг қашшоқлик даражасини пасайтириш ва моддий аҳволини яхшилашдан иборат. ХМК инвестицияларни молиялаштиришни ўзининг шахсий маблағлари ёрдамида, шунингдек халқаро молия бозорларига капитал жалб қилиш йўллари билан амалга оширади. ХМК ҳукумат ва компанияларга техник ёрдам ва консультация хизматларини кўрсатади.

Швейцария ХМК нинг йирик акционерларидан бири ҳисобланади. 60-йилларнинг бошларида Швейцариянинг 120 дан ортиқ хусусий сектори ташкилотлари ХМК томонидан молиялаштирилган 160 дан ортиқ лойиҳаларда иштирок этган. Швейцария хусусий сектори иштирокида лойиҳаларнинг умумий қиймати 10 млрд. АҚШ долларидан ошган.

Швейцариянинг иқтисодий алоқалар бўйича Давлат Секретериати (SECO) қўшма лойиҳаларни турли халқаро ташкилотлар, шунингдек Жаҳон банки билан ҳам бажарилишини мувофиқлаштирувчи ташкилотдир.

2001 йилнинг охирида ХМК Марказий Осиёнинг 4 та давлатида (Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон)

лизингни ривожлантириш бўйича йирик миқёсдаги лойиҳани амалга ошириш ташаббуси билан чиқди.

Лойиҳанинг асосий мақсади лизинг хизматлари бозорини келажакда ривожлантириш учун минтақадаги давлатларда қулай инвестицион мухитни яратишда техник ёрдам кўрсатиш, кичик ва ўрта бизнесни ва корхоналарни муқобил молиялаштириш воситаси бўлмиш лизинг асосида таъминлашдан иборат. Ҳақиқий ташаббусни амалга ошириш Швейцария давлат иқтисодий алоқалар секретариати томонидан молиявий қўллаб қувватланади.

ХМК лизинг соҳасида чорак асрга тенг бўлган тажрибага эга. ХМКнинг лизинг хизматлари бозори ривожланишида, алоҳида лизинг компанияларини инвестициялаш билан техник ёрдам кўрсатиш лойиҳаси амалга оширади. ХМК 50 дан ортиқ техник ёрдам кўрсатиш лойиҳасини ва 40 дан ортиқ давлатлар лизинг секторида 120 дан ортиқ инвестицион лойиҳаларни амалга оширди. ХМК фоалиятининг бир қисми бўлиб, у ёки бу давлатда лизинг компанияларининг асосчиси бўлди. Масалан, Ўзбекистонда 1995 йил биринчи ташкил этилган «Ўзбеклизинг интернейшнл» лизинг компаниясининг ташкил этилишида ТИФ Миллий банк, ЕТТБ ва Мэйбанклар билан бир қаторда иштирок этди. Лойиҳанинг Ўзбекистондаги фаолияти мамлакат ҳукумати, вазирлик ва идоралар, лизинг компаниялари, шунингдек мамлакатда қуйидаги йўналишларда фаолият юритаётган бошқа халқаро молия институтлари билан самарали ҳамкорлик амалга оширмоқда:

- Ўзбекистонда лизингни ривожланиши учун мавжуд шароитни таҳлил қилиш;
- лизингни келажакда ривожланиши учун лизинг хизматларини бошқариш мақсадида қонунчиликни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- кичик ва ўрта бизнес молия ташкилотлари имкониятларидан кенг амалий фойдаланиш, билим савиясини ошириш, бозордаги мавжуд лизинг компаниялари билан яқин алоқани ривожлантириш ва кичик ва ўрта тадбиркорлик учун компания хизматлари соҳасини кенгайтириш;
- лизинг компаниялари ва лизинг олувчи компанияларга маслаҳат хизматини кўрсатиш;
- Ўзбекистоннинг лизинг соҳаси учун салоҳиятли ҳалқаро инвесторларни излаш.

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда лизингнинг улуши асосий воситалар ва саноат корхоналарини жиҳозлашга жалб этилган капитал қўйилмалар ҳажмининг 20-30 фоизига тўғри келади.

ХМК ҳукуматларга илғор қонунчилик базасини яратишда каттагина ёрдам бериб, дунёдаги 39 мамлакатда соғлом лизинг секторини яратишга имкон яратди.

Сўнгги 30 йил мобайнида корпорация жаҳон лизинг секторига 1 млрд. АҚШ долларидан кўпроқ маблағни инвестиция қилди. Бу ерда жахоннинг 50 мамлакатида жойлашган 96 та лизинг компаниялари тўғрисида сўз кетмоқда. Шу билан бирга 25 та давлатда мамлакатнинг биринчи лизинг компаниялари молиялаштирилди.

ХМК Швейцария халқаро алоқалари бўйича давлат котибияти (SECO) билан ҳамкорликда 2001 йил охирида Марказий Осиёда лизингни ривожлантириш лойиҳасини бошлади. Унинг асосий мақсади мамлакатнинг лизинг секторига инвестицияларни жалб қилиш учун мақбул муҳит яратиш ҳисобланади. Ҳозирги вақтда лойиҳанинг амал қилиши мавжуд ва бўлғуси лизинг берувчиларнинг ресурсларини кўпайтириш ҳамда лизинг олувчилар ўртасида лизингни оммалаштиришга йўналтирилган. Бунинг учун тадбиркорлар, банк ходимлари, микромолия институтлари ва давлат бошқарув органлари ходимлари учун таълимий семинарлар ҳамда якка тартибдаги тренинглар ўтказилади.

Лизинг лизинг битимини ҳар бир субъекти учун муайян фойдалар тақдим этади, у иқтисодиёт бошқа соҳаларининг ўсиши ва кенгайиши учун кенг имкониятлар очади:

- кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланишига имкон яратади, чунки уни бирор бир сабабларга кўра молиялашнинг бошқа манбаларидан, ўз ишлаб чиқаришини барпо этиш ва замонавийлаштириш имкониятидан маҳрум бўлган субъектларга тақдим этади;
- капитал қўйилмалар ҳажмини кўпайтиради, чунки узоқ муддатли молиялашнинг қўшимча шакли ҳисобланади;
- молиявий хизматлар бозорида қўшимча рақобатни яратади. Лизинг пайдо бўлиши билан молиялашнинг қиймати пасаяди ва молиявий хизматлар бозори кенгаяди. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда у кўпинча асосий воситаларни харид қилиш учун банк кредитлашининг муқобили ҳисобланиб,

бу билан корхоналарга банк олдидаги ўз қарзини кўпайтирмаслик учун имкон беради;

– ускуналарни етказиб берувчиларга бунгача уларнинг харид қилишга қодир бўлмаган корхонадлар ҳисобига мижозлар сонини кўпайтириш имконини берадиган сотишларнинг молиялашнинг янги механизмини таклиф қилиб, ускуналарни сотишга имкон беради.

Ўзбекистонда лизинг секторини кенгайтиришга тўсқинлик қилаётган кўп муаммолар ўтган йили хал қилинди, шундай бўлсада унинг ривожланишига ғов бўлаётган омиллар хануз мавжуд. Уларнинг асосийси бу секторда молиявий ресурсларнинг етишмаслиги ҳисобланади. Ишлаб турган лизинг компанияларини капиталлаштириш нисбатан катта эмас, тижорат банклари эса охирги пайтгача бу сектордаги ўз ресурсларидан анча эҳтиёткорлик билан фойдаландилар.

Қонунчиликда солиқ солиш мақсадида тезлаштирилган амортизацияни қўллаш сингари муаммо ҳам ўз ечимини топмаган. Тезлаштирилган амортизация бўйича солиқ афзаллигини тақдим этиш ишлаб чиқариш сектори ва хизматлар секторини шакллантиришщ учун муҳим ижобий туртки бўлиб хизмат қилиши мумкин. Корхоналарга асосий воситаларга қўйилган инвестицияларни жадал ва самаралиқоплаш имкониятини тақдим этиш инвесторларга иқтисодиётнинг реал секторига капритал қўйилмалар ҳажмларини кўпайтириш учун рағбат беради.

2-§. Халқаро Молия Корпорациясининг Ўзбекистондаги фаолияти

ХМК си томонидан тармоқлар, иқтисодий секторлар, ишлаб чиқариш соҳалари, туризм, соғлиқни сақлаш, таълим ва молиявий хизматлар секторлари каби турли лойиҳалар молиялаштирилади.

Ўзбекистонда ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришда ХМК сининг иштирокидаги бир қанча мисолларни келтириш мумкин. Мамлакатимизда «Файз» холдинг компанияси ишлаб чиқараётган мебелларни яхши билишади. "Файз" Марказий Осиёдаги ягона ошхона мебелларини ишлаб чиқарувчи республикамиздаги йирик корхона ҳисобланади. 1995 йилда бу корхона Акциядорлик компаниясига айлантирилиб, унинг таркибига 4 та ташкилот кирган. Булар:

Тошкент ошхона мебеллар заводи, Боғдод ва Шаҳрисабз мебел корхоналаридир ҳамда Сирдарёдаги мактаб мебеллари заводи.

Ҳозирда компания таркибида 27 корхона мавжуд. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш, пардозлаш бўйича ўзбек—словакия корхонаси ташкил қилинган, шунингдек юмшоқ мебел ишлаб чиқариш бўйича БАА (Бирлашган Араб Амирлиги) билан қўшма корхона тузилган. 1997 йилда ХМК си билан «Файз» холдинг компанияси ўртасида ХМК томонидан компаниянинг 29,3 фоиз акциясини сотиб олиш бўйича кредит шартномаси тузилган. Ҳозирги даврга келиб ХМКсининг 1,9 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги кредити ўзлаштирилиб олинган. ХМК "Файз" компанияси корхоналарининг 0,5 млн. АҚШ доллар-лик акцияларининг эгасидир.

ХМК си ёрдами билан "Файз" холдинг компанияси корхоналари Германиядан келтирилган янги технологик линиялар ўрнатиш эвазига ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни сифатини оширишга эришди.

Ҳозирги даврда «Файз» холдинг компанияси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буюртмасига биноан мактаб жиҳозларига бўлган буюртмасини таъминловчи йирик корхона ҳисобланади. Бу холдинг компаниясининг молиявий ҳолатини яхшилашга ва янги лойиҳаларни ишлаб чиқаришга йўл очиб берди.

Шу каби лойиҳалар орасида «Азия гранит» компанияси томонидан қурилиш саноати учун плиталар ишлаб чиқариш ва гранитни қайта ишлаш корхонаисининг ташкил қилинганлигини ҳам айтиш мумкин. Шунингдек ХМК томонидан Тошкентдан узоқ бўлмаган жойда Ўзбек — Голландия қўшма корхонаси ташкил этиш учун кредит линияси ажратилиши шулар жумласидир.

Молиявий хизматлар соҳасидаги лойиҳалар кейинги вақтда тасдиқланаётган лойиҳаларнинг кўпроқ улушини ташкил қилади. Улар кенг қамровдаги хизматларни ўз ичига олади, жумладан шаклланаётган ижара, суғурта ва ипотека кредитлари бозорларидан тортиб то талабаларга кредит ажратиш ва турли давлатлардаги банкларга кредит линиялари очиш ва бу йўл билан ўз навбатида кичик ва ўрта корхоналар хўжалик фаолиятини юритиш учун микрокредитлар ажратадилар. 2000 йилдан бошлаб ХМК маҳаллий банкларга кредит линиялари ажратиш билан Ўзбекистон молия тизимини ривожлантиришга кўмаклашиш сиёсатини олиб бормоқда. Бугунги кунда

Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкига ва Асака банкларга 15 ва 10 млн. АҚШ доллари миқдорида мос равишда кредит линиялари очилган. 2002 йилнинг охиригача «Ҳамкорбанк» ва «Парвина банк»ларга кредит келишувларига асосан умумий суммаси 3 млн. АҚШ доллари миқдоридаги молиялаштиришнинг очилиши режалаштирилган. Бундай кредит линиялари ўз навбатида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратилади.

ХМК фаолиятида ҳусусий секторни молиялаштириш устувор бўлса ҳам, тижорат асосида хусусий капитал иштирокида амалга оширилади ва кейинчалик давлат улуши камайиб бориш шарти билан давлат улуши камроқ бўлган компанияларни ҳам молиялаштириш кўзда тутилади. ХМК маҳаллий мулкдорларга қарашли бўлган, шунингдек чет эл ва маҳаллий акциядорлар иштирокидаги қўшма корхоналарни молиялаштириши ҳам мумкин.

Хусусий секторда инвесторлар ва кредиторлар иштирок этишини таъминлаш мақсадида ХМК ўз улуши миқдорини (устав капиталидаги кредит ва инвестиция суммасини) чегаралаб қўяди. Янги лойиҳалар бўйича ХМК линияси орқали молиялаштиришнинг энг катта ҳажми лойиҳанинг тўлиқ смета харажатларининг 25 фоизидан ошмайди.

Ҳозирги кунда ХМК экспертлари томонидан Ўзбекистонда хусусий соғлиқни сақлаш ва таълимни ривожлантириш, тўқимачилик саноати каби соҳаларни лойиҳалаштиришни бошлаш ишлари ўрганилмоқда.

ХМК томонидан Марказий Осиё мамлакатларида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни «улгуржи» сиёсати олиб борилаётган бир даврда кичик ва ўрта бизнес соҳаларидаги хусусий корхоналарни ХМК томонидан тўғридан-тўғри молиялаштириш стратегияси ўрнига, маҳаллий банклар, жумладан ҳудудий банклар орқали молиялаштиришга ўтилмоқда. Бу ҳам ўз навбатида банклар ўз зиммасига корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини тахлил қилиш ва бу билан ХМК кўмагида ўзларининг лойиҳаларини молиялаштириш даражасини оширишга олиб келмоқда.

ХМК мутахассисларининг телекомуникация ва Интернет технологиялари бўйича бир неча ташрифлари давомида ҳамкорликнинг келажакдаги йўналишлари аниқланди.

ХМК ва Ўзбекистон ҳамкорлигининг яна бир йўналиши бўлиб, секторлараро изланишлар ташкил этишдир. Саноат

тармоғларини ривожлантириш мақсадида, Ўзбекистон ҳукумати томонидан таклиф қилинаётган лойиҳаларни ўрганишга хизмат кўрсатиш. Шу мақсадда нефтегаз, тоғ кон ва кимё соҳаларига ХМК ихтисослашган департаментларининг ташрифлари режалаштирилмоқда.

ХМК Ўзбекистонинг давлат корхоналарини хусусийлаштиришда иштирок этиб келмоқда, хусусан ХМК, ЕТТБ ва АТБ билан бирга фаол иштирок этаётир. «Ўзбектелеком» ни хусусийлаштириш лойиҳасини кўриб чиқишди.

1992 йилдан буён ХМК Ўзбекистонда жами 42,5 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 11 та инвестиция лойиҳасини маъқуллади.

3-§. Халқаро Молия Корпорацияси ва Европа Тикланиш ва Тараққиёт банкининг Ўзбекистондаги ўзаро ҳамкорлиги

ХМК ва ЕТТБ Ўзбекистондаги фаолиятларини деярли бир вақтда бошлашган. ХМК 1992 йилдан бери инвестиция соҳасида қандай иш юритаётган бўлса, техник ёрдам кўрсатиш соҳасида ҳам шундай фаолият юритмоқда. Ўша йилнинг ўзида, аниқроғи 1992 йил 30 апрелда Ўзбекистон ЕТТБнинг аъзосига айланган бўлса, 1993 йилда ЕТТБ биринчи лойиҳасини республикада амалга оширди.

ХМКнинг асосий мақсади ривожланаётган давлатларда ўз маблағлари ва хориждан жалб қилинган маблағлар ёрдамида хусусий секторни илғор ривожланишига ёрдам беришдан иборат. Шу мақсадда, ХМК хусусий секторда лойиҳаларни молиялаштиради, халқаро молия бозорларида хусусий компанияларга молияларни жалб қилишда ёрдам кўрсатади, шунингдек, ривожланаётган давлатлар корхоналари ва ҳукуматига техник ёрдам ва маслаҳатлар беради.

ЕТТБнинг асосий мақсади, Марказий ва Шарқий Европа давлатлари ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларига бозор иқтисодиётини қуришда ёрдам кўрсатишдан иборат. ЕТТБ регионда энг йирик инвесторлардан бири бўлиб, ўзининг инвестицияларидан ташқари, бевосита чет эл инвестицияларини ҳам жалб қилади.

Шундай қилиб, ЕТТБ ва ХМКнинг фаолият йўналишлари кўп соҳалар бўйича, айниқса, хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш соҳасида мос келади. Шунинг учун бу икки ташкилот мазкур йўналишдаги бир қатор лойиҳаларни ҳамкорликда самарали

амалга оширмоқда. Қилинган дастлабки ишдан бири, 1995 йилда Ўзбекистонда биринчи марта «Ўзбеклизинг Интернейшнл» компаниясининг ташкил қилинишидир. Компания тузилишининг асосий мақсадларидан бири кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида кенг лизинг хизматлари турини яратишдир. Компания республиканинг барча мулк шаклидаги хўжалик субъектларига лизингга бериш учун технологик ускуналарни сотиб олишни узоқ муддатли молиялаштиришни амалга оширади. «Ўзбеклизинг Интернейшнл» лизинг компанияси экспорт салоҳиятини ошириш ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон иқтисодининг устувор йўналишларига янги илғор технологияларни лизинг доирасида жалб қилади ва лизинг операцияларини ўтказиш услубиётини ва республикада лизинг хизматлари бозорини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Бу компаниянинг акционерлари бўлиб ЕТТБ ва ҲМКдан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва Малайзиянинг Мэйбанки ҳам ҳисобланади. Ўтган йили ЕТТБ ва ҲМК ушбу компаниянинг кредит линиясига 4,5 млн. АҚШ доллари ҳажмида кредит ажратди. Бугунги кунда "Ўзбеклизинг интернейшнл ҲЖ" компанияси энг йирик лизинг компанияларидан бири бўлиб, мамлакатнинг барча ҳудудлари ва иқтисодиётнинг кўпгина соҳаларида жами ҳажми 9,5 млн. АҚШ долларини ташкил этган 40 дан ортиқ лойиҳаларни амалга ошираяпти.

ХМК ва ЕТТБ Ўзбекистоннинг лизинг соҳасида нафақат инвестор сифатида фаолият юритмоқда, балки техник ёрдам ҳам кўрсатиб келмоқда. ЕТТБ томонидан берилган Дастурни Япония ҳукумати, ҲМК лойиҳасини эса Швейцариянинг иқтисодий алоқалар бўйича давлат котибияти (SECO) молиялаштиради ва Марказий Осиёда лизингни ривожлантириш лойиҳаси асосида амалга оширилади. Ҳукумат, лизинг компаниялари ва тижорат банкларининг ўзаро конструктив алоқалари шуни кўрсатдики, Олий Мажлиснинг 2002 йил декабрдаги сессиясида лизинг тўғрисидаги қонунчиликка комплекс ўзгартиришлар киритилишига олиб келди. Яъни, Фуқоролик кодекси, Солиқ кодекси, «Лизинг тўғрисида»ги ва «Божхона тарифлари тўғрисида»ги қонунларга комплекс ўзгартиришлар киритилди. Ушбу ўзгартиришлар Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни альтернатив молиялаштиришни сезиларли даражада яхшилади ва Ўзбекистонда лизингни ривожлантириш учун прогрессив ҳуқуқий шароитни яратишни таъминлади.

ҲМКнинг Марказий Осиё давлатларида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратилган «улгуржи» ёндошиш сиёсати давомида, хусусий табдиркорликни тўғридан тўғри молиялаштириш билан бирга, ҲМК ўз кредит линиялари ҳисобидан маҳаллий банклар орқали уларни молиялаштиради. Улар эса ўз навбатида, ушбу ташкилотларнинг кредитга лаёқатлиги таҳлилини ўз зиммасига олади ва шу билан ўзининг лойиҳавий молиялаштириш даражасини оширади.

ЕТТБ 20 миллиард евродан ортиқ бўлган капиталга эга бўлиб, қайта ташкил этилаётган ва мавжуд банклар, саноат тармоқлари ва ташкилотларни молиялаштиришни йўлга қўйган. Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни кредит линиялари бўйича Ўзбекистон Миллий банки, Асакабанк, Ўзсаноатқурилишбанк, Пахтабанк, Парвинабанк ва Ҳамкорбанк каби банклар мазкур иккита молия институтлари томонидан молиялаштирилди. Шунингдек, 2002 йилдан бошлаб, маҳаллий тижорат банклари орқали амалга ошириладиган лойиҳа, кичик бизнесни микромолиялаштириш қўшма дастурлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда ЕТТБ ва ҲМК тегишли равишда 118 ва 45 млн. АҚШ доллари ажратди.

Булардан ташқари ЕТТБ ва ҲМК давлат компаниялари билан ҳам иш олиб бориб, хусусийлаштириш, давлат ташкилотларини қайтадан ташкил этиш ва муниципиал хизматларни яхшилаш каби масалаларда ёрдам кўрсатмоқда. Шундай қилиб, иккала ташкилот ҳам Ўзбекистоннинг давлат ташкилотларини хусусийлаштириш дастурида иштирок этади, жумладан, «Ўзбектелеком» компаниясини хусусийлаштириш лойиҳасини кўриб чиқишда ҲМК ва ЕТТБ Осиё тараққиёт банки билан бир қаторда қатнашади.

Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, бу иккала молия институтлари фаолиятлари кўп томонлама ўхшаш. ҲМК нинг техник ёрдам дастури директори Кристиан Гроссманнинг айтишича, айнан мана шу ҳолатлар ҲМК ва ЕТТБ нинг табиий равишда ҳамкорлик қилишга олиб келади. Бу эса самарали натижага эришишда қўл келади. Ўзбекистонда хусусий секторни ривожланиши учун «Ўзбеклизинг интернейшнл» компаниясининг ташкил этилиши ва омадли фаолият юритиши, лизинг қонунчилигини ислоҳ қилиниши ва кредит линиялари орқали кичик ва ўрта тадбиркорликни молиялаштирилиши, мазкур самарали ҳамкорликнинг яққол кўринишидир.

11-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЛИЗИНГНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

1-§. Ўзбекистонда лизингни ривожлантириш ва кенгайтириш зарурияти

Янги техника, ускуна-жиҳозларни молиялаштириш учун молиявий манбаларни излаб топиш бозор, шу жумладан лизинг инфратузилмасини ривожлантиришни назарда тутади. Лизингнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, корхоналарнинг молиявий ресурслари чекланган даврда лизинг ресурсларни тежаш асосида машина ва ускуналар паркини қисқа муддатларда янгилаш имконини беради. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ресурслар йўқ бўлганида уларнинг лизингдан ташаббускорлик ва тадбиркорлик билан фойдаланиши айниқса ўринли бўлади. Лизинг хорижий капитални, замонавий технология ва «ноу-хау»ни жалб этиш учун замин яратади.

Ўзбекистон республикасида иқтисодиётнинг нодавлат секторида (қишлоқ хўжалик корхналари, КЎБ ва ХТ корхоналарида) лизинг хизматига талаб айниқса катта, чунки бу секторда капитал ҳажми кам, амортизация ажратмалари оз, айрим ҳолларда эса мутлақо йўқ. Уларнинг бошқа воситалари ҳам йўқ, жамғармалари эса етарли эмас. «Бугунги кунда лизинг хизматига алоҳида эҳтиёж сезилмоқда. Хусусан, кичик корхоналар, хусусий тадбиркорлар, фермер хўжаликлари айнан лизинг орқали замонавий ихчам технологияларни эга бўлиши мумкин. «Бугун биз учун ғоят зарур бўлган инвестициялар оқими кучайишига, қишлоқ хўжалик техникасини, транспорт ва самолётлар паркини янгилашда лизинг амалий восита бўлиб хизмат қилиши зарур»[1].

Республикада ташкил этилган 12та лизинг компаниясидан кейинги йилларда атиги тўрттаси лизинг фаолияти билан шуғулланди. «1999 йилда лизинг компаниялари орқали атиги

---

[1] И. Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8.Т.: «Ўзбекистон», 2000, 399-бет.

20 та лойиҳа амалга оширилгани, инвестициянинг умумий ҳажмида лизинг салмоғининг мутлақо камлиги билан қандай муроса қилиш мумкин?»[1]. 1997-2001 йилларда лизинг компаниялари 11,9 млн. АҚШ доллари ва 26,6 млрд. сўмлик асбоб-ускуна тақдим этди, шундан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш учун 4,2 млн. АҚШ доллари ва 8,32 млрд. сўмлик асбоб-ускуна берилди[2]. Шунга қарамай, лизинг иқтисодиётнинг реал секторида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва қайта қуроллантириш соҳасида ошиб бораётган эҳтиёжларини тўлатўкис қондирмайди. 2000 йил якунларига кўра, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)га нисбатан лизинг хизматларининг ҳажми бор-йўғи 0,03 фоизни ташкил этди[3].

Ташкил этилган лизинг компаниялари ҳали унчалик ривожланмаган, шу сабабли КЎБ ва ХТ қишлоқ хўжалик корхоналарнинг инвестиция фаолиятидаги кўпгина вазифаларни зиммасига ололмади. Аввало катта лизинг битимлари учун лизинг компанияларининг капитали етишмаслигини таъкидлаш зарурдир. Улар томонидан қарз маблағларни жалб этиш учун бўш турган ресурслар бўлиши талаб қилинади. Иқтисодиётда ликвид маблағларнинг мавжудлиги молиявий воситачилик ривожланганлигини олдиндан белгилаб беради ва аслида умуман миллий иқтисодиётнинг молиявий тизими самарадорлигидан далолат беради. Молиявий воситачиликни ривожлантириш йўли билан кредит ресурслари вужудга келтирилади, молия ва банк институтлари ўртасидаги рақобатни кучайтиради.

Энг йирик банклар томонидан муайян даражада марказлаштирилган кредит ресурсларининг жалб этилиши ва «узун» депозитларнинг етишмаслиги рақобатнинг ривожланишига кўп жиҳатдан таъсир қилади. Иқтисодиётнинг реал секторида тижорат банклари ҳозирча қарз олувчиларнинг асосий капиталига кредит беришдан манфаатдор эмас. Буни банкларнинг ликвидлик активларини муносиб тарзда шакллантириб олиш муддаоси билан ва уларнинг муайян вақтда ресурсларни сақлаб қолиш ва кўпайтириш стратегияси билан изоҳлаш мумкин. Бундан ташқари ҳозирги босқичда даромадларни кўпайтириш ва фоиз ставкасининг инвестицияларга таъсирини унчалик оширмаслик асосий мақсад эканини тадқиқотлар кўрсатиб ту-

---

[1] И. Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т. 8.Т.: «Ўзбекистон», 2000, 399-бет.

[2] «Халқ сўзи», 2001 йил 28 феврал, 1-бет.

[3] «Халқ сўзи», 2001 йил 28 феврал, 1-бет.

рибди. Қайд этилган омиллар банклар ўртасидагина эмас, банкдан бошқа муассасалар ва лизинг компаниялари ўртасида ҳам рақобатни ривожлантиришга бирон бир тарзда таъсир қилади.

Миллий иқтисодиётда тузилмавий ислоҳотларни чуқураштириш аввало иқтисодиётнинг ўзагини ташкил этувчи аграр секторда бозор инфратузилмасини жадал ислоҳ қилиш керак бўлади. Бу гап тижорат банклари ва бошқа молия институтлари тизимига, шунингдек улар кўрсатадиган хизматларнинг ҳажми ва турлари муаммосига тўла-тўкис тааллуқлидир. Шу билан бирга қишлоқ хўжалик маҳсулотини етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш соҳасидаги тадбиркорликни молиявий, кредит, ҳуқуқий, ахборот, инновация-технология, таъминлаш ва ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш зарур. Тижорат банклари томонидан молиявий лизингни ривожлантириш учун шароит яратилиши мазкур муаммони ҳал этиш йўларидан биридир. Лизинг операцияларини ўтказишдаги тижорий, иқтисодий ва молиявий афзалликларгина фан ва техника янгиликларини иқтисодиётнинг барча соҳаларига жуда қисқа муддатларда жорий этишга кўмаклашиши мумкин. 2002 йил 1 сентябрга қадар барча банклар лизинг лойиҳаларини хаётга тадбиқ этишда кредит операцияларининг самарадорлигига нисбатан лизинг операцияларини пастроқ даражада амалга оширди. Бу эса лизинг фаолиятини ҚҚСга тортилиши билан боғлиқ эди. 2002 йил 28 августа қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Лизинг фаолиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини кучга киритилиши, тижорат банкларининг лизинг операцияларини кўпайтиришга имконият яратди.

Молиявий ресурсларга эга бўлган ҳар қандай ташкилот лизинг компанияси сифатида асбоб-ускунани лизингга топшириши мумкин. Бироқ, чет эл амалиётида тасдиқланишича, лизингни йирик корпорациялар ҳузурида маркетинг хизмати ташкил этиш ўрнига, банклар ҳузурида лизинг компаниялар тузиш йўли билан ривожлантириш мақсадга мувофиқроқдир. Ўзбекистонда лизинг компаниялари тузганда чет эл тажрибасига таяниш ва уларни шакллаштиришнинг самарали йўлларини белгилаш зарур бўлади. Тижорат банклари ҳузурида лизинг компаниялари ва уларнинг минтақа филиалларини барпо этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистоннинг лизинг компаниялари аввало ўз капиталининг етарли эмаслиги билан ривожланган мамлакатларнинг шундай компанияларидан фарқ қилади. Бундан ташқари улар

капиталларининг ҳажми камлиги ва рағбатлантирувчи омилларнинг 2002 йил 1 сентябрга қадар йўқлиги сабабли лизинг операцияларини ривожлантириш суст борди. Белгилаб нуқта қўйилган фоиз ставкаларидан фойдаланиш ва бу ставкалар вақти-вақти билан ўзгартириб турилиги ва барқарор эмаслиги ҳам бунга бир мунча тўсиқ бўлди. Шу билан бирга лизинг асосида қўлга киритилаётган мулкка ҚҚС ставкаси юқори бўлганлиги ва лизинг хизматларига солиқ солиниши туфайли лизинг операциялари лизинг олувчилар учун манфаатли бўлмади. Шу сабабли 2002 йил 1 сентябрга қадар молия институтлари лизингни бирмунча қисқа муддатларга ва риск хавфи камроқ бўлган, даромадли операцияларга жойлаштиришни афзал билди. Тадбиркорлик фаолиятини ўрта ва узоқ муддатли кредитлаш амалиёти ривожланмаганлиги лизингни кенгайтиришга ҳам имкон бермади, ҳолбуки бу усул, аслида, инвестицияларни молиялаштиришнинг балансдан ташқари муқобил усули сифатида қарз олувчиларга манфаатли бўлиши маълум эди.

Банк ссудаларининг ўрта ва узоқ мудатли даврга белгиланган ўзгармас фоиз ставкалари (опцион) асосида берилиши ва бунинг юқори рискли эканлиги, банклар томонидан асосий капитални ўрта ва узоқ муддатга кредитлашнинг кенг миқёс ривожлантиришга тўсқинлик қилди. Бу эса ўз навбатида лизинг кредити бериш амалиётини оммалаштиришга имкон бермади, ваҳоланки лизинг кредити одатдаги банк кредитига нисбатан лизинг берувчиларга ҳам, эҳтимол бўлган лизинг олувчига ҳам афзалроқдир.

Лизингнинг юзага келиш амалиётини кузатиш натижаларига қараганда, унинг муваффақиятли ривожланишига тўсқинлик қилувчи ҳолатларни энг муҳимлари қуйидагилардан иборатдир:

- лизинг берувчилар ҳам, лизинг олувчилар ҳам унинг моҳиятини, афзалликларини етарлича тушуниб олмаганлари;
- лизинг бозорига хизмат қиладиган инфратузилмалар, ривожланган лизинг компаниялари, консалтинг фирмалари тармогларининг камлиги;
- лизинг хизмати таклифлари ҳақида доимо тўлдириб туриладиган ва тушунарли ахборот билан таъминлайдиган лизинг ахборот таъминоти тизими тўла ривожланмаганлиги;
- лизинг компанияларини ташкил этиш учун илк капитал етишмаганлиги. Лизинг тадбиркорга лизинг компаниясидан зарур асбоб-ускуна олиш учун зарур маблағнинг учдан бирига эга бўла туриб, иш бошлаш имконини беради. Аммо, лизинг

компанияси асбоб-ускунани ишлаб чиқарувчидан тўла қиймати бўйича сотиб олиши керак, бунинг учун унга кредит ресурслари талаб этилади. Банклар кўпдан-кўп лизинг олувчилардан кўра лизинг компанияларига кредит беришни хоҳлайди. Шу нуқтаи назардан, молиявий лизингнинг вужудга келиши кредитлашдаги риск хавфларини камайтиришга кўмаклашади;

- ривожланишни рағбатлантирувчи омиллар, солиқ соҳасида имтиёзлар бўлмаганлиги, 2002 йил 1 сентябрга қадар қўшилган қийматга икки ёқлама солиқ солиниши. Амалдаги солиққа тортиш тартибига биноан ҚҚС лизинг берувчидан сотиб олинган асбоб-ускуна учун олинар эди. Унинг миқдори лизинг берувчи томонидан асбоб-ускуна харид қилишга олинган кредит учун тўлаган фоизлар каби лизинг тўловларига қўшиб ҳисобланар эди. Лизинг хизматларидан ҚҚС ундириш амалиёти лизинг тўловларига қўшимча солиқ тўланишидан далолат берар эди. Лизинг берувчи асбоб-ускунани олиши биланоқ солиқ тўлар эди, лизинг олувчи эса солиқ суммасини лизинг тўловлари таркибида босқичма-босқич қоплаб борар эди. Лизинг фаолияти ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари бу тўсиқларни бартараф этди.

- лизинг инфратузилмасида ишлайдиган тажрибали ходимлар етишмаслиги.

Ҳозирги вақтда лизинг операцияларини кенг миқёсда ривожлантиришда айрим таъсир этувчи омиллар ҳам мавжуд. Республикада машина ва асбоб-ускуналар савдосининг улгуржи бозори тўлиқ ривожланмаганлиги, янги техника ва технологияга эҳтиёжнинг қондирилмаслиги лизинг операцияларини кенгайтиришга ҳам тўсқинлик қилаётир. Мазкур иккала кўрсаткич ўртасида ўзаро алоқа мавжуд, улгуржи савдога нақадар тезроқ ўтилса, машина ва асбоб-ускуналар камомади шу қадар тезроқ тугатилган бўлар эди.

2002 йил 28 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Лизинг фаолиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони 2002 йил 1 сентябрдан бошлаб мамлакатда лизингни ривожланишига қийинчиликлар туғдираётган солиқлардан озод қилди. Фармонга мувофиқ:

- лизинг тўловлари ҚҚСдан;

- лизингга бериладиган четдан олинадиган технология ускуналари божхона тўловидан ва ҚҚСдан;

- лизинг олувчилар лизинг объекти бўйича мулк солиғидан озод қилинади;

– лизинг берувчини солиққа тортиш чоғида у лизингга бериш учун мулк харид қилишга олган кредитлар фоизи ҳамда белгиланган бошқа тўловларнинг суммаси унинг жами даромадидан чегириб ташланади.

Булар молиялаштиришнинг қийматини пасайишига ва молия хизматлари бозорини кенгайишига олиб келади. Бир сўз билан айтганда кичик ва ўрта хўжалик субъектлари ўз ишлаб чиқаришларини модернизациялаш ва янгилаш учун кенгроқ молиялаштириш имкониятларига эга бўладилар.

Бу фармонни тайёрлашда, 2001 йил 13 мартда бўлиб ўтган инвестиция фаолиятини активлаштиришда лизинг имкониятлари ва истиқболларига бағишланган Республика семинарида тузилган Ишчи гуруҳи томонидан тайёрланган таклифлар инобатга олинган. Ишчи гуруҳи таркибига барча лизинг компаниялари, Ўзбекистон тижорат банклари, турли вазирлик ва идоралар вакиллари, шунингдек, Марказий Осиёда лизингни ривожлантириш бўйича ХМКнинг эксперт-лари ҳам киритилган. Фармоннинг қабул қилиниши, шубҳасиз, нафақат мавжуд лизинг компанияларнинг фаолиятида, балки мамлакатнинг лизинг секторига ташқи ва ички инвестициялар оқимини кўпайтириш ҳисобига янги компанияларни тузишда ҳам ижобий таъсирини кўрсатади. Ўзбекистон лизинг секторига бевосита жалб этилган чет эл инвестицияларининг ҳажми 6,6 млн. АҚШ долл. ташкил этди. Бу эса унинг реал ривожланиш салоҳиятини кўрсатмайди. Чет эл капиталини жалб этилиши лизинг компанияларини етарлича капиталлаштириш масаласини хал этишга ёрдам беради. Ўзбекистон тижорат банклари ҳам лизинг хизматлари ва лизинг секторини молиялаштириш ҳажмини оширади.

Шуни таъкидлаш керакки, мазкур фармонга халқаро молия институтлари вакиллари ҳам юқори баҳо бердилар. Хусусан, ХМКнинг Марказий Осиёдаги ҳудудий вакили Гортон Де Монд қуйидагича фикр билдирди: «Ушбу фармон ХМК ва хусусий инвесторлар томонидан кичик ва ўрта бизнесга керакли капиталларни киритишда зарур бўлган қулай инвестиция муҳитини яратиш йўлида сезиларли қадам бўлди».

Фармон қабул қилиниши билан Ўзбекистонда лизингни ривожланиши учун қулай шароит яратиш ишлари тугатилмайди. Қонунчилик асосида ҳал қилинадиган яна бир қанча муаммолар мавжуд. Мазкур фармон қабул қилинганидан сўнг кичик ва ўрта бизнес вакилларида тенг шароитга эга бўлган иккита молия – лизинг ва кредит муассасаларини танлаш имконияти пайдо бўлди.

2-§. Ўзбекистон лизинг компанияларининг лизинг операциялари

Ўзбекистон лизинг компаниялари лизинг операцияларининг хажми олдинги йилларгидек 2002 йилда ҳам банклар томонидан ўтказилган лизинг операциялари ҳажмидан юқори бўлди. 2002 йилда лизинг компаниялари томонидан ўтказилган лизинг операциялари сони 2310 ташкил этди ва уларни ҳажми 45,6 млрд. сўмни ташкил этди, ёки бўлмаса 2001 йилга нисбатан 48 фоизга ўсди.

«Ўзбеклизинг интернешнл» АЖ компанияси ҳам ўзининг лизинг операцияларини сезиларли равишда ўстиришга муваффақ бўлди. Валюта бозорини эркинлаштириш жараёнлари, ҳамда унинг асосий акциядорлари томонидан кредитларни ажратилиши 2002 йилда операциялар ҳажмининг 2001 йилга нисбатан 10 баробар кўпайтириш имкониятини берди. "Барака" универсал лизинг компанияси ҳам ўз операцияларини кўпайтирди. Осиё-Европа траст компанияси 2002 йилда янги операцияларни амалга оширгани йўқ, чунки ўз фаолиятини 2001 йилда амалга оширилган лойиҳаларга хизмат кўрсатишга қаратди.

Ўзбекистонда лизинг лицензия талаб этмайдиган фаолият тури бўлганлиги туфайли, мамлакатимизда лизинг операцияларини нафақат лизинг компаниялари, тижорат банклари, балки бошқа муассасалар ҳам амалга оширмоқдалар. Масалан, Ўзбекистонда телекоммуникация ва алоқа соҳаларида иш юритадиган айрим компаниялар ўзларининг фаолиятлари учун зарур бўлган ускуналарни чет эллик лизинг берувчилардан олган ҳолда ҳалқаро лизинг операцияларини амалга оширмоқдалар. Бундай операциялар ҳажми миллионлаб АҚШ долларига тенгдир.

Умуман олганда, шуларни таъкидлаш жоизки, 2002 йил натижаларига кўра лизинг операцияларининг асосий воситалар турлари ва ҳудудлар бўйича тақсимоти сезиларли ўзгаришларсиз кузатилди.

Келтирилган диаграммадан кўринишича, 2002 йилда лизинг компаниялари томонидан амалга оширилган лизинг операциялари кескин равишда ўтган йилларга нисбатан ўсди. Лизинг компаниялари томонидан амалга оширилган лизинг лойиҳалари ва уларни ихтисослашган йўналишлари қуйидаги жадвалда келтирилган (6-жадвал).

6-диаграмма

Лизинг компанияларининг операциялари («Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси операцияларисиз)



"Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" акциядорлик лизинг компанияси томонидан амалга оширадиган лизинг хизматлари асосан қишлоқ хўжалик техникасига қаратилган. Табийики, лизинг олувчилар бўлиб ширкат, фермер хўжаликлари ва машина-трактор парклари ҳисобланади. "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компанияси томонидан 1999-2000 йилларда 5 мингдан зиёд 98,5 млрд. сўмлик лизинг операциялари амалга оширилди.

2002 йилда компания томонидан 2252 лойиҳа бўйича 40,3 млрд. сўмга яқин лизинг хизматлари амалга оширилди. Бунда лизинг шартномалари асосида лизингга қишлоқ хўжалик техникасини 2190 зиёди берилди. Самарқанд вилоят хўжаликлари лизинг шартномалари асосида 2077,0 млн. сўмлик 230 га яқин трактор ва прицепларини олишди. Лизинг асосида 1772,3 млн. сўмлик 200 дона шундай трактор ва тиркамаларга Қашқадарё вилояти хўжаликлари ҳам эга бўлди. "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг"

6-жадвал

Ўзбекистондаги лизинг компанияларининг операциялари

Компаниялар	Ташкил этилган йили	Таъсисчилар таркиби	Капитали (АҚШ долл. эквивалентида)	Ихтисослиги	Филиаллари сони	Амалга оширилган лойиҳалар	
						сони	Суммаси (АҚШ долл.)
1	2	3	4	5	6	7	8
"Ўзбеклизинг Интернешнл"	1995	Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки - 35% Мей банк – 35% ЕТТБ – 15% ХМК – 15%	6 млн	50 минг АҚШ долл. 1,2 млн ускналар	йўқ	40	2,4
"Осиё-Европа Траст компанияси"	1996	100% чет эл корхоналари	50 минг	Ускуналар импорти, кичик ва ўрта бизнес корхоналари капиталини молиялаштириш	йўқ	10	3,6
«Барака» универсал лизинг компанияси	1996	Ўзбекистон банклари ассоциацияси –75% Ўзинвестлойиҳа –16,7% «Ипак йўли» банки - 8,3%	0,6 млн	Ички лизинг. 100 АҚШ долл. 60 минг АҚШ долл. (ўз сўмда)	3	97	9,1
«ЎзКейсагролизинг»	1997	Кейс Кредит Холдинг Лтд - 51% Ўзбекистон Банклари ассоциацияси – 49%	5 млн	"Кейс" ишлаб чиқарган қишлоқхўж. техникаси	йўқ	37	7,2
«Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг»	1999	Ўзқишлоқмаш холдинг - 10,14% Пахтабанк – 10% (10% дан кам улуши билан 459 акциядор)	1,5 млн	Маҳаллий қишлоқхўж. техникаси лизинги	13	4420	152,9

Компаниялар	Ташкил этилган йили	Таъсисчилар таркиби	Капитали (АҚШ долл. эквивалентида)	Ихтисослиги	Филиаллари сони	Амалга оширилган лойиҳалар	
						сони	Суммаси (АҚШ долл.)
«Ўзавиализинг»	1997	"Чкалов" номидаги ТАИЧБ ДАЖ - 71,42% ТИФ МБ - 8,16% ДАТБ "Асака" - 8,16% Ўз.Рес. ДМҚ - 8,16% ДАЖ - 4,08%	24,5 млн	ТАИЧБнинг авиатехника лизинги	йўқ	1	15
"Қурилиш-лизинг" лизинг компанияси	2003	ЎзР ТИФ Миллий банки, Ўзуйжойжамғармабанк, Ўзсаноатқурилишбанк, «Асака» банки, «Пахтабанк», «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК, «Ўзнефтгазқурилиш» АК, «Ўзбекэнерго» ДАК	1 млн.	Замонавий қурилиш техникаси ва кичик механизация воситалари, махсус транспорт лизинги	Йўқ	Йўқ	Йўқ

компанияси лизинг операцияларининг асосий манбаси бўлиб Ўзбекистон республикаси молия вазирлиги қошидаги қишлоқни қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминлашни давлат рағбатлантириш фондининг жалб этилган маблағлари ҳисобланади. Компаниянинг асосий акциядорлари «Ўзқишлоқмашхолдинг» холдинг компанияси, Германиянинг «Зелко» қишлоқхўжалик, машинақурилиш ва уруғчилик корхоналари уюшмаси ва «Клаас» фирмаси ҳамда акциядорлик тижорат «Пахтабанки» ва бошқалардир. 2003 йилнинг биринчи ярим йиллигида «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси томонидан 27726,3 млн сўмлик 1440 лойиҳа амалга оширилди.

Компанияда лизингнинг асосий предмети қишлоқ хўжалиги техникаси ҳисобланади, табиийки лизинг олувчилар бўлиб, ширкат, фермер хўжаликлари ҳамда машина трактор парклари чиқишаяпти. Охирги 3 йилда умумий суммаси 78,5 млрд. сўмлик 5000 ортиқ лизинг операцияси амалга оширилди.

Компания томонидан 2002 йилда 2250 лойиҳа бўйича 40,3 млрд. сўмлик лизинг хизмати амалга оширилган эди. Қишлоқ хўжалик техникасининг 2190 ортиқ турлари тақдим этилган эди. Самарқанд вилояти хўжаликлари лизинг бўйича умумий суммаси 2077,0 миллион сўмлик 230 та трактор ва прицеплар олдилар. Қашқадарё вилояти хўжаликлари умумий суммаси 1772,3 миллион сўмлик 200 донадан ортиқ шу техникадан олдилар.

Компания лизинг операцияларининг кўпроқ хажмини молия вазирлиги хузуридаги "Қишлоқни қишлоқ хўжалик техникалари билан таъмирланишини рағбатлантириш давлат фонди" маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Компания акционерлари ХК "Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг", Германия қишлоқ хўжалиги ассоциацияси, "Зелкол" машинасозлик ва уруғчилик корхонаси, "Клаас" фирмаси, АК "Пахтабанк" ва бошқалардир. Республика бўйича "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компанияси филиаллари мавжуд.

3-§. Ўзбекистон республикаси тижорат банкларининг лизинг операциялари

Лизинг операциялари банк бизнесида кенг тадбиқ этила бошланди, чунки, улар тижорат банклари учун бир қатор муҳим афзаллик келтиради:

– мазкур банк тузилиши аниқ таъминотга эга бўлади;

– лизинг операциялари ва у билан боғлиқ хизматлар мунтазам кенгаяди;

– лизинг ёрдамида мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш имкони туғилади ва бу билан мижозлар доираси кенгаяди;

– ўз ишлаб чиқариш фондини янгилашга муҳтож мижозлар билан сифат жиҳатдан янгича шериклик муносабатлари ўрнатилади.

Лизинг берувчининг вазифасини бажара бориб, тижорат банки ўз мижозларининг рақобатбардошлик стратегияси шаклланишига сезиларли ҳисса қўшади, лизинг хизмати бозори ривожланишига кўмаклашади, лизинг ускуналари миллий бозорларидаги вазиятни назорат қилади.

Банк учун лизинг операциясининг афзаллиги шундан иборатки, унинг самарадорлиги етарли даражада юқори бўлади. Лизинг тўловлари орқали банк лизинг олувчиларга кўрсатган хизмати учун комиссион тўловлар олиш ҳисобига ўз даромадини тўлдиришнинг сифат жиҳатдан янги манбаига эга бўлади. Бундан ташқари, тижорат банки, лизинг бизнесини ривожлантириб, узоқ муддатли кредитлаш операциясига қараганда лизинг операциялари ҳисоби нисбатан соддалиги туфайли маблағ тежаши мумкин. Шу билан бирга жаҳон тажрибаси кўрсатадики, лизинг операциялари риск даражаси етарлича бўлган банк операциялари қаторига киради. Лизинг шартномасининг муддати тугагач талаб бўлмаган тақдирда лизинг объекти юқори қолдиқ қийматини қоплаш зарурлиги мавжуд бўлганда, тезкор лизингда, банкнинг риски ошади.

Лизинг хизматлари бўйича мамлакат қонунчилигининг такомиллаштириб борилиши тижорат банклари томонидан ўтказиладиган лизинг операциялари ҳажмини ўсишига туртки бўлди. 2002 йилнинг иккинчи ярмида тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган лизинг хизматлари ҳажми сезиларли равишда кўтарилди. 2001 йилда лизинг лойиҳаларини энг кўп сонини Пахтабанк амалга оширди. Бунинг табиийлиги шундан иборатки, лизинг хизматларига бўлган талаб асосан қишлоқ хўжалик техникасига ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш ускуналарига бўлган юқори талаб билан, айниқса фермер хўжаликларни кенг тус олиши билан ва уларнинг асосий воситаларини янгиланиши зарурлиги билан белгиланади. Шунга қарамай Пахтабанк томонидан амалга оширилган янги лизинг операцияларини миқдори 2002 йилга нисбатан деярли икки ярим баравар қисқарди.

Банклар томонидан ўтказилган лизинг операциялар ҳажмининг ўсиши, асосан бошқа банклар томонидан кўрсатилган лизинг хизматлари эвазига кўтарилди. Лизинг хизматлари бозорига янги иккита банкнинг кириб бориши мамлакат лизинг секторида тижорат банклари лизинг операцияларини 2001 йилга нисбатан 30 фоизга ўсишига олиб келди. 2002 йилда банклар томонидан жами 1314млн. сўмлик 154 янги лизинг лойиҳалари амалга оширилди. Бу эса 1,7 млн. АҚШ долларига тенгдир[1].

Шубҳасиз тижорат банклари томонидан амалга оширилган лизинг операцияларини ўсишига 2002 йил 28 августда «Лизинг фаолиятларини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони таъсир кўрсатди. Ушбу фармон қабул қилинганидан кейин Ғаллабанк ва Тадбиркорбанк 2002 йилнинг охирига қадар 323 минг АҚШ долларига тенг бўлган ҳажмда 110 лизинг операцияларини амалга оширди. Президент Фармони лизинг хизматларини амалга оширишни банк кредити бўйича белгиланган солиққа тортиш шароитлари билан тенглаштириб берди. Бундай ҳолат ўз навбатида тижорат банклари учун лизинг операциялар бўйича олинадиган даромадларни кўпайтириш имкониятини очиб берди (7-диаграмма, 7-жадвал).

7-диаграмма

Ўзбекистон тижорат банкларининг лизинг операциялари[1]

(Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки операцияларисиз)



[1] Анализ рынка лизинга в Центральной Азии, май 2003, IFC, 19-бет.

7-жадвал

Тижорат банклари амалга оширган лизинг операциялари тўғрисида маълумот

Банклар	Лизинг операцияларини бошлаш йўллари	Амалга оширилган Лизинг операциялари		Лизинг объекти
		Сони	Минг АҚШ долл. тенг эквивалент ҳисобида ҳажми	
Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки	1996	4	378568	Авиалайнерлар
Пахтабанк	1998	68	2677	Қишлоқ хўжалик техникаси, автотранспорт
Ўзуйжойжамғармабанк	1998	29	1129	Автотранспорт, технологик ускуналар
Савдогарбанк	1999	5	769	Қишлоқ хўжалик техникаси
«Ипак йўли» банки	2000	30	778	Автотранспорт, компьютер кўчмас мулк
Трастбанк	2000	1	138	АЁҚТ
Марказий Осиё ҳамкорлик ва ривожланиш банкининг Тошкент ш. шўбаси	2000	3	888	Технологик ускуналар
Алоқабанк	1998	5	160	Полиграфия ускуналари, фотолабаратория
ХИФ-банк (ҳозирда Туркистон)	2000	6	71	Автотранспорт
Тадбиркорбанк	2002	103	220	Қишлоқ хўжалик техникаси
Ғаллабанк	2002	7	103	Қишлоқ хўжалик техникаси, автотранспорт

Мамлакатимиз иқтисодиётида лизинг олувчилар сифатида, олдингидек кичик ва ўрта бизнес субъектлари асосий ўринни эгалайдилар. 2004 йилдан бошлаб булар қаторига якка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар, енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш, мебел саноати ва қурилиш материаллари саноати, машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати,

1 Қаралсин: Анализ рынка лизинг в Центральной Азии. май 2003. IFC. 19 бет.

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳалари, фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳаси, савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган соҳалар кичик корхоналари қўшилиши муносабати билан лизинг олувчилар таркибининг кенгайиши кутилмоқда. Ўз навбатида лизинг хизматлари кўпгина соҳаларни турли асосий воситалар бўйича қамраб олади. Банклар томонидан амалга ошириб келинаётган ҳар бир лизинг келишувномаларининг ўртача қиймати 15-20 минг АҚШ долларига тенг бўлган миқдордан юқори эмас. Марказий Осиё ҳамкорлик ва ривожланиш банки шўбаси эса 395 минг АҚШ долларлик битта лойиҳани амалга оширди[1]. Лизинг лойиҳаларининг катта қисми қишлоқ хўжалигида амалга оширилиб келинмоқда. 2003 йил февраль ойида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси учун иккита Боинг-767 авиалайнерларни олиш бўйича навбатдаги 260 млн. АҚШ долларлик лизинг операцияларини амалга оширишни бошлаб юборди.

2003 йил биринчи ярим йиллик натижалари бўйича «Ипак йўли» акциядорлик инновацион-тижорат банки 173,0 млн. сўмлик 8 та лизинг шартномасини имзолади. Лизинг хизматлари банк томонидан 2002 йилда 287 млн. сўмлик 18 лизинг келишувномалари бўйича амалга оширилган эди. Биринчи бор шундай хизматлар кўрсатишни "Ипак йўли" банки 2001 йилдан кўрсата бошлаган.

Лизинг объектлари сифатида «Ипак йўли» банки бинолар, ускуналар, компьютер техника ва автомобилларни лизинг шартномаларига киритган.

Давлат акциядорлик «Уйжойжамғармабанк» томонидан 2003 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган лизинг хизматлари 30 келишувнома асосида 450,0 млн. сўмни ташкил этди. 2002 йил натижаларига кўра банкнинг лизинг хизматлари кўрсаткичлари анчагина юқори бўлди, чунки лизинг операциялари портфели 2002 йилда 371,6 млн. сўмни ташкил этган ҳолда 23 та шартнома бўйича амалга оширилган эди. Давлат акциядорлик "Уйжойжамғармабанк» лизинг хизматларини 1998 йилдан тақдим эта бошлаган. Ўша вақтдан бошлаб лизинг

---

1 Қаралсин: Анализ рынка лизинг в Центральной Азии. май 2003. IFC. 19 бет.

предметлари бўлиб кичик цехлар ва автотранспортлар учун ҳар хил ускуналардир.

Ғаллабанк лизинг хизматларини ўз маблағлари ҳисобидан 2002 йилнинг август ойида бошлади. Банк ўз маблағлари ҳисобидан 84 миллион сўмлик «Тадқиқот-4» тракторларини, «Отайўл» русумли микроавтобусларни ва бошқа жиҳозларни сотиб олиб уларни узоқ муддатли ижарага берди.

Акциядорлик тижорат «Пахта»банки охирги 5 йилда 800 млн. сўмлик 120та лизинг лойиҳаларини молиялаштирди.

Бундан ташқари, лизинг бўйича хизматларни мамлакатнинг 34 та тижорат банкларидан 11 таси ҳам таклиф қилмоқда.

4-§. Ўзбекистонда лизингни янада кенгайтириш масалалари

Лизинг операциялари билан шуғулланувчи мутахассислар тижорат бўйича, янги ва ишлатилган асбоб-ускуналарга бўлган талаб ва таклифни аниқлаш, ишлаб чиқариш технологиялари, техник хизмат кўрсатиш бўйича, назорат, қонунчилик бўйича, мол-мулкни суғурталаш ва бошқа соҳалар бўйича чуқур билимга эга бўлишлари талаб этилади. Маълумки, лизинг операцияларини амалга оширишда лизинг олувчининг мол-мулкдан қониқарсиз фойдаланиши, лизинг берувчи ишлатилган асбоб-ускуналарни самарасиз сотиши, лизинг объектини эгасига ўз вақтида қайтарилмаслиги ва шу каби салбий ҳолатлар лизинг берувчининг рискларини оширади. Шу сабабли лизинг соҳасидаги мутахассислар лизинг мулкини суғурталаш бўйича билимли ва тажрибали бўлиши катта аҳамиятга эгадир. Ҳуқуқий масалаларни билиш ва лизинг шартномаларини тўғри расмийлаштириш ҳам муҳим вазифалардан биридир. Лизинг операцияларини молиялаштиришда шартномага қўшимча бандларни киритиш, суғурта жамияти билан алоҳида битим ёки шартнома тузиш, лизинг олувчи ёки лизинг берувчини турли риск ва хавфлардан сақлаб қолади.

Ҳозирги вақтда лизинг операцияларининг ҳар хил турлари бўйича тўловларнинг ҳамма унсурларини ҳисоб-китоб қилиш учун услубий қўлланмалар ишлаб чиқилмаган. Молиявий, тезкор, бўлинма лизинг, сублизинг ва шу кабилар юзасидан тузиладиган шартномаларнинг намуналари йўқ. Лизингнинг экспорт ва импорт турларига битим-шартномалар тузиш шарт-шароитларини ишлаб чиқиш ғоят зарур бўлиб турибди. Лизинг компанияларига тўланадиган воситачилик йиғимлари, мукофотларни белгилаш учун йўриқномалар ишлаб чиқиш бозор-

нинг мазкур сегментидаги ҳал этилмаган муаммолардан ҳисобланади.

Чет эл тажрибаси лизингдан фойдаланишда айрим минтақаларга ва бозор секторларига имтиёзлар бериш зарурлигидан далолат беради. Иқтисодиётнинг техника ва технология соҳасида орқада қолган секторларига, масалан, қишлоқ хўжалигига, унинг маҳсулотини қайта ишлашга, халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга, маиший ва саноат электроникаси, тиббиёт техникасига, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ускуналарини ишлаб чиқаришга ва бошқа соҳаларга лизингдан фойдаланиш бўйича барча имтиёзларни бериш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Иқтисодиёти суст ривожланган минтақаларга солиқ соҳасида имкони борича имтиёзлар берилиши ҳам фойдадан ҳоли эмас.

Инвестиция фаолиятини рағбатлантиришнинг ҳозирги босқичида асосий капитални лизинг асосида сотиб олиш ва янгилаш йўли билан хусусий тадбиркорликни ривожлантириш зарур. Шу мақсадда лизингни ривожлантириш учун алоҳида лизинг тармоғини шакллантириш учун қулай шароит яратиш лозим. Лизинг компаниялари ва Ўзбекистоннинг барча минтақаларида уларнинг филиалларини тузиш, уларни солиқ ва йиғимлардан озод қилиш, уларнинг мустаҳкамланишига имкон бериш, шу йўл билан лизинг операцияларини кенгайтириш керак. Қишлоқ жойларда бу ишнинг йўлга қўйилиши қишлоқ маҳсулотларини қайта ишлашга, янги иш жойларини ҳосил қилишга ёрдам беради.

Лизинг компаниялари таъсис этиш, уларни тузиш ва фаолиятини ташкил этиш бозор муносабатларига ўтиш босқичининг энг зарур вазифаларидан биридир. Лизинг фаолиятига бир маротабалик ва имтиёзли солиқ солинишига эришиш энг муҳим вазифадир. Лизинг операциялари нуқтаи назаридан солиққа тортиш базасига аниқликлар киритиш лизингни кенг оммалаштириш арафасидаги бош муаммолардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда лизинг операцияларини бемалол ривожлантириш мақсадида бу ишни амалга оширишнинг рағбатлантирувчи меъёрий-ҳуқуқий базасини яратиш устида иш олиб борилмоқда. Ўзбекистонда лизингни ривожлантиришни қўлаб-қувватлаш фондини тузиш мақсадга мувофиқ. Акциядорлик лизинг компанияларининг Намунавий уставларини, молиявий лизингни жорий этишга оид намунавий битим-шартномаларни, лизинг ҳақини тўлашга оид услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳам асосий вазифалардан ҳисобланади.

Лизинг компанияларига фойда солиғи бўйича имтиёзлар белгилаш ёки уларни шаклланиш даврида солиқдан озод қилиш лизингни кенг ривожлантириш жараёнига кўмаклашган бўлур эди.

Республика корхоналарини техника билан қайта қуроллантиришга қаратилган молиявий лизинг моҳият эътибори билан лизинг тарзида сотиб олинадиган асбоб-ускунани узоқ муддатли кредит билан таъминлашдан иборатдир. Шу муносабат билан молия лизинги операциялари бўйича солиқ имтиёзларининг жорий этилиши лизинг кредити бериш учун банк ссудаларини жалб этишини кенгайтириш имконини беради. Молиявий лизинг ўтказишнинг амалдаги тартибини имтиёзли солиқ солиш асосида ривожлантириш ва такомиллаштириш туфайли:

- миллий иқтисодиётга катта ҳажмдаги нодавлат, айниқса хусусий инвестицияларни жалб этиш;
- фан ва техника ютуқларини жорий этиш ва технология билан қайта қуроллантириш асосида экспортга мўлжалланган сифатли маҳсулотни кўпайтириш;
- лизинг ҳисобидан ташкил этилган корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини кенгайтириш ҳисобига бюджетга солиқ тушумларини кўпайтириш;
- мулкдорларнинг ўрта синфини ривожлантириш, КЎБ ва ХТ корхоналарини вужудга келтириш, инвестиция фаолиятини фаоллаштириш имконияти туғилади.

Солиққа тортиш масалаларини ҳал этиш билан бирга, бизнингча, лизинг битимларининг қатнашчиларига лизинг объекти бўйича жадал амортизацияни мустақил қўллаш имконияти берилиши керак. Бу тадбир экспортга мўлжалланган юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини жадаллаштириш билан бирга машина ва ускуналар паркини янгилаш муаммосини ҳал этади.

Бир иқтисодиётда лизинг берувчи билан лизинг олувчи ўртасидаги фаолиятни амалга оширишда, бир хил солиққа тортиш, молиялаштириш ва бошқа ҳолатларда бўладиган лизинг чиқимлари инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда мазкур асосий воситаларни харид қилиш чиқимларидан ошиб кетиши мумкин эмас, халқаро лизингни ташкил этишда эса, лизинг муносабатларининг қатнашчилари турли ноаниқликлар ва баҳсли вазиятларни ҳисобга олишлари керак. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда лизингни жорий этиш мақсадида молиялаштиришнинг муқобил усулларини таққослаш лозим. Бунда молия-

лаштириш муқобил усулларининг натижаларини чиқимларнинг ҳақиқий қиймати кўрсаткичи, кутилган соф фойда бўйича қиёслаш талаб этилади. Бундан ташқари халқаро лизингни ривожлантиришда лизинг объектининг реал қийматини баҳолаш вазифаси ҳам кун тартибида туради.

Республикада амал қилаётган амортизацияни ҳисоблаш тартиби эскиришни бир маромда ҳисоблаш усулидан фойдаланишни кўзда тутади, бу эса аслида инфляция шароитида вақт жиҳатидан (асбоб-ускуналарнинг қийматигина эмас, айни вақтда ҳисобланган ва шакллантирилган амортизация фондининг ҳам қадрсизланиши натижасида) амортизация қийматини йўқотишга олиб боради. Ўзбекистоннинг амалдаги қонун ҳужжатларига биноан жадал амортизацияни қўллашга рухсат берилади, бироқ меъёридан юқори бўлган амортизация ажратмалари солиққа тортиладиган базага киритилади ва ундан солиқ ундирилади. Шу муносабат билан, бизнингча, инвестицияларни рағбатлантирадиган ва солиққа тортиладиган базани қисқартирадиган жадал амортизацияни ҳисоблашнинг зарур усулларидан эркин фойдаланишни амалиётга жорий этиш зарур, бу эса жамғариладиган амортизация суммасини инфляция таъсиридан сақлаш имконини беради.

Ишончли лизинг олувчини тўғри танлаш, улар таклиф этадиган лойиҳаларнинг ҳаётийлиги ва самарадорлигини аниқлаш лизингдан фойдаланиш амалиётидаги асосий муаммолардан биридир. Шу билан бирга лизинг олувчининг кредит қобилиятини аниқлаш ва лизинг бўйича тўғри қарорлар қабул қилиш кўп жиҳатдан лизинг операцияларининг самарадорлигини олдиндан белгилаб беради. Бу масалаларни тўғри ҳал қилиш учун халқаро тажрибага асосланиб Ўзбекистондаги иқтисодий вазиятни эътиборга олиб иш тутиш лозим. Лизинг муносабатлари лизинг мол-мулкидан фойдаланиш имкониятини олиш ва келажакда фойда кўриш нуқтаи назаридан кредит муносабатларига нисбатан самаралироқ бўлиши керак. Марказий банкнинг қайта молиялаштиришдаги ўзгарувчан ставкасини пасайтириш ҳисобига лизинг ставкасини камайтиришга эришиш мумкин. Шу билан бирга лизинг инфратузилмасини бутун республика ҳудудида бир маромда кенгайтиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Лизинг соҳасини кенгайтириш учун лизинг битимлари таъминотининг кенг ахборот базасини вужудга келтириш, самарали ҳаётий лизинг лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашадиган консалтинг компаниялари ва фирмаларини, бошқа воситачилик ташкилотларини тузиш зарур. Лизинг компа-

нияларини қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли шартлар билан молиявий ресурслар бериб турадиган махсус фондлар бўлиши лозим.

Молиялаштириш усулини тўғри танлаш, рискларни ҳисобкитоб қилиш, ҳуқуқий ва иқтисодий қонунчиликни, молиявий лизинг шаклланиши амалиётини билиш лизингни ривожлантиришнинг асосий омилидир. Қайта молиялаштириш ставкалари ҳали муҳим қарор топмаган, банк кредити учун ставкалар ўзгариб турган, солиққа тортиш шарт-шароитлари доимий бўлмаган бир пайтда амалдаги қонун ҳужжатларига ва ўтиш иқтисодиётининг ўзгарувчан шароитларига асосланиб, лизинг битимларининг самарадорлигини тўғри баҳолаш ҳам муҳим муаммодир. Буларни барчасини инобатга олган ҳолда, лизинг лойиҳаси самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларини ҳисоблашда дисконтлаш усулларидан фойдаланиш фойдадан ҳоли эмас.

5-§. Жадаллаштирилган амортизацияни қўллаш масалалари

Кўпгина мамлакатларда молиявий лизинг воситаси энг аввало ўзининг солиқ имтиёзлари туфайли фойдаланилади. Гап лизинг объектини солиққа тортиш мақсадида жадаллаштирилган амортизацияни қўллаш имкониятлари тўғрисида кетади, чунки айнан жадаллаштирилган амортизация лизинг асосида ётади, ҳамда лизингни оддий ижара ёки кредитга нисбатан рақобатдош қила олади. Бу шу билан тасдиқланадики, охирги бир нечта ўн йилликлар мобайнида АҚШ ва Ғарбий Европада асосан тезлаштирилган амортизация бўйича солиқ имтиёзларга мувофиқ лизинг кучли молиявий воситага айланди.

Россияда охирги йилларда лизинг хизматлари бозори анча кенгайди. Бунда асосий ролни Россия солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар ўйнади. Ушбу ўзгартиришларга асосан корхона ўзининг ялпи даромадидан лизинг мулкининг тезлаштирилган коэффициенти 3 каррагача бўлган жадаллаштирилган усули билан ҳисобланган амортизациянинг барча суммасини чегириши мумкин.

Шундай қилиб, жадаллаштирилган амортизация нимани англатади? Тезлаштирилган амортизация — бу амортизациялашнинг шундай усулики, унда асосий воситалар ишлатилишининг биринчи йилларда амортизация ажратмаларнинг энг кўп ҳажмида ҳисоблашни кўзда тутилади. Жадаллаштирилган амортизацияни солиққа тортиш мақсадида қўлланилиши шундан иборатки, у асосий воситаларнинг қийматини ишлаб чиқарилган маҳсулот (кўрсатилган хизмат) таннархига тезлаштирилган тартибда киритилишини англатади ва бу ўз навбатида

фойда солиғининг тортиш базасини камайтиради. Бундай тартиб янги киритилган асосий воситалар хизмат муддатининг фақат биринчи яримида қўлланилади. Хизмат муддатининг иккинчи ярмида тескари ҳолати кузатилади, яъни амортизация ажратмалари кичик суммани ташкил қилади ёки умуман бўлмайди. Демак, солиққа тортиш базаси кўпаяди. Шундай қилиб жадаллаштирилган амортизация солиқ имтиёзларнинг бошқа турларига нисбатан устунроқ. Чунки унинг қулланилиши ҳисобидан корхоналарга тақдим қилинган қўшимча маблағлар кейин давлат бюджетига қайтади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида турли даражада бўлса ҳам амортизация ажратмалари тизими билан боғлиқ бўлган солиқ имтиёзлари мавжуд. Улар муайян соҳани ривожланишини рағбатлантириш, илмий-тадқиқот ва тажрибавий-конструкторлик ишланмаларни ёки умумий инвестицияни жонлантириш учун фойдаланилади. Германияда амортизациянинг услуб ва нормалари — пухта ишлаб чиқилган қонунчиликнинг предметидир. Федерал молия вазирлиги ва ерлар молия вазирлиги асосий воситаларнинг ҳар хил турлари бўйича амортизациянинг меъёр ва услублари аниқланган расмий маъқулланган жадвалларни (90 дан зиёд) эълон қиладилар. Бошланғич сифатида бир текис ажратмаларнинг чизиқли усули фойдаланилади. Ишлаб чиқариш бино ва иншоотлар учун йиллик амортизация ажратмаларнинг рухсат этилган меъёри 4 фоиз (яъни уларнинг хизмат муддати 25 йил деб олинади), ишлаб чиқариш машиналари ва ускуналар — 10 фоиз (хизмат буддати 10 йил), компьютерлар — 20 фоиз, автотранспорт воситалари — 20-25 фоиз ва ҳоказо. Лекин бир вақтнинг ўзида Германия қонунчилиги компанияларга ушбу воситаларга жадаллаштирилган амортизацияни қўллаш ҳуқуқини беради. Энг кўп қўлланиладиган услуб — бу асосий воситаларнинг биринчи йиллари учун чизиқли услубга нисбатан кескин кўтарилган ва сўнгги йиллар учун кескин пасайтирилган (тахмин қилинган хизмат муддати ўзгармаган ҳолда) йўл қўйилган услубидан фойдаланилади. Демак, ишлаб чиқариш бино ва иншоотлар учун йиллик амортизация меъёрлари иншоот хизмат муддатининг дастлабки 4 йил учун 10 фоиз, кейинги 3 йил учун — 5 фоиз ва сўнгги 18 йил учун — 2,5 фоиз белгиланади. Ишлаб чиқариш машиналари ва ускуналари хизмат муддатининг дастлабки бир неча йил учун йиллик амортизация нормаларини 3 барабар оширилишига рухсат бе-

рилади. АҚШда 60–70-йилларда юқори инфляция даврида киритилган солиқ имтиёзлар, 80-йиллардаги барқарор бўлган иқтисодий вазиятда аҳамиятли ўзгаришларни бошидан кечирди. 1986 йилда қабул қилинган "Давлат солиқ сиёсати тўғрисида"ги қонун илгари рухсат қилинган солиқ имтиёзларни қўлланишини торайтирган бўлса-да катта мақсадли йўналтирилганликни берди. Амортизация муддати асосан асосий воситаларнинг пассив қисмига (бино ва иншоотлар) узайтирилди. Лекин шунга қарамасдан, уларнинг актив қисми учун амортизация ажратмалари янада тезлаштирилди – амортизация муддати 5 йил бўлганда, дастлабки 2 йил ичида ускуна қийматининг 64 фоизи миқдорида ажратма ҳисоблаш рухсат этилган.

Швецияда амортизацияга олиб бориш тизими қиймати анча бўлмаган ва хизмат муддати 3 йилгача бўлган ускуналарни уларни сотиб олган йилида харажатга олиб боришга йўл қуйилади, умуман машина ва ускуналар буйича – 4-5 йил ичида.

Францияда ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш соҳада фойдаланиладиган, энергия сақлайдиган, экологик, информацион ускуналар ва ҳоказоларга тезлаштирилган амортизация қўллаш имконияти мавжуд. Масалан, компьютерни 1 йилда амортизациялаш мумкин. Ускунанинг хизмат муддати 4 йилгача бўлган жадаллаштирилган амортизация коэффициенти 1,5, хизмат муддати 5-6 йил бўлганда – 2, 6 йилдан ошса - 2-2,5га тенг.

Жадаллаштирилган амортизация усулини нафақат барча ривожланган мамлакатларда, балки турли даражада ривожланаётган мамлакатларда ҳам ишлатилади. Жадаллаштирилган амортизациянинг умумий хусусияти – техник қайта қуроллашда инвестицияларни рағбатлантириш учун ушбу усуллардан интенсив фойдаланишдир.

Россияда амортизациянинг асосий меъёриларига қуйидаги коэффициентларни қўллашга рухсат этилади: агрессив муҳит ва/ёки юқори сменали шароитида фойдаланадиган асосий воситалар учун – 2 гача, қишлоқ маҳсулотлари етиштирувчи ҳамда кичик бизнес субъектлар томонидан фойдаланилганлар учун – 2 гача; лизинг объекти сифатидаги асосий воситаларга – 3 гача.

Жадаллаштирилган амортизация механизмини қўллаш билан бирга кичик бизнес субъектлари хизмат муддати 3 йилдан юқори бўлган асосий фондлар бошланғич қийматининг 50 фоизгача қўшимча амортизация ажратмалар қилиши мумкин.

Худди шундай Украинада ҳам жадаллаштирилган амортизацияни қўллаш билан бирга кичик корхоналарга фойдаланишнинг дастлабки йили хизмат муддати 3 йилдан юқори бўлган асосий фондлар бошланғич қийматининг 20 фоизгача қўшимча амортизация ажратмалари қилишга рухсат этилган.

Ўзбекистонда жадаллаштирилган амортизацияни қўллаш

Ўзбекистонда ҳам жадаллаштирилган амортизацияни қўллашга рухсат этилади. Аммо солиққа тортиш мақсадида амортизация ажратмалари Солиқ кодексида белгиланган меъёрлар билан чегараланган. Бу солиққа тортиш базасини аниқлашда амортизация ажратмалари фақат белгиланган меъёрлар ичида олинишини, амортизацияни жадаллаштирилган усул билан ҳисоблашда бу меъёрлардан ошиши содир бўлган фарқни эса фойда солиғи бўйича солиққа тортиш базасига киритилишини англатади. Бундан ташқари солиқ тўловчи кейинги йилларда ҳам бу фарқни солиққа тортиш базасидан айириш ҳуқуқига эга эмас. Шундай қилиб, Ўзбекистонда корхоналарга фойда солиғини тўлашда тезлаштирилган амортизацияни қўллаш самара бермайди.

Тажриба кўрсатишича, жадаллаштирилган амортизация воситаси қатор мамлакатларнинг иқтисодиётини жуда тез техник қайта қуроллашга ёрдам беради. Маълум схемани керакли даражада ишлаб чиққанда корхоналарга асосий воситаларга йўналтирилган инвестицияларни тезроқ ва самаралироқ қоплаш имкониятини беришда бу чора иқтисодиётнинг реал секторига инвестиция оқимини оширишда қулай шароитлар яратиб беради.

12-БОБ. КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА ЛИЗИНГ

1-§. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятида лизинг

Молия бозорида рақобатни янада ривожлантириш, капитал инвестициялар хажмининг ошишини таъминлаш, КЎБни ривожлантиришда лизингнинг ўрни беқиёсдир. Кейинги йилларда кўпчилик тадбиркорларнинг шу хизмат туридан фойдаланилаётгани бунинг далилидир. Лизинг операциясининг лизинг олувчи ва лизинг берувчига фойдали эканлигини қуйдагича изоҳлаш мумкин: бир томондан, лизинг олувчи кам пул маблағлари шароитида ҳам керакли лизинг мулкини олиш, жалб қилиш имкониятига эга бўлади, яъни лизинг тўловлари маълум муддатда шартнома асосида босқичма-босқич амалга оширилади. Бунда келишилган муддат мобайнида лизинг шарти асосида олинган жиҳозларни ишлатиш натижасида кўрилган даромадлар билан ҳам лизинг туловларини тўлаб бориш мумкин. Иккинчи томондан, лизинг берувчи ҳам ўз ва қарзга олинган маблағлари эвазига лизинг мулкини ижарага бериш имкониятига эга бўлади Бу эса сотиладиган кучмас мулклар, товарлар, ускуналар ва бошқаларнинг савдоси тўхтаб қолишига йул қуймайди. Банк кредитига қараганда, юқорида қайд этилгандек, лизинг амалиёти асосий воситаларни молиялаштириш усули юзасидан бир қанча устунликларга эга. Хусусан, банк кредитини олишда, кредит олишдан олдин анчагина молиявий харажатларни қоплаш каби шунингдек, корхона кредит суммасининг 120 фоизидан кам бўлмаган таъминотни тақдим этиш ҳамда гаровни таёрлаш ва суғурта қилиш буйича комиссион хақларни тўлаш каби бир қанча талабларни бажариши лозим бўлади.

Иқтисодиётнинг барқарор фаолият юритиши учун шарт-шароит яратиб беришга қаратилган бозор инфратузилмаси институтларининг ривожланишида лизинг компанияларини ривожлантириш алоҳида ўрин тутади.

ЎзР Президентининг 2003 йилнинг 17 феврал куни «2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва 2003 йилда иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари»га бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги сўзлаган нутқида «Биз янги иш бошлаётган тадбиркорларнинг ўз фаолияти учун зарур ускуна ва технологиялар сотиб олишга имкон берадиган лизинг тизимини ривожлантиришга ҳам алоҳида аҳамият бармоқдамиз», - дея таъкидланганди.

Дархақиқат, Ўзбекистонда иқтисодиётнинг реал сектори ривожланишига ҳамда КЎБни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган иқтисодий ислоҳатлар лизинг амалиётларини янада ривожланиши учун ҳам кенг имкониятлар яратмоқда.

Бугунги кунда республикадаги 13 та тижорат банки ва 6 та ихтисослашган компания томонидан лизинг хизматлари амалга оширилмоқда. Биргина 2002 йилнинг узида улар томонидан лизинг шартлари асосида умумий қиймати 46,9 млрд. сумлик (66,1 миллион АҚШ доллари) 2164 та лойиҳалар амалга оширилди.

Республика бозор иқтисодиётига ўтаётган шароитда лизинг муносабатлари хизмат кўрсатишининг нисбатан янги тури бўлиб, иқтисодиётимиздаги бугунги фаол ўзгаришлар қулай молиявий воситалардан фойдаланишни тақозо қилмоқда. Бу айниқса, КЎБни ривожлантириш дастурларни молиялаштиришда лизингдан самарали фойдаланиш имкониятлари билан боғлиқдир.

Олий Мажлиснинг 2002 йил декабр ойида ўтказилган иккинчи чақириқ, унинчи сессиясида «Лизинг тўғрисида» ги қонунга бир қанча ўзгартиришлар киритилди. Бу эса Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни муқобил молиялаш учун шарт-шароитнинг жиддий равишда яхшиланаётгани ҳамда лизингни ривожлантириш учун зарур муҳит яратилаётганидан далолат беради.

Амалдаги қонунчиликда лизинг олувчи ва сотувчининг бир шахсда бир йўла мужассамлашувига (қайтарма лизинг) йўл қўйилади. Айнан мана шу ҳолатда лизингнинг бир қарашда ижара эмас, балки молиялаш моҳияти ҳаммадан кўра кўпроқ намоён бўлади. Масалан, тадбиркорнинг ишлаб чиқариш воситалари (бирор ускуна) бўлади. Бироқ, унда ишлаб чиқариш учун хомашё, бирор бутловчи қисмлар ёки кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлаш учун етарли маблағи бўлмаслиги мумкин. Бундай пайтда ўз ускунасини лизинг ташкилотига сотиб, уни қайтадан лизинг шартномаси асосида ижарага олиши, яъни

қайтариладиган лизинг туридан фойдаланиш йўли билан вазиятдан чиқиши мумкин.

Ривожланган давлатларда лизинг кўп пул маблағларини жалб этмасдан ишлаб чиқаришни кенгайтиришни таъминлаш ва уни янгилашга имкон берувчи ишлаб чиқариш секторини техник қайта қуроллаштиришнинг самарали воситаси эканлиги намоён бўлмоқда. Ушбу воситани қўллаш ва ривожлантириш учун тараққий этган давлатларда камида икки кўринишдаги муҳим солиқ енгилликлари мавжуд бўлган ва иқтисодиётнинг лизинг секторини ривожлантиришга йўналтирилган мақсадли тадбирдан фаол фойдаланмоқдалар.

Лизинг хизматининг афзаллиги жаҳон молиявий хизматлари бозорида ҳам ўз исботини топган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, лизингни жорий этиш ва унинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида кенг қўлланилиши давлатнинг ишончли ўсишида гаров бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистоннинг лизинг тўғрисидаги қонунларига киритилган янги ўзгартиришлар бозор инфратузилмаси қулай инвестиция иқлимини вужудга келтирибгина қолмай, ХМК ва бошқа инвесторларнинг КЎБга кенг миқёсда инвестиция қўйишларига ҳам замин яратди.

Энг муҳими, ана шу ишларнинг самараси туфайли мамлакатимизда ташкил этилган "Ўзбеклизинг интернешнл" АЖ, "Барака" универсал лизинг компанияси, "Ўзкейсагролизинг", "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" ва «Ўзавиализинг" компаниялари фаолиятида кескин бурилиш юз бера бошлади. Айни пайтда, мазкур компаниялар билан биргаликда мамлакатимизнинг бир қатор етакчи тижорат банкларида лизинг амалиётлари йўлга қўйилди. Бу эса уз навбатида, юртимизда янги бозор инфратузилмасининг ривож топиши ва соғлом рақобат вужудга келиши учун қулай муҳит яратди. Муҳими, эндиликда мижозлар лизингга янги технологиядан тортиб, компьютер ва қишлоқ хўжалиги техникаларигача харид қилиш имконига эга бўлишди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, лизингга берилган кредитлар аввало, кредит таъминоти учун етарли маблағи бўлмаган тадбиркорларга ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун 40-50 гектар ери бўлган фермерларга, узоқ, муддатларга имтиёзли фоизлар берилиши, мақсадли ишлатилиши, кредитнинг қайтарилмаслик хатари камлиги, иқтисодиётнинг реал тармоғига йўналтирилиши, янги иш жой-

ларининг очилиши ҳамда пировардида, иқтисодимиз ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатиши билан ажралиб туради.

Банк тизими томонидан КЎБ субъектларига қишлоқ хўжалиги техникаси ва минитехналогиялар олиш учун хизматлар кўрсатилишини кенгайтириш, консалтинг ва инжиниринг хизмати кўрсатиш марказлари томонидан тадбиркорларга кўрасатилаётган хизматлар сифат даражасини ва ҳажмини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2-§. Лизингнинг кичик бизнес корхоналари ва тадбиркорлар учун енгилликлари

Агар тадбиркор қайта тикланган корхона учун ускуналар олиб келиш керак бўлса ёки мавжуд ишлаб чиқаришни модернизация қилмоқчи бўлса, нима қилади? Агар унинг шахсий ресурслари етарли бўлса масала осон ечилади-ю, керакли ускуналарни сотиб олади. Тадбиркорда ҳамма вақт ҳам эркин маблағ бўлавермаслиги аниқ, бу пайтда у учун бошқа йўл бор – банкка кредит учун мурожаат қилиш. Лекин бундай иш тутиш кичик ва ўрта бизнес вакилларининг кўпчилигига ёқмайди, ваҳоланки, ҳамма ҳам узоқ вақт кредит тарихи билан мақтана олмайди ёки 120 фоиздан кам бўлмаган кредит суммасини тўлолмайди. Бундай пайтда тадбиркор учун учинчи йўл бор, яъни ускуналарни лизингга олиб келиш. Лизинг келишуви салоҳиятига баҳо беришда лизинг компаниялари лизинг олувчини лизингга олинган мулкни ишлатишда нақд маблағларни муайян оқимини таъминлай билиш қобилиятига таянади, бунда банкдан кредит олишдагидек биринчи навбатда кредит тарихига ҳам, гаровга қўйиш учун моддий бойликлар ҳам бўлмаган янгидан ташкил этилган КЎБ субъектлари учун жуда қулай.

Лизинг моҳиятини қуйидаги ибора билан ифодалаш мумкин: «Бойлик мулкка эга бўлишдан эмас, балки ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишдан иборат». Бу жумла лизингнинг асосий ғоясини жуда тушунарли аниқлаб беради. Корхона ёки тадбиркор ишлаш ва фойда олиш учун шахсий мулкка эга бўлишининг ўзи кифоя. Лизинг механизми бундай корхоналарга мажбурий лизинг тўловлари ҳисобига зарур ускуналардан маълум муддатга фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишга имкон яратади. Яна ускуналардан фойдаланишнинг келишилган муддати тугагач, улар корхона мулки бўлиб қолиши ҳам кўрилади.

Лизинг шартномасининг муҳим элементи шундаки, юридик, шахсий мулк (лизинг берувчи томонидан сақланган) активнинг (лизинг олувчи эга бўлган) иқтисодий фойдаланишдан ажралиб туради. Бу лизинг берувчига лизинг олувчининг кредит тарихи, активи ва шахсий капитални эмас, балки уни лизинг тўловларини амалга оширишда етарли нақд маблағ оқимини тақсим қилиш имкониятларини акцент қилишга имкон яратади. Бундай шартнома узоқ молиявий тарихга эга бўлмаган қайта тикланган кичик ва ўрта корхона учун айниқса қулай.

Бугунги кунда лизинг кўпгина мамлакатларда корхоналарнинг ўрта муддат ва узоқ муддатга молиявий манбаи ҳисобланади, у хоҳ кичик корхоналар, хоҳ йирик ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган корхоналар бўлсин. Лизинг ҳамма ишбилармонлар учун қулай. Лизинг олувчига корхонанинг унча катта бўлмаган молиявий ресурсларини ишлаб чиқариш капитал қўйилмага айлантиришга, лизинг берувчига эса, лизинг операцияларини амалга оширишдаги молиявий риск учун тўлов олишга имкон яратади. Сотувчи эса ўз маҳсулоти билан бозорни кенгайтиради.

Умуман лизинг тармоқларини ривожланиши иқтисодий ривожланишга бир қанча йўналишда ижобий таъсир кўрсатади:

- лизинг кичик ва ўрта бизнесни янада ривожланишига имкон яратади, чунки қандайдир сабабларга кўра бошқа молиялаш манбаига тўғри келмайдиган кичик ва ўрта корхоналарга ишлаб чиқаришни тиклаш ва модернизация қилиш имконини яратади;
- лизинг капитал қўйилмалари ҳажмини кенгайтиради, яъни қисқа муддатда молиялашни қўшимча шаклидир;
- лизинг молиявий хизмат бозорида қўшимча рақобатни яратади. Лизинг пайдо бўлиши билан молиялаштириш қиймати пасаяди ва молиявий хизмат бозори кенгаяди. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда лизинг кўпинча асосий маблагга эга бўлиши учун банк кредитлашининг турдош кўринишидир, бу билан корхонага банкдаги қарзни кўпайтирмасликка имкон яратади;
- лизинг асбоб-ускуналарга эга бўлишни таъминлайди. Лизинг пайдо бўлиши билан ҳудудий асбоб-ускуналар ишлаб чиқарадиган компаниялар учун маҳсулотни тадбиқ қилишнинг янги имкониятлари очилади.

Кўпинча лизинг иқтисодий ривожланган мамлакатлар учун алмаштириб бўлмайдигган молиявий қуроллиги тўғрисидаги

фикр ҳам ҳукм суради. Статистика шуни кўрсатадики, ривожланган мамлакатлар лизингдан жуда кенг фойдаланадилар. Масалан, АҚШда ҳар 3 компьютернинг бири лизинг муносабатлар объектидир. 10 фоиздан 30 фоизгача тиббий асбоб-ускуналар ўз эгалари томонидан эмас, балки лизинг олувчилар томонидан ишлатилади.

Биринчи навбатда, лизингдан фойдаланиш кичик ва ўрта бизнес учун, янги ташкил этилган ва асбоб-ускуналари мавжуд, лекин айланма маблағлари бўлмаган фирмалар учун фойдалидир.

Лизинг битимини уч томон амалга оширади: асбоб-ускунани сотувчи, лизинг олувчи ва лизинг берувчи. Шу билан бирга буларнинг барчаси ундан манфаатдордирлар. Сотувчи маҳсулотини ўзининг тўлиқ қийматига сотади. Лизинг олувчи, маблағга эга бўлмасдан, асбоб-ускунани олади ва уни ишлатиш орқасидан фойда кўради. Лизинг берувчи молиявий рискларга дуч келади ва шунинг учун ҳақ талаб этади.

3-§. Кичик бизнес ва ўрта тадбиркорлар фаолиятида молиявий лизинг имкониятлари

Молиявий лизинг жахоннинг барча мамлакатларида молиялаштириш манбаларининг таркибидаги кредитлашга нисбатан муқобил усул сифатида қўлланади. Ўзбекистондаги инвестиция лойиҳаларининг катта салмоғи кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари томонидан жорий қилинади. Бунда четдан келтирилган ускуналар кредитлар билан боғлиқлиги сабабли асосий воситаларни лизингга олиш имкониятлари билан Ўзбекистон тижорат банклари кредитлари ҳисобидан қўлга киритиш усулларини таққослаш мақсадга мувофиқ бўлади.

2002 йилда мамлакатимиз банклари томонидан Ўзбекистон кичик ва ўрта корхоналарини кредитлаш учун четдан киритилган 415 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредитларни 332 млн. АҚШ долларидан ортиқроғи ўзлаштирилган.

Лекин, шунга қарамай, ҳамма кичик ва ўрта корхоналар ҳам чет эл кредит манбаларидан кредит олиш учун зарур бўлган қуйидаги шартларни бажара олмайди:

- кредит қайтарилиши таъминотини етарли миқдорда тақдим этиш (кредит суммасидан 120 фоиз кам бўлмаган миқдорда);

– лойиҳанинг камида чорак қисмини ўз маблағи ҳисобидан молиялаштириш;

– айланма капитални шакллантириш, гаровни расмийлаштириш ва суғурта қилиш билан боғлиқ дастлабки молиявий харажатларни қоплаш.

Қайд этилган муаммоларни ва импорт ускуналарига олиш имконияти бўлган корхоналар доирасини кенгайтириш масалаларини молиявий лизинг ҳал этиш мумкин.

Қандай қилиб бу нарсани амалга ошириш мумкин?

Биринчидан, лизинг берувчи мулкнинг қийматини тўлаш йўли билан, бунда лизинг олувчининг лойиҳада минимал ҳажмда иштироки талабини қўймай туриб мулкни сотиб олиши ва лизингга бериши мумкин.

Иккинчидан, лизингга берилаётган мулк лизинг берувчининг мулки бўлиб қолади. Бу шундан далолат берадики, лизинг олувчи лизинг тўловларини тўла олмаса ёки лизинг шартномасининг бошқа жиддий мажбуриятларини бажармаган тақдирда, лизинг берувчи ўз мулкини лизинг олувчидан тортиб олиши мумкин.

Лизинг олувчининг банкрот деб эълон қилинган ҳолатларида унинг мулки ҳибсга олинган ёки мусодара қилинганда, лизинг олувчининг умумий мулкидан лизинг объекти ажратиб олинади ва лизинг берувчига ўз хоҳиши бўйича тасарруф этиши учун қайтарилади. Ушбу механизм кредиторбанкда гаровга қўйилган мулкни қайтариш бўйича мавжуд бўлган рискларни бартараф этади.

Рисклар қанчалик кам бўлса, шунчалик молиялаштиришни амалга ошириш осонроқ ва арзонроқ тушади. Шу билан бирга, лизинг берувчида лизинг объектига эгалик ҳуқуқининг сақланиши гаров қўйишга расмийлаштиришни рад этишга имкон беради.

Учинчидан, гаровга қўйишни расмийлаштириш қўшимча молиявий ҳаражат ларни талаб этади. Гаровга қўйилган мулкни мажбурий суғуртаси эса, қоида бўйича, ижарага олинган мулкнинг суғуртасидан қимматроққа тушади. Ссуда олувчилар излаб топиши ва кейинчалик уларни қоплаши учун зарур бўладиган дастлабки ҳаражатлар кўпинча йирик суммаларни ташкил этади. Бундай ҳаражат ларни умуман йўқлиги ёки қисқартирилиши кредитга нисбатан лизингни яна бир устунлиги ҳисобланади.

Ўз-ўзидан савол туғилади, нима учун Ўзбекистонда лизинг солиқ имтиёзлари киритилмагунга қадар кенг қамровли ривожланмади? Жавоб шундан иборат эдики, бу молиявий воситалар турли тарзда солиққа тортилиши туфайли лизинг банк кредитига нисбатан қимматроққа тушар эди. Четдан келтириладиган ускуналарни лизинг эвазига олиш билан банк кредити ҳисобига қўлга киритиш қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, 1 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредитни 5 йил муддат билан ва йиллига 12 фоиз устама билан олганда ссуда олувчининг кредит хизмати бўйича харажатлари 1,3 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Агарда, ушбу ускуна ўша муддат ва шундай маржа устамаси билан лизингга олинганда эди, лизинг олувчининг лизинг тўловлари 1,9 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлар эди.

Лизинг ва ссуда операцияларининг нархларини турлича шаклланишига қайси солиқлар ўз таъсирини кўрсатади?

Биринчидан, қўшилган қиймат солиғи ўз таъсирини кўрсатар эди. Лизинг операциялари ҚҚСга тортилар эди, ваҳоланки ссуда операцияларидан ҚҚС олинмас эди.

Иккинчидан, импортёр томонидан ўзининг ишлаб чиқариш заруриятлари учун олиб келинадиган технологик ускуналар ҚҚСдан озод этиларди, ваҳоланки лизингга бериладиган ускуналар бундай солиқдан озод этилмаган эди.

Шундай қилиб, банк кредити ёки ўз маблағлари эвазига харид этиладиган ускуналар ҚҚСдан озод қилинган эдилар, лизинг олувчи эса ускуналарни ҚҚС билан қўлга киритар эди. Чунки, лизинг берувчи-импортёр ускуна қийматидан ҚҚСни 20 фоиз миқдорида тўлаб уни лизинг битими қийматига қўшишга мажбур бўлар эди.

Худди шу тарзда, КЎБ субъектлари ишлаб чиқаришни ташкил этишлари учун четдан келтирилган технологик ускуналар божхона тўловларидан озод қилинган. Аммо, бундай имтиёз КЎБ субъектлари учун кейинчалик лизингга бериш мақсадида олинган импорт ускуналари учун қўлланилмас эди.

Буларнинг ҳаммаси четдан келтириладиган ускуналар лизингини кичик ва ўрта корхоналар учун банк кредити эвазига сотиб олишга нисбатан қимматроқ молиялаштириш манбаига айлантиради. Оқибатда, кичик ва ўрта бизнес ва умуман иқтисодиёт зарар кўрар эди.

Лизингни солиққа тортилиши муаммолари илдизи шундан иборат эдики, молиявий лизинг солиққа тортиш мақсадида,

лизинг берувчи томонидан мулкни сотиб олиниши сифатида қаралар эди.

Бу қуйидаги сабабларга кўра ноўрин эди:

1. Лизинг объектини лизинг олувчи томонидан кейинчалик сотиб олиниши молиявий лизингнинг мажбурий шарти эмас.

2. Агар лизинг олувчи лизинг мулкини сотиб олиши кўзда тутилса, бу лизинг шартномаси амал қилиш муддати охирида қолдиқ қиймати бўйича юз беради.

2002 йил сентябр ойига қадар ҚҚС лизинг шартномасини амал қилиш муддатида лизинг тўловларидан ундирилар эди. Бу эса лизинг олувчининг лизинг берувчи мулкидан қарзга фойдаланганлиги учун тўлов бўлиб қолар эди.

Лизингни ўзининг иқтисодий моҳияти жиҳатидан асосий воситаларни қарзга олиш турларидан бири деб қаралиши ҳамда ссуда операцияларидагидек қарзга олиш тенглаштирилиши бу турдаги молиялаштиришларни бир хил тартибдаги солиққа тортиш имконини берар эди. Шунинг учун ҳам 2002 йил сентябр ойидан бошлаб бу муаммога чек қўйилди.

Халқаро амалиёт тасдиқлашича, қоида сифатида молиявий лизинг ва кредитларга нисбатан бир хил ҚҚС олиниш тартиби қўлланилади. Масалан, АҚШ да молиявий лизинг ва кредитлар ҚҚСга тортилмайди, Германия ва Буюк Британияда ҳам лизинг ҳам кредит ҚҚСга тортилади. Бу мамлакатлардаги лизинг операцияларининг салмоғи жаҳон лизинг операцияларининг 60 фоизи миқдорини ташкил этади.

Табиийки, молиявий лизинг операциялари ўз иқтисодий моҳияти жиҳатидан банк кредити каби асосий воситаларни инвестициялаш усули бўлиб, солиққа тортишда фарқланмаслиги зарур. Ушбу фарқларни йўқотилиши, лизинг операциялари ва кредит муносабатларини солиққа тартишни бирхиллаштириш Ўзбекистон корхоналари учун айниқса кичик ва ўрта бизнес сохиблари учун асосий воситаларни қўлга киритишда янги имкониятлар беради.

Албатта, бугунги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган бешта лизинг компанияларига, улар тузилаётганда катта имтиёзлар берилган. Лекин улар чекланган, берилгандан сўнг 5-7 йилда амал қилади. Бу имтиёзлар ссуда операцияларидан фарқли ўлароқ лизинг операцияларига эмас, фақат бу компания фаолиятига қўлланилар эди.

Оқибатда, янгитдан барпо этилаётган лизинг компаниялари бу бозорга кира олмас эдилар, чунки солиқ имтиёзларига эга

бўлган амалдаги компаниялар билан рақобатлаша олмас эдилар. Банкларга эса лизингга нисбатан ссуда операцияларини амалга ошириш эди.

Албатта, импорт ускуналарининг қимматга тушиши Ўзбекистонда лизинг ривожланишини тўхтатувчи омилларидан бири бўлиб, амалдаги лизинг компаниялар маблағларининг тақчиллиги ва лизинг хизматларини тартибга солувчи қонунчилигида мавжуд бўлган камчиликлар лизинг операцияларини кенг тарқалишига 2002 йил сентябр ойларига қадар тўсиқ бўлди.

Ва албатта, асосий сабаблардан бири кичик ва ўрта бизнес корхоналарида молиявий лизинг тўғрисидаги ахборотни лизинг компаниялари ва улар кўрсатаётган хизмат спектори соҳадаги ахборотлар тўлиқ бўлмагани эди. Тажриба шуни кўрсатар эдики, айрим компанияларга кўрсатилаётган вақтинчалик имтиёзлар бутун соҳани тўлақонли ривожланиши учун етарли эмас эди. Лизинг муносабатларини самаралилигини таъминлаш учун лизинг фаолиятини тартибга солувчи қатор қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритишга қаратилган чоралар мажмуаси зарурт эди. Бу охир оқибатда хорижий ва ички инвестицияларни мамлакат лизинг соҳасига қўшимча равишда жалб этиш учун имкон беради.

Ўзбекистон иқтисодиёти реал секторини ривожлантиришга ҳамда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган иқтисодий ислоҳотлар мамлакатда лизинг хизматларини янада ривожлантиришга кенг имкониятлар очиб беради.

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ... вожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2003 йил 30 августда имзоланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан 2004 йил 1 январдан барча кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари тоифасига киритилган микрофирма ва кичик корхоналарга амалдаги қонунчилик билан микрофирмалар ва кичик корхоналар учун белгиланган солиқ имтиёзлари ва преференциялар тадбиқ этилади.

Шундай молиялаштириш усулларидан бўлмиш молиявий лизинг банк кредити эвазига молиялаштириш усулига нисбатан қатор афзалликларга эгадир ҳамда кичик тадбиркорлик субъектлари тоифасига кирувчилар учун қулай ва очиқдир.

Бир ибора билан айтиладиган бўлса кичик ва ўрта корхоналар ва тадбиркорлар ўз ишлаб чиқаришларини йўлга қўйишда ва янгилашда кенгроқ доирадаги молиялаштириш усулларини қўлга киритишга муваффақ бўлишди.

4-§. Ўзбекистонда лизинг хизматларини ривожлантириш истиқболлари

Ўзбекистон иқтисодиёти реал секторини ривожлантиришга ҳамда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган иқтисодий ислоҳотлар мамлакатда лизинг хизматларини янада ривожлантиришга кенг имкониятлар очиб беради.

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2003 йил 30 августда имзоланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра 2004 йилнинг 1 январидан кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари тоифасига:

- якка тартибдаги тадбиркорлар;
- ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони 20 кишидан, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган тармоқларда 10 кишидан, улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишидан ошмаган микрофирмалар;
- енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш, мебел саноати ва қурилиш материаллари саноатида ўртача йиллик ходимлари сони 1000 кишидан ошмаган кичик корхоналар;
- машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларида ўртача йиллик ходимлари сони 50 кишидан ошмаган кичик корхоналар;
- фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳаси, (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган соҳаларда ўртача йиллик ходимлари сони 25 кишидан ошмаган кичик корхоналар киради.

Мазкур фармонга биноан 2004 йил 1 январдан барча кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари тоифасига киритилган

микрофирма ва кичик корхоналарга амалдаги қонунчилик билан микрофирмалар ва кичик корхоналар учун белгиланган солиқ имтиёзлари ва преференциялар тадбиқ этилади. Микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ўртача йиллик ходимлари сонини аниқлашда шўъба корхоналар, филиаллар ва ваколатхоналарда ишловчи ходимлар сони ҳам ҳисобга олинади.

Кўрсатиб ўтилган фармонга асосан кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари тоифасига кирувчи корхоналар ва тадбиркорлар доираси сезиларли равишда кенгаяди. Диққат ва эътиборни жалб этадиган асосий масалалардан бири ушбу корхона ва тадбиркорларни янги замонавий технологиялар билан таъминлашда мумкин қадар улар учун қулай бўлган молиялаштириш усулларини қўллашдир.

Шундай молиялаштириш усулларидан бўлмиш молиявий лизинг банк кредити эвазига молиялаштириш усулига нисбатан қатор афзалликларга эгадир хамда кичик тадбиркорлик субъектлари тоифасига кирувчилар учун қулай ва очиқдир.

Лизинг хизматларини махсус равишда ривожланишига 2002 йилда қабул қилинган ва Ўзбекистон қонунчилигига киритилган тартибга солишлар асос солади. 2002 йил 28 августда "Лизинг фаолиятларини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 3122 сонли Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони қабул қилинди. Унга кўра мамлакатимиз лизинг секторини ривожланишига тўсиқ бўлиб келган ва лизинг операцияларини солиққа тортишдаги муоммоларни бартараф этилиши бўлди. Фармонга биноан 2002 йилнинг 1 сентябридан бошлаб:

– лизинг тўловлари қўшилган қиймат солиғидан озод қилинди;

– лизингга бериш учун Ўзбекистон республикаси ҳудудига олиб келинадиган технология ускуналари вакил банкнинг тегишли тасдиғи мавжуд бўлган тақдирда, божхона тўловидан ва қўшилган қиймат солиғидан озод этилди;

– лизинг оладиган хўжалик юритувчи субъектлар лизингга бериладиган мулкка солиқ тўлашдан лизинг шартномаси амал қиладиган муддатгача озод қилиндилар;

– лизинг берувчини солиққа тортиш чоғида, у лизингга бериш учун мулк харид қилишга олган кредитлар фоизи ҳамда белгиланган бошқа тўловларнинг суммаси унинг жами даромадидан чегириб ташланади.

Қабул қилинган фармон лизинг операцияларини солиққа солиш ва солиққа тортиш шартларини молиялаштиришни

амалдаги бошқа усуллари бўйича солиққа тортиш шартларига мослаштиришга қаратилган эди.

Фармон қабул қилинишига қадар, солиққа тортиш мақсадларида лизинг операциялари капитал қўйилмаларни ўрта ва узоқ муддатли молиялаштириш усули сифатида эмас, балки оддий олди-сотди сифатида қаралар эди. Бундай холат лизингни молиявий восита сифатида кенг тарқалишига тўсиқ бўлиб турар эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3122-сонли Фармони қабул қилиниши муносабати билан банк кредити эвазига молиялаштиришда ҳамда лизинг операцияларини жорий этишда тенг солиқ шартларини шакллантиришга асос солди ва молиявий хизматлари бозорида қўшимча рақобат мухитини яратишга олиб келди. Молиявий хизматлар бозорида рақобат муҳитини ривожланиши молиялаштириш қийматини пасайишига ва молиявий хизматлар доирасини кенгайишига олиб келади. Бир ибора билан айтиладиган бўлса кичик ва ўрта корхоналар ва тадбиркорлар ўз ишлаб чиқаришларини йўлга қўйишда ва янгилашда кенгроқ доирадаги молиялаштириш усулларини қўлга киритишга муваффақ бўлишди.

Мазкур фармонни тайёрлашда Ўзбекистонда лизинг хизматлари бозорини ривожлантириш борасида тавсиялар ишлаб чиқиш Ишчи гуруҳининг ишланмалари инобатга олинди. Республика ишчи гурухи "Инвестиция фаолиятини жадаллаштиришда лизинг имкониятлари ва истиқболлари" мавзуида 2001 йил 13 мартда ўтказилган республика семинари натижалари бўйича ташкил этилган эди. Ишчи гурух таркибида Ўзбекистондаги барча лизинг компаниялари, тижорат банклари, турли вазирлик ва идоралар, Ўзбекистон банклари уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Банк-Молия академияси вакиллари хамда Марказий Осиё лизингни ривожлантириш бўйича Халқаро молия корпорацияси лойиҳаси экспертлари томонидан иш олиб борилди.

Лизинг қонунчилигини такомиллаштириш бўйича ўта муҳим қадам сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2002 йил 13 декабрда Фуқоролик кодекси, Солиқ кодекси, "Лизинг тўғрисида"ги ва "Божхона тарифлари" тўғрисидаги қонунларга киритилган 38 та ўзгартиришлар бўлди. Ушбу ўзгартиришларнинг киритилиши амалдаги қонунчиликда мавжуд бўлган қарама-қаршиликларни бартараф этиш имкониятини берди. Масалан, Фуқоролик

кодексидан лизинг берувчи молиялаштиришни фақат ўз маблағлари эвазига амалга ошириш мажбурияти меъёри чиқариб ташланди ва эндиликда лизинг берувчи лизинг шартномалари бўйича нафақат ўз маблағлари эвазига, балки банк кредитлари ва бошқа жалб этилган маблағлар ҳисобидан ҳам лизинг операцияларни жорий этиш имкониятларига эга бўлди. "Лизинг тўғрисида"ги қонундан эса тезкор лизинг тушунчаси олиб ташланди ва қуйидаги асосий масалаларни мувофиқлаштиришга эришилди:

– Солиқ кодекси ва "Божхона тарифи тўғриси"даги қонунга 2002 йил 28 августда "Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонидаги ўзгартиришлар киритилди;

– Фуқаролик кодекси ва "Лизинг тўғрисида"ги қонунда лизинг берувчи, лизинг олувчи ва лизинг мулки сотувчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари янада аниқриқ қилиб белгиланди. Бундан ташқари, улар ўрталаридаги мажбуриятларни ўзаро бўлишини лизинг операцияларининг амалга оширилишини мустаҳкам қонунчилик асосини вужудга келтирди.

Киритилган ўзгартиришлар банк кредити ва асосий воситаларга сафарбар этиладиган инвестицияларни бошқа турлари билан бир қаторда лизингни инвестицион моҳиятини англатади. Бу ўзгартишлар Ўзбекистонда лизингни ривожлантиришни мустаҳкам заминини яратиб берди. Булар асосида эса, айниқса кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун, лизинг қулай ҳамда нисбатан жалб этувчан молиявий восита сифатида хизмат қилиши мумкинлигига ишонч ҳосил қилинди.

Амалга оширилган ўзгартиришлар, нафақат мавжуд бўлган лизинг компаниялари, балки мамлакатимиз лизинг секторига ташқи ва ички инвестициялар оқими ўсиши эвазига янгидан ташкил этиладиган компаниялар фаолиятига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. 2002 йил декабр ойигача Ўзбекистон лизинг секторига киритилган бевосита хорижий инвестициялар оқими 6,6 млн АҚШ долларга тенг бўлиб, ушбу сектор ривожланиши реал имкониятларини акс эттирмас эди[1]. Чет эл капитали оқимининг ўсиши лизинг компаниялари хизматлари доирасини кенгайтириш ва операциялар хажмини ошириш йўли билан улар капиталлашуви масалаларига

---

[1] Қаралсин: Анализ рынка лизинга в Центральной Азии, май 2003, IFS, 17 бет.

кўмаклашади. Ўзбекистон тижорат банклари ҳам лизинг хизматлари хажмини ва лизинг секторини молиялаштиришни кенгайтиради.

Марказий Осиёда лизингни ривожлантириш лойиҳаси экспертлари томонидан 2003 йил бошларида Ўзбекистонда лизинг хизматлари бозорини ривожлантириш имкониятлари тадқиқоти амалга оширилди. Тадқиқот олиб борилиши жараёнида Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидаги турли мулкчилик шаклидаги 192 корхона сўровдан ўтказилди. Тадқиқот натижалари кўрсатишича, 2003 йилда мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни қондирилмайдиган лизинг хизматлари талаби 15 млн. АҚШ долларига яқиндир[1].

Мамлакат ишлаб чиқариш мехнат ресурсларини асосий қисми қишлоқ хўжалик секторига тўғри келиши муносабати билан энг асосий зарурият қишлоқ хўжалик секторига тўғри келиши муносабати билан энг асосий зарурият қишлоқ хўжалик техникаси ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналарига тўғри келиши кузатилади.

Енгил ва озиқ-овқат саноати ускуналари лизингига бўлган талаб ҳам юқори даражада. Савдо ускуналари лизинги ўзлаштирилмаган бўлиб, унинг келажаги жуда ҳам самарали бўлиши шубҳасиздир.

Эътиборни жалб қиладиган масалалардан яна бири шахсий автотранспорт, узоқ муддатли истеъмол буюмлари лизингини ривожлантириш масалаларидир.

---

[1] Қаралсин: Анализ рынка лизинга в Центральной Азии, май 2003, IFS, 18 бет.

ЛИЗИНГ: САВОЛ ВА ЖАВОБЛАРДА

Савол: Сублизинг деганда нимани тушунасиз?

Жавоб: Фуқаролик кодексига кўра сублизинг – лизинг объектларини ёллаш тури бўлиб, унда лизинг олувчи шартнома бўйича олинган лизинг объектини, лизинг берувчининг олдида лизинг шартномаси бўйича маъсулиятли бўлиб қолган ҳолда унинг ёзма розилиги билан учинчи шахсга вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланишга беришга ҳақлидир. Бунда сублизинг шартномасида «Лизинг тўғрисида» ги қонун қоидалари сублизинг берувчи, сублизинг олувчи ва сотувчига нисбатан лизинг берувчи, лизинг берувчи ва олувчи сифатида қўлланилади.

Сублизинг одатда лизинг объектларидан ғоятда самарали фойдаланиш учун, шунингдек лизинг олувчининг рискларини пасайтириш учун қўлланилади. Масалан, агар лизинг олувчи лизинг объектидан тўлиқ фойдаланиш учун етарли ресурсларга эга бўлмаса, у объектни учинчи тарафга – бундай ресурслари бўлган сублизинг олувчига бериш мумкин. Лизинг берувчи мол-мулкни лизинг олувчига беришни баъзи кўрсаткичлар (мониторингнинг мураккаблиги, тақдим этиладиган баъзи бир талабларга номувофиқлиги ва ҳоказо) бўйича ўзи учун ҳаддан ташқари рискли деб ҳисоблайдиган вазият ҳам юзага келиши мумкин. Бу рискларни пасайтириш учун тарафлар лизинг берувчи сифатида ана шу мақсадлар учун кўпроқ тўғри келадиган, лекин ўзи лизинг субъектидан фойдаланмайдиган, балки ўз зиммасига пировард олувчининг барча рискларини оладиган пировард олувчига сублизингга берадиган компанияни танлашлари мумкин.

Савол: Лизинг шартномаси нималарни кўзда тутади?

Жавоб: Ўзбекистон қонунчилик ҳужжатларида лизинг шартномаси ёзма шаклда тузилиши белгиланади. «Лизинг тўғрисида» ги қонунга кўра шартномада бўлиши керак бўлган шартлар (қоидаларнинг), бошқача айтганда шартнома муҳим шартларининг аниқ рўйхати белгиланган. Унда бундай шартлар сифатида қуйидагилар бўлиши керак: лизинг объектининг тавсифи, лизинг тўловларини тўлаш шартлари, миқдори, муддатлари ва тартиби, тарафларнинг лизинг объектидан фойдала-

ниш, уларни сақлаш, тутиб туриш ва таъмирлаш бўйича мажбуриятлари сотувчи ва лизинг объектини танлаш учун маъсул тарафни кўрсатиш ва ҳоказо. Шартномада тарафлар билан келишилган бошқа шартлар ҳам келтирилиши мумкин. Шартнома тарафлардан бирининг талабига кўра ёки у билан битимлар қонунга мувофиқ нотариал тасдиқлашни талаб қиладиган мол-мулк лизинг объекти ҳисобланган ҳолларда нотариал тасдиқланиши керак.

Савол: Лизинг битими субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат?

Жавоб: Лизинг битими шартнома муносабатлари нуқтаи назаридан олган мураккаб тусга эга, чунки уни таъминлаш учун уч тарафнинг бўлиши талаб қилинади: сотувчи, ундан лизинг берувчи лизинг объектини сотиб олади ва у кўпчилик ҳолларда мол-мулкни бевосита лизинг олувчига етказиб беришни амалга оширади; лизинг берувчи олинган лизинг объектини эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчига топширади; лизинг олувчи лизинг объектини қабул қилишни амалга оширади ва ундан фойдаланади, бундан даромад олади ва лизинг берувчи билан ҳисоб-китоб қилади. Бундан келиб чиқиб, лизинг берувчи, лизинг олувчи ва сотувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тартибга соладиган аниқ ҳамда тушунарли бўлган қонун меъёрларининг мавжудлиги ва улар ўртасида рискларнинг бўлиниши муваффақиятли лизинг битимининг амалга ошириш ва умуман олганда лизинг секторини ривожлантириш учун айниқса муҳим ҳисобланади.

Қонун ва Фуқаролик кодексига биноан лизинг субъектлари ҳуқуқ ва мажбуриятларининг аниқ баланси яратилган, у лизинг битими барча тарафларнинг манфаатларининг тенг даражада ҳимоя қилади. Қонун ҳужжатларидаги илғор жиҳат шундан иборатки, унда императив тусдаги — ижро этиш учун мажбурий меъёрлар билан депозитив тусдаги - зарур ҳолларда тарафларга шартнома асосидаги ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳажмини ўзлари белгилаш ҳуқуқини берадиган меъёрлар ўртасида зарур балансга риоя қилинади.

Чунончи, масалан, лизинг объекти етказиб берилмаган, бир қисмини етказиб берилмаган, бир қисми етказиб берилган, етказиб бериш муддати ўтказилган ёки паст сифатли лизинг объекти етказиб берилган тақдирда, агар шартномада бошқа ҳолат назарда тутилмаган бўлса, лизинг олувчи лизинг обектидан воз кечиш ва шартномани бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқига

эгадир. Шу тариқа, тарафлар қандай шартлар шартномани бекор қилиш ва лизинг объектидан воз кечиш ҳуқуқи пайдо бўлиши учун асослар бўлиши мумкинлигини мустақил ҳал қила оладилар. Мазкур меъёр адолатли, чунки у тарафларга сотувчининг мажбуриятларини бажармаслик рискларини ўзлари белгилаш ҳуқуқини беради.

Савол: Лизинг объектидан гаров сифатида фойдаланиш мумкинми?

Жавоб: Қонунга мувофиқ, лизинг берувчи лизинг объектидан лизинг олувчининг дастлабки розилигисиз гаров сифатида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас. Лизинг олувчида лизинг объектини гаровга бериш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда овоз бериш ҳуқуқининг йўқлиги адолатсиз вазиятга олиб келиши мумкинки, бунда лизинг берувчи ночор бўлган тақдирда гаровни тутувчи ундиришни лизинг тўловларини ўз вақтида тўлаётган ва лизинг объектидан гаров сифатида фойдаланишга ўз розилигини бермаган лизинг олувчи эгалик қилаётган ва ҳалол фойдаланаётган лизинг объектига қаратиши мумкин. Шу тариқа, қуйидаги вазият юзага келиши мумкин: лизинг берувчи бўлғуси лойиҳалар учун пул ресурсларини кредитга олиб, ўз жорий лойиҳалари учун лизинг объектларини гаровга қўяди, агар у кредит шартномаси бўйича мажбуриятларини бажармаса, кредитор ундиришни ўз вақтида тўловчи лизинг олувчи фойдаланаётган лизинг объектларига қаратади.

Бошқа томондан, қонунда белгиланишича, лизинг олувчи лизинг объектини гаровга қўйиш ҳуқуқига эга эмас, чунки у бу объектнинг мулкдори эмас. Шу тариқа мазкур меъёр лизинг берувчи ва лизинг олувчи ҳуқуқларининг зарур балансини яратади.

Савол: Лизинг объекти суғурта қилинадими?

Жавоб: Қонунга кўра , лизинг объектини ҳалокатга учраш, талафот, ўғирлик, бузиш, шикастлаш ва ўз вақтидан олдин эскириш хатари билан боғлиқ барча хил эҳтимолий зарарлардан суғурталаш тарафларнинг келишуви бўйича амалга оширилади. Унда, мисол учун, лизинг битими тарафларидан қайси бири суғурталанувчи ролида чиқиши ва тегишлича, ким суғурта пулини тўлаши, улар бошқа тараф томонидан қопланиши кераклиги, қандай суғурта компанияси билан суғурта шартномаси тузилиши ва ким уни танлаши ва шунингдек суғурта полислари бўйича тўланадиган суғурта суммаларини ким олиши ва улар қандай тарзда фойдаланиши кераклиги белгиланиши мумкин. Лизинг битими тарафлари мазкур келишувда лизинг

объектини умуман суғурталамасликни белгилаб олишлари мумкин. Бироқ қонунда назарда тутилишича, суғурта тўғрисида бирор-бир келишув бўлмаган тақдирда лизинг объектини суғурталаш учун лизинг олувчи жавобгар бўлади.

Савол: Лизинг тўлови қайси унсурлардан иборат?

Жавоб: Қонун ва Фуқаролик кодекси лизинг тўлови тушунчасини қуйидагича белгилайди:

- лизинг олувчи томонидан лизинг берувчига лизинг объектини харид қилиш харажатларининг, шунингдек лизинг объектини етказиб бериш ва ундан мақсадга кўра фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш билан боғлиқ бошқа харажатларнинг ҳаммаси ёки катта қисмининг тўланиши;
- лизинг берувчининг даромади.

Жаҳон тажрибасига биноан лизинг тўлови таркибига қуйидаги унсурлар киритилиши лозим:

1) лизинг мулки амортизацияси;

2) лизинг битимини амалга ошириш учун лизинг олувчи жалб этадиган кредит ресурслар учун тўлов;

3) комиссион мукофот;

4) риск мукофоти;

5) лизинг берувчи лизинг олувчига қўшимча хизмат кўрсатганлиги учун тўлов;

6) агар лизинг берувчи суғурталаган бўлса, лизинг мулкини суғурталангани учун тўлов.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, қонун лизинг шартномаси тарафларига лизинг тўловлари миқдори ва даврийлигини ўзлари белгилаш ҳуқуқини беради. Шартномада ишлаб чиқаришнинг ўзига хос жиҳатлари боғлиқ ҳолда тўловларнинг ҳар қандай қулай жадвали кўрсатилиши мумкин. Масалан, яхна ичимликлар ишлаб чиқарадиган корхона лизинг тўловлари асосий қисмини ёз ойларида тўлаши мумкин ва ҳоказо.

Савол: Қайтариб олинган ускуна такроран лизингга берилиши мумкинми?

Жавоб: Қайтариб олинган лизинг объекти такроран лизингга берилиши мумкин эмас, чунки «Лизинг тўғрисида»ги қонуннинг 2-моддасида кўрсатилишича, бир томон (лизинг берувчи) иккинчи томон (лизинг олувчи)нинг топшириғига мувофиқ, учинчи томон (сотувчи)дан лизинг олувчига ўтказиш учун мулк харид қилади. Демак, бундай ҳолатда учинчи томон — сотувчи иштирок этмайди, яъни қайтариб олинган объектни

учинчи томон харид килмайди. Масалан, кайтариб олинган мулк кейинчалик сотилиши ёки ижарага берилиш мумкин.

Савол: Агар лизинг объекти лизинг берувчи томонидан лизинг олувчидан қайтариб олинаётган пайтда мазкур мулкнинг цолдиқ циймати ҳар йилги қайта баҳолашдан кейин лизинг олувчининг лизинг берувчидан қарзидан ортиқ бўлса, лизинг олувчи орадаги фарқни унга тўлашни талаб қилишга ҳақлими?

Жавоб: Ушбу масала қонунчиликда аниқ, белгилаб қўйилмаган. Агар у лизинг шартномасида кўрсатилмаган бўлса, бундай талабни илгари суришга асос йўқ,. Буни мисол ёрдамида кўриб чиқайлик. Шартномага биноан лизинг берувчи лизинг олувчига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун баҳоси 5 млн. сўмлик тракторни тақдим этди. Орадан икки йил ўтгач, лизинг олувчи ўзининг тўлов мажбуриятларини бузди ва лизинг берувчи ундан тракторни қайтариб (тортиб) олишга қарор қилди. Қайтариб олиш пайтида лизинг олувчининг худди тўланмаган қарзи 3 млн. сўмни ташкил этди, лизинг олувчининг баланси бўйича қайта баҳолашдан кейин тракторнинг қолдиқ қиймати 4,5 млн. сўм бўлиб чиқди. Лизинг олувчи объектнинг қайта баҳоланган қолдиқ қийматини сабаб қилиб кўрсатиб, лизинг берувчидан қолдиқ қиймат ва қарз миқдори орасидаги фарқни, яъни 1,5 млн. сўмни унга тўлашни талаб килди. Бироқ «Лизинг тўғрисида»ги қонуннинг II моддасига мувофиқ лизинг берувчи лизинг объектини қонунчилик ёки лизинг шартномасида аниқлаштириб қўйилган ҳолатлар ва тартибда қайтариб олиш талабини қўйишга ҳақли бўлади, яъни бу ерда гап қарз суммаси ҳақида эмас, балки айни пайтдаги қийматидан қатъий назар, лизинг объекти хусусида бормоқда.

Савол: Лизинг берувчи аввал мулкни харид цилиб, шундан кейингина потенциал мижозни, мана шу мулкни лизингга бериш учун лизинг олувчини қидириши мумкинми?

Жавоб: Йўқ, агар лизинг берувчи аввал мулкни харид қилиб, шундан кейингина мазкур мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдапанишга ўтказиш учун потенциал олувчиларга чиқадиган бўлса, бундай битимга лизинг шартномаси сифатида қаралиши мумкин эмас. «Лизинг гўғрисида» ги конуннинг II моддасида лизинг берувчининг лизинг объектини харид қилиши ҳақида лизинг олувчининг топшириғи, албатта, мавжуд бўлиши кўрсатиб қўйилган. Лизинг битимининг амалдаги ташаббускори лизинг олувчи, яъни муайян ускунага муҳтож бўлган ҳамда уни харид қилиш ҳақида буюртма билан лизинг

берувчи томонидан мурожаат этган корхона ҳисобланади. Бундай битим ижара ёки кейинчалик сотиб олиш шарти билан ижара бўлиши мумкин.

Савол: Аввал истеъмолда бўлган ускунадан лизинг объекти сифатида фойдаланиш мумкинми?

Жавоб: Ўзбекистон қонунчилигида аввал истеъмолда бўлган ускунадан лизинг объекти сифатида фойдаланишга тўсқинлик қилувчи ҳеч қандай қоида йўқ. Бироқ, ҳар бир лизинг берувчи ўзининг ички сиёсатидан келиб чиққан ҳолда бундай ускунани харид қилишни молиялаш масаласида чеклашлар ўрнатишга ҳақлидир.

Савол: Жисмоний шахслар лизинг субъекти бўла оладиларми?

Жавоб: Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс лизинг берувчи, лизинг олувчи ва сотувчи бўлиши мумкин. Бироқ қонунчиликда лизинг объекти фақат тадбиркорлик мақсадларида фойдаланилади, деб кўрсатиб қўйилган экан, жисмоний шахс ҳисобланган лизинг берувчилар ва лизинг олувчилар якка тартибдаги тадбиркор мақомига эга бўлсаларгина лизинг фаолиятини амалга ошира оладилар. Жисмоний шахс ҳисобланган сотувчилар лизинг объектидан фойдаланишда иштирок этмайдиган шахслар бўлганлари учун якка тартибдаги тадбиркор мақомига эга бўлишлари шарт эмас. Яна шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистонда лизинг фаолияти лицензиялаштирилмайди.

Савол: Агар лизинг олувчи шартнома моддаларини бузса, лизинг берувчи лизинг объектини қайтариб олиш ва айни пайтда лизинг олувчи томонидан лизинг битимини қўшимча равишда таъминлаш сифатида қўйилган гаров объектига жазо қўлланишга ҳақлими?

Жавоб: Лизинг берувчининг лизинг объектини қайтариб олиш ҳуқуқи — бу ўзининг мулкига эгалик қилиш ва ундан фойдаланишни тиклайдиган мулкдорнинг, битим таъминотнинг бошқа шакллари билан таъминланган ёки таъминланмаганлигидан қатъий назар, ҳуқуқи ҳисобланади. Бошқача айтганда, агар лизинг олувчи шартнома моддаларини бузса, лизинг берувчи лизинг объектини қайтариб олиш ҳамда айни пайтда гаров объектига жазо қўллаш ҳуқуқига эгадир.

«Лизинг тўғрисида»ги қонуннинг 28-моддасида айтилишича, агар гаровдаги мулкни сотишдан тушган сумма гаровни сақловчининг гаров билан таъминланган талаби ҳажмидан ошиб кетса, у ҳолда орадаги фарқ, гаров берганга қайтарилади. Шундай қилиб, лизинг объектини қайтариб олган лизинг берувчи лизинг объектини сотиш пайтида ўзи кўрган зарарларни

ҳамма вақт ҳам қоплашга муваффақ бўлавермайди ва у зарарларни гаровдаги мулк орқали ундириб олишга ҳақлидир. Бироқ, агар лизинг берувчи лизинг объектини сотиш ҳисобига ўзи кўрган зарарларни қоплаган бўлса, гаров предметига қаратилган жазо рад этилиши мумкин.

Савол: Дастурий таъминот лизингга берилиши мумкинми?

Жавоб: Дастурий таъминот лизинг объекти бўла олмайди. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 588-моддасига кўра истеъмол қилинмайдиган ашёлар лизинг объекти бўлиши мумкин эмас. Дастурий таъминот ашё ҳисобланмайди, балки интеллектуал фаолият натижаларига киради. Бироқ, дастурий таъминот ёки интеллектуал мулкка доир бошқа ҳуқуқларни қўшимча хизмат сингари лизинг шартномаси доирасида харид килиш мумкин. Агар лизинг берувчининг лизинг объектини мақсадга кўра фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш билан боғлиқ харажатлари бир қисмини қоплаш сифатида қаралса, бундай хизмат учун лизинг олувчининг лизинг берувчига тўлови лизинг тўловларига киритилиши мумкин. Мисол учун, корхона бухгалтер учун "1С: Бухгалтерия" дастури билан компьютерни лизингга олиши мумкин.

Савол: Лизинг объектининг хизмат килиш муддати амортизациянинг турли усулларига боғлиқми? Тезлаштирилган амортизацияни қўллаш бу муддатни қисқартирадими?

Жавоб: Бундай боғлиқлик мавжуд эмас. 5-сон БҲМСга мувофиқ, хўжалик юритувчи субъект лизинг объекти бутун фойдали хизмат муддати давомида асосий воситаларга амортизацияни ҳисоблаб ёзади. Амортизацияни ҳисоблаб ёзишнинг турли усулларини қўллаш амортизацияни ҳисоблаб ёзиш суръатига таъсир қилади, лекин объектнинг хизмат қилиш муддатини ва тегишинча, амортизация муддатини ўзгартирмайди. Хусусан, тезлаштирилган амортизацияни қўллаш бошланишида амортизация ажратмаларини анча жадал суръатлар билан ҳисоблаб ёзиш имконини беради, хизмат қилиш муддатининг иккинчи ярмида эса тескари манзара кўзга ташланади, яъни амортизация ажратмалари анча кам суммани ташкил этади. Бошқача айтганда, тезлаштирилган амортизация амортизация муддатини қисқартиришни англатмайди.

Савол: Солиқ кодексининг 19-моддасига кўра солиқ солинадиган даромад (фойда)ни аниқлаш чоғида лизинг берувчининг лизинг шартномаси бўйича лизинг тўлови таркибида тўланадиган даромади жами даромаддан чегирилиши керак. Демак, лизинг берувчи лизинг олувчидан келиб тушадиган лизинг бўйича даромад (фоизлар)ни чегириши мумкинми?

Жавоб: Йўқ. Юқорида кўрсатилган меъёрда лизинг берувчининг олинадиган эмас, балки тўланадиган даромади тўғрисида сўзланганлигига эътибор бериш керак бўлади. Шу тариқа, юқорида кўрсатилган меъёр лизинг олувчиларга, яъни лизинг бўйича лизинг берувчининг даромадини тўлайдиган солиқ тўловчиларга тааллуқлидир.

Савол: Лизинг олувчи сотувчига лизинг олувчи билан лизинг берувчи ўртасида тузилган олди-сотди шартномасининг шартларини бажармаганлиги учун даъволар билдириш ҳуқуқларга эгами?

Жавоб: Ҳа, лизинг олувчи ана шундай ҳуқуққа эга. Фуқаролик кодексининг 598-моддасига кўра лизинг олувчи лизинг шартномасининг нарсаси бўлган мол-мулкни сотувчига сотувчи билан лизинг берувчи ўртасида тузилган олди-сотди шартномасидан келиб чиқадиган талабларни, хусусан, мол-мулкнинг сифати ва бутлиги, уни етказиб бериш муддатлари ҳақидаги талабларни ва шартнома сотувчи томонидан зарур даражада бажарилмаётган бошқа ҳоллардан келиб чикадиган талабларни бевосита қўйишга ҳақли. Бундай меъёр қонунда лизинг олувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун назарда тутилган. Лизинг объекти одатда бевосита лизинг олувчига етказиб берилиши ва айни лизинг олувчи лизинг объектидан фойдаланувчи ҳисобланиши сабабли у бамисоли олди-сотди шартномасининг тарафи сифатида қонун ҳужжатларида харидор учун назарда тутилган ҳуқуқларга эга бўлиши керак. Шуни таъкидлаш жоизки, бундай ҳуқуқнинг лизинг олувчида бўлиши назарда тутилганлиги сабабли лизинг берувчи "Лизинг тўғрисида"ги қонуннинг 11-моддасига мувофиқ, лизинг объектини, лизинг берувчи аниқ лизинг олувчига бериш учун харид қилаётгани тўғрисида сотувчини хабардор қилиши шарт.

Савол: Лизинг бўйича асосий қарзни сўндиришга доир тўловлар тўловлар ўртасида ҳар бир ўтган давр учун лизинг объектига доир амортизация ҳисобланмалари суммасига тенг бўлиши керакми?

Жавоб: Лизинг объекти бўйича тўловлар жадвали ва амортизация ҳисобланмалари ўртасида бундай боғлиқлик мавжуд эмас. 2002 йил 13 декабрда киритилган ўзгартиришларга кўра "Лизинг тўғрисида"ги қонундаги лизинг тўлови таърифидан бундай боғланиш олиб ташланган. Энди лизинг берувчи ва лизинг олувчи аниқ битим шартларидан келиб чиқиб тўловлар жадвалини белгилайдилар. Лизинг тўловларининг миқдорлари ва даврийлиги, худди кредитор банк ва қарз олувчи кредит

бўйича тўловлар тўғрисида келишиб олганидек, тарафларнинг келишуви бўйича белгиланади.

Савол: Лизинг объектини суғурталаш мажбурийми?

Жавоб: Йўқ, лизинг объектини суғрурталаш ихтиёрийдир. "Лизинг тўғрисида"ги қонуннинг 18-моддасига мувофиқ нобуд бўлиш, йўқотиш, ўғирлаш, шикастланиш, бузилиш ва барвақт эскириш ҳавфи билан борлиқ бўлган тарздаги ҳар қандай етказилиши мумкин булган зарардан лизинг объектини суғурталаш тарафларнинг келишувига биноан амалга оширилади. Шу тариқа, тарафларнинг ўзлари шартномада лизинг битими тарафларидан қайси бири суғурталанувчи ва тегишлича, ким суғурта пулини тўлаши, уни бошқа тараф қоплаши, суғурталаш қайси суғурта компанияси томонидан амалга оширилиши ва ким бундай суғурта компаниясини танлаши, шунингдек суғурта ҳодисаси юз берганида тўланадиган суғурта қопламларини ким олиши ва мазкур суғурта қоплами қай тарзда фойдаланиши мумкинлигини белгилаб оладилар.

Бироқ, қонуннинг 18-моддасида тарафлар ўртасида суғурталаш битими бўлмаган тақдирда лизинг объектини суғурталаш учун лизинг олувчи жавобгар бўлишини ҳам кўрсатади. Бошқача айтганда, агар тарафлар шартномада умуман лизинг объектини суғурталаш тўғрисида эслатмаган бўлсалар, лизинг олувчи уни суғурталаши шарт. Агар тарафлар лизинг объектини суғурталашни хоҳлашмаса, улар шартномада уни суғурталашдан воз кечишларини қайд этишлари керак, бошқача айтганда, лизинг объектини суғурталамасликка рози бўлишлари керак.

Савол: Фоизларни (лизинг берувчининг даромадини) ҳар ойда, асосий қарзни (лизинг объекти қийматини қоплашни) - ҳар чоракда ёки ярим йиллик тўловлар билан тўлаш мумкинми?

Жавоб: Йўқ. Қонунга кўра лизинг олувчи лизинг берувчига лизинг объектига эгалик қилганлик ва ундан фойдаланганлик учун лизинг тўловлари тўлаш мажбуриятини олади. Лизинг тўлови, ўз навбатида:

- лизинг берувчига лизинг объектини ҳарид қилиш харажатларини, шунингдек лизинг объектини етказиб бериш ва уни мақсадга кўра фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш билан боғлик бошқа харажатларни қоплашдан;
- лизинг берувчининг даромадидан иборат бўлади.

Шу тариқа, ҳар бир лизинг тўлови иккала таркибий қисм асосий қарз ва фоизлардан иборат бўлиши керак. Лизинг тўловларининг даврийлиги эса лизинг шартномаси тарафларининг келишувига кўра белгиланади.

АДАБИЁТ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Т.: «Ўзбекистон», 2002.

2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 34 боб. - Мулкни ёнлаш - ижара, §6. Лизинг 587-599 бандлар.

3. «Лизинг тўғрисида» ги Ўзбекистон республикаси қонуни, 1999 йил 14 апрел.

4. Закон Республики Узбекистан «О залоге», Правда Востока, №100-101, 1998.

5. Закон Республики Узбекистан «О гарантиях свободы предпринимательской деятельности», 25 май 2000.

6. Закон Республики Узбекистан «О лицензировании отдельных видов деятельности», 25 май 2000.

7. Закон Республики Узбекистан «О внешнеэкономической деятельности в Республике Узбекистан», 26 май 2000.

8. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Халқ сўзи, 2002 йил 9 январ, 6 сон.

9. «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги ўзбекистон Республикаси қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2002, 4-5 сонлар, 55-67 бетлар.

10. И.А. Каримов «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари», Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузаси, Халқ сўзи, 2002 йил 30 август.

11. «Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2002, 8-сон, 131-132-бетлар.

12. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2002, 6-7-сонлар, 12-13 бетлар.

13. «Республика Банк кенгашини тузиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2002, 10-11-сони, 25-30 бетлар.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 9.11.1995 йил 427 сонли УЛК «Барака лизинг» компанияси ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 9.11.1995 йил 427 сонли қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 5.01.1996 йил 6 сонли УЛК «Ўзбек Лизинг интернешнл АЖ» қўшма лизинг компанияси ташкил этиш тўғрисидаги қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 19.12.1997 йил 556 сонли УЛК «Ўзавиализинг» компанияси ташкил этиш тўғрисидаги қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27.02.1997 йил 111 сонли «Ўзкейсагролизинг» қўшма лизинг компанияси ташкил этиш тўғрисидаги қарори.

18. Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000, 11-сон, 2-7-бетлар.

19. Указ Президента Республики Узбекистан от 21 марта 2000 года «О мерах по дальнейшей либерализации и реформированию банковской системы».

20. Указ Президента Республики Узбекистан от 5 июня 2000 года «О дополнительных мерах по стимулированию производителей экспортной продукции».

21. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 17 февраля 2000 года «Об активизации деятельности Республиканского координационного совета по стимулированию развития малого и частного предпринимательства».

22. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 24 марта 2000 года «О дополнительных мерах по реформированию банковской системы».

23. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 30 июня 2000 года «О мерах по дальнейшей либера-

лизации валютного рынка и расширению валютно обменных операций».

24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тижорат бакларининг кичик ва Ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами, -Т.: Ўзбекистон, 2000.

25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодиётнинг кредитлаш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами, -Т.: Ўзбекистон, 2002.

26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлаш, моддий-техник таъминлаш, уларга божхона имтиёзлари бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами, -Т.: Ўзбекистон, 2002.

27. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан микрокредит бериш дастурини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами, -Т.: Ўзбекистон, 2002.

28. «Тадбиркорлик фаолиятини айрим турлари билаш шуғулланишни тартибга солиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2002, 6-сон, 3-4-бетлар.

29. «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2002, 6-сон, 34-41-бетлар.

30. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан №199 от 26 апреля 2004 года «О мерах по дальнейшему развитию лизинговых услуг».

31. «Тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган фермерлик хўжаликлари ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларини миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш тартиби, 903-сон, 2000 йил 29 феврал. Ўзбекистон республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик хужжатлари тўплами, -Т.: Ўзбекистон, 2002.

32. «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларини, кичик ва ўрта бизнес субъектларини миллий валютада кредитлаш Тартиби, 907-сон, 2000 йил 7 март. Ўзбекистон республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик хужжатлари тўплами, -Т.: Ўзбекистон, 2002.

33. «Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги низом 941-сон, 2000 йил 29 июн. Ўзбекистон республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик хужжатлари тўплами, -Т.: Ўзбекистон, 2002.

34. «Тижорат банклари томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларини бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш тартиби тўғрисида" низом (янги таҳрири), 1074-сон, 2001 йил 3 октябр. Ўзбекистон республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик хужжатлари тўплами, -Т.: Ўзбекистон, 2002.

35. Акрамов А. «Лизинговые операции реальны и должны быть популярны». Банковские ведомости, №41 (180), 1999.

36. Аксенов В. «Лизинг или кредит — что выгоднее?». Банковские ведомости, №50, декабрь, 1999.

37. Ачилов М.Ф., Безбородов А.Г., Газибеков Д.Г., Котов В.А. Проблемы интеграции банковской системы Узбекистана в мировое банковское сообщество. Ташкент: БФА Республики Узбекистан, 1999.

38. Ангелиди М.С., Газибеков Д.Г. «Лизинговый кредит на технический прогресс». - Т.: «Узинформагропром», 1991.

39. «Бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиёти». Дарслик, муаллифлар гурухи, Т.: «Ўқитувчи», 2000, 9,10,11 боблар.

40. Болтаев О. Банкларда лизинг операциялари ҳисобини ташкил этиш. Бозор, пул ва кредит, №9, сентябр, 2003.

41. Васильев Н.М., Катырин С.Н., Лепе Л.Н. «Лизинг как механизм развития инвестиций и предпринимательства». - М.: ООО Издательско-консалтинговая компания «ДеКА», 1999.

42. Галимов Ю. «Лизинг - синтез аренды и кредита». Деловой партнер Узбекистана, февраль, 2000.

43. Газибеков Д.Г., Сабиров О.Ш. «Лизинг и его развитие в Узбекистане», - Т.: «Молия», 2001.

44. Горемыкин В.А. «Лизинг. Практическое учебно-справочное пособие». - М.: ИНФРА-М, 1997

45. Горемыкин В.А.«Лизинговые сделки» // Достижения науки и техники АПК. - 1995, №4.

46. Горемыкин В.А. «Лизинговый бизнес» // Консультант директора, - 1996, №10

47. Газман В.Д. «Лизинг: теория, практика, комментарии». - М.: Фонд «Правовая культура», 1997

48. Газман В.Д. «Рынок лизинговых услуг». - М.: Фонд «Правовая культура», 1999.

49. Ғозибеков Д.Ғ., Собиров О.Ш «Лизинг- тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни молиялашнинг таъсирчан воситаси». «Банк ахборотномаси», 14 сон, 1999.

50. Ғозибеков Д. Ғ., Сабиров О.Ш. «Причины медленного развития лизинговых отношений в условиях перехода Узбекистана к рыночным отношениям», «Ўзбекистон банк тизимини эркинлаштиришнинг долзарб масалалари ва жаҳон тажрибаси» мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг «Молия» нашриёти, Т. 2000.

51. Ғозибеков Д.Ғ. "Инвестицияларни молиялаштириш масалалари". Т.: "Молия", 2003.

52. Ғозибеков Д.Ғ. «Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ва лизинг». Бозор, пул ва кредит 1999, май, 5 сон.

53. Договор лизинга. Налоговые и таможенные вести, №51, декабр, 2003.

54. Ершова И. «Лучше лизинга может быть только лизинг». Бизнес-Вестник Востока, №45, 1998.

55. Законодательство о лизинге изменено. Бизнес-вестник Востока. №7, феврал, 2003.

56. «Из истории лизинга». Бизнес-вестник Востока, 6 июня 2002 года, №23(541), стр.5

57. И снова о лизинге. Бизнес-вестник Востока. №27, июл, 2003.

58. Кабатова Е.В. «Правовое регулирование лизинга в России // Консультант директора. - 1996, №2

59. Кабатова Е.В. «Лизинг: понятие, правовое регулирование, международная унификация. - М. ИНФРА-М, 1991

60. Кабатова Е.В. «Лизинг: правовое регулирование, практика», М.: ИНФРА-М, 1998 г.

61. «Компромисс интересов», Бизнес-вестник Востока, 28 февраля 2002 года, №9(527), стр.6.

62. Козлова Д. «Лизинг: новые горизонты предпринимательства». Экономика и жизнь №29,июль, 1996.

63. «Лизинг обречен на успех, но мешают налоговые проблемы». «Экономика и жизнь», №8, 1996.

64. «Лизинг в России: пора подводить первые итоги». «Экономика и жизнь» №17 за 1996 г.

65. Лизинг: законодательство, практика применения, перспективы. –М.: Материалы научно-практической конференции, 29 июня 2000 года.

66. «Лизинг на пути реформ». Бизнес-вестник Востока, 21 февраля 2002 года, №8(526), стр.10

67. «Лизинг хўжалик шартномалари ва бухгалтерия ҳисобида». Солиқ ва божхона хабарлари, 2002 йил 7 июн, 24(412) сон, 6-7 бетлар.

68. Лизинг в России. Бизнес-вестник Востока, №29, июл, 2002.

69. Лизинг: что это такое? Бизнес-вестник Востока, №21, май, 2002.

70. Лизинг в США. Бизнес-вестник Востока, №35, август, 2002.

71. Лизинговые компании Узбекистана. Бизнес-вестник Востока, №42, октябр 2002.

72. «Лизингга оқ йўл». Банк ахборгномаси, 2002 йил декабрь, 50-сон, 5-бет.

73. «Лизинг в Казахстане». Бизнес-вестник Востока, 19 декабря 2002 года, №51(569), стр.3.

74. Лизинг савол-жавобларда. Солиқлар ва божхона ҳабарлари. 61-сон, декабр, 2003.

75. Малый и средний бизнес: лизинг или кредит? Бизнес-вестник Востока, №33, август, 2002.

76. Малявина А.В., Попов С.А., Пашина Н.Б. «Лизинг и антикризисное управление» учебное пособие. - М.: изд-во «Экзамен», 2002 – 256 с.

77. Мезенцев Е.В., Жолдосов Д. «Анализ кредитоспособности лизингополучателей». Банковские ведомости, №35, август, 1997.

78. Муратханова А. «Лизингу – нормативно-правовую дорогу». Банковские ведомости, №45 (132), 1998.

79. Муминов А.Г. «Лизинг – это сервис в комплексе с финансами, и не только». Налоговые и таможенные вести №21, 1997.

80. Муминов А.Г. «Лизинг – инструмент реформ». Народное слово, №23 (2061),1999.

81. Муминов А.Г. «Лизинг в Узбекистане: проблемы и пути совершенствования». Деловой партнер Узбекистана, 2 августа 2001 года, №31(384).

82. Мезенцев Е., Маъмуров А. «Лизинг операциялари ҳамда уларни татбиқ этиш босқичлари». Бозор, пул ва кредит, №2, февраль, 1998.

83. Мезенцев Е., Маъмуров А. «Лизинг олувчининг кредитбардошлигини таҳлил қилишга доир масалалар». Бозор, пул ва кредит, №3, март, 1998.

84. Мезенцев Е., Маъмуров А. «Лизинг тўловлари ҳисобкитоблари». Бозор, пул ва кредит, №5, май, 1998.

85. МФК в Узбекистане. Бизнес-вестник Востока, №39, сентябр, 2002.

86. Наров У. «Лизинг как инструмент финансирования». Экономика и статистика №10, 1997.

87. Нажимутдинов У. «Лизинг – гибкий инструмент реформ». Налоговые и таможенные вести, №21, 1999 г.

88. Низаев Т. «Покупают аэропорт: для чего?». Правда Востока, 27 октябрь, 2000.

89. Новые изменения в законодательстве о лизинге. Бизнес-вестник Востока, №36, сентябр, 2003.

90. О пользе лизинга. Бизнес-вестник Востока. №16, апрел, 2003.

91. «Перспективы и проблемы одной услуги». Бизнес-вестник Востока, 27 июня 4 июля 2001 года, №26, стр.6

92. Прилуцкий Л. «Лизинг: правовые основы лизинговой деятельности в Российской Федерации», М.: Издательство «Ось-89», 1996 г.

93. Правовое регулирование лизинга в Узбекистане. Бизнес-вестник Востока, №25(27), июн(июл), 2002.

94. «Рынок лизинга расширяется». Бизнес-вестник Востока, 30 января 2003 года, №5(575), стр.4.

95. Рынок лизинга в Европе. Бизнес-вестник Востока, №45, ноябр, 2003.

96. Расторжение договора лизинга и истребование объекта лизинга. Налоговые и таможенные вести, декабр, 2003.

97. Сабиров О.Ш. «Лизинг в Узбекистане: проблемы и решения». Рынок, деньги и кредит, №4, 2000 .

98. Сабиров О.Ш. «Проблемы внедрения лизинга при финансировании инвестиций», «Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг минтақавий муаммолари» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари, Фарғона, 2000.

99. Сотрудничество МФК И ЕБРР в Республике Узбекистан. Бизнес-вестник Востока, № 18, май, 2003.

100. Ускоренная амортизация. Бизнес-вестник Востока, №49, декабр, 2002.

101. Финансовая аренда (лизинг) в России. Обзор нормативно-правовой базы.- М.: Международная финансовая корпорация, 2001.

102. «Финансовый лизинг становится рентабельным». Бизнес-вестник Востока, 23 января 2003 года, №4 (574), стр.4.

103. Холмурадов А. «Подготовка юридических документов к лизинговой операции». Банковские ведомости, №40, 1997.

104. Холмурадов А., Маъмуров А. «Юридик ҳужжатларни лизинг операциясига тайёрлаш», Бозор, пул ва кредит, №6, июнь, 1998.

105. Чекмарева Е.Н. «Лизинговый бизнес». - М.: Экономика, 1994.

106. Что тормозит лизинг в Узбекистане? Бизнес-вестник Востока, №17, апрел, 2002.

107. Юлдашев Б. «Биз лизинг шов-шуви бўсағасида турибмиз». Солиқ ва божхона хабарлари №11, 1998.

108. Financial leasing in Central Asia, IFC, SECO, 2002.

ИЛОВАЛАР

1-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АСОСИЙ ЛИЗИНГ БЕРУВЧИЛАР

№	Ташкилот номи	Манзили
1.	"Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" Акциядорлик лизинг компанияси	700011, Тошкент, Абай кўчаси, 4А Тел: (371) 144-62-73, Факс: (371) 144-51-03
2.	"Барака" Универсал лизинг компанияси	700027, Тошкент, О.Хўжаев кўчаси, 1А Тел: (371) 138-69-23, 138-69-33 Факс: (371) 138-69-43, 144-52-07 e-mail: barakalk@online.ru
3.	"Ўзбеклизинг интернэшнл АО" қўшма корхонаси	700003, Тошкент, Тураб Тўла кўчаси, 1 Халкаро Банк ва Молия Маркази, 6 қават Тел: (371) 139-16-54, (3172) 45-55-56 Факс: (371) 120-67-29 E-mail: uzlease@ishonch.uz
4.	"Пахта-банк" Акциядорлик-тижорат банки	700096, Тошкент, Муқимий кўчаси, 43 Тел: (3712) 78-12-96, 78-21-77, (371) 120-88-01
5.	"Ўзуйжойжамғармабанк" Давлат уй-жойжамғарма акциядорлик банки	700000, Тошкент, Пушкин кўчаси, 17 Тел: (371) 136-32-31, 132-13-12, 132-13-17
6.	"Ипак йўли" Инновацион-тижорат акциядорлик банки	700135, Тошкент, Фарход кўчаси, 12 Тел: (3712) 76-85-52, 76-82-29
7.	"Ғаллабанк" Акциядорлик-тижорат банки	700060, Тошкент, Лохути кўчаси, 36 Тел: (371) 133-42-25, 136-38-29
8.	"Турон" Акциядорлик-тижорат банки	700011, Тошкент, Навои кўчаси, 44 Тел: (371) 144-33-94, 144-27-95
9.	"Трастбанк" Акциядорлик биржа банки	700038, Тошкент, Навои кўчаси, 7 Тел: (3712) 41-23-43, (371) 144-76-22
10.	"Алоқабанк" Акциядорлик-тижорат банки	700000, Тошкент, Толстой кўчаси, 1 Тел: (371) 133-62-54, 137-49-37
11.	"Ҳамкорбанк" Акциядорлик-тижорат банки	710011, Андижон, Бобур кўчаси, 85 Тел: (3742) 24-70-39, 25-39-11
12.	Бизнес-Фонд	Тошкент, У.Носир кўчаси, 53 Б Тел: (3712) 53-79-00 (3712) 5331 50
13.	Осиё-Европа Траст Компанияси (ОЕТК)	700077, Тошкент, Муса Джалил тор кўчаси, 4 Тел: (3712) 67-74-39, 67 9428, Факс: (3712) 67 73 46

№	Ташкилот номи	Манзили
14.	"Ўзсаноатқурилишбанки" Акциядорлик саноат қурилиш тижорат банки	700000, Тошкент, Шахрисабз кўчаси, 3 Тел: (371) 133-90-61, 132-06-15
15.	"Тадбиркор" Акцидорлик-тижорат банки	700047, Тошкент, С.Азимов кўчаси, 52 Тел: (371) 133-18-75, 133-81-00
16.	"Бизнес банк" Ёпиқ хусусий акциядорлик-тижорат банки	700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32 Тел: (371) 133-86-65, 133-06-53
17.	"Савдогар" Акциядорлик-тижорат банки	700060, Тошкент, Сайид Барака кўчаси, 76 Тел: (3712) 54-19-91, 54-24-03
18.	"УзКЕЙСагролизинг"	Тошкент, Охангарон (шоссе) кўчаси, 2 Тел: (371) 120-70-02 Факс: (371) 120-74-84

2-илова

Ўзбекистон Республикаси лизинг компанияларининг миллий валютада молиялантирадиган битимлар бўйича шартлари

Шарти	"Ўзқишлоқ-хўжалик-машлизинг"	"Барака"	"Ўзбеклизинг"
Лизингга бериладиган асосий воситаларнинг турлари	Қишлоқ хўжалик техникаси	Чекланмаган	Спиртли ичимлик ва тамаки маҳсулоти ишлаб чиқарувчи корхоналарни ускуналашдан ташқари асосий воситалар
Лизинг олувчиларга бўлган талаб (мулкчилик шакли, корхонанинг каттакичиклиги ва ҳ.к.)	Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ёки қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга хизмат кўрсатиш билан банд бўлган юридик шахслар	Чекланмаган	Устав фондида давлат улуши 25%дан ошмаган корхоналар
Лизинг муддати: - минимум - максимум	32 ой 7 йил	1 йил 3 йил	1 йил 3 йил
Лизинг объектининг нархи: - минимум - максимум	1,5 млн. сум 120 млн. су м	Чекланмаган	$10,000 экв. $500,000 экв.
Объектнинг нархидан келиб чиқиб фоиз ҳисобида бўнак (аванс) миқдори : - минимум - максимум	15% 40%	10% 20%	3 ой учун лизинг тўловлари
Таъминот, лизинг объектининг нархидан келиб чиқиб фоиз ҳисобида	Агар лизинг олувчининг кредит лаёқати 3-чи гуруҳта тугри келса - 60-85%	50% гача	50% дан кам бўлмаган миқдорда
Йиллик фоиз ставкаси: - минимум - максимум	Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини 0,5 қисми 30%	28% 37%	16% 25%
Лизинг тўловларини вақтивақти билан амалга ошириш	Ҳар ойда	Ҳар ойда, ҳар 3 ойда	Ҳар ойда, ҳар 3 ойда, ярим йиллик
Лизинг объектининг нархидан келиб чиқиб, фоиз ҳисобида воситачилик тўловлари	Йўқ		0,75% - лойиҳани кўриб чиқиш учун
Бошқа шартлар			Корхона активи лизинг объектининг қийматидан 2 карра қиммат бўлиши лозим

Ўзбекистон Республикаси лизинг берувчиларининг эркин муомаладаги валютада молиялаштирадиган битимлари бўйича шартлари

Шарти	"Ўзбеклизинг"	ОЕТК	"Трастбанк"	"Ҳамкорбанк"
Лизингга бериладиган асосий воситаларнинг турлари	Спиртли ичимлик ва тамаки маҳсулоти ишлаб чиқарувчи корхоналарни ускуналашдан ташқари асосий воситалар	Чет эл ускуналари	Асбоб-ускуналарнинг барча турлари	Чет эл ускуналари
Лизинг олувчиларга бўлган талаб (мулкчилик шакли, корхонанинг катта-кичиклиги ва ҳ.к.)	Устав фондида давлат улуши 25%дан ошмаган корхоналар	Кичик ва ўрта бизнес субъектлари	Чекланмаган	Чекланмаган
Лизинг муддати: - минимум - максимум	1 йил 5 йил	1 йил 3 йил	1,1 йил 5 йил	1 йил 5 йил
Лизинг объектининг нархи: - минимум - максимум	$50 000 $1 200 000	$50 000 $400 000	$5000 $200 000	$10 000 $500 000
Объектнинг нархидан келиб чиқиб фоиз ҳисобида бўнак (аванс) миқдори: - минимум - максимум	3 ой учун лизинг тўловлари	30%	50%	3 ой учун лизинг тўловлари
Таъминот, лизинг объектининг нархидан келиб чиқиб фоиз ҳисобида	50%дан кам бўлмаган миқдорда	50% гача	120%	лизинг тўловларини йиллик хажми миқдорида
Йиллик фоиз ставкаси: - минимум - максимум	15% 20%	6% 8%	20% 35%	10% 15%
Лизинг тўловларини вақти-вақти билан амалга ошириш			шартномага асосан	
Лизинг объектининг нархидан келиб чиқиб, фоиз ҳисобида воситачилик тўловлари	0,75%-лойиҳани кўриб чиқиш	10%		йўқ
Бошқа шартлар	Корхона активи лизинг объектининг қийматидан 2 карра қиймат бўлиши керак			Лизинг олувчининг лойиҳага қўшадиган улуши 30% дан кам бўлмаслиги керак

5-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ ЛИЗИНГ ТЎҒРИСИДА

1-модда. **Лизинг тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Лизинг тўғрисидаги қонун ҳужжатлари лизингни амалга ошириш пайтида юзага келадиган муносабатларни тартибга солади ҳамда ушбу қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Агар Ўзбекистон республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон республикасининг лизинг тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

2-модда. **Лизинг тушунчаси**

Лизинг ижара муносабатларининг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномасида белгиланган шартларда бериб қўйиш мақсадида мол-мулкни (лизинг объектини) олади.

Лизинг уч тарафлама (сотувчи — лизинг берувчи-лизинг олувчи) ёки икки тарафлама (лизинг берувчи — лизинг олувчи) лизинг шартномаси бўйича амалга оширилади.

Лизинг берувчи ва сотувчи ўртасида икки тарафлама лизинг шартномаси тузилганида қўшимча равишда лизинг объектининг олди-сотди шартномаси тузилади.

3-модда. **Лизинг объектлари**

Тадбиркорлар фаолияти учун фойдаланиладиган истеъмол қилинмайдиган ҳар қандай ашёлар, шу жумладан, корхоналар, мулкий комплекслар, бинолар, иншоотлар, учкуналар, транспорт воситалари хамда бошқа кўчар ва кўчмас мулк лизинг объектлари бўлиши мумкин.

Ер участкалари ва бошқа табиат объектлари, шунингдек, эркин муомалада бўлиши қонун ҳужжатлари билан таъқиқланган ёки муомалада бўлишининг алоҳида тартиби белгиланган мол-мулк лизинг объектлари бўлиши мумкин эмас.

4-модда. **Лизинг субъектлари**

Лизинг берувчи, лизинг олувчи ва сотувчи лизинг субъектларидир.

Лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчига келгусида топшириш мақсадида лизинг объектини мулк қилиб олувчи шахс лизинг берувчи деб эътироф этилади.

Эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномаси бўйича лизинг объектини олаётган шахс лизинг олувчи деб эътироф этилади.

Лизинг берувчи лизинг объектини кимдан олаётган бўлса шу шахс сотувчи деб эътироф этилади.

Аниқ лизинг объектига нисбатан қуйидагиларнинг бир шахс тимсолида иш кўришига йўл қўйилмайди:

Лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи ва лизинг олувчи:

Лизинг берувчининг кредитори ва лизинг объектининг лизинг олувчиси.

5-модда. **Лизинг турлари**

Лизинг турлари бўйича молиявий ва оператив лизингларга бўлинади.

Молиявий лизингда лизинг шартномаси қуйидаги талаблардан бирига жавоб бериши керак:

лизинг шартномаси муддати тугагач, лизинг объекти лизинг олувчининг мулкига ўтади;

лизинг шартномаси муддати лизинг объектининг хизмат муддатидан 80 фоиздан ортиқ бўлади ёки лизинг шартномаси муддати тугагач, лизинг объектининг қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматининг 20 фоизидан камини ташкил этади;

лизинг олувчи лизинг объектини қатъий белгиланган нархда ёки лизинг шарномаси муддати тугаганида аниқланадиган нархда сотиб олш ҳуқуқига эга;

лизинг шарномаси давридаги тўловларнинг умумий суммаси лизинг объекти қийматининг 90 фоизидан ортиқ.

Агар лизинг шарномасида ушбу моддaнинг иккинчи қисмида кўрсатилган талаблардан бирортаси назарда тутилмаган бўлса, лизингни бундай тури оператив лизинг ҳисобланади. Оператив лизингни (ижарани) амалга ошириш тартиби ва шартлари қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Лизинг унинг учта субъекти иштирок этадиган тўғридан-тўғри шаклда ҳам, лизинг олувчи ва сотувчи бўлиб бир шахснинг ўзи иштрок этадиган қайтариладиган шаклда ҳам амалга оширилиши мумкин.

6-модда. **Қўшимча лизинг**

Лизинг олувчи лизинг берувчи олдида лизинг шарномаси юзасидан жавобгар бўлиб қолгани ҳолда, лизинг шарномаси бўйича олган лизинг объектини лизинг берувчининг ёзма розилиги билан вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланиш учун учинчи шахсга қўшимча лизинг топширишга ҳақли. Бунда ушбу қонуннинг қоидалари қўшимча лизинг шарномасида қўшимча лизинг берувчига, қўшимча лизинг олувчига ва сотувчига нисбатан мувофиқ равишда лизинг берувчига, лизинг олувчига ва сотувчига бўлганидек қўлланилади.

Қўшимча лизинг шартномасининг амал қилиш муддати лизинг шартномасининг амал қилиш муддатидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

7-модда. ***Лизинг объектини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш***

Молиявий лизинг объекти лизинг олувчи балансида ҳисобга олинади.

Оператив лизинг объекти лизинг берувчи балансида ҳисобга олинади.

Давлат органларидан рўйхатдан ўтказилиши талаб этиладиган лизинг объектлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лизинг берувчининг ёки лизинг олувчининг номига расмийлаштирилади.

8-модда. **Лизинг фаолияти**

Лизинг шарномаси бўйича лизинг берувчининг ўз маблағи ва (ёки) қарз маблағларини инвестициялашга қаратилган тадбиркорлик фаолияти тури — лизинг фаолиятидир.

Банклар лизинг фаолиятини ўз маблағлари ва (ёки) жалб этилган маблағлар ҳисобидан амалга оширади.

9-модда. **Лизинг шартномаси**

Лизинг шарномаси ёзма шаклда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилади.

Агар лизинг олувчи жисмоний шахс бўлса, лизинг шарномаси нотариал тасдиқланиши лозим.

Қуйидагилар лизинг шартномасининг муҳим шартлари ҳисобланади:

лизинг объектининг тавсифланиши (лизинг объектининг миқдори, сифати, рўйхати, контракт қиймати ва бошқа кўрсаткичлари) ва шартнома умумий пул суммасининг кўрсатилиши;

тарафларнинг лизинг объектини олиш ва бериш билан боғлиқ мажбуриятлари;

лизинг объектини бериш тартиби, шу жумладан, лизинг объектини етказиб бериш, монтаж қилиш ва фойдаланишга топшириш тартиби;

лизинг тўловларини тўлаш шартлари, миқдорлари, муддатлари ва тартиби;

лизинг объектидан фойдаланиш, унга қараш, уни сақлаб туриш ва таъмирлаш юзасидан тарафларнинг мажбуриятлари;

шарномани амал қилиш муддати.

Тарафларнинг келишувига биноан лизинг шартномасига қуйидаги шартлар киритилиши мумкин:

лизинг объектини (молиявий лизингда) сотиб олиш тартиби ва муддатлари;

лизинг шарномасини ўзгартириш ва бекор қилиш;

лизинг объектини суғурта қилиш;

форс-мажор ҳолатлар;

лизинг берувчи қўшимча хизматлар кўрсатиши, бундай хизматларсиз лизинг объектидан фойдаланиб бўлмаса;

лизинг субъектлари томонидан лизинг шартномаси шартларига риоя этилишини назорат қилиш тартиби.

Лизинг шартномасига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин.

10-модда. **Лизинг шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш**

Лизинг шарномасини ўзгартириш ва бекор қилиш, агар қонун ҳужжатларида ва шартномада бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, тарафлар келишувига биноан амалга оширилиши мумкин.

11-модда. **Лизинг берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

2.1 Лизинг берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

лизинг олувчининг лизинг объектидан қандай шароитларда фойдаланилганлиги ва уни белгиланган мақсадга мувофиқ ишлатаётганлигини лизинг шартномаси шартларига ҳамда қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ назорат қилиш;

лизинг олувчининг розилиги билан лизинг объекти ва унинг сотувчисини танлаш;

қонун ҳужжатларида ҳамда лизинг шартонмсида кўзда тутилган ҳолларда ва тартибда лизинг олувчидан лизинг объектини олиб қўйиш;

лизинг олувчи лизинг шарномасини жиддий тарзда бузган тақдирда барча лизинг тўловларини муддатидан илгари тўлашни ёхуд етказилган зарарни ундириб ва (ёки) лизинг объектини қайтиб олган тарзда шарномани бекор қилишни талаб этиш.

Агар лизинг объекти лизинг берувчининг айби билан етказиб берилмаган бўлса ёки лизинг шартномаси шартларига номувофиқ бўлса, лизинг берувчи лизинг олувчининг розилиги билан ўзи лозим даражада бажармаган лизинг шарномаси шартларини тузатиб бажаришга ёки лизинг олувчига бошқа лизинг объектини таклиф этишга ҳақли.

Лизинг берувчи:

лизинг шартномаси бўйича мол-мулкни олиши ва уни лизинг олувчига эгалик қилиш ҳамда фойдаланиш учун бериши;

лизинг олувчи учун мол-мулк олаётганда мол-мулк муаян шахсга лизингга беришга мўлжалланганлигини сотувчига маълум қилиши;

лизинг объектини, агар шартномада шундай шартлар назарда тутилган бўлса, сақлаб туриш, таъмирлаш ва унга техник хизмат кўрсатиш бўйича лизинг олувчи олдида ўз зиммасига олинган мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ хажмда бажариши шарт.

Лизинг берувчи қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва ўзга мажбуриятларни бажариши мумкин.

12-модда. **Лизинг олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Лизинг олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

лизинг объектини мустақил аниқлаш ва сотувчини танлаш;

лизинг берувчидан лизинг шартномасини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик туфайли етказилган зарар қопланишини талаб қилиш;

сотувчига лизинг объекти олди-сотди шартномасидан келиб чиқувчи талабларни, жумладан, унинг сифати ва бутлиги, топшириш муддати, кафолатли таъмирлаши ва ҳоказолар хусусида талаблар қўйиш;

лизинг объекти етказиб берилмаган, тўлиқ етказиб берилмаган, етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган ёки сифати талаб даражасида бўлмаган лизинг объекти етказиб берилган тақдирда, етказиб бериладиган лизинг объектидан воз кечиш ва лизинг шартномасининг бекор қилинишини талаб этиш;

лизинг шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда, ўзи вақти вақти билан аванс сифатида тўлаган тўловлар ва бошқа суммаларни лизинг объектидан фойдаланиш даврида олган фойданинг қийматини чегириб ташлаб, ўзига қайтариб беришни талаб қилиш.

Учинчи шахс ўндирувчи лизинг объектига қаратганда лизинг олувчи лизинг шартномасини бекор қилиш ва лизинг объектини мулк қилиб олиш билан бир пайтда лизинг шартномаси бўйича тегишли лизинг тўловлари қолдиғини бир йўла тўлашга ҳақли.

Лизинг олувчи:

лизинг объектини қабул қилиб олиши ва ундан лозим даражада фойдаланиши, уни шартнома шартларига мувофиқ сақлаб туриши;

лизинг тўловларини ўз вақтида тўлаб туриши, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, лизинг объектини ўз ҳисобидан жорий таъмирлаши, уни сақлаб туришга доир бошқа харажатлар қилиши шарт.

Лизинг шартномаси бекор қилинганда лизинг олувчи лизинг объектини лизинг берувчидан қандай ҳолатда олган бўлса, шундай ҳолатда, нормал эскириш ва тарафларнинг келишувида шартлашилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда қайтариши шарт, ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Лизинг олувчининг лизинг объектини таъмирлаш ва унга техник хизмат кўрсатишга доир ҳуқуқи ва мажбурияти сотувчи билан алоҳида тузилган шартномада белгиланиши мумкин.

Лизинг олувчи қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва ўзга мажбуриятларни бажариши мумкин.

13-модда. **Сотувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Сотувчи қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ ҳуқуқларга эга бўлади ва мажбуриятларни бажаради.

Агар лизинг шартномасида ёки олди-сотди (маҳсулот етказиб бериш) шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, олди-сотди шарномаси бўйича сотувчининг лизинг олувчига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлари лизинг берувчига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлари каби бўлади. Бунда лизинг олувчи лизинг объекти олди-сотди шартномасини бекор қилишга ёки уни ҳақиқий эмас деб топишга ҳақли эмас.

14-модда. **Лизинг объектининг олди-сотди шартномаси хусусиятлари**

Лизинг объектининг олди-сотди шартномаси лизинг берувчи ва сотувчи ўртасида тузилиб, унга кўра лизинг берувчи лизинг олувчининг топшириғига биноан лизинг объектини кейинчалик лизинг олувчига бериш учун ўз мулки қилиб олади.

Тарафларнинг хоҳшига кўра, лизинг объектининг олди-сотди шартномаси лизинг шартномаси кучга киришидан олдин ёки кейин тузилиши мукин.

Лизинг объекти олди-сотди шартномасини тузиш пайтида лизинг берувчи лизинг объекти қайси мақсадда олинаётганидан сотувчини олдиндан хабардор қилиши, буни олди-сотди шартномасида қайд қилиши шарт.

15-модда. **Лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи**

Лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи лизинг олувчи томонидан сотиб олингунга қадар лизинг берувчига тегишлидир. Молиявий лизингда лизинг шартномасининг амал қилиш муддати тугагунга қадар барча лизинг тўловлари тўланган тақдирда, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи лизинг олувчига ўтиши мумкин.

Лизинг олувчи банкрот бўлган, унинг мол-мулки хатга олинган ёки мусодара қилинган тақдирда, лизинг объекти ли-

зинг олувчининг умумий мол-мулкидан ажратади ва лизинг берувчига қайтарилиши лозим, у мол-мулкни ўз ҳоҳшига кўра тасарруф этиши мумкин. Лизинг берувчига зарарни қоплаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

16-модда. **Лизинг берувчи ва лизинг олувчининг ўз ҳуқуқларидан учинчи шахслар фойдасига воз кечиши**

2. 1.

Лизинг берувчи лизинг олувчини хабардор қилган ҳолда лизинг шартномаси бўйича ўз ҳуқуқларидан тўлиқ ёки қисман учинчи шахслар фойдасига воз кечиши мумкин.

Лизинг олувчи лизинг берувчининг рухсати билан молиявий лизинг шартномаси бўйича ўз ҳуқуқларидан тўлиқ ёки қисман учинчи шахслар фойдасига воз кечиши мумкин. Оператив лизингни амалга оширишда лизинг олувчининг ҳуқуқларидан воз кечишига йўл қўймайди.

Лизинг объектига бўлган мулк-ҳуқуқи лизинг берувчидан учинчи шахсга ўтганда, лизинг олувчи билан тузилган лизинг шартномаси янги мулкдор учун ўз кучини сақлаб қолади.

17-модда. **Лизинг объектини жадал амортизация қилишни қўллаш**

Лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўзаро келишган ҳолда қонун ҳужжатларига мувофиқ лизинг объектини жадал амортизация қилиш ҳуқуқига эга.

18-модда. **Лизинг объектини суғурталаш**

Нобуд бўлиш, йўқолиш, ўғирлаш, шикастланиш, бузилиш ва барвақт эскириш хавфи билан боғлиқ бўлган тарздаги ҳар қандай етказилиши мумкин бўлган зарардан лизинг объектини суғурталаш тарафларининг келишувига биноан амалга оширилади. Бундай келишув бўлмаган тақдирда лизинг олувчи лизинг объекти суғуртаси учун жавобгар бўлади.

19-модда. **Лизинг объекти билан боғлиқ хавфлар**

Лизинг объекти билан боғлиқ барча хавфлар, унинг тасодифан йўқолиши (нобуд бўлиши) ёки тасодифан бузилиши шунингдек, ўғирланиши, барвақт эскириши, шикастланиши хавфлари лизинг шартномасида назарда тутилган тартибда лизинг олувчига ўтади. Хавфлар лизинг олувчига ўтган дақиқадан

эътиборан лизинг олувчи лизинг объекти ҳар қандай тарзда йўқотилиши ёки шикастланиши учун шартномаси амал қиладиган муддат давомида жавобгар бўлади.

Агар хавфлар лизинг берувчидан лизинг олувчига ўтадиган вақт лизинг шартномасида белгиланган бўлмаса, хавфлар лизинг олувчига у лизинг объектини олган дақиқадан эътиборан ўтади.

Агар таклиф этилган лизинг объекти лизинг шартномасига мос келмаса ва бу лизинг олувчига лизинг объектидан воз кечиш ҳуқуқини берса, ана шундай номувофиқлик бартараф этилгунга қадар ёки лизинг олувчи лизинг объектини олгунга қадар барча хавфлар лизинг берувчи зиммасида бўлади.

Сотувчининг ночорлиги ёки лизинг объектининг ундан фойдаланиш мақсадларига номувофиқлиги хавфлари лизинг олувчининг зиммасида бўлади, лизинг берувчининг сотувчини ёки лизинг объектини танлаш ёҳуд лизинг берувчи лизинг олувчини муайян сотувчини ёки лизинг объектини танлашга ғайри қонуний тарзда мажбурлаш ҳоллари бундан мустасно.

20-модда. **Лизинг шартномаси бўйича таъминлаш**

Лизинг шартномасига боғлиқ равишда сарфланган маблағлар қайтарилишини кафолати сифатида лизинг берувчи лизинг олувчидан таъминлаш берилишини, шу жумладан, гаров, банк кафолати ёки учинчи шахснинг кафиллиги кўринишидаги таъминлаш берилишини талаб қилиши мумкин.

21-модда. **Лизинг объектидан гаров сифатида фойдаланиш**

Агар лизинг шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, лизинг берувчи лизинг олувчини олдиндан хабардор қилмай туриб лизинг объектидан гаров сифатида фойдаланишга ҳақли эмас.

Лизинг олувчи лизинг объектини гаров сифатида ишлатишга ҳақли эмас.

22-модда. **Лизинг тўловлари**

Лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчи тўлайдиган лизинг тўловлари лизинг объекти амортизациясининг тегишли қисми қиймати ва лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи томонидан қилинган харажатларни, шунингдек, унинг даромади (маржа)ни ўз ичига олади.

Лизинг тўловлари шартноманинг бутун амал қилиш муддатига тақсимланади ва бўлиб-бўлиб тўланади. Лизинг тўловларининг миқдорлари ва даврийлиги лизинг шартномаси билан белгиланади.

23-модда. **Лизинг олувчидан пул суммаларини ундириш ва лизинг объектини олиб қўйиш**

Лизинг берувчи томонидан лизинг олувчидан пул суммасини ундириш ва лизинг объектини олиб қўйиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

24-модда. **Лизинг субъектларининг жавобгарлиги**

Лизинг берувчи мол-мулкни етказиб бермаганлик, тўлиқ етказиб бермаганлик, етказиб бериш муддатини ўтказиб юборганлик ва тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулкни етказиб берганлик учун, агар бу унинг айбли ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли бўлса, лизинг олувчининг олдида жавобгар бўлади.

Лизинг берувчи лизинг олувчи олдида лизинг объекти юзасидан жавобгар бўлмайди, лизинг объекти сотувчиси ва лизинг объектининг ўзи лизинг берувчи томонидан танланган ва лизинг олувчи шу туфайли зарар кўрганлиги исботланган ҳоллар бундан мустасно.

Лизинг берувчи ва лизинг олувчи сотувчига нисбатан лизинг объектининг олди-сотди шартномаси бўйича солидар кредиторлар сифатида иш кўрадилар. Сотувчи улар олдида лизинг объектининг олди-сотди шартномасидан келиб чиқувчи мажбуриятларни бажариш (лизинг объектининг сифати, бутлиги, лозим даражада етказиб берилиши ва бошқалар) юзасидан жавобгар бўлади. Бунда сотувчи лизинг объекти билан боғлиқ айнан битта зарар учун бир пайтнинг ўзида лизинг олувчи ва лизинг берувчи олдида жавобгар бўлиши мумкин эмас.

Оператив лизингни амалга оширишда лизингга берилган лизинг объектидан фойдаланишга тўлиқ ёки қисман тўсқинлик қилувчи камчиликлар учун лизинг берувчи жавобгар бўлади. Бундай камчиликлар аниқланган тақдирда, лизинг олувчи лизинг берувчидан уларнинг текин бартараф этилишини ва лизинг тўловлари мутаносиб равишда камайтирилишини ёки мазкур лизинг объектининг камчиликларини бартараф этиш билан боғлиқ ўз харажатларининг қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Лизинг берувчи лизинг объектининг лизинг шартномасини тузишда қайд этиб ўтилган камчиликлари учун жавоб бермайди.

Лизинг олувчининг айби билан лизинг объектининг йўқолиши ёки лизинг объектининг ўз вазифасига доир аҳамиятини йўқотиши, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, лизинг олувчини лизинг берувчи олдидаги жавобгарликдан озод этилмайди.

25-модда. **Низоларни ҳал этиш**

Лизингни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган низолар суд тартибида ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент ш., 1999 йил 14 апрель

6-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

Ф А Р М О Н И

Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги қонунига мувофиқ ҳамда иқтисодиёт тармоқларини хусусан кичик ва ўрта бизнесни замонавий технология ускуналари билан жиҳозлашда, шунингдек мамлакатимизнинг ишлаб чиқарувчилари томонидан тайёрлаб чиқарилган асбоб-ускуна ва техникани сотишда лизинг фаолияти ролини ошириш мақсадида:

1. 2002 йилнинг 1 сентябридан бошлаб:

лизинг тўловлари — қўшилган қиймат солиғидан;

лизингга бериш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган технология ускуналари — вакил банкнинг тегишли тасдиғи мавжуд бўлган тақдирда, божхона тўловидан ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2002 йилнинг 1 сентябридан бошлаб:

лизинг оладиган хўжалик юритувчи субъектлар лизингга бериш учун мулк харид қилишга олган кредитлар фоизи ҳамда белгиланган бошқа тўловларнинг суммаси унинг жами даромадидан чегириб ташланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Молия вазирлиги билан бирга амалдаги қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда агар лизинг олувчи лизинг шартномаси бўйича мажбуриятларни жиддий равишда бузган тақдирда лизинг берувчининг лизинг олувчидан лизинг объектини олиб қўйиш тартибига оид таклифларни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси бир ҳафта муддатда тегишли норматив ҳужжатларга мазкур фармондан келиб

чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчаларни белгиланган тартибда киритсинлар.

5. Мазкур фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2002 йил 28 август,
ПФ-№-3122

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ

6-§. ЛИЗИНГ (МОЛИЯ ИЖАРАСИ)

587-модда. **Лизинг шартномаси**

Лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи (ижарага берувчи) бир тараф лизинг олувчи (ижарага олувчи) иккинчи тарафнинг топшириғига биноан ишлаб чиқарувчи (сотувчи) учинчи тараф билан ундан ўз маблағи ҳисобига лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олиш ҳақида келишиш мажбуриятини олади, лизинг олувчи эса, бунинг учун лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини олади.

588-модда. **Лизинг объекти**

Истеъмол қилинмайдиган, тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган ҳар қандай ашёлар лизинг объекти бўлиши мумкин, ер участкалари ва бошқа табиат объектлари бундан мустасно.

589-модда. **Лизинг субъектлари**

Келажакда лизинг олувчига лизинг бўйича топшириш мақсадида мол-мулкни ўзига мулк қилиб олувчи шаҳс лизинг берувчи деб тан олинади.

Эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг объектини оладиган шаҳс лизинг олувчи деб ҳисобланади.

Лизинг объектини бевосита ўзи ишлаб чиқарувчи ҳам, шунингдек уни сотувчи ҳам ишлаб чиқарувчи деб ҳисобланади.

Лизинг берувчи мол-мулкни бўлажак фойдаланувчидан сотиб олган тақдирда ёхуд лизинг берувчи келажакда мол-мулкни ишлаб чиқарувчига лизинг бўйича топшириш учун ундан шу мол-мулкни сотиб олиш мақсадида уни маблағ билан таъминлаган тақдирда бир шахснинг ўзи ҳам лизинг олувчи, ҳам ишлаб чиқарувчи бўлишига йўл қўйилади.

590-модда. **Лизинг тўлови**

Лизинг тўлови лизинг олувчи томонидан лизинг берувчига тўланадиган ва лизинг берувчининг лизинг объектини сотиб олиш

билан боғлиқ харажатларини ва лизинг ставкасини (лизинг берувчи оладиган фойданинг миқдори) ўз ичига оладиган пул суммасидир.

591-модда. **Мол-мулкни лизингга топшириш тўғрисида сотувчини хабардор қилиш**

Лизинг берувчи лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олаётганда мол-мулк муайян шахсга лизингга беришга мўлжалланганлигини сотувчига билдириши шарт.

592-модда. **Лизинг шартномаси нарсасини лизинг олувчига топшириш**

Агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ушбу шартнома объекти бўлган мол-мулк сотувчи томонидан бевосита лизинг олувчига у турган жойда топширилади.

Агар лизинг шартномасининг нарсаси бўлган мол-мулк шу шартномада кўрсатилган муддатда, башарти шартномада бундай муддат кўрсатилмаган бўлса, оқилона муддатда лизинг олувчига топширилмаган бўлса, лизинг берувчи жавобгар бўладиган ҳолатлар туфайли муддат ўтказиб юборилган тақдирда, лизинг олувчи шартномани бекор қилишни ва зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли.

593-модда. **Мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан бузилиши хавфининг лизинг олувчига ўтиши**

Лизинг бўйича ижарага олинган мол-мулкнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан бузилиши хавфи, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг олувчига бу мол-мулкни топшириш пайтида ўтади.

591-модда. **Лизинг берувчининг мажбурияти ва жавобгарлиги**

Лизинг берувчи лизинг объектини лизинг олувчига шартнома шартларига жавоб берадиган ҳолатда ва унда келишилган муддатда топшириши шарт.

Агар лизинг берувчининг айбли ҳаракатлари ёки йўл қўйган камчиликлари туфайли мол-мулк етказиб берилмаган, тўлиқ етказиб берилмаган, муддати кечиктириб етказиб берилган ёки тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк етказиб берилган бўлса, бунинг учун у лизинг олувчи олдида жавобгардир.

2.1 595-модда. **Лизинг олувчининг ҳуқуқлари**

Мол-мулк етказиб берилмаган, тўлиқ етказиб берилмаган, муддати кечиктириб етказиб берилган ёки унинг сифати тегишли даражада бўлмаган тақдирда лизинг олувчи:

лизинг тўловларини тўхтатиб туриш;

етказиб берилаётган мол-мулкни рад этиш ва лизинг шартномасини бекор қилишни талаб қилишга ҳақли.

Лизинг шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда лизинг олувчи вақти вақти билан бўнак сифатида тўлаган пулларини ва бошқа суммаларни лизинг объектидан фойдаланиш даврида олган фойданинг қийматини чегириб ташлаб, ўзига қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли.

Лизинг шартномасининг муддати тугагач, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг объекти лизинг олувчининг мулки бўлиб қолади.

596-модда. **Қўшимча лизинг**

Лизинг олувчи лизинг берувчи олдида шартнома юзасидан жавобгар бўлиб қолгани ҳолда, лизинг шартномаси бўйича олган мол-мулкини лизинг берувчининг розилиги билан қўшимча лизингга топширишга ҳақли.

597-модда. **Лизинг олувчининг мажбурияти ва жавобгарлиги**

Агар лизинг шартномасида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, фойдаланувчи лизинг тўловларини ўз вақтида тўлаши, мол-мулкдан уни етказиб бериш шартларига мувофиқ фойдаланиши, уни соз ҳолда сақлаши, ўз ҳисобидан жорий таъмирлаш ишларини бажариши, сақлаш бўйича бошқа харажатларни амалга ошириши шарт.

Лизинг шартномаси бекор қилинганида лизинг олувчи мол-мулкни лизинг берувчидан олган ҳолатида унинг нормал эскиришини ва тарафларнинг келишувида шартлашилган ўзгаришларни ҳисобга олиб, қайтариб беришга мажбур.

Лизинг олувчи ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда лизинг берувчи вақти вақти билан ўзига тегиши керак бўлган тўловларни фоизи билан олиши мумкин.

Лизинг олувчи ўз мажбуриятларини жиддий равишда бузган тақдирда, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг берувчи бўлажак мунтазам тўловларни тезлаштиришни ёки лизинг объектини қайтариб

олган ва зарарни ундирган ҳолда шартномани бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

598-модда. **Сотувчининг жавобгарлиги**

Лизинг олувчи лизинг шартномасининг нарсаси бўлган мол-мулкни сотувчига сотувчи билан лизинг берувчи ўртасида тузилган олди-сотди шартномасидан келиб чиқадиган талабларни, хусусан мол-мулкнинг сифати ва бутлиги, уни етказиб бериш муддатлари ҳақидаги талабларни ва шартнома сотувчи томонидан зарур даражада бажарилмаётган бошқа ҳоллардан келиб чиқадиган талабларни қўйишга ҳақли. Бунда лизинг олувчи, мазкур мол-мулкнинг олди-сотди шартномасидаги тарафлардан бири бўлгани каби, ушбу Кодексда сотиб олувчи учун назарда тутилган ҳуқуқларга эга бўлади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади (сотиб олинган мол-мулк ҳақини тўлаш мажбурияти бундан мустасно). Бироқ лизинг олувчи сотувчи билан олди-сотди шартномасини лизинг берувчининг розилигисиз бекор қила олмайди.

Сотувчи билан бўладиган муносабатларда лизинг олувчи ва лизинг берувчи солидар кредиторлар бўладилар.

Агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг берувчи олди-сотди шартномасидан келиб чиқадиган талабларнинг сотувчи томонидан бажарилиши учун лизинг олувчи олдида жавобгар бўлмайди, сотувчи танлаш бўйича жавобгарлик лизинг берувчининг зиммасида бўлган ҳоллар бундан мустасно. Сотувчини лизинг берувчи танлаган тақдирда, лизинг олувчи олди-сотди шартномасидан келиб чиқадиган талабларни ўз хоҳишига қараб, солидар жавобгар бўлган мол-мулк сотувчи олдига ҳам, лизинг берувчи олдига ҳам қўйишга ҳақли.

599-модда. **Лизинг объекти бошқа мулкдорга ўтганида лизинг шартномасининг ўз кучида қолиши**

Лизинг бўйича топширилган мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи лизинг берувчидан бошқа шахсга ўтганида лизинг шартномаси янги мулкдор учун ўз кучини сақлаб қолади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ СОЛИҚ КОДЕКСИ

5-боб. ЖАМИ ДАРОМАД

17-модда. **Жами даромаднинг таркиби**

Жами даромадга жўнатилган товар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ва бошқа операциялар учун юридик шахс олиши лозим бўлган (олган) ёки текинга олган пул ёҳуд бошқа маблағлар киради.

Бундай даромадлар жумласига қуйидагилар киради:

1) товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан келадиган тушум;

2) асосий воситалар, номоддий активлар, қимматли қоғозлар, интеллектуал мулк объектлари, материаллар ва бошқа активларни реализация қилишдан келадиган даромад;

3) фоизлар кўринишидаги даромадлар;

4) дивидендлар;

5) текинга олинган мол-мулк;

6) мол-мулкни ижарага беришдан келадиган даромад;

7) роялти;

8) текин молиявий ёрдам (давлат бюджетидан берилган субсидиялар бундан мустасно);

9) даъво муддати ўтказиб юборилган кредиторлик ва депонент қарздорликни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар;

10) илгари чегириб ташланган харажатлар, зарарлар ёки шубҳали қарзларнинг ўрнини қоплаш тариқасида олинган даромадлар;

11) валюта ҳисобварақларидаги курс бўйича мусбат фарқлар;

12) фавқулодда даромадлар;

13) бошқа даромадлар.

6-боб. ЧЕГИРМАЛАР ВА ЗАРАРЛАР

19-модда. **Жами даромаддан чегирмалар**

Солиқ солинадиган даромадларни (фойдаларни) белгилашда жами даромаддан қуйидаги чегирмалар амалга оширилади:

қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, мол-мулк солиғи, ер солиғи, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ,

экология солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, шунингдек божхона божлари суммалари;

банкларнинг ва бошқа молия-кредит ташкилотларининг қисқа муддатли кредитлари бўйича фоиз тўловлари суммалари, тўлов муддати ўтган ва тўлов муддати узайтирилган ссудалар бўйича фоизлар бундан мустасно;

ходимларга иш ҳақи тўлаш бўйича харажатлар (банклар, суғурта ташкилотлари, ведеосалонлар, видеокўрсатув, видео ва аудио ёзув пунктлари, аукционлар, казино, пул ютуғи қўйилган ўйин автоматлари, давлатга қарашли бўлмаган органлар томонидан ўтказиладиган лотерея ўйинлари ҳамда оммавий концерт-томоша тадбирларининг харажатлари бундан мустасно;

белгиланган тартибда киритиладиган рента тўловларининг суммаси;

ижара ҳақи (лизинг тўлови);

асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари;

чет эллик юридик ва жисмоний шаҳсларнинг моддий харажатлари ва кўрсатган хизматлари қиймати;

мажбурий суғурта тўловлари бўйича ўтказиладиган, қонун ҳужжатларига мувофиқ иш ҳақи ҳисобланган суммалар;

маҳсулотни (хизматларни) сертификатлаш ишларига ҳақ тўлаш харажатлари суммалари;

қонун ҳужжатларига мувофиқ нормалар бўйича хизмат сафари харажатлари суммалари;

қонун ҳужжатларига мувофиқ нормалар бўйича вакиллик мақсадларидаги харажатлар суммалари;

қонун ҳужжатларига мувофиқ нормалар бўйича реклама харажатлари суммалари;

қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш учун харажатлар суммалари;

солиқ тўловчи балансидаги соғлиқни сақлаш объектлари, қариялар ва ногиронлар уйлари, мактабгача тарбия болалар муассасалари, болаларнинг дам олиш лагерлари, маданият ва спорт объектлари, халқ таълими муассасалари, уй-жой фондини сақлашга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасдиқланган нормативларга мувофиқ қилинадиган харажатлар суммалари, шунингдек солиқ тўловчилар санаб ўтилган муассасаларни сақлашда улуш қўшиб қатнашиб, ана шу мақсадлар учун қиладиган харажатларнинг суммалари;

қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган бошқа мажбурий тўловлар.

Ушбу моддaнинг биринчи қисмида назарда тутилган харажатлар ва мажбурий тўловлардан ташқари қуйидаги харажатлар ва ажратмалар ҳам жами даромаддан чегириб ташланиши лозим:

1) банклар бўйича:

кредит ресурслари учун тўловлар, операция харажатлари, пул маблағлар ва бойликларни ташиш ҳамда сақлаш харажатлари;

мижозларнинг ҳисобварақлари, шу жумладан жисмоний шахсларнинг омонатлари бўйича ҳисобланган ва тўланган фоизлар;

таваккалчилик операциялари бўйича заҳира ҳисобидан ўчирилган умидсиз ссуда суммалари;

2) суғурта ташкилотлари бўйича:

қайта суғурта шартномалари бўйича берилган тўлов суммалари;

амал қилиши ҳисобот йили охиригача тугамаган суғурта ва қайта суғурта шартномалари бўйича тўлов суммалари;

суғурта ва қайта суғурта мажбуриятлари бўйича амалга оширилган ва ҳисобланган тўлов суммалари;

ўтган йиллардаги суғурта ҳодисалари бўйича тугалланмаган тўлов суммалари, шу жумладан даъво муддати доирасидаги мажбуриятлар суммалари;

суғурта ҳолатининг рўй берганлиги ҳақида маълум қилинган, лекин зарар миқдори тақдим этилмаган шартномалар бўйича суғурта суммалари;

суғурта ташкилоти суғурта ҳодисалари рўй беришини бартараф этиш ва унинг олдини олишга доир тадбирларни (превентив тадбирларни) молиялашга сарфлайдиган маблағлар суммалари;

суғурта ташкилотларнинг заҳира фондлари бу ташкилотлар устав фондининг йигирма беш фоизига етгунига қадар суғурта ташкилотлари ўз даромадларининг йигирма фоизи миқдорида заҳира фондларига қиладиган ажратмалар.

Жами даромаддан чегириб ташланадиган харажатлар, мажбурий тўловлар, чиқимлар ва ажратмаларни аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Агар амалга оширилган харажат харажатларнинг бир неча тоифасига киритилган бўлса, у фақат бир марта жами даромаддан чегириб ташланиши мумкин.

Асосий воситалар сотиб олиш ва уларни монтаж қилишга, номоддий активлар сотиб олишга қилинган харажатлар, шунингдек бошқа капитал харажатлар амортизация тариқасида кейинги даврларда жами даромаддан чегириб ташланиши лозим.

7-боб. ДАРОМАД (ФОЙДА) СОЛИҒИ СТАВКАЛАРИ

30-модда. **Тўлов манбаида норезидентларнинг даромадларига (фойдасига) солинадиган солиқ ставкалари**

Норезидентнинг Ўзбекистон республикасидаги тўлов манбаидан олинган, доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган даромадига (фойдасига) манбада чегирмаларсиз қуйидаги ставкалар бўйича солиқ солинади:

Дивидендлар ва фоизлар	15 фоиз
Таваккалчиликларни суғурта қилишга ёки қайта суғурта қилишга тўланган суғурта мукофотлари	10 фоиз
Ўзбекистон Республикаси билан бошқа давлатлар ўртасида харакат қилишда халқаро алоқа учун телекоммуникациялар ёки транспорт хизматлари (фрахтдан даромадлар)	6 фоиз
Роялти, ижарадан олинган даромадлар, хизматлар кўрсатиш, шу жумладан бошқарув, маслаҳат хизматлари кўрсатишдан келадиган даромадлар ва бошқа даромадлар, даромад солиғи солинган даромадлар (фойда) бунга кирмайди	20 фоиз

10-боб. СОЛИҚНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ҚОИДАЛАРИ

38-модда. **Асосий воситалар лизинги**

Агар ижарага берувчи амортизация қилиниши керак бўлган асосий воситаларни лизинг шартномаси бўйича ижарага берса, бундай операция солиқ солиш мақсадида ижарачи томонидан мол-мулкни харид қилиш деб қаралмоғи лозим.

Амортизация қилиниши керак бўлган асосий воситаларнинг ижараси қуйидаги шартлардан бирига мувофиқ келса лизинг ҳисобланади:

– ижара муддати асосий воситалар хизмати муддатининг саксон фоизидан ортиқ бўлса;

– ижарачи асосий воситаларни қатъий белгиланган нархда ёки ижара тугаганидан сўнг белгиланадиган нархда сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлса;

– ижарага олинган асосий воситаларнинг ижара тугаганидан кейинги қолдиқ қиймати уларнинг ижара бошланишидаги қийматининг йигирма фоизидан кам бўлса;

– ижарага олинган бутун давр учун тўловларнинг жорий суммаси ижарага олинган воситалар қийматининг тўқсон фоизидан ортиқ бўлса.

Ушбу модда иккинчи қисмининг қоидалари лизинг шартномасини узайтириш ҳуқуқи амалга оширилиши мумкин бўлган даврга ҳам тадбиқ этилади.

28-боб. МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ СТАВКАЛАРИ ВА ИМТИЁЗЛАРИ

92-модда. **Юридик шаҳсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича имтиёзлар**

Юридик шаҳсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоблаб чиқарилаётганида солиқ солинадиган база қуйидагиларнинг қийматига камайтирилади:

солиқ тўловчининг балансида бўлган уй-жой-коммунал ва ижтимоий-маданий соҳа объектларининг;

табиатни муҳофаза қилиш, санитария-тозалаш мақсадида ва ёнғинга қарши хавфсизлик учун фойдаланиладиган объектларнинг;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва уларнинг селекцияси, балиқ етиштириш, овлаш ва уни қайта ишлаш учун фойдаланиладиган объектларнинг;

маҳсулот ўтказгичлар, алоқа йўллари (шу жумладан автомобиль йўллари), алоқа ва энергия узатиш линияларининг, шунингдек уларни фойдаланишга яроқли ҳолда сақлаб туриш мақсадида қурилган иншоотларнинг;

алоқа йўлдошларининг;

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра тўхтатиб қўйилган асосий ишлаб чиқариш фондларининг;

шаҳар йўловчилар транспортининг (таксидан, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари), шаҳар атрофидаги йўналишларда йўловчилар ташийдиган умумий фойдаланишдаги автомобиль

транспортининг (такси, шу жумладан йўналишли таксидан ташқари);

йўл хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг йўлларни таъмирлаш ва сақлаш ишларида банд бўлган транспорт воситаларининг;

давлат дастурлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари учун кадрлар тайёрлашда фойдаланиладиган транспорт воситаларининг;

солиқ тўловчининг балансида бўлган ҳамда тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилмаётган фуқаролик ҳимояси ва сафарбарлик аҳамиятига молик объектларнинг (Хат боши Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрь қонуни билан киритилган);

юридик шахсларнинг қуйидаги мол-мулкига солиқ солинмайди:

нотижорат ташкилотларнинг мол-мулкига, тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган мол-мулк бундан мустасно;

халқ таълими ва маданият муассасалари эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган мол-мулкка;

уй-жой-коммунал хўжалиги ва бошқа умумфуқаровий аҳамиятга молик шаҳар хўжалигининг мол-мулкига;

қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш, уларнинг селекцияси ва уларни сақлаш, балиқ етиштириш, овлаш ва уни қайта ишлаш соҳасидаги фаолиятнинг асосий турига;

устав фондида чет эл сармоясининг улуши камида беш юз минг АҚШ долларини ташкил этадиган юридик шахсларнинг мол-мулкига;

Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларида янги ташкил этилган, туризм фаолияти билан шуғулланаётган юридик шахсларнинг мол-мулкига, ташкил этилган вақтидан эътиборан дастлабки фойда олгунига қадар, лекин улар рўйхатдан ўтган вақтдан эътиборан уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга. Ана шу юридик шахслар белгиланган имтиёзли даврдан кейин бир йил ўтгунига қадар тугатилган тақдирда солиқ суммаси уларнинг бутун фаолияти даври учун тўлиқ миқдорда ундириб олинади;

Ишловчилари умумий сонининг камида эллик фоизини ногиронлар ташкил қилган юридик шахсларнинг мол-мулкига, савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланадиганлари бундан мустасно;

"Соғлом авлод учун" халқаро жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Қизил Ярим Ой жамияти, "Нуроний" жамғармаси

корхоналарининг мол-мулкига, бўшатиб олинаётган маблағлардан ўзларининг уставда белгиланган вазифаларини бажариш учун фойдаланиш шарти билан;

янги ташкил этилган юридик шахсларнинг мол-мулкига, рўйхатдан ўтган пайтида эътиборан икки йил мобайнида. Солиқ бўйича мазкур имтиёз тугатилаган (қайта ташкил этилган) корхоналар, уларнинг филиаллари ва таркибий бўлинмаларининг ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондлари негизида ташкил этилган корхоналарга, шунингдек корхоналар хузурида ташкил этилган юридик шахсларга нисбатан, башарти улар ана шу корхоналардан ижарага олинган асбоб-ускуналарда ишлаётган бўлсалар, қўлланилмайди.

Маҳаллий ҳокимият органлари мол-мулки ўз ҳудудида жойлашган солиқ тўловчиларга қўшимча имтиёзлар бериши мумкин.

9-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин:

VIII. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабр ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, №2, 56-модда; № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда):

1) 587-моддасининг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи (ижарага берувчи) бир тараф лизинг олувчи (ижара олувчи) иккинчи тарафнинг топшириғига биноан сотувчи учинчи тараф билан ундан лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олиш ҳақида келишиш мажбуриятини олади, лизинг олувчи эса бунинг учун лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини олади»;

2) 589-моддасининг учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лизинг берувчи лизинг объектини кимдан олаётган бўлса шу шахс сотувчи деб эътироф этилади»;

тўртинчи қисмидаги «ишлаб чиқарувчига», «ишлаб чиқарувчи» деган сўзлар тегишли келишикдаги «сотувчи» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) 590-моддасининг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лизинг тўлови лизинг берувчининг лизинг объектини сотиб олиш учун қилган харажатларининг хаммаси ёки кўп қисми, шунингдек, лизинг объектини етказиб бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бошқа харажатлари лизинг олувчи томонидан қопланиши ҳамда лизинг берувчининг даромадидан иборат бўлади»;

4) 595-моддаси:

биринчи қисмининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мол-мулк етказиб берилмаган, тўлиқ етказиб берилмаган, муддати кечиктириб етказиб берилган ёки унинг сифати тегишли даражада бўлмаган тақдирда, лизинг олувчи агар шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса»;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лизинг шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда лизинг олувчи илгари бўнак сифатида тўлаган пулларини, лизинг объектидан фойдаланишдан олган қийматини чегириб ташлаб, ўзига қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли»;

5) 597-моддасининг:

биринчи қисмидаги «фойдаланувчи» деган сўз «лизинг олувчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лизинг олувчи лизинг тўловлари тўлаш мажбуриятларини бажармаган тақдирда, лизинг берувчи ўзига тегишли керак бўлган тўловларни фоизи билан олиши мумкин»;

тўртинчи қисмидаги «мунтазам тўловларни» деган сўз «лизинг тўловларини» деган сўз билан алмаштирилсин.

IX. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5-сонларига илова, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 4-5, 74-модда, № 9, 165-модда):

1) **17-моддасининг иккинчи қисмининг олтинчи банди** «ижара» деган сўздан кейин «(лизинги)» деган сўз билан тўлдирилсин;

2) **19-моддасининг биринчи қисми:**

олтинчи хатбошидаги «(лизинг тўлови)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **ўн олтинчи-ўн саккизинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин;

«лизинг объектини сотиб олиш учун олинган кредитлар фоизлари ва бошқа белгиланган тўловлар суммаллари;

лизинг берувчининг лизинг шартномаси бўйича лизинг тўлови таркибида тўланадиган даромади;

қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасидаги ихтиёрий суғурта турлари бўйича харажатлар суммалари»;

ўн олтинчи хатбошиси тегишинча **ўн тўққизинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

3) **30-моддаси жадвалидаги тўртинчи хатбоши** «ижарадан» деган сўздан кейин «(лизингдан)» деган сўз билан тўлдирилсин;

4) **31-моддаси биринчи қисмининг 1, 10, 12, 20, 22-бандлари** чиқариб ташлансин;

5) **32-моддасининг иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;

6) **38-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Амортизация қилиниши керак бўлган асосий воситаларнинг ижараси бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб сотиб олганда ҳамда уни лизинг шартномасида белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчига берганда лизинг (молиявий ижара) деб ҳисобланади. Бунда ижара муддати ўн икки ойдан ортиқ бўлиши ва лизинг шартномаси қуйидаги шартлардан бирига мувофиқ бўлиши лозим:

лизинг шартномасининг муддати тугагач, асосий воситалар лизинг олувчининг мулки бўлиб ўтса;

ижара муддати асосий воситалар хизмат муддатининг саксон фоизидан ортиқ бўлса;

лизинг олувчи асосий воситаларни уларнинг бозор қийматидан паст нархда эвазини тўлаб сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлса, бунда ана шу ҳуқуқни амалга ошириш кунидаги асосий воситалар қиймати асос бўлади;

ижарага олинган асосий воситаларнинг ижара тугаганидан кейинги қолдиқ қиймати уларнинг ижара бошланишидаги қийматининг йигирма фоизидан кам бўлса

лизинг шартномасининг бутун даври учун лизинг тўловларининг жорий суммаси ижарага олинган воситалар қийматининг тўқсон фоизидан ортиқ бўлса»;

45) мол-мулкни лизингга берганлик учун лизинг тўловлари;

46) лизингга бериш учун Ўзбекистон республикаси ҳудудига олиб кирилаётган технология ускуналари ваколатли банкнинг тегишли тасдиғи бўлган тақдирда»;

7) 92-моддасининг:

биринчи қисми қуйидаги мазмундаги **хатбоши** билан тўлдирилсин:

«лизингга олинган мол-мулкнинг, лизинг шартномаси амал қилиш муддатига»;

иккинчи қисмининг олтинчи ва тўққизинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;

X. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган **"Бож тарифи тўғрисида"ги** Қонуннинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 228-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда) **33-моддаси** қуйидаги мазмундаги **хатбоши** билан тўлдирилсин:

"лизинг бериш учун Ўзбекистон республикаси ҳудудига олиб кирилаётган технология ускуналари, ваколатли банкнинг тегишли тасдиғи бўлган тақдирда».

XI. Ўзбекистон республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган **«Лизинг тўғрисида»** ги қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 108-модда):

1) **2-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лизинг (молиявий ижара) муносабатларини алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномаси шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб сотиб олади ва уни шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчига ўн икки ойдан ортиқ муддатга беради. Бунда лизинг шартномаси қуйидаги шартлардан бирига мувофиқ бўлиши керак:

лизинг шартномасининг муддати тугагач, лизинг объекти лизинг олувчининг мулки бўлиб ўтса;

лизинг шартномасининг муддати лизинг объекти хизмат муддатининг саксон фоизидан ортиқ бўлса ёки лизинг объектининг лизинг шартномаси тугаганидан кейинги қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматининг йигирма фоизидан кам бўлса;

лизинг шартномасининг муддати тугагач, лизинг олувчи лизинг объектини унинг бозор қийматидан паст нарх эвазига тўлаб сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлса, бунда ана шу ҳуқуқни амалга ошириш кунидаги лизинг объекти қиймати асос бўлади;

лизинг шартномаси амал қиладиган давр учун лизинг тўловларининг умумий суммаси лизинг объекти қийматининг тўқсон фоизидан ортиқ бўлса»;

2) **3-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер участкалари ва бошқа табиий объектлар, шунингдек, муомаладан чиқарилган ёки муомалада бўлиши чекланган бошқа мол-мулк лизинг объектлари бўлиши мумкин эмас»;

3) **4-моддасининг бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лизинг объекти лизинг олувчининг кредити (қарзи) ҳисобидан олинган тақдирда, аниқ лизинг объектига нисбатан лизинг берувчининг кредитори ва лизинг олувчи бир шахс тимсолида иш кўришига йўл қўйилмайди»;

1) 5-моддасининг:

номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5-модда. Лизинг шакллари»;

биринчи — учинчи қисмлари чиқариб ташлансин;

2) 7-моддасининг

биринчи қисмидаги «Молиявий» деган сўз чиқариб ташлансин;

иккинчи қисми чиқариб ташлансин.

3) **8-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лизинг фаолияти лизинг берувчи томонидан ўз маблағлари ва (ёки) жалб этилган маблағлар ҳисобидан лизинг объектининг сотиб олиниши ва уни лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчи берилиши борасидаги инвестиция фаолияти туридир»;

4) 9-моддасининг:

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лизинг шартномаси:

шартнома тарафларидан бирининг талабига кўра;

мол-мулк лизинг объекти ҳисобланиб у ҳақда тузиладиган битимлар қонунга мувофиқ нотариал тасдиқланиши талаб қилинадиган ҳолларда нотариал тасдиқланиши лозим»;

учинчи қисми қуйидаги мазмундаги **саккизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«сотувчи ва лизинг объектини танлаш учун масъул тарафнинг кўрсатилиши»:

тўртинчи қисми иккинчи хатбошисидаги «(молиявий лизингда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **11-моддасининг биринчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қонун ҳужжатларида ёки лизинг шартномасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда лизинг олувчидан лизинг объектини талаб қилиб олиш»:

6) 12-моддаси:

биринчи қисмининг бешинчи ва **олтинчи хатбошилари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«лизинг объекти етказиб берилмаган, тўлиқ етказиб берилмаган, етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган ёки сифати талаб даражасида бўлмаган лизинг объекти етказиб берилган тақдирда, агар шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, лизинг тўловлари тўлашни кечиктириш, етказиб бериладиган лизинг объектидан воз кечиш ва лизинг шартномасининг бекор қилиниши талаб этиш;

лизинг шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда, ўзи илгари аванс сифатида тўлаган тўловларини лизинг объектидан фойдаланишдан олинган фойданинг қийматини чегириб ташлаган ҳолда, қайтариб беришни талаб қилиш»;

иккинчи қисми «лизинг тўловлари қолдиғини» деган сўзлардан кейин «лизинг берувчининг қолган даврда оладиган даромадини чегириб ташлаган ҳолда» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

7) 15-модданинг:

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лизинг шартномасининг амал қилиш муддати тугагунга қадар барча лизинг тўловлари лизинг берувчининг лизинг шартномаси муддати тугагунга қадар қолган даврда оладиган даромади чегириб ташланган ҳолда тўланган тақдирда, агар лизинг шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи лизинг олувчига ўтиши мумкин»;

учинчи қисми чиқариб ташлансин;

8) **16-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лизинг олувчи лизинг берувчининг рухсати билан лизинг шартномаси бўйича ўз ҳуқуқларидан тўлиқ ёки қисман учинчи шахсар фойдасига воз кечиши мумкин»;

9) **21-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин;

«Лизинг берувчи лизинг олувчининг олдидан розилигини олмай туриб, лизинг объектидан гаров сифатида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас»;

10) **22-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин;

«Лизинг тўловлари лизинг берувчининг лизинг объектини олиш учун қилган харажатларининг ҳаммаси ёки кўп қисми, шунингдек, лизинг объектини етказиб бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уни яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлари лизинг олувчи томонидан қопланиши ҳамда лизинг берувчининг даромадидан иборат бўлади»;

11) **23-моддасининг номи ва матнидаги** «ундириш» деган сўз «талаб қилиб олиш» деган сўз билан алмаштирилсин;

12) **24-моддасининг:**

тўртинчи қисми чиқариб ташлансин;

бешинчи ва **олтинчи қисмлари** тегишлича **тўртинчи ва бешинчи қисмлари деб ҳисоблансин.**

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2002 йил 13 декабрь

МУНДАРИЖА

Кириш..... 3

1-БОБ. ЛИЗИНГ МУНОСАБАТЛАРИ ТАРИХИ ВА ИЛҒОР МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ

1-§. Лизингнинг келиб чиқиш тарихи..... 6
2-§. Америка Қўшма Штатларида лизинг бозори..... 9
3-§. Европада лизинг бозори..... 14
4-§. Россияда лизинг..... 17
5-§. Литвада лизингнинг ривожланиши..... 26
6-§. Осиё давлатларида лизинг..... 29

2-БОБ. ЛИЗИНГ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1-§. Иқтисодий адабиётларда «лизинг» атамасига қарашлар ва унга берилган таърифлар..... 31
2-§. Лизингнинг иқтисодий табиати..... 34
3-§. Лизингнинг иқтисодий моҳияти..... 38
4-§. Лизинг муносабатларининг келиб чиқиш асослари..... 42

3-БОБ. ЛИЗИНГНИНГ АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ, ФУНКЦИЯЛАРИ ВА АФЗАЛЛИКЛАРИ

1-§. Лизингнинг асосий белгилари ва функциялари..... 52
2-§. Лизингнинг кредит, ижара, ёллаш муносабатларидан туб фарқлари..... 56
3-§. Лизинг турлари ва таснифи..... 61
4-§. Лизингнинг лизинг иштирокчилари учун устунликлари... 68
5-§. Лизинг объектлари ва субъектлари..... 72

4-БОБ. ЛИЗИНГ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ

1-§. Лизинг муносабатларининг хусусиятлари..... 79
2-§. Лизинг муносабатларининг моҳияти ва мазмуни..... 81
3-§. Лизинг муносабатларининг зарурияти..... 84

4-§. Ўзбекистонда лизинг муносабатларини ривожлантириш ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини ташкил топиши..... 85

5-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ЛИЗИНГ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ

1-§. Ўзбекистонда лизингни институциявий ва функциявий ривожланиши..... 91
2-§. «Барака» универсал лизинг компанияси..... 92
3-§. «Ўзбек Лизинг Интернешнл» акциядорлик жамияти..... 100
4-§. «Ўзкейсагролизинг» қўшма корхонаси..... 104
5-§. «Ўзавиализинг» акциядорлик компанияси..... 106
6-§. Осиё-Европа траст компанияси (ОЕТК)..... 107
7-§. «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси..... 109
8-§. «Қурилишлизинг» компанияси..... 113

6-БОБ. ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА ЛИЗИНГ САМАРАСИНИ АНИҚЛАШ

1-§. Инвестиция лойиҳалари ва молиялаштириш манбаларини танлаш қарорларининг ўзаро боғлиқликлари..... 114
2-§. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда инвестицияларнинг самарадорлиги..... 119
3-§. Хорижий инвестициялар иштирокида молиялаштириладиган лойиҳалар хусусиятлари..... 123
4-§. Лизинг муносабатларининг молиявий самараси..... 124
5-§. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда лизингни татбиқ этиш масалалари..... 130

7-БОБ. ЛИЗИНГ ШАРТНОМАЛАРИНИ ТУЗИШ ВА ЛИЗИНГ ТЎЛОВЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ

1-§. Лизинг шартномаларини асослаш ва тузиш босқичлари.. 135
2-§. Лизинг фаолиятидаги рисклар..... 140
3-§. Ўзбекистонда лизингни ҳуқуқий тартибга солиш..... 142
4-§. Ўзбекистонда лизинг шартномасини тузиш хусусиятлари 149
5-§. Лизинг тўловларини амалга ошириш..... 151
6-§. Лизинг операцияларининг ташкилий жиҳатлари..... 154
7-§. Лизинг шартномасини бекор қилиш ва лизинг мулкини қайтариб олиш..... 155

8-БОБ. ЛИЗИНГНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ

1-§. Лизинг операцияларининг бухгалтерия ҳисоби тамойиллари. 158
2-§. Лизинг операциялари бухгалтерия ҳисобининг услубияти..... 162
3-§. Лизинг операцияларини лизинг олувчида ҳисобга олиш.. 172
4-§. Лизинг берувчида лизинг операцияларини ҳисобга олиш..... 177

5-§. Лизинг операцияларининг лизинг объекти сотувчисида ҳисоби. 180
6-§. Банкларда лизинг операциялари ҳисобини ташкил этиш. 182

9-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ЛИЗИНГ МУНОСАБАТЛАРИ ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ

1-§. Ўзбекистон республикасида лизинг муносабатлари ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш..... 185
2-§. Лизинг тўғрисидаги Ўзбекистон республикаси фуқаролик кодекси, ундаги қўшимча ва ўзгартишлар..... 189
3-§. Ўзбекистон республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги қонуни, Солиқ кодексидаги ўзгартишлар ва қўшимчалар... 197
4-§. Лизинг қонунчилигидаги сўнгги ўзгартишлар..... 202

10-БОБ. ХАЛҚАРО МОЛИЯ КОРПОРАЦИЯСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ФАОЛИЯТИ

1-§. Ўзбекистондаги Халқаро Молия Корпорациясининг лойиҳаси.. 204
2-§. Халқаро Молия Корпорациясининг Ўзбекистондаги фаолияти.... 207
3-§. Халқаро Молия Корпорацияси ва Европа Тикланиш ва Тараққиёт банкининг Ўзбекистондаги ўзаро ҳамкорлиги. 210

11-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЛИЗИНГНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

1-§. Ўзбекистонда лизингни ривожлантириш ва кенгайтириш зарурияти..... 213
2-§. Ўзбекистон лизинг компанияларининг лизинг операциялари. 219
3-§. Ўзбекистон республикаси тижорат банкларининг лизинг операциялари..... 223
4-§. Ўзбекистонда лизингни янада кенгайтириш масалалари.. 228
5-§. Жадаллаштирилган амортизацияни қўллаш масалалари..... 232

12-БОБ. КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА ЛИЗИНГ

1-§. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятида лизинг..... 236
2-§. Лизингни кичик бизнес корхоналари ва тадбиркорлар учун енгилликлари..... 239
3-§. Кичик бизнес ва ўрта тадбиркорлар фаолиятида молиявий лизинг имкониятлари..... 241
4-§. Ўзбекистонда лизинг хизматларини ривожлантириш истиқболлари..... 246
Лизинг: савол ва жавобларда..... 251
Адабиёт..... 260
Иловалар..... 269